**Кириш.** Бугунги кунда барча сохаларда бўлгани каби пахта тозалаш соҳасида ҳам бир қанча ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Пахта тозалаш корхоналарида ресурс-тежамкор технологияларни жорий этиб, тола сифатини дунё бозори талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулот олиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган [1]. Ушбу вазифани бажаришда, жумладан пахта тозалаш корхоналарида ўрнатилган тола тозалагич ускунасида толани самарали тозалаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Пахта толаси ҳар йили жаҳон бўйича олинадиган барча тўқимачилик толаларининг тахминан ярмини ташкил қилади. Пахта жинлаш машиналарида чигитидан ажратишиб толаси эса тола тозалагич ускуналарида тозаланади.

Тола тозалаш жараёни, пахтани қайта ишлаш технологик жараёнининг тугалловчи муҳим жараёнларидан бири бўлиб, толанинг сифати ушбу жараённинг самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Охириги йилларда пахта теримига машина теримини яна кириб келиши кўл меҳнатини камайишига, теримнинг самарадорлигини ошишига олиб келмоқда, лекин шу билан бирга терилган пахтанинг намлигини, ифлослигини ошишига сабаб бўлади бу эса ўз навбатида тола таркибидаги ифлослик ва нуқсонларни ошишига олиб келади. Тола

таркибидаги ифлослик ва нуқсонлар миқдорини камайтиришнинг йўлларида бири, бу тола тозалаш самарадорлигини оширишдир [2, 3].

Ҳозирги кунда пахтани дастлабки ишлаш технологиясида ишлаб турган пахта толасини тозалаш машиналарини такомиллаштириш орқали юқори сифатли тола чиқишини таъминлаш, сифатини яхшилаш, самарадорлик ва унумдорликни ошириш долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шуларни инобатга олган ҳолда, тола тозалаш ускунасини конструкцион таҳлил қилиш ва самарали конструкциясини ишлаб чиқишга зарурат туғилмоқда.

**Асосий қисм.** Пахта етиштириш ва унинг толасини жаҳон бозорида ўз ўрни мустаҳкам эгаллаб юқори нархларда сотилиши долзарб масала ҳисобланади. Дунё бозори талабларига мос келадиган, юқори сифатли тола ишлаб чиқариш пахтани қайта ишлаш соҳаси мутахассислари ва олимлари олдига мавжуд техника ва технологияни такомиллаштириш, энергия тежамкорлик каби муҳим вазифаларни қўймоқда.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида пахта толасини сифатли ишлаб чиқаришда асосий вазифалардан бирини тола тозалагич ускунаси бажаради. Илмий тадқиқотлардан маълумки тола тозалаш жараёнидан кейин толани тозалаш самарадорлигини пастлиги ҳисобланади. Бу эса тола тозалаш технологик машина ва жиҳозлари ишчи элементлари конструкцияларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Тола тозалаш машиналари толани ифлосликлардан тозалаш усулига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

- аэродинамик;
- механик;
- аэромеханик.

Қуйида тола тозалаш усуллари ва уларни амалга ошириш воситаларини кўриб чиқамиз.

Пахта толасини тозалашнинг аэродинамик усули. Аэродинамик тола тозалагичларда тола тозалаш жараёни ҳаво ҳаракати билан амалга оширилади. Бунда оғирроқ ҳар хил ифлос аралашмалар умумий тола массасидан ажралиб, махсус бункерга тушади. Толани аэродинамик усулда тозалаш тола оқими уни ташувчи ҳаво оқими билан бирга эгри чизиқли йўлдан ўтганда ҳосил бўладиган марказдан қочирма кучдан фойдаланишга асосланган. Бироқ, аэродинамик тола тозалагичларнинг тозалаш самарадорлиги юқори бўла олмайди, чунки марказдан қочирма кучлар толага ёпишган улук ва майда ифлосликларнигина ажрата олади. Бу усулда толани тозалаш самарадорлигининг кам бўлишининг асосий сабаби: улук билан майда ифлосликларнинг толага ёпишиш кучи  $0,98 \div 1,47$  Н гача этади. Тола тозалагичда ҳосил бўладиган марказдан қочирма куч кўпи билан  $0,09 \div 1,11$  Н ни ташкил этади. Бу эса тозалаш самарадорлигини камайтиради.

Механик тозалаш қурилмаларида асосий ишчи орган сифатида пичоқли барабан энг яхши титувчи ҳисобланади. Шунга кўра, бу барабанни тола массасини тез ва самарали титишда, яъни турли йирик ва майда ифлослик ҳамда аралашмалардан ажратишда қўлланилади. Механик тозалаш жараёнида тола сифатининг ёмонлашишига пичоқли барабан салбий таъсир кўрсатади. Пичоқли барабан толага зарбий урилиши натижасида толаларда синиш яъни ёрилиш ҳолатлари кузатилади. Бу эса кейинги толани қайта ишлаш ва йигириш жараёнида маҳсулот сифатига таъсир кўрсатади.

Тола тозалашнинг аэромеханик усули. Яъни тола тозалагич машиналарининг асосий иш органларига тола ҳаво ёрдамида етказилиб берилади ва ундан сўнг механик усулда колосник панжараларида уриш кучи ҳисобига ифлосликлардан тозаланади. Аэромеханик усулда аэродинамик ҳамда механик усулларнинг мавжудлиги толани тозалаш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Пахта тозалаш корхоналарида толани улук ва майда ифлосликлардан тозалашда аэромеханик усулдан фойдаланилади. Пахта тозалаш корхоналарида пахта толасининг амалдаги стандарти ЎзДСТ 604-2016 талабларига жавоб берадиган пахта толасини ишлаб чиқариш учун тозалаш жараёнида қўлланилади.

Бу усулда қўлланиладиган тола тозалагич ускуналари пахта тозалаш корхоналарида пахта толасини жинлашдан кейин қоладиган ифлосликлардан тозалаш кўп босқичли тола тозалагич 1ВП, бир босқичли 1ВПУ ва 3ОВПУ русумли тола тозалагичларда амалга оширилади.

Тола тозалаш қурулмалари толадан ифлосликни ажратишга йўналтирилган. Тола тозалагичнинг сифат кўрсаткичлари тозалаш самарадорлиги билан баҳоланади. Тола тозалаш жараёнида ифлосликлар билан бирга тола ҳам ажралиб чиқиши кузатилади. Барча тола тозалаш машиналарида тозалаш самарадорлиги ундан чиқаётган ифлосликлардаги толани камайтириш ҳар бир дастгохнинг асосий технологик кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 70 йилида Республикада кенг йўналишда пахтани машина ёрдамида териб олиш ишлари олиб борилган. Машина ёрдамида терилган пахтанинг ифлослик даражаси юқори бўлган. Пахтани тозалаш технологик тизимидаги ускуналар пахта таркибидан йирик ва асосан майда ифлосликларни керакли миқдорда ажрата олмаганлиги оқибатида аррали жинга берилаётган пахтанинг ифлослик даражаси юқори бўлиб, ўртача 2,0-2,5% ни ташкил этган. Жинланган толанинг ифлослиги ўртача 3,8-4,6 % бўлиб, ишлаб чиқаришда ишлатилаётган ОВП ва ОВП-У русумли бир барабанли тола тозалагичлар конструкцияси жихатидан ифлослиги юқори бўлган толани тозалашда тозалаш самарадорлиги паст бўлган [4]. Ишлаб чиқарилган тола эса истеъмолчининг сифатли толага бўлган талабини тўлиқ қондира олмаган. Тола сифатини яхшилаш мақсадида бир барабанли тола тозалагичлар ўрнига ишлаб чиқаришга уч барабанли тўғри оқимли 3ОВП русумли тола тозалагичлар жорий этилган.

Уч барабанли тола тозалагичларда машина ёрдамида териб олинган пахтанинг толасини тозалашда тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги ўртача 30-40 % ни ташкил этиб, ишлаб чиқарилган толанинг сифати ёмонлашган [5].

2001 йилга келиб, машина ёрдамида пахтани териб олишнинг кескин камайганлиги, пахтани қўл билан териш олиш кенг йўлга қўйилганлиги ва тола тозалагичларга сарфланаётган электр энергиясини тежаш мақсадида уч барабанли 3ОВП русумли тозалагичлар бир барабанли 1ВПУ русумли тўғри оқимли тозалагичларга алмаштирилди.

Ишлаб чиқаришда 1ВПУ тозалагичнинг ишлатилиши 3ОВП тозалагичга қараганда 11,0 кВт/соат электр энергияни ва қўшимча металл сарфини тежалишига олиб келди. Лекин пахта қўл билан терилса ҳам пахтанинг ифлослиги юқори бўлганлиги сабабли 1ВПУ тозалагичдаги бир дона аррали цилиндр ва унинг остига ўрнатилган 4 дона колосниклар толани тозалашда тола таркибидан йирик ва майда ифлосликларни керакли миқдорда ажрата олмаганлиги оқибатида тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги паст бўлиб, юқори навли пахтадан “Олий” синфга мансуб сифатли тола ишлаб чиқарилишида ўзига хос муаммоларни юзага келтирди [6].


Тўғри оқимли 5ВП ва 2ВПМ русумли тола тозалагич ишлаш услуги бўйича 1ВП ва 1ВПУ индивидуал тола тозалагичга ўхшайди ва 90 ёки 130 аррали жинлардан кейин ўрнатилади. Икки барабанли тола тозалагич бир барабанли тола тозалагичлар уланиш жойларини сақлаб қолган. Шунга қарамадан тозаланаётган тола сифати дунё бозори талабига тўлиқ жавоб бермайди.

Тозалаш жараёнининг самарадорлигини ошириш, қийин тозаланувчан селекцион навли ва машина ёрдамида терилаётган пахтадан ишлаб чиқарилаётган тола сифатини яхшилаш учун толани тозалаш технологик тизимга икки барабанли такомиллаштирилган ишчи қисмларга эга бўлган 5ВП ва 2ВПМ русумли тола тозалагичлар жорий этилмоқда. [7].

Машинада терилган пахтани тозалаш самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқариш корхоналарида ўрнатилган икки барабанли тола тозалагичларни 3 босқичда такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

**Биринчи босқич.** Машинада терилган пахтанинг тозалаш самарадорлигини тола ва ип сифатига таъсири ва уни тозалашнинг самарали техника - технологиясини яратиш мақсадида технологик жараёнларда ишлаб чиқаришга яроқли толалар йўқолишининг олдини

олиш ва чётка едирилиши даврини қисқартириш мақсадида махсус конструкцияли йўналтиргич конструкцияси ишлаб чиқилди ва 1-расмда келтирилди.




1-расм. Махсус конструкцияли йўналтирувчи мослама ва унинг конструкцион чизмаси.

### Иккинчи босқич.

Тола тозалагич 2ВПМ ускунасининг иккинчи аррали цилиндрнинг айланиш тезлиги биринчи аррали цилиндрга нисбатан 8-10% тезроқ айланишини таъминлаш учун шкивлар диаметри назарий ва амалий изланишлар асосида ўзгартирилди (2-расм).


Техник ҳужжатларга мувофиқ, “Пахтасаноат илмий маркази” ОАЖ таркибига кирувчи “РИМ устахонаси” МЧЖ да иккинчи аррали цилиндрнинг айланиш тезлиги биринчи аррали цилиндрга нисбатан 8-10% тезроқ айланишини таъминлаш учун шкивлар диаметри ўзгартирилиб ясалди ҳамда Жиззах вилояти “Зарбдор пахта тозалаш” АЖда ўрнатилган икки барабанли тола тозалагич ускунасига ўрнатилди. Ўрнатилган шкифларнинг умумий кўриниши 2-расмда келтирилган.



2-расм. Такомиллаштирилган махсус конструкцияли йўналтирувчи мосламанинг конструкцион чизмаси.

**Учинчи босқич.** Ускунадаги биринчи ва иккинчи аррали цилиндрлар шахмат шаклида жойлаштирилади. Шахмат тарзида жойлаштириш тозалаш самарадорлигининг оширилишига олиб келади.

Тола тозалаш ускунасини уч босқичда такомиллаштириш тозалаш жараёнининг самарадорлигини ошишига, қийин тозаланувчан селекцион навли ва машина ёрдамида терилган пахтадан ишлаб чиқарилаётган тола сифатини яхшиланишига олиб келади. Бундан келиб чиқиб толани тозалаш технологик тизимига икки барабанли такомиллаштирилган ишчи қисмларга эга бўлган 2ВПМ русумли тола тозалагичларни жорий этиш таклиф қилинмоқда.



3-расм Аррали цилиндрларининг ускунада шахмат тарзида жойлаштирилиш. 1-биринчи аррали цилиндр, 2-иккинчи аррали цилиндр.

### Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки машина ва қўлда терилган пахталардан олинган толани тозалаш учун пахта тозалаш корхоналарида ишлатиладиган бир барабанли, икки барабанли ва уч барабанли аэромеханик тола тозалагичларни конструкцион таҳлили асосида. Аррали цилиндрнинг тўғри тишига йўналтирадиган тола тозалагичнинг қабул қилиш бўғизини конструкциясини ўзгартириш асосида, иккинчи аррали цилиндрнинг айланиш



тезлигини биринчи аррали цилиндрга нисбатан кўпроқ айланишини таъминлаш ва иккита цилиндрни шахмат тартибига ўхшаб, қистирманинг ярмигача силжитиш асосида конструкцион ўзгартирилган такомиллаштирилган икки барабанли аэромеханик тола тозалагич ишлаб чиқиш керак. Бунинг учун тола тозалагични 3-босқичда такомиллаштириш асосида янги конструкцияли тола тозалагичларни жорий этиш толанинг бир-нечта сифат кўрсаткичларини яхшилаш билан биргаликда толаларни йўқолишини ҳам олди олинади.

**Адабиётлар**

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”.
- [2]. K.J.Jumaniyazov, I.Z.Abbazov, F.O.Egamberdiev. Paxtani mashinada terishning yigirishga ta'sirini o'rganish // “To'qimachilik iplarini chuqur qayta ishlashning inavatsion echimlari” Respublika miqyosidagi ilmiy-texnikaviy anjuman matriallari to'plami. Namangan 2019. –B.61-62
- [3]. K.J.Jumaniyazov, F.O.Egamberdiev, Э.Т.Мухаметшина. Влияние вида сбора хлопки на показатели качества хлопкового волокна // “Materily xvi miedzynarodowej naukowii-praktycznej konferencji strategiczne pytania swiatowej nauki - 2020 07 - 15 lutego 2020 Полша 2020. –B.96-99
- [4]. Ф.Б. Омоновнинг умумий таҳрири остида. Пахтани дастлабки ишлаш бўйича справочник. Тошкент, “Voriz nashriyot” MChJ, 2008 й., 416 б.
- [5]. Справочник по первичной обработке хлопка. Книга I, Ташкент – “Мехнат”- 1994 г., 574 с.
- [6]. Р.Ш. Сулаймонов, Б.Х. Маруфханов, У.Қ. Каримов. Муқобил тола тозалаш жараёнини барпо этадиган такомиллаштирилган конструкцияли тола тозалагични ишлаб чиқиш. Илмий ҳисобот “Paxtasanoat ilmiy markazi” AJ, Тошкент, 2016 й., 39 б.
- [7]. С.Усманов, Б.Т.Умарходжаев, А.Ахмадов ва бошқалар Пахтани дастлабки ишлаш бўйича қўлланма. “AVTO-NASHR” MChJ, 2019 й., 179.182 б.
- [8]. Патент FAP 2019 0274 Тола тозалагич. Усманкулов А.К., Эгамбердиев Ф.О., Жуманиязов К.Ж., Дониёров Б.Б., Аббазов И.З. 30.12.2019.

УДК 677.076

**БАЗАЛЬТ ТОЛАСИДАН ФУНКЦИОНАЛ МАҚСАДЛИ МАТО ВА МАҲСУЛОТЛАРНИ ЯРАТИШ**

Н.Н. Матчонова

*Жиззах политехника институти. Tel.:(+998 91 566-69-10)*

*E-mail: nargis\_83@inbox.ru*

*(Қабул қилинди 15.04.2022 й.)*

*Ушбу мақолада қўшимча қиймат яратишга йўналтирилган ноанъанавий материаллар, функционал мақсадли мато ва маҳсулотларни яратиши имкониятлари базальт хом ашёси билан боғлиқ ҳолда талқин этилган.*

*Базальт мато ва маҳсулотлар юқори мустаҳкамликга эга, ёнмайдиган ва оловбардош, +980 °C гача ўз яхлитлигини сақлайдиган, электромагнит нурланишга, намликка, коррозияга чидамли, кимёвий таъсирга барқарор ҳамда электроизоляция хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради. Мақола базальтдан фойдаланиш тадқиқига, маҳаллийлаштиришга ва қўшимча қиймат яратишга йўналтирилган инновацион композицион материаллар, функционал мақсадли маҳсулотларни яратиши истиқболларига бағишланган.*

**Калит сўзлар:** базальт, базальт толаси, ровинг, инур, ўралган арматурали ровинг, трикотаж, энг, композит.

*В данной статье интерпретируются возможности создания нетрадиционных материалов, тканей функционального назначения и изделий, направленных на создание добавленной стоимости, применительно к базальтовому сырью.*

*Базальтовые ткани и изделия отличаются высокой прочностью, негорючестью и горючестью, сохраняют целостность до +980 °C, устойчивы к электромагнитному излучению, влаге, коррозии,*

химической стойкости и электроизоляционным свойствам. Статья посвящена исследованию использования базальта, локализации и созданию инновационных материалов с добавленной стоимостью, перспективам создания функциональных продуктов.

**Ключевые слова:** базальт, базальтовое волокно, ровинг, шнур, крученый армированный ровинг, трикотаж, рукав, композит.

*There are described the possibilities of creating unconventional materials, targeted functional paintings, and value-added products through the use of basalt raw materials in this article.*

*Basalt fabrics and products have high strength, non-flammable and flammable, maintain their integrity up to +980°C, are resistant to electromagnetic radiation, moisture, corrosion, resistant to chemical influences (acidic, alkaline media and salts) and have electrical insulating properties. The article is devoted to the prospects for creating functionally oriented products, innovative composite materials aimed at localizing and creating additional value and research on the use of basalt.*

**Keywords:** basalt, basalt fiber, roving, cord, twisted reinforced roving, knitwear, sleeve, composite.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Шиша тола, шиша толали буюмлар, композит материаллар, энергия тежамкор иситиш асбоб-ускуналари ва энергия тежашнинг замонавий тизимларини ишлаб чиқишни ташкил этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4277-сон [1], 2019 йил 20 февралдаги “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4198-сон [2] қарорларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, маҳаллий хом-ашё ва иккиламчи ресурслар асосида замонавий қурилиш материаллари турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилган.

Мамлакатда олиб борилаётган кўламли ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида муҳтарам Президентимиз 2020 йил 31 январь куни илм-фанни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилиши ҳамда геология соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларига ташрифида математика, кимё, биология ва геология соҳаларида илм-фанни ривожлантириш, олимларнинг соҳа вазирликлари, ишлаб чиқариш ва хўжалик бирлашмалари, таълим муассасалари билан ҳамкорлигини янги сифат босқичига олиб чиқиш вазифаларини кун тартибига қўйган.

**Адабиётлар таҳлили.** Жаҳонда дастлаб базальт тошларидан бетон фундаментлар тўлдирувчиси, поезд йўлларининг тўшамаларини шакллантиришда фойдаланилган бўлса, кейинчалик узлуксиз базальт толалари олинган, улардан эса специфик хусусиятга эга мустаҳкам иплар, тўқима мато, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда улар билан мустаҳкамланган композитлар самолётсозлик, кемасозлик ва бошқа соҳаларга жадал кириб борган.

XXI асрнинг бошларида Россия, Австрия, Хитой, Украинада бир қатор янги корхоналар пайдо бўлиши билан базальт толасини олиш ва ундан фойдаланиш янада мукамаллаштирилган [3].

Бугунги кунда базальт толаси композитлар бозорида жуда катта қизиқиш касб этмоқда, мутахассислар унга ноёб хусусиятлар комбинациясига эга истикболли материаллардан бири сифатида қарайдилар. Базальт толаси механик хусусиятларига кўра устунликка эга, арзонлиги жиҳатидан шиша тола ва углерод толалари ўртасида оралик позицияни эгаллайди. Узлуксиз базальт толасини саноат миқёсида ишлаб чиқариш тадқиқотлари бир вақтда, яъни 60-йилларда АҚШ ва СССРда бошланган. Дастлаб, асосий мақсад ракета ишлаб чиқариш учун лозим бўлган юқори сифатли базальт толасини олиш бўлган.

70-йилларда мутахассислар бу фикрдан воз кечганлар ва ундан махсус юқори модулли кўзойнақлар ишлаб чиқаришда фойдаланишга эътибор қаратганлар ҳамда С2-шиша яратилган [4].

60-йилларда бошланган базальт толасини олиш тадқиқотлари 90-йиллари охиригача асосан Собик Иттифоқнинг Украина Республикасида амалга оширилган. Ҳарбий соҳа билан боғлиқ бу тадқиқотлар амалиёти Грузия ва Қозоғистондаги корхоналардаги фаолиятнинг 1991 йилда молиялаштириши тўхтатилишигача давом этган. Мавжуд билимлар,

технологиялар ва инвестициялар даражаси билан таққослаганда бир вақтнинг ўзида арзон ҳам юқори даражада механик хусусиятларга эга бўлган базальт толани олишнинг иложи бўлмаган. Бундан ташқари, базальт толасини ишлаб чиқариш таннархида энергия ва меҳнат харажатлари катта улушга эга экани маълум бўлган, бу эса технологик муаммоларга қўшимча равишда қимматбаҳо табиий газ, электр энергияси ва ишчи кучи юқори бўлган минтақаларда ушбу толани олишни самарасиз қилиб қўйган.

2000 йилда янги технологиялар асосида узлуксиз базальт тола олишга ихтисослашга йирик корхона фаолияти йўлга қўйилган ва унинг барча маҳсулотлари “ТОУОТА” машинасозлик компаниясига йўналтирилган. Собиқ Иттифоқ мутахассисларининг жалб этилиши билан базальт тола олиш билан боғлиқ жараёнлар Хитойда жуда кенг ривожлантирилган [5].

Ҳозирда базальт толасини олишнинг бир қатор техник шартлари мавжуд, одатда толанинг технологик кўрсаткичлари ва хусусиятлари якуний олинадиган маҳсулот техник талабларига, яъни толали иссиқлик сақловчи холстлар, улардан олинадиган сенвич панеллар, қўп бурамли мустаҳкамланган иплар, махсус мустаҳкамловчи тўқималар ёки тўрсимон сеткалар (қурилиш, автомобил саноати ва х.к.), арматура, иссиқлик изоляцион шнур (“шнурооплеточный” машинада жуда ингичка толалардан иборат ровингни бурамли базальт иплар билан ўриб қопланиши билан олинган) кабиларга мослаб ишлаб чиқарилади [6]. Бунда базальт толаси (микрон) ва ровинг чизикли зичлиги (текс)га, уларга махсус сирт фаол моддалар (замасливатель) билан ишлов беришга, бурамли иплар олишда эса бурам коэффиценти, йўналиши(S ва Z) ҳамда ундаги комплек иплар сонига аҳамият қаратилади.

Д.Д.Джигирис, М.Ф.Маховалар базальт толаси ишлаб чиқариш билан бир қаторда улардан амалиётда фойдаланишга оид илмий-тадқиқотларни олиб борганлар [7]. фосфорли компонентлар асосидаги концентрацион ораликлар силикатли тизимларидаги қийин эрийдиган эвтектиклар ҳосил бўлишининг фундаментал қонуниятларини ўрганиб, улардан тола олиш технологиясини тадқиқ этган .

Ф.М.Розанов ва Л.А.Черникиналарнинг [8] илмий ишларида базальт тўқима тузилишининг мураккаб кўрсаткичлари асос ва арқоқнинг тўлдирилиш нисбати, бу омил тўқиш турини, тасаввурлар шаклининг ўзгаришини ва матодаги ипларнинг ўлчамларини, шунингдек структуранинг босқичи тартибини ҳисобга олади. Улар билан тўлдириш коэффиценти тўқималарни ҳақиқий тўлдиришнинг максимал даражага нисбати сифатида аниқланади.

А.А.Курбанов базальт тоғ жинсларининг таркибий параметрларини ўрганиб, улардан олинган толадан фильтр материаллар ишлаб чиқаришни тавсия қилган [8].

Илмий адабиётлар таҳлили кўрсатишича мустаҳкамланган базальт ипларидан олинган бир йўналишли (однонаправленная), икки йўналишли (биаксальная), уч йўналишли (триаксальная) ёки мультиаксальная тўқималар ҳам мавжуд. Махсус мақсадларда ишлатиладиган юқоридаги тўқималар бир неча соҳалар мутахассисларининг ўзаро ҳамкорлиги натижаси бўлиб турли ноанавий (спорт буюмлари, автомобил ва мотоциклларнинг айрим деталлари, қайиқ ва катерлар корпуси, мураккаб профилга эга деталлар, турли қурилиш панеллари, иссиқлик, товуш изоляцион ва ёнмайдиган буюмлар, қурилиш конструкциялари, шамол электрогенераторлари қанотлари) каби нисбатан арзон инновацион маҳсулотлар олинишига имкон яратган. Шу билан бирга адабиётларда аксарият ҳолларда базальт толаси ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам экологик талабларнинг бузилиши кузатилиши ва корхона атроф муҳитни ифлосланиш манбаига айлантириши мумкинлиги ҳам [7,10] келтирилган ҳолатлар йўқ эмас. Шунинг учун базальт толаси ва ундан тайёрланган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш билан бир қаторда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ҳам бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Бугунги кунда базальт толасининг мақсадли ишлатилишига қараб турли хил сирт фаол моддалардан фойдаланилади. Тўқимачиликда ишлатиладиган сирт фаол моддалар ипларни ишқаланиш ва тўқимачилик (мато, геосетка, тикув материаллари)га қайта ишлаш жараёнида емирилишдан химоя қилади. Тўғридан-тўғри сирт фаол модда(аппрет)ларнинг

вазифаси шиша толали сиртни композицион материаллар ва шиша толали пластмассаларда полимерлар билан ёпишишини, яъни адгезиясини яхшилашдир. Толаларни тўғридан-тўғри сирт фаол моддалар ишлаб чиқариш жараёнида ёки термохимёвий тозалашдан кейин қайта ишлашда ишлаш мумкин.

Сирти фаол моддалар кўйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:

-фильерадан чиққан индивидуал толаларнинг бир-бирига ёпишишини, яъни бирламчи якка ип ҳосил бўлишини таъминлаши, шу билан бирга ипларнинг бир-бирига ёпишишини олдини олиши;

-бирламчи якка ипларни ечиш ва бураш жараёнини осонлаштириши;

-бирламчи якка ипларни ишқаланиши ва тўқимачилик машиналарининг кўплаб ип йуналтирувчи органларидан ўтишида механик шикастланишдан сақлаши;

-статик электр зарядланишнинг олдини олиши;

-ипда диаметри ва унинг узунлиги бўйича тенг тақсимланган мустаҳкам, эластик ва ишқаланишга чидамли плёнка ҳосил қилиши.

Парафин, стеарин, вазелин, трансформатор мойлари, ОС-20 препарати, ДЦУ маҳкамлагичи ва сувни ўз ичига олган кўп компонентли сувга асосланган дисперсия бўлган “парафинли эмульсия”, тўқимачиликда энг кўп тарқалган сирти фаол моддалардан ҳисобланади.

Сирт фаол моддалар базальт толаларидан турли хил мустаҳкамловчи материалларни олиш учун мўлжалланган ҳар хил таркибли комплекс ипларни ишлаб чиқаришда қўлланилади. Сирт фаол моддаларни тайёрлаш жараёнида асосий хавфли ва зарарли омиллар бу физикавий (ток уриши) ва кимёвий (концентрация меъёри таъминланмаганда тери орқали захарланиш) омиллардир.

К.Л.Кузьмин, Д.Е.Зимин, С.И.Гутников, Б.И.Лазорьяк, А.Н.Селезнев каби қатор олимларнинг илмий изланишлари базальтдан толали маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган сирт фаол моддалар (замасливателлар)га бағишланган.

**Тадқиқот методологияси.** Мамлакатимизда Тошкент вилояти Бекобот шаҳридаги “Ўзметкомбинат” АЖ (7-8 минг тонна), Жиззах вилояти Фориш туманидаги “Mega Invest Industrial” МЧЖ ҚК (1-1,5 минг тонна) ва Тошкент шаҳридаги “Электроизолит” МЧЖ корхонаси (0,2-0,25 минг тонна) ўз фаолиятини базальт билан боғлаган.

“Mega Invest Industrial” МЧЖ ҚКсида базальт толасидан арматура, сетка, геосетка, геотекстиль, ровинг, тола каби маҳсулотлар ассортиментлари ишлаб чиқарилмоқда.

2020 йилнинг декабрь ойида “Геобазальт” МЧЖ ташкил этилган. Мазкур корхонада базальт толаси(600, 1200, 2400 текс)дан коррозия бардошли, мустаҳкам геосетка ишлаб чиқарилади. Янги геосетка металл сеткадан фаркли тарзда коррозияга бардошлилиги ва куруқ жой талаб этмайди, юзада текис ётади, ишлатилишда жароҳатга хавфсиз, қурилиш қайчиси билан онсон кесилади, ишқорий бетон мустаҳкамлигини йўқотмайди, кам иссиқлик ўтказиши, махсус эритмалар ишлатилганда юқори адгезия таъминланади ҳамда блоklarнинг катламларини алоҳида алоҳида кўндаланг кучайтириш имконини беради [8].

Республикамиздаги ишлаб чиқаришнинг ривожини, аҳоли турмуш тарзининг юксалиши соҳалараро муносабатларнинг тезкор ривожланишига туртки бўлмоқда. Ҳар қанда функционал мақсадли мато ёки маҳсулотнинг ўзига хослигини белгиловчи асосий омил бу хом ашё туридир. Масалан, жаҳон амалиётида юқори модулли иплардан фойдаланиб, техник текстиль ассортиментини кенгайтиришга эришилган.

Мамлакатимизнинг юқоридаги корхоналарида базальт тошдан базальт толаси, фибра тола, иссиқлик сақлаш хусусияти юқори плиталар, композит арматура, композицион тўрлар каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Бироқ ушбу хом ашё туридан тўқимачилик ва композицион материаллар ишлаб чиқариш йўналишида фойдаланиш борасида назарий ва амалий изланишларни кучайтириш бугунги кун талабидир.

Узлуксиз базальт толаларини олиниши ва ишлатилиши билан боғлиқ тасниф (классификация)ни яратиш ҳамда унинг йўналишларига қараб базальт толларини соҳада

ишлаб чиқиш ва соҳалараро ҳамкорликда нафақат тўқима, балки янги донабай ўрилган маҳсулот турларини ҳам яратиш, мавжуд технологияларни такомиллаштириш мақсадлидир.

**Таҳлил натижалари.** Жаҳон тажрибасига назар солсак [5], биринчидан, базальт кимёвий таркиби аксарият ҳолларда:  $\text{SiO}_2$  – 45-60%,  $\text{Al}_2\text{O}_3$  – 12-19%,  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  ва  $\text{FeO}$  – 5-15%,  $\text{CaO}$  – 6-12%,  $\text{MgO}$  – 3-7%,  $\text{TiO}_2$  – 0,9-2%,  $\text{Na}_2\text{O}$  ва  $\text{K}_2\text{O}$  – 2,5-6% ҳамда бошқа аралашмалар – 2-3,5%. У шишадан кўра тола олинишга янада тайёр табиий хом ашё ҳисобланади.



1-расм. Базальт тошлари



2-расм. Узлуксиз базальт толаларини олиниши.

Иккинчидан, базальт толасининг мустаҳкамлиги шу каби бошқа толларниқидан бир неча баравар ортиқ, яъни элементар толалари диаметрининг мавжуд ўлчамларига мос тарзда: 5,0 мкм – 215 кг/мм<sup>2</sup>; 6,0 мкм – 210 кг/мм<sup>2</sup>; 8,0 мкм – 208 кг/мм<sup>2</sup>; 9,0 мкм – 214 кг/мм<sup>2</sup>; 11,0 мкм – 205 кг/мм<sup>2</sup>.

Учинчидан, базальт мато ва маҳсулотлар юқори мустаҳкамликга эга, ёнмайди ва оловбардош, +980 °C гача ўз яхлитлигини сақлайди, электромагнит нурланишга, намликка, коррозияга чидамли, кимёвий (кислотали, ишқорий муҳит ва тузлар) таъсирга барқарор ҳамда электроизоляция хусусиятга эгадир. Шиша ипидан олинган мато ва маҳсулотларга нисбатан уларнинг узилиш мустаҳкамлиги кўрсаткичи 25% ортиқ, ишчи ҳолат температура диапазони –260 °C дан +820 °C гача (максимум +980 °C).

ValFat серияли базальт толали матолар, базал толадан тайёрланган бўлиб, улар махсус усулда тўқув дастгоҳида тўқилади. Тўқув усулига кўра, уларни оддий матолар, диагонал тўқув матолари, атлас тўқув матолари ва бир йўналишли матолар деб таснифлаш мумкин.

Базальт толаси тўқималари мис фолга, ламинат, оловга бардошли материаллар ишлаб чиқаришда, қурилиш конструкциялари ва кўприк конструкцияларини мустаҳкамлашда, композит материаллар асоси сифатида спорт анжомлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади [4]. Қуйидаги жадвалда базальт тўқималарининг умумий хусусиятлари келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Базальт тўқималарининг умумий хусусиятлари

Код	Тўқима тури	Зичлик, г/м <sup>2</sup>	Ип диаметри, μм	Эни, мм	Қалинлиги, мм
БВП200	Plain, полотно	200	9	1000	0.18
БВП200	Plain, полотно	200	13	1000	0.19
БВП700	Plain, полотно	700	13	1000	0.53
БВП900	Plain, полотно	900	13	1000	0.82
БВТ350	Twill, саржа	350	13	1000	0.25
БВТ750	Twill, саржа	750	13	1000	0.75
БВУ200	УД/бир томонга йуналган	200	9	1000	0.11
БВУ300	УД/бир томонга йуналган	300	13	1000	0.16
БВУ400	УД/бир томонга йуналган	400	13	1000	0.18

Юқорида келтирганимиздек хом ашё тури, унинг хусусиятлари якуний мато ва маҳсулотнинг ҳам специфик хусусиятларини белгилайди. Лекин маълум бир мақсадга йўналтирилган мато ёки тайёр маҳсулотни олишда нотўқима, тўқима ёки трикотажнинг тузилиши билан боғлиқ жиҳатларнинг ҳар бири шу соҳа мутахассисининг ҳамкорликдаги илмий ёндашувини талаб этади.



3-расм. Базальт матоси.



4-расм. Базальт толаси.

“Mega Invest Industrial” МЧЖ ҚҚ корхонасида экспериментал намуна сифатида ишлаб чиқарилган чизиқли зичлиги 85 текс бўлган махсус сирт фаол

модда билан ишлов берилган базальт ипдан “Soosan 604” русумли бир игнадонли пайпоқ автоматда ўрилган енг намунаси олинди [10].

**Хулоса ва таклифлар.** Янгиланишлар, соҳа ва соҳалараро билимларни талаб этувчи кластер ривожланиш тизими шароити, жаҳон тажрибасини атрофлича ўрганиш, базальт толасини олиш, функционал мақсадли мато ва маҳсулотларни яратиш, ёндош соҳалар мутахассисларининг ҳамжиҳатлигида улардан функционал композит материалларни ишлаб чиқариш ҳамда мақсадли фойдаланишга йўналтиришни талаб этади. Самарали инновацион ҳамкорлик, илмий инфорацион базалар маълумотларини чуқур тадқиқи ва таҳлили маҳаллийлаштиришни, инновацион жараёнларни тезлаштиради ҳамда иқтисодий юксалишни таъминлайди.

### Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Шиша тола, шиша толали буюмлар, композит материаллар, энергия тежамкор иситиш асбоб-ускуналари ва энергия тежашнинг замонавий тизимларини ишлаб чиқишни ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4277-сон қарори.
- [2]. 2019 йил 20 февралдаги “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4198-сон қарори.
- [3]. <https://basalt.today/ru/technologies/>
- [4]. К.С.Макаревич. Исследование, разработка и получение базальтовых волокон из магматических пород: на примере базальтов Дальнего Востока. Автореф. дисс... канд. техн. наук. Хабаровск-2006 г. -8 стр.
- [5]. [http://ru.firesleeve-china.com/about-us\\_d14](http://ru.firesleeve-china.com/about-us_d14).
- [6]. <https://basfiber.com/ru/products/basalt-rope>
- [7]. Д.Д.Джигирис. Основы производства базальтовых волокон и изделий / Д.Д.Джигирис, М.Ф.Махова - М.: Теплоэнергетик, 2002.-416 с.
- [8]. Matchonova N., Rakhimov F. Basalt Fiber and Capabilities for Creating Added Product //Solid State Technology. – 2020. – Т. 63. – №. 5. – С. 5013-5018.
- [9]. Матчанова Н. Н. Результаты исследования свойств базальтовых волокон и их структуры //Advances in Science and Technology. – 2019. – С. 125-127.
- [10]. В.П.Шевченко. Разработка технологии производства базальтового волокна на основе минерального сырья Республики Узбекистан. Дисс... канд. техн. наук. Ташкент-2012 год.

## ASBOBSOZLIK PO’LATLARIDAN TAYYORLANGAN KESUVCHI ASBOBLARNING YEYILISH DARAJASINI VIBROAKUSTIK SIGNAL ORQALI TAHLIL QILISH

М.А. Mirzayev

Farg’ona politexnika instituti, [murodilmirzayev786@gmail.com](mailto:murodilmirzayev786@gmail.com)  
(Qabul qilindi 18.04.2022 y.)

*Metallga ishlov berishni kompleks avtomatlashtirish ko’plab zamonaviy uskunalardan foydalanishni talab qiladi, masalan: RDB (dastgoh) mashinalari, ko’p maqsadli mashinalar, robotlashtirilgan texnologik*

ularning komplekslari va boshqalar. Ushbu uskuna asosida avtomatlashtirilgan ishlab chiqarish quvvatlarini yaratish va kelajakda kompyuter tomonidan boshqariladigan avtomatik zavodlar optimallashtirish, nazorat qilish va boshqarish maqsadida ishlov berish jarayoni faol texnologik diagnostika vazifasini qo'yadi.

**Kalit so'zlar:** vibroakustik signallar(vas), keskichning oldingi va orqangi yuzalari yeyilishi, deformatsiya, ishlab chiqarish.

Комплексная автоматизация металлообработки требует использования многих современных станков, например: станков РДБ, многоцелевых станков, роботизированных технологических комплексов и т. д. Создание автоматизированных производств на базе этого оборудования и технологического процесса с целью оптимизации, контроля и управления автоматическими установками, управляемыми компьютерами, в будущем станет задачей активной технологической диагностики.

Ключевые слова: Виброакустические сигналы (ВАС), истирание передней и органичной поверхностей реза, деформация, постановка.

*Complex automation of metalworking requires the use of many modern equipment. For example: RDB (machine tools), multi-purpose machines, robotic technology and their complexes, etc. The creation of automated production facilities based on this equipment and the process of optimization, control and management of computer-controlled automatic plants in the future will be an active technological diagnostic task.*

**Keywords.** *Vibroacoustic signals (vas), abrasion of the anterior and organ surfaces of the cutter, deformation, production.*

Kesuvchi asboblarning ishchi qismini tayorlash uchun, uglerodli, legirlangan va tezkesar asbobsozlik po'latlari, metallokeramik qattiq qotishmalar, meneralkeramik materiallar, olmoslar qo'llaniladi.

Mashinasozlik umumiy maxsulotining 75-80 % seriyali va mayda seriyali ishlab chiqarishda ishlab chiqariladi, bu ishlab chiqarishlar yordamchi operatsiyalar bajarishga ko'p vaqtning sarflanishi bilan xarakterlanadi. Ma'lumki, mashinasozlikda texnologik operatsiyalarni bajarishda umumiy vaqt me'yoring 20-30 % ni asosiy vaqt tashkil etsa, yordamchi vaqt umumiy vaqtning 70-80 % ini tashkil etadi. Yordamchi vaqt sarfini qisqartirishning asosiy yo'nalishi ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirish xisoblanadi. Biroq mayda seriyali ishlab chiqarishda yuqori unumdorli dastgohlarni qo'llab, an'anaviy avtomatlashtirishning (revolverli, agregatli, bir shpindelli va ko'p shpindelli avtomatlar va avtomatik liniyalar) amaliy jixatdan imkoni yo'q, chunki bu dastgoxlarning tannarxi juda xam yuqori, va dastgoxlarni dastlabki sozlashning ish xajmi juda katta. Mayda seriyali va seriyali ishlab chiqarishlarda zagotovkalarga mexanik ishlov berish jarayonlarini avtomatlashtirishning asosiy yo'nalishlaridan biri raqamli dastur bilan boshqariladigan (RDB) dastgoxlarini qo'llash xisoblanadi. Albatta RDB dastgoxlardan foydalanishda kesish zonasidagi bo'layotgan xodisalarni nazorat qilish va ular asosida jarayonni tashxislash juda katta ahamiyatga ega. Shuning uchun kesish jarayonida xosil bo'luvchi vibroakustik va elektromagnit signallarni xosil bo'lish jarayonini taxlil qilamiz.[1]


Metallga ishlov berishni kompleks avtomatlashtirish ko'plab zamonaviy uskunalaridan foydalanishni talab qiladi. misol uchun: RDB (dastgoh) mashinalari, ko'p maqsadli mashinalar, robotlashtirilgan texnologik ularning komplekslari va boshqalar. Ushbu uskuna asosida avtomatlashtirilgan ishlab chiqarish quvvatlarini yaratish va kelajakda kompyuter tomonidan boshqariladigan avtomatik zavodlar optimallashtirish, nazorat qilish va boshqarish maqsadida ishlov berish jarayoni faol texnologik diagnostika vazifasini qo'yadi. Shuning uchun qayta ishlash jarayonini ilg'or va istiqbolli texnologik diagnostika qilish uchun ishonchli apparatni zamonaviy uskunalarini yaratish muommasi o'rganilib borilmoqda. Ko'rinib turibdiki, diagnostika samaradorligi to'liq ishlatilgan parametrlarning axborot tarkibi, ularni qayta ishlash sharoitlariga bog'liqligi bilan belgilanadi.[2]

Asbobsozlik materiallariga qo'yiladigan talablarga quydagilar kiradi:

- yeyilishga chidamliligi;
- issiqbardoshliligi;
- mustahamliligi;

- qovushqoqliligi;
- mehaniq ishlov beruvchanligi.

Yeyilishga chidamlilik va issiqa bardoshliligi kabi hususiyatlar materialning issiqlik o'tkazuvchanlik qobilyati bilan aniqlanadi.



1-rasm. 1-rezba ochuvchi keskich, 2-o'tuvchi keskich, 3-kesib tashlovchi keskich, 4-chap tomonlama keskich, 5-burchak xosil qiluvchi keskich, 6-maxkamlovchi plastinkali keskich.

Kesuvchi asboblar tayyorlanadigan materiallarga qo'yilayotgan talablar kesuvchi asbobning ishlash sharoitiga, uning konstruksiyasiga va kesilayotgan qatlamlariga bog'liq bo'ladi. Kesuvchi asbobning kesuvchi qismini sezirarli deformatsiya saqlash uchun kesuvchi asbob materialining qattiqligi, ishlov berilayotgan material

qattiqligidan yuqori darajada qattiq bo'lishi kerak. Shuning uchun kesuvchi asbob tayyorlanadigan materialga ko'yiladigan talablar birinchisi yuqori qattqlik hisoblanadi. Ikkinchi talab esa yeyilishga chidamlilik hisoblanadi.[3]

Issiqbardoshlik material qattiqligini qizishdan so'ng pasayishi bilan bog'liq holda tavsiflanadi. Yeyilishga chidamlilik kesuvchi asbobning ma'lum mehanik ishlov berish davrida o'z shakli va o'lchamlarini saqlab qolishi bilan tavsiflanadi.

Jadvalda issiqlikka bardoshlik harorati va bir qator asbobsozlik po'latlarinig markalari berilgan.

1-jadval

Po'lat markasi	U12	9X	R9, R6M3	R18, R6MM5	R18K10	R9K10	R18K20
Issiqbardoshlilik, °C	275	325	620	620	670	670	700

Sanab o'tilgan sifatlardan tashqari asbobsozlik materiallari tehnologik bo'lishi kerak, yani mehanik ishlovchanligi yaxshi bovlishi kerak. Toblanuvchanlik, uglerodlanishga moyillik, sovuq va issiq holatdagi plastik, tig'li va abraziv kesuvchi asboblar bilan ishlov berish imkoniyati va boshqalar tehnologik muhim ko'rsatkich hisoblanadi.

Tokarlik operattsiyalarida ish unumdorligi oshirish ko'proq darajada kesish sharoitlarini to'g'ri tanlashga bog'lik, bu esa ishlab chikayotgan maxsulot sifatini yaxshilaydi va tan narhini kamaytiradi. So'ngi o'n yilliklarda olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, kesish jarayonida chiqadigan yuqori chastotali tebranishlar, akustik signallar kesish sharoitlarini to'g'ri tanlangan xolda, kesish sharoitlarida qo'llanilib kelinmoqda. Materialarga ishlov berishda kesuvchi asbob bilan hosil bo'ladigan akustik signali va uning strukturasi ovozli qayta tuzilishi natijasida yuzaga keladigan elastik kuchlanish to'lqinlari, materialning ishqalanishi, deformatsiyasi va ishlov berish paytida yuz beradigan fizik jarayonlar haqida ma'lumotni o'z ichiga oladi.

Ishlov berilayotgan material bilan o'zoro ta'sir natijasida kesuvchi asbobning kesuvchi qismining shakli va o'lchamlari o'zgaradi va uni o'tmaslanishga olib keladi. Kesuvchi asbobning o'tmaslanishi ishlov berish unumdorligini va aniqligini pasaytirib yuboradi, kesuvchi asbobni tayorlashga va qaytadan tiklashga ketgan harajatlar sarfini oshirib yuboradi. Bu esa ishlab chiqarilayotgan mahsulot tannarhiga keskin ta'sir ko'rsatadi.[4]

Kesuvchi asboblarinig o'tmaslanish sabablari quydagi hollarda sodir bo'ladi:

- a) ishqalanish ta'sirida yeyilish;
- b) asbobsozlik materialining plastik deformatsiyalanishi;



c) maydalanish mo'rt parchalanish natijasida.

Kesuvchi asbobning o'tmaslanishida ishqalanish ta'siridagi yeyilish asosiy o'rinni egallaydi.

Asbobsozlik

po'latlaridan tayorlangan asboblardan kesib ishlashda kesuvchi qirraning maydalanishi jud kamdan-kam kuzatiladi. Qattiq qotishmali va mineralokeramik keskichlarning o'tmaslanishi maydalanish (parchalanish) hodisalari sabab sodir bo'ladi. Kesuvchi qirralarning maydalanish sababi bo'lib ko'proq dastgoh-kesuvchi asbob-detallarning titrashlari natijasida urinish yuklanishlar hisoblanadi.




2-rasm.

Yeyilish kesuvchi

asbobning oldingi va ketingi yuzasi bo'yicha sodir bo'lishi mumkin. Yeyilishning bu shakllari bir-biri bilan bog'liq bo'ladi lekin aksariyat hollarda ulardan biri ustunroq bo'ladi. Oldingi yuzaga bo'yicha yeyilishda, asosiy kesuvchi qirra bo'ylab undan bir muncha masofada ariqcha yoki chuqurcha hosil bo'ladi. Ketingi yuzaga bo'yicha yeyilishda esa, bevosita asosiy va yordamchi kesuvchi qirralar ostida joylashgan yuzalar bo'yicha siyqalangan maydoncha yoki yeyilish faskasi hosil bo'ladi [5].

Oldingi yuzaga bo'yicha katta o'lchamda chuqurchaning hosil bo'lishi bilan ustunlik qiluvchi yeyilish asosin shu asbobsozlik materiallari uchun yuqori kesish tezligida va katta surishda o'z alsini topadi. Chuqurchaning hosil bo'lishini adgezion va difuzion hodisa bilan ham bog'lasa bo'ladi. Keskichning vaqt birligi ichida yeyilish darajasini tavsiflovchi asosiy o'lcham bo'lib  $h_{chuq}$  chuqurcha chuqurligi hisoblanadi. Bu qattiklik tezkesar keskichlar bilan po'latlarni qora yo'nishda (sovitishsiz) 0,6-0,8 mm va undan yuqori o'lchamlarga ega bo'lishi mumkin. VK guruhi qotishmalari bilan ta'minlangan keskichlar bilan po'latlar yo'nalganda  $h_{old} = 0,2-0,3$  mm o'lchamli chuqurchalar hosil bo'ladi.

Volfram kobolt (VK) va titan kobolt (TK) guruhi qotishmalari yuqori xaroratga chidamli bo'lgani uchun, ular oldingi yuzaga bo'yicha jadal yemirilmaydi. Chuqurchani asosiy kesuvchi qirradan taxminan  $m_0 = 0,3-0,6$  mm masofa ajratib turadi va yeyilish natijasida chuqurchaning qirrasini kesuvchi qirraga yaqinlashib boraveradi.



3-rasm.

Ma'lumki,

vibroakustik signal parametrlari ishlov berilayotgan materialga, kesuvchi asbob geometriyasiga va kesish jarayonida asbob bilan sodir bo'ladigan jarayonlarda, masalan, kesuvchi asbobning yeyilishini aniqlashda muxim ro'l uynadi. Kesish rejimlaridan keskichni kesish tezligi vibroakustik signalga kuchli ta'sir qiladi, bu ko'plab tadqiqotchilar tomonidan tasdiqlangan. Shu bilan birga vibroakustik signal ishlov berilayotgan yuzani kesish chuqurligiga bog'likdir. Agar ishlov beriladigan

materialning qattiqligi kam bo'lsa, unda keskichning yeyilishi kamroq kuzatiladi u vibroakustik signalni xosil bo'lishiga kamroq taʼsir ko'rsatada. Agar ishlov berilayotgan materialimiz qattiqroq bo'lsa u xolda yeyilish ko'proq kuzatiladi. Bundan tashqari, odatdagi kesish ishlov berish operatsiyalarida olmosli kesib yunishda amaliyot sharoitida eng ko'p ishlatiladigan tokarlik operatsiyalarida amalga oshiriladi. Ishlov berilgan detalda kesish yuzalarida keskichni ikkita yuzasida qirindi tarqalishi va kesish yuzasida yuk bo'lishi va kichik kesishda elastik va plastik deformatsiya darajalari kesish zonasida ko'rsatilgan. Vibroakustik signal keskichning yeyilishini va ishlov berilgan sirt yuzalari bilan bog'liq bo'lgan kontakt tovush(signal)lar haqida ma'lumotlarni o'z ichiga oladi.[6]



4-rasm.

Chuqurchaning kesuvchi qirraga yaqinlashuvini orqa yuza bo'yicha bir vaqtda sodir bo'luvchi yeyilishni ta'minlaydi va  $f=0$  ga teng bo'lib qolgan hollarda kesuvchi qirrani tez yeyilishiga sabab bo'ladi.

Keyingi yuza bo'yicha kesuvchi asbobning ko'p uchraydigan yeyilishi, ya'ni kesuvchi asbobni o'tmaslanishi mexanik siyqalanish natijasida hosil bo'ladi. Asosan, cho'yanlarga ishlov berishda, sovitishsiz yoki kichik surish bilan po'latlarni yo'nishda, tez-tez tanaffuslar bilan kesishda, yuqori haroratga

chidamsiz qattik qotishmalar bilan po'latlarga ishlov berishda, yeyiladi. Keyingi yuza bo'yicha yeyilish, shuningdek frezerlash, randalash, sidirish kabi ishlov berish turlariga ham taluqlidir.

Keyingi yuza bo'yicha yeyilishda kesuvchi asbobning o'tmaslanish o'lchovi bo'lib yeyilish maydonining balandligi  $h_{orq}$  hisoblanadi. U odatda bevosita kesgich cho'qqisi ostidan boshlanadi.[7]

Kesish qalinligi 0,10-0,15 mm dan katta bo'lganda va kichik yoki o'rtacha kesish tezligida kesuvchi asboblari orqa va oldingi yuza bo'yicha yeyiladi.

Bunday yeyilish sovitish suyuqliklari bilan ishlashda, teskesar po'latlardan tayyorlangan toza ishlov beruvchi keskichlar, qattiq qotishmalar bilan ta'minlangan barcha keskichlar, sirtli va diskli frezalar, parmalar, zenkerlar va boshqalar uchun ta'luqlidir. Bunday yeyilish ishlov berish qiyin bo'lgan materiallarni kesib ishlov berishda ham hosil bo'ladi.

Qattiq qotishmali kesuvchi asboblari ishlanayotganda oldingi yuzada hosil chuqurcha orqa yuza bo'yicha yeyilish madonchasi bilan juda tez birlashib ketadi. Bunda to'xtovsiz tiklanuvchi yangi kesuvchi qirra hosil bo'ladi.

### Xulosa

1. Kesuvchi asbobning ko'p uchraydigan yeyilishi, ya'ni kesuvchi asbobni o'tmaslanishi mexanik siyqalanish natijasida hosil bo'ladi.

2. Asosan, cho'yanlarga ishlov berishda, sovitish moylash suyuqligi orqali yoki kichik surish bilan po'latlarni yo'nishda, tez-tez tanaffuslar bilan kesishda, yuqori haroratga chidamsiz qattik qotishmalar bilan po'latlarga ishlov berishda yeyiladi.
3. Kesish qalinligi 0,10-0,15 mm dan katta bo'lganda va kichik yoki o'rtacha kesish tezligida kesuvchi asboblari orqa va oldingi yuza bo'yicha yeyiladi.
4. Qattiq qotishmali kesuvchi asboblari ishlov berishda oldingi yuzada hosil bo'lgan chuqurcha orqa yuza bo'yicha yeyilish madonchasi bilan juda tez birlashib ketadi.
5. Ishlab chiqarish sharoitida kesuvchi asbobning ishlash muddatiga ta'sir qiluvchi texnologik omillarning haqiqiy tarqalishi kesuvchi qirralarning yeyilishini ishonchli taxmin qilishga imkon beradi va ularni faol boshqarish zarurligiga olib keladi.
6. Avtomatlashtirilgan ishlab chiqarish quvvatlarini yaratish va kelajakda kompyuter tomonidan boshqariladigan avtomatik zavodlar optimallashtirish, nazorat qilish va boshqarish maqsadida ishlov berish jarayoni faol texnologik diagnostika vazifasini qo'yadi. Shuning uchun qayta ishlash jarayonini ilg'or va istiqbolli texnologik diagnostika qilish uchun ishonchli apparatni zamonaviy uskunalarniyaratish muommasi o'rganilib borilmoqda.
8. Ko'rinib turibdiki, diagnostika samaradorligi to'liq ishlatilgan parametrlarning axborot tarkibi, ularni qayta ishlash sharoitlariga bog'liqligi bilan belgilanadi.
9. Sanab o'tilgan sifatlardan tashqari asbobsozlik materiallari texnologik bo'lishi kerak, yani mehanik ishlovchanligi yaxshi bo'lishi kerak. Toblanuvchanlik, uglerodlanishga moyillik, sovuq va issiq holatdagi plastilik, tig'li va abraziv kesuvchi asboblari bilan ishlov berish imkoniyati va boshqalar texnologik muhim ko'rsatkich hisoblanadi.

#### Adabiyotlar

- [1]. Файзиматов Б.Н., Мирзаев А.А. Ускоренный метод определенности обрабатываемости материалов./Материалы семинара "Опыт работы едрепия технологических и конструкторских решении интенсификации процессов резания". Киев. 1989. с.9.
- [2]. Mirzaev M.A, & Tukhtasinov R. D. (2022). Analysis Of Vibroacoustic Signals (Vas) In Cutting in Cutting Machines Made of Tools. Eurasian Journal of Engineering and Technology, 3, 1–5. Retrieved from <https://www.geniusjournals.org/index.php/ejet/article/view/5542>.
- [3]. Muxtorov, Abdumajidxon Murodxon O'G'Li, Turg'Unbekov, Axmadbek Maxmudjon O'G'Li, & Maxmudov, Abdulrasul Abdumajidovich (2022). Avtomobil old oynaklarini vakuumlash jarayonida vakuumlash texnologiyasining ahamiyati. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (3), 93-102.
- [4]. Хотамжон Ўлмасалиевич Акбаров, Баходир Икромжонович Абдуллаев, & Муродил Авдувоси Ўғли Мирзаев (2021). Акустик сигналлардан фойдаланган холда кесиш жараёнида кесувчи асбоб материаллари таъсирини ва кесиш шaroitларини ўрганиш. Scientific progress, 2 (2), 1614-1622.
- [5]. Xusanov Y. Y., Valixonov D. A. O. G. L. Polimer kompozitsion materiallardan tayyorlangan detallarni parmalashni asosiy ko'rinishlari //Scientific progress. – 2021. – T. 1. – №. 6. – С. 1169-1174.
- [6]. Fayzimotov SH. N., Xusanov Y. Y., Valixonov D. A. Optimization Conditions Of Drilling Polymeric Composite Materials //The American Journal of Engineering and Technology. – 2021. – T. 3. – №. 02. – С. 22-30.
- [7]. Баходир Нуманович Файзиматов, & Муродил Авдивоси Ўғли Мирзаев (2021). Кесувчи асбобнинг кесувчи кисмини ейилишини виброакустик усул билан аниқлаш. Scientific progress, 2 (2), 794-801.

УДК: 677.021.152:62

### ИССЛЕДОВАНИЕ ДВИЖЕНИЯ ЧАСТИЦ В РАЗДЕЛИТЕЛЬНОЙ КАМЕРЕ ЦИЛИНДРИЧЕСКОГО КАМНЕУЛОВИТЕЛЯ

Э.Т. Мухаметшина, Р.М. Мурадов, Б.Н. Шаропов

*Джизакский политехнический институт, [mukhammadiyeva94@mail.ru](mailto:mukhammadiyeva94@mail.ru)  
(Получена 18.04.2022 г.)*

*This article describes a resilient base plate installed to reduce seed damage when trapping heavy impurities from raw cotton with a cylindrical stone trap. The effect of raw cotton on the plate was theoretically studied and the trajectories of cotton movement on its surface were determined.*

**Keywords:** Cylindrical traps, cotton gins, seed crushing, damage to cotton seeds, stone trap, inlet pipe.

В этой статье описывается установленная пластина на упругой основе, которая уменьшит повреждение семян при улавливании тяжелых примесей из хлопка-сырца с помощью цилиндрического камнеуловителя. Теоретически изучено воздействие хлопкосырца на пластину и определены траектории движения хлопка на ее поверхности.

**Ключевые слова:** цилиндрические уловители, хлопкоочистительные предприятия, дробление семян, повреждаемость хлопковых семян, камнеуловитель, входной патрубок.

Ушбу мақолада пахтанинг таркибидаги оғир аралашмаларни цилиндр шаклидаги тош тутгич ёрдамида тутиб қолиш вақтида чигит шикастланишини камайтириши мақсадида эластик асосга жойлашган пластинка ўрнатилганитавсифланган. Пластинкага пахтанинг келиб урилиши назарий йўл билан ўрганилиб, унинг юзасида пахтанинг ҳаракат траекториялари аниқланган.

**Таянч сўзлар:** Цилиндрсимон ушлагичлар, пахта тозалаш корхоналари, уруғларни майдалаш, чигит шикастланиши, тош тутгич, кирувчи қувур.

**Введение.** На многих хлопкоочистительных предприятиях Республики Узбекистан, широко используются уловители цилиндрической формы, они отличаются от других конструкций камнеуловителей простотой и удобством в монтаже.

Однако, цилиндрические уловители имеют низкий улавливающий эффект (60%) и при использовании их имеет место существенное дробление семян в следствии удара хлопка-сырца о внутреннюю стенку цилиндра.

Чигитли пахтани қуритишга алоҳида талаблар қўйилади:

-қуритиш жараёни максимал иқтисод қилиниб, қисқа муддатда амалга оширилиши керак;

-чигитли пахта биологик хусусиятларининг инобатга олиниб, унинг бир жинсли эмаслиги ёдда тутилиши лозим [6].

Компонентларнинг иссиқлик намлик ўтказувчанлиги турлича режимга алоҳида ёндашиш лозим эканлигини курсатади. Чигитли пахтадан олинган толанинг сифат кўрсаткичларининг бузилиши турли омилларга боғлиқ бўлиб, улар асосан чигитли пахтани қайта ишлаш жараёнида кузатилади. Албатта корхоналарда техника технологиянинг соҳада ишлаши, ишчиларнинг ўз мутахасисликларини чуқур ва мукамал билишлари олинаётган маҳсулотнинг сифатида намоён болади. Чигитли пахтани дастлабки табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолган ҳолда унга ишлов бериш жараёнида технологик ёндашувнинг нечоғлик тўғри танланиш олинаётган маҳсулотимиз нархини белгилаб беради.

Юқорида таъкидлангани каби қанчалик юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга мувоффақ бўлсак, олаётган даромадимиз ҳам шунчалик юқори бўлади. Айнан шу мақсадда

толанинг сифат кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллар ўрганилади, таҳлил қилинади ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқарилади.

Қуйида пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида тола сифатига таъсир этувчи асосий омиллар диссертасия мавзусидан келиб чиқиб кўрсатиб ўтилган.

Толанинг сифат кўрсаткичларига қуритиш режимининг таъсири қуритиш режими 3 та параметер билан ҳаракатланади; ҳавонинг намлик салқими  $\rho$ , ҳаракат тезлиги  $v$ , ҳарорат  $t$ . Ушбу параметер жараёнининг давомийлиги ва қуритилган материалнинг сифатига таъсир қилади. Шунинг учун қуритиш жараёнига энг қисқа вақт оралиғида энг кам миқдорда иссиқлик миқдори сарфланиб материалнинг технологик талаблари доирасида қуритиш режимини танлаши лозим.

Қуритиш машиналарида чигитли пахтани ўзгарувчан режимда қуритилади. Иссиқлик агентининг намлик миқдори чигитли пахта таркибидан намлик бўғлатиш ҳисобига ошади ҳарорат аксинча камаяди.

Ушбу омил қуритиш тезлигига ҳамда 1кг намликни бўғлатиш учун кетган иссиқлик миқдорига таъсир этади. Кам миқдордаги намликка эга бўлган иссиқлик агенти қуритиш жараёнини тезлаштиради. Аммо бу ҳолатда материалнинг бир текисда қуритмаслиги кузатилади. Иссиқлик агентининг намлик миқдори кўп бўлган ҳолатлар қуритиш жараёнига акс таъсир кўрсатади [7].

Тола сифтига қуритиш жараёнида берилаётган иссиқлик агенти ҳароратининг таъсири; ушбу омил қуритиш жараёнининг энг муаммоли вазият ҳисобланади. Таркибидаги намлик жуда юқори булган чигитли пахта қуритиш барабанида қуритилганда унга юқори ҳароратли иссиқлик агенти таъсир кўрсатади бу албатта тола ва чигитни табиий сифат кўрсаткичларини бузилишига олиб келади. Уруғли чигитли пахта қайта ишлаш жараёнида чигитга таъсир қилаётган ҳарорат миқдори  $55^{\circ}\text{C}$ , техник чигитли пахта қайта ишлаётганда эса чигитга  $70^{\circ}\text{C}$  ҳарорат таъсир кўрсатмоғи даркор. Тола эса максимал равишда  $105^{\circ}\text{C}$  ли иссиқлик агентини йўналтириш мумкин. Акс ҳолда унинг мустаҳкамлиги йўқолиб, узунлиги қисқаради ва унинг эластиклик хусусияти камаяди.

Чигитли пахтани дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда унинг тайёр маҳсулот ҳолига олиб бориш ҳозирги кунда республика пахта саноати олдида қўйган асосий масала ҳисобланади. Чигитли пахтадан олинган асосий маҳсулот толанинг сифат кўрсаткичлари унинг нархига бевосита алоқадор бўлганлиги учун синфини бир синфга ошириш орқали ҳам катта даромадга эришишимизни юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Айнан шу мақсадда чигитли пахтани қайта ишлашда тўғри технологик режимни танлай билиш муҳим аҳамият касб этади.


Юқорида биз чигитли пахтани қайта ишлаш жараёнида унинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи асосий омилларга тўхталиб ўтган эдик.

Чигитли пахтани қуритиш жараёнида унга ҳарорат асосий таъсир кўрсатувчи омил эканлиги айтиб ўтилади. Бунга асосий сабаб барабанга берилаётган чигитли пахтани таркибидаги катта миқдордаги намликни бўғлатиш учун унга юқори ҳароратли иссиқлик агенти берилади. Юқори ҳароратли иссиқлик агенти таркибидаги намлик билан осон масса алмашади. Аммо бу жараёнда чигитли пахтага юқори ҳароратли иссиқлик агенти таъсир кўрсатгани учун унинг сифат кўрсаткичлари бузилади.

Юқорида берилган адабиётлар шарҳида Г.В.Банников қуритиш барабанларини ичида чигитли пахта ҳаракатини ўрганишга барабан кўндаланг кесимини ҳаракати давомида чигитли пахта билан банд бўлмаган зоналар ҳам мавжуд эди. Шунини инобатга олган ҳолда барабан кураклари конструкциясига М.А.Гаппарова, А.К.Усманкуловлар тегишли ўзгартиришлар киритишни таклиф қилишган эди. Уларнинг таклифига кўра янги модернизация қилинган кураклар барабан ичида ҳаракатланаётган чигитли пахтани барабаннинг бўш зонасида ҳам ҳаракатланишини таъминлайди.

1-расмдаги графикдан кўриниб турибдики, қуритиш барабанига берилаётган иссиқлик агенти таркибидаги намликнинг ажралиш миқдори қанчалик катта бўлса, барабанда қуритилаётган чигитли пахта таркибидаги намликнинг ажралиш миқдори шунчалик юқори бўлади.

Тола сифатига қуритиш жараёнида берилаётган иссиқлик агенти ҳароратининг таъсири: ушбу омил қуритиш жараёнининг энг муаммоли вазияти ҳисобланади. Таркибидаги намлик жуда юқори бўлган чигитли пахта қуритиш барабанида қуритилганда унга юқори ҳароратли иссиқлик агенти таъсир кўрсатади. Бу албатта тола ва чигитнинг табиий сифат кўрсаткичларини бузилишига олиб келади. Уруғлик чигит пахта қайта ишлаш жараёнида чигитга таъсир қилаётган ҳарорат миқдори 70<sup>0</sup>С



1-расм. Намлик ажралишига ҳаво намлик миқдорининг таъсири.

ҳарорат таъсир кўрсатмоғи даркор. Уруғлик ҳамда техник чигитга бериладиган ҳарорат оширилган ҳолатларда уларнинг униб чиқиш эҳтимоли, техник чигитларнинг эса ёғ бериш даражаси пасаяди. Толага эса максимал равишда 105<sup>0</sup>С ли иссиқлик агентини йўналтириш мумкин. Акс ҳолда унинг мустаҳкамлиги йўқолиб, узунлиги қисқаради ва унинг эластиклик хусусияти камаёди.

2-жадвал

Қуритиш бўлимида 2СБ-10 ва СБО қуриткичларида қуритиш агентининг сарфи 18-20 минг м<sup>3</sup>/соат ва унумдорлиги И навли пахталар учун 6 т/соат ва паст навли пахталар учун 4,5 т/соат бўлганда иш жараёнининг тартиби

Чигитли пахтанинг дастлабки намлиги, %	Намликнинг пасайиши, %	Қуритиш агентининг ҳарорати, <sup>0</sup> С	Тутун сўрғич олдидаги ҳаво сийраклиги, Па
12-14	3-5	130-150	402-432
14-16	5-7	150-180	432-462
16-18	7-9	180-220	462-492

**Натижа.** Чигитли пахтани қуритиш жараёнида унга сосий таъсир кўрсатувчи омил эканлиги айиб ўтилди. Бунга асосий сабаб барабанга берилаётган нам чигитли пахтани таркибидаги ката миқдордаги намликни буғлатиш учун юқори ҳароратли иссиқлик агенти берилади. Юқори ҳароратли иссиқлик агенти таркибида кам миқдорда намлик бўлгани учун нам материал таркибидаги намлик билан осон масса алмашади. натижада қуритиш машинасида ҳаракатланаётган чигитли пахта қурийд. Аммо бу жараёнда чигитли пахтага юқори ҳароратли иссиқлик агенти таъсир кўрсатгани учун унинг сифат кўрсаткичлари бузилади.

Корхонада амалиёт даврида олиб борилган барча изланишлар, текширувлар ва синов натижалари корхона қошидаги лаборатория жиҳозлари орқали текширилди. Албатта сўнги натижа толанинг сифат кўрсаткичлари ҳам корхона лабораториясида, шунингдек замонавий жиҳозларда текшириб солиштирилди.

## Корхонада II навли чигитли пахтани қайта ишлашдаги қуритиш режими

№	Кўрсаткичлар	Тажрибалар ўтказилгандаги дастлабки намлик		
		12%	12,5%	12,8%
1	Чигитли пахтанинг қуритиш жараёнидан кейинги намлиги, %	9,2	9,5	9,7
2	Намлик ажралиши миқдори, %	3,0	3,0	3,1
3	Қуритиш барабанига берилган иссиқлик агенти ҳарорати, °С	120-130	120-130	120-130
4	Қуритиш барабанининг иш унумдорлиги, т/соат	6,5-7	6,5-7	6,5-7
5	Қуритиш босқичлари	1	1	1

**Хулоса.** Чигитли пахтани қуритиш, тозалаш, толани чигитдан ажратиш ҳамда тола тозалаш жараёнларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар аксарията машиналарнинг технологик имкониятлари кенгайтирилган. Олинаётган асосий маҳсулот толанинг сифат кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллар эса иккинчи даражали ҳисобланган.

Ушбу барча амалга оширилган илмий изланишларнинг туб маъно моҳияти сифатида шуни айтиш мумкинки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва иш унумдорлиги доимо тескари пропорционал эканлиги кузатилган.

Ҳозирда эса ушбу жараёнларни амалга оширилишида тола сифатига физик-механик таъсирининг асосий келиб чиқиш манбайи иш унумдорлигининг оптималлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

**Адабиётлар**

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947 – сон Фармони.
- [2]. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.
- [3]. Пахтани дастлабки қайта ишлаш. Ўқув қўлланма. Э.Зикриёевнинг умумий таҳрири остида. Тошкент. Мехнат – 2002.
- [4]. Гаппарова. Совершенствование режима сушки хлопка сырца барабанной суслики с целью максимального сохранения качества волокна. Канд.Дисс.на соискание ученой степени к.т.н., Ташкент, 1999г. 143с.
- [5]. А.К.Усманкулов. Повышение Эффективности процесса сушки хлопка сырца барабанной сушилке. Канд.Дисс.на соискание ученой степени к.т.н., Ташкент, 2002г. 128с.
- [6]. The cotton gin and oil mill press. N 11. 1986 у. 35 р.
- [7]. С.Д.Балтабаев. Предварительная очистка хлопка сырца машинного Сбора от сорных примесей. Канд.Дисс.на соискание ученой степени к.т.н., Ташкент, 1989г. 165 с.

УДК 677.21.021

**ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ ВЛАЖНОСТИ ХЛОПКА-СЫРЦА И ЕГО КОМПОНЕНТОВ НА КОЭФФИЦИЕНТА ТЕПЛОПРОВОДНОСТЬ**

Ф.С. Садиқов

*Джизакский политехнический институт, [sadikovfarxod88@gmail.com](mailto:sadikovfarxod88@gmail.com)**(Получена 19.04.2022 г.)*

*В статье изучено теплопроводности хлопка-сырца и его компонентов. Хлопок-сырец состоящий из семени и окруженными волокнами имеет большую теплопроводность чем волокно и меньшую, чем опущенные и оголенные семена.*

*Опущенные семена состоящая из меньших по число и длине волокон имеет меньшую*



теплопроводность, чем оголенные семена и большую, чем хлопок-сырец и волокна.

Оголенные семена, не имеющие на своей поверхности волокон имеют большую теплопроводность, чем опущенные семена, хлопок-сырец и волокна.

Получены зависимости теплопроводности хлопка-сырца и его компонентов от температуры при разных влажностях, которые позволяют вести расчеты по уравнению теплообмена при сушки хлопка-сырца

**Ключевые слова:** Хлопка-сырца, теплоизолятор, температура, размер, тепло, метр, термометр.

*In this article heat conductivity of raw cotton and its components are researching. A raw cotton consisting of seeds and surrounded by fibers has a higher thermal conductivity than fiber and less than lowered and bare seeds.*

*Dropped seeds, consisting of fewer and fewer fibers, have less thermal conductivity than bare seeds and more than raw cotton and fibers.*

*Bare seeds that do not have fibers on their surface have a higher thermal conductivity than dropped seeds, raw cotton and fibers.*

*The dependences of the thermal conductivity of raw cotton and its components on temperature at different humidity are obtained, which allow us to carry out calculations according to the heat and mass transfer equation during drying of raw cotton*

**Keywords:** Cotton seeds, heat insulator, temperature, the size, heat, meter, thermocouple.

*Maqolada paxta xomashyosi va uning tarkibiy qismlarining issiqlik o'tkazuvchanligi o'rganilgan. Chigitdan tashkil topgan va atrofi tolalar bilan o'ralgan paxta xomashyosining issiqlik o'tkazuvchanligi tolaga qaraganda yuqori, botirilgan va yalang urug'larga qaraganda kamroq.*

*Tuzilgan urug'lar soni va uzunligi kichikroq tolalardan iborat bo'lib, issiqlik o'tkazuvchanligi yalang'och urug'larga qaraganda pastroq va paxta xom ashyosi va tolalarga qaraganda ko'proq bo'ladi.*

*Yuzasida tolasi bo'lmagan yalang'och urug'lar tashlab ketilgan urug'lar, paxta xom ashyosi va tolalarga qaraganda ko'proq issiqlik o'tkazuvchanligiga ega.*

*Paxta xom ashyosi va uning tarkibiy qismlarining issiqlik o'tkazuvchanligining har xil namlik darajasidagi haroratga bog'liqligi olinadi, bu paxta xom ashyosini quritish paytida issiqlik va massa almashish tenglamasi bo'yicha hisob-kitoblarni amalga oshirish imkonini beradi.*

**Калит со'злар:** paxta xom ashyosi, issiqlik izolyatori, harorat, o'lcham, issiqlik, metr, termojuft.

Рациональный выбор параметров сушки и хранения хлопка-сырца и его компонентов в первую очередь связан с его первичной термообработкой - нагреванием, прогревом, сушкой, увлажнением и.т.д. Эти все технологические операции неразрывно связаны с изменением термических и влажностных параметров. Для правильного выбора технологических параметров сушки и обработки хлопка-сырца должны быть известны такие термические характеристики, как теплопроводность хлопка-сырца, его волокон и семян [1].

Хлопок - сырец и его компоненты (волокно и семена) по своим физическим свойствам могут быть отнесены к твердым телам типа теплоизоляторов [2], при нагревании (сушки) которые претерпевают физико-химические превращения, сопровождавшиеся в пределах определенных температур тепловыми эффектами различной силы. При этом волокно и семена сырца частично изменяют структуру, теряют значительную часть своего веса и приобретают новые, отличающиеся от первоначально природного, физико-химические свойства.

В данной работе исследовалась теплопроводности хлопка-сырца, волокна и семян в зависимости от температуры и влажности.

Измерение теплопроводности производилось широко известными методами стационарного теплового потока -межгосударственного стандарта [3].

Сущность метода заключается в создании стационарного теплового потока (рис-1), проходящего через плоский образец и направленного перпендикулярно к лицевым граням (наибольшим граням образца, измерении плотности теплового потока, температуры противоположных лицевых граней и толщины образца). Испытуемому образцу придается форма квадрата 250x 250x5-10 мм. Образец помещается между системой создания стационарного теплового потока и системой теплостока. Для плотного прилегания образца к




Рис.1. Схема теплового блока установки. 1 - теплоизоляционный кожух; 2 - охранная зона преобразователя теплового потока; 3-прижимное устройство; 4-преобразователи температуры; 5-преобразователи теплового потока; 6, 8- теплообменники; 7- образец.

материала делят на четыре равные части, которые поочередно насыпают в ящик, уплотняя каждую часть так, чтобы она заняла соответствующую ей часть внутреннего объема ящика. Ящик закрывают крышкой. Крышку прикрепляют к боковым стенкам ящика.

Взвешивают ящик с образцом насыпного материала. По определенному значению массы ящика с образцом и предварительно определенным значениям внутреннего объема и массы пустого ящика вычисляют плотность образца насыпного материала.

Погрешность определения массы и размера образцов не должна быть более 0,5%. Затем система проверяется на герметичность путем помещения ящика под вакуумный колпак и откачки. При этом потеря массы не должна превышать точности аналитических весов. Включаются системы питания установки и приборов, и прогреваются в течении 30 минут. При работе с температурами свыше 150<sup>0</sup>С необходимо включать систему водяного охлаждения кожуха установки. Укорачивая вход вольтметра В7-21 устанавливаются его показания на ноль при пределе измерений 10 мВ. Этот пункт необходимо выполнять периодически.

Устанавливают заданные значения температур холодильника, включается система автоматического регулирования температуры холодильника, при температурах ниже 100<sup>0</sup>С включается система подачи воды на холодильник с целью надежной работы теплостока. На основной нагреватель подается питание, и его регулировкой добиваются требуемой разности температур на поверхности теплообменников. Включаются системы автоматической регулировки температурных режимов. После такого прогрева- подлежащий испытанию образец помещают в прибор. Расположение образца - горизонтальное, направление теплового потока сверху вниз.

В процессе испытания разность температур лицевых граней образца

$\Delta T_u$  должна составлять не более 3-4 К. Через каждые 5-10 минут снимаются сигналы тепломера  $e_u$  и датчиков температур лицевых граней образца, и мощности, подаваемой на нагреватель зоны измерения горячей плиты прибора. Тепловой поток через испытываемый образец считают установившимся (стационарным), если значения термического сопротивления (теплопроводности) образца, вычисленные по результатам пяти последовательных измерений сигналов датчиков температур и мощности, подаваемой на основной нагреватель, отличаются друг от друга менее чем на 0,5%, при этом эти величины не возрастают и не убывают монотонно. Дополнительно равномерность теплового потока контролировалась с помощью тепломера с расположенными на нем 128 контактами термопар и автоматикой измерения. После окончания испытания определяют массу образца  $M_3$ , если изменение массы не более 0,5%, опыт считается проведенным успешно. Если нет-

то система проверяется на герметичность с новой свежей пробой, и вновь проводится эксперимент.

На рис. 1 представлены результаты экспериментальных исследований зависимости теплопроводности от влажности, полученных при объемной плотности  $\rho = 111 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3}$ . Кривые 1 – 5 на рис. 1 получены при температуре  $T_1 = 40^\circ \text{C}$ ,  $T_2 = 50^\circ \text{C}$ ,  $T_3 = 60^\circ \text{C}$ ,  $T_4 = 70^\circ \text{C}$  и  $T_5 = 80^\circ \text{C}$  соответственно.

Видно, что с ростом влажности и температуры теплопроводность хлопка-сырца возрастает. Внутри рассматриваемой области влажности кривые 1 – 5 имеют две точки перехода.

На рис. 2. приведены зависимости теплопроводности от влажности хлопкового волокна.

Видно, что с ростом влажности и температуры сушки теплопроводность хлопкового волокна возрастает. При температуре сушки  $T \cong 70^\circ \text{C}$  кривая теплопроводности имеет участок падения. В области  $17\% < W < 25 \div 26\%$  кривая теплопроводности при  $T \cong 70^\circ \text{C}$  с горизонтальной осью образует отрицательный угол наклона.

Сравнивая результаты экспериментальных исследований, представленных на рис. 1 и 2, в которых приведены зависимости теплопроводности хлопка-сырца и хлопкового волокна соответственно, видим, что влажность и температура сушки на теплопроводность хлопка-сырца влияет больше, чем на теплопроводность хлопкового волокна.

Величина теплопроводности хлопка-сырца при фиксированной влажности и температуры сушки, значительно превосходит теплопроводности хлопкового волокна.




Рис. 3. Зависимость теплопроводности хлопкового волокна от влажности при разных температурах. (температуры ( $^\circ\text{C}$ ): 1-40, 2-50, 3-60, 4-70, 5-80, плотность  $76 \text{ кг/м}^3$ ).




Рис.2. Зависимость коэффициента теплопроводности хлопка-сырца от влажности при разных температурах. (температуры хлопка-сырца ( $^\circ\text{C}$ ); 1-40, 2-50, 3-60, 4-70, 5-80, плотность  $111 \text{ кг/м}^3$ ).

температуры сушки, значительно превосходит теплопроводности хлопкового волокна. С ростом влажности и температуры сушки величина разности между теплопроводностями хлопка-сырца и хлопкового волокна возрастает. Выявленные таким образом закономерности, указывают на отличие характера нагревания и отбора влаги из хлопка сырца и его компонентов.

На рис. 3 представлены зависимости теплопроводности опущенных семян от влажности и температуры. Кривые 1 – 5 на рис. 3 получены при температуре сушки  $T_1 = 40^\circ \text{C}$ ,  $T_2 = 50^\circ \text{C}$ ,  $T_3 = 60^\circ \text{C}$ ,

$T_4 = 70^\circ \text{C}$  и  $T_5 = 80^\circ \text{C}$  соответственно. Видно, что при малых влажностях коэффициент

теплопроводности практически остается постоянным, и далее с ростом влажности монотонно растет. Это подтверждает вывод о сохранении свойства однородности материала опущенных семян при малых влажностях.

Видно, что в области  $0 < W < 7 \div 8\%$  теплопроводность несколько убывает, в области  $W > 8\%$  возрастает. Температура сушки на характер изменения теплопроводности существенно не влияет.

На рис. 4 приведены зависимости теплопроводности оголенных семян от влажности и температуры.

Теплопроводность оголенных семян в области влажности  $0 < W < 10\%$  от температуры сушки почти не зависит. Теплопроводность оголенных семян с влажностью  $0 < W < 10\%$  при температуре  $30^\circ\text{C} < T < 140^\circ\text{C}$  остается неизменной и принимает значения в пределах  $\lambda = 0.12 \div 0.13$ .

В пределах области сушки  $30^\circ\text{C} < T < 60^\circ\text{C}$  теплопроводность оголенных семян с влажностью  $0 < W < 20\%$  почти совпадает, а в области температуры  $T > 60^\circ\text{C}$  теплопроводность оголенных семян начинает возрастать.

Теплопроводность оголенных семян с влажностью  $W = 30\%$  в области температуры сушки возрастает достаточно интенсивно.

Таким образом, температура сушки на теплопроводность оголенных семян с влажностью  $0 < W < 20\%$  существенные влияния не оказывает. Высокая температура сушки значительно влияет на теплопроводность оголенных семян с влажностью  $W > 25\%$ .

Из рис. 3 и 4, на которых приведены кривые теплопроводности, влажности, температуры опущенных и оголенных семян. Из результатов многочисленных экспериментальных исследований, следует, что в зависимости от опущенности и оголенности, влажности, объемной плотности и температуры, теплопроводность оголенных семян может превосходить теплопроводность опущенных в 1.2 ÷ 1.5 раза.

На основе экспериментов и результатов представленных на рис. 1 – 4, в которых приведены зависимости теплопроводности хлопка-сырца, волокна, опущенных и оголенных семян соответственно от влажности и температуры, удалось установить следующих условий

$$\lambda(ог) > \lambda(оп) > \lambda(хл) > \lambda(в), \quad (1)$$

где  $\lambda(хл)$ ,  $\lambda(в)$ ,  $\lambda(оп)$  и  $\lambda(ог)$  – теплопроводность хлопка-сырца, волокна, опущенных семян и оголенных семян.

### Выводы

Таким образом, доказано, что хлопковая волокна имеет наименьшую теплопроводность по сравнению с хлопком-сырцом, опущенных и оголенных семян.

Хлопок-сырец состоящий из семени и окруженными волокнами имеет большую теплопроводность чем волокно и меньшую, чем опущенные и оголенные семена.




Рис. 4. Зависимость теплопроводности опущенных семян от влажности при различных температурах. (температуры (°C): 1-40, 2-50, 3-60, 4-70, 5-80).

Опущенные семена состоящая из меньших по число и длине волокон имеет меньшую теплопроводность, чем оголенные семена и большую, чем хлопок-сырец и волокна.

Оголенные семена, не имеющие на своей поверхности волокон имеет большую теплопроводность, чем опущенные семена, хлопок-сырец и волокна.

Получены зависимости теплопроводности хлопка-сырца и его компонентов от температуры при разных влажностях, которые позволяют вести расчеты по уравнением теплообмена при сушки хлопка-сырца.

### Список литературы

- [1]. Маматов А.З. Моделирование технологии сушки хлопка-сырца с целью повышения качества волокна // Дисс. На соискание ученой степени д.т.н. Ташкент. 1995.
- [2]. Щеколдин М.И. Тепловлажностные константы хлопка-сырца. М. Гизлегпром, 1958.
- [3]. Шашков А.Г. Методы измерений теплофизических характеристик материалов. Минск. 1996. 136с.

УДК 677.021.125

## ПАХТАНИ ТОЗАЛАШДА ЭЛАСТИК ҚОЗИҚЧАЛАРНИНГ ХОМ АШЁГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ УМУМИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Х.Ю. Улуғмуратов, Ф.С. Садиқов, Р.М. Мурадов

*Жиззах политехника институти. Tel (+998933092817)*

*E-mail: [xamrozulugmuradov@gmail.com](mailto:xamrozulugmuradov@gmail.com)*

*(Қабул қилинди 19.04.2022 й.)*

*Мақолада пахта майда ифлосликлардан тозалаш машинаси ва унинг асосий элементларининг чигитли пахтага таъсири ўрганилган. Пахта тозалашда кичик турли барабан ва эластик қозикчали барабанларни тайёрлашда фойдаланиладиган эластик материаллар, унинг тола ва чигит шикастланишига таъсир кўрсаткичлари таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** *пахта, тозалаш, тола, турли юза, қозикли барабан, самарадорлик, майда ифлослик.*

*В статье рассматривается влияние хлопкоочистительной машины и ее основных элементов на хлопок-сырец. Проанализированы эластичные материалы, используемые при изготовлении мелких сетчатых барабанов и эластичный колковый барабанов при очистке хлопка, их влияние на волокно и повреждение семян.*

**Ключевые слова:** *хлопок, очистка, волокно, сетчатая поверхность, колковый барабан, эффективность, мелкая грязь.*

*The article discusses the impact of the cotton gin and its main elements on raw cotton. The elastic materials used in the manufacture of small mesh drums and elastic pile drums in the cleaning of cotton, their effect on fiber and seed damage are analyzed.*

**Keywords:** *cotton, clean, fiber, mesh surface, pile drums, efficiency, small contaminants.*

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 ноябрдаги “Пахта тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон [1], Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси “...миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, энергия ва ресурсларни сарфлашни қисқартириш, энергияни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш.” вазифаларини белгилайди [2].

Ҳозирги кунда тўқимачилик саноатининг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган юқори сифатли толага бўлган талабини қондириш мақсадида қайта ишланган хом ашёдан пахта қайта ишлаш корхоналари томонидан терим ҳажмини ошириш, сақлаш сифатини ошириш ва табиий хоссаларини сақланишини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда [3].

Республикамизда пахта саноатини ривожлантириш, техника ва технологияларни такомиллаштириш, пахта тозалаш корхоналарини тайёрлаш, пахта хомашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш рентабеллигини ошириш, шунингдек, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Адабиётлар таҳлили.** Дунёда пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш, ишчи қисмларда пахта бўлагини ҳаракатланиш режимларини асослаш, улар орқали титиш ва тозалашни таъминлайдиган геометрик ва кинематик ўлчамларини оптимал қийматларини аниқлаш, пахтани тозалаш самарадорлигини ошириш, чигит шикастланишини камайтириш ва сифатини сақланишини машина иш унумдорлигига боғлиқлиги бўйича кенг қамровли назарий ва комплекс тажрибавий тадқиқотлар олиб борилмоқда.


Пахта тозалаш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича бир қатор чет эл олимлари: W.S.Anthony, R.V.Baker, R.M. Sutton, P.A.Boving, V.G. Arude, J.W.Laird, S.K.Shukla, T.S.Manojkumar, D.W.Van Doorn, B.M.Norman ва бошқалар илмий тадқиқот олиб борган.

Пахтани ифлос аралашмаларни тозалаш техника ва технологияси, асосий ишчи қисмларнинг параметрлари ва ишлаш режимлари такомиллаштириш бўйича бир қатор мамлакатимиз олимлари, жумладан Г.И.Мирошниченко, С.Д.Болтабаев, Г.Д.Джаббаров, Р.З.Бурнашев, Б.И.Роганов, Г.И.Болдинский, Р.В.Корабельников, И.К.Хафизов, А.Расулов, А.Е.Лугачев, А.Джураев, Х.Т.Ахмедходжаев, Р.М.Мурадов, Р.Х.Мақсудов, М.Т.Хожиев, А.П.Парпиев, А.К.Усмонкулов, Х.Қ.Рахмонов, Ш.Ш.Хақимов, Э.Т.Мақсудов, О.Саримсаков, Д.М.Мухаммадиев, И.Д.Мадумаров, А.Х.Бобоматов ва бошқалар соҳа илми ва технологияси ривожига муносиб ҳисса қўшганлар.

Пахтани тозалаш бўйича ҳозиргача амалга оширилган изланишлар чет эл ва маҳаллий пахта тозалаш корхоналарида фойдаланилаётган технологиялар ва тозалаш машиналари ҳамда ишчи қисм ва механизмлари таҳлили ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилган бўлиб, уларда пахтани тозалаш жараёнида ишчи органлар ва пахта компонентларининг ҳаракат траекторияларини аниқлаш асосида юмшоқ зарбали ишчи режимларни ва қозикчали барабан ҳамда тўрли сиртнинг юқори тозалаш самарадорлигини таъминлаб берувчи янги конструкцияларини ишлаб чиқиш масалалари ўзининг самарали ечимини топмаган.

Пахтани таркибидаги майда ифлос аралашмаларни ажратиш учун пахта тозалаш корхоналарида 1ХК ва 6А-12М [4] каби майда ифлосликлардан тозалаш ускуналари ишлатилади. Бу каби тозалагичларнинг тозалаш самарадорлиги 45-50 % га етади [5]. Пахта хомашёси тўрли юза бўйлаб қозикчалар таъсирида урилиб, судраб ўтилиши натижасида чигит шикастланиши 2,0 % атрофида бўлиши

исботланган. Бу шикастланиш толанинг таркибида турли хил нуқсонларни ҳосил қилади. Натижада толадаги ифлос ва нуқсонли аралашмалар миқдори стандарт кўрсаткичидан кўпайиб, тола сифати камида 1 синфга ва сотилиш нархи ҳар бир тонна маҳсулот ҳисобига 100-120 минг сўмга пасайиб кетмоқда. Шунинг учун пахтанинг табиий сифат



Н-ифлосликнинг камайиши Л-чигит шикастланишининг ошиши. Пахтанинг таркибидан майда ифлосликларни тозалаш жараёни схемаси.

кўрсаткичларини максимал сақлаган ҳолда майда ифлосликлардан тозалаш самарадорлигини таъминлайдиган янги технология ишлаб чиқиш керак бўлади.

**Тадқиқот методологияси.** Қурилманинг асосий камчилиги шуки, пахта хом ашёсини майда ифлосликлардан тозалаш жараёни асосан кўзгалмас тўрли юза ва қозикли барабанда амалга оширилганлиги сабабли пахтанинг шикастланиш даражаси ортиб кетиши ва иш унумдорлигининг пастлигидир [6].

Тадқиқотчи С.Д.Балтабаев [7] бир чигитли пахта бўлаги ва қозикчали барабан орасидаги ўзаро таъсир кучларини аниқлаган. Тадқиқот натижалари асосида, усқунанинг таркибий қисмларини лойихалаш ва технологик тирқишлар белгилашни таклиф этган.

Г.Д. Джаббаров [8] қозикчали барабанлар айланиш тезликларининг усқунанинг тозалаш самарадорлигига ва чигитнинг шикастланишига таъсирини тадқиқ этган. Тажриба натижаларида қозикчали барабанларнинг айланиш тезлиги 11м/сек бўлганда усқунанинг тозалаш самарадорлиги ошиши, айланиш тезлиги бу кўрсаткичдан юқори бўлганда эса, усқунанинг тозалаш самарадорлигини пасайишига ва чигитнинг шикастланишини ортишига олиб келиши кўрсатиб ўтилган.

Г.И. Болдинский [9] тўрли юза ва қозикчали барабанлар қозикчаларининг турли шаклларида бир чигитли пахтага таъсир этувчи кучларни назарий таҳлиллар асосида аниқлаган.

Тадқиқотчи Р.В.Корабельников [10] илмий изланишлари тозалаш бўлимида қозикчали ва аррачали барабанларнинг конструкцияси, оптимал тезликлари ва бир чигитли пахта бўлагига таъсир этадиган кучларни тажрибавий ва назарий тадқиқот ишлари орқали аниқлаган. Илмий ишида чигитли пахтани майда ифлосликлардан тозалаш машинаси учун комплекс ўзаро таъсир кўрсатувчи кўрсаткичи қуйидаги шаклда ёзилиши мумкинлигини айтиб ўтган:

$$K_0 = K_{во} K_{\partial} < [K_0], \quad (1)$$

Бу ерда:  $K_{во}$ - майда ифлосликлардан тозалаш машинасининг бир қозик қисмининг таъсир коэффитсиенти;

$K_{\partial}$ - динамик таъсир коэффиценти



$[K_0]$ - комплекс кўрсаткичнинг рухсат этилган қиймати.

Майда ифлосликлардан пахта хом ашёсини тозалаш тозалагичнинг таъсир коэффитсиентини қуйидаги формула билан аниқлаган:

$$K_{во} = n_6 Z_k N \tau \eta, \quad (2)$$

бу ерда:  $n_6$ - қозикчали барабаннинг айланиш частотаси 1/мин;  $Z_k$ - барабандаги қозикчалар қаторининг сони;  $N$  - машинадаги барабанлар сони, дона;  $\tau$  - пахта хом ашёсининг битта тозалаш барабанидан ўтиш вақти, с;  $\eta$  - барабан ва пахта хом ашёсининг чизиқли тезлиги нисбатини ҳисобга олувчи коэффицент (СЧ-02 типидagi тозалагич учун  $\eta = 0,5$  [10]).

**Таҳлил натижалари.** Ушбу тадқиқот натижасидан кўриниб турибдики чигитли пахтанинг шикастланиш даражаси қозикчали барабан материалига, қозиклар ва барабан айланишлар сонига боғлиқ экан.



Қурилманинг асосий афзаллиги шуки, пахта хом ашёсини майда ифлосликлардан тозалаш жараёни асосан кичик тўрли барабан ва эластик шохчали қозикли барабанда амалга оширилади, пахтанинг шикастланиш даражаси камайади ҳамда тозалаш самарадорлиги ортади.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун қуйидаги тозалаш усулини тавсия этмоқдамиз. Мазкур пахтани тозалаш усули ҳозирда қўлланилаётган усуллардан фарқ қилган ҳолда амалга оширилади. Яъни, пахта таркибидан майда ифлосликлар (ҳар хил бегона ўтлар, ғўза чаноклари ва барглари) ни тозалашга мўлжалланган бўлиб, пахтанинг табиий хусусиятларини сақлаган ҳолда тозалаш жараёнини амалга ошириш мақсадида қозикчалар эластик шохчали қилиб ва тўрли юза эластик асосга ўрнатилган тўрли барабанчалар шаклида амалга оширилади. Бу усул ёрдамида пахта эластик шохчали қозикчалар ва тўрли барабанчалар таъсирида силкиниб тебранма ҳаракат қилиши натижасида пахта хом ашёсини юқори даражада титиш имкони яратилади. Бундан ташқари титилиши натижасида пахта таркибидаги актив ифлосликлар пассив ҳолатга келтирилиб тозалаш самарадорлиги бир неча мартага ортади. Шу билан бирга зарба таъсирида тола ва чигит шикастланиш ҳолатлари тўлиқ бартараф этилади. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, эластик шохчали қозикчалар ва тўрли барабанларнинг эластик асосга ўрнатиш орқали тозалаш жараёнининг юмшоқ режимда амалга ошириш мақсадида эластик шохчали қозикли барабан ва кичик тўрли барабан ўртасидаги хомашёга таъсир қилувчи зарба кучини камайтириш йўли билан амалга оширилади.

Зарба кучини камайтириш мақсадида қозикчалар устига резинадан қоплама тайёрланади. Резиналар қаттиқлиги, ишқаланишга чидамлилигига қараб танлаб олинади. Қуйидаги жадвалда резиналарнинг хусусиятлари келтирилган.

Танланган резинанинг технологик характеристикалари

№	Резина маркаси	Узилишдаги нисбий чўзилиш, фоиз	Эластик элементнинг қайишқоқлик коэффиценти, N/m	Шор А бўйича қаттиқлиги
1	7317	400	$0,25 \cdot 10^5$	55-75
2	10-220	120	$0,38 \cdot 10^5$	80-95
3	B-14-1	120	$0,51 \cdot 10^5$	65-80

Резина қозиклар ишончли ишлаши учун турли хил шароитидаги омилларга бардош бера олиши лозим. Буни таъминлаш учун улар пресслаш станогига  $145^{\circ}$ - $150^{\circ}$  температурада 45 дақиқа вақт давомида 100 атмосфера босим остида вулканизация жараёнида тайёрланди. Қозиклар 3 хил қаттиқликда ва 3 хил узунликда тайёрланади.



Узунлиги 1-90 мм, 2-120 мм, ва 3-150 мм бўлган эластик қозиклар.  
Турлича узунликдаги эластик қозиклар.

Шунингдек, тозалаш жараёнининг юмшоқ режимда чигит ва толани шикастлантормасдан амалга оширилади. Агарда заводнинг умумий самарадорлиги паст бўлиб, толадаги нуқсонлар миқдори кўп бўлса, у ҳолда пахта тозалаш корхонасида тола синфини пасайиши ҳисобига ҳар бир тонна тола учун 170 минг сўм миқдорда зарар кўради. Бу кўрсаткич 500 тонна тола учун 850 млн сўмни ташкил қилади.

Пахта хомашёсини етиштириш бўйича етакчи ўринларда турувчи Америка олимларининг фикрича пахтани қанча кўп мартаба тозалайдиган бўлсак, масалан, 3 мартабагача,



унда толанинг штапел масса узунлиги 0,25 мм га камаяди, калта толалар миқдори 7,1 фоиздан 9,8 фоизгача кўпаяди, узун толалар миқдори 60,4 фоиздан 52,2 фоизгача камаяди.

Машина теримидаги пахтанинг кичик нуқсонлари 3,2 фоизни ташкил этган бўлиб, унинг тозаланиш даражаси бир минутдан сўнг 18 фоизга, икки минутдан сўнг эса, 25 фоизга кўпайди. Пахтанинг таркибидаги намлик қанчалик кўп бўлса, пахтанинг тозаланиш даражаси шунчалик пасайиб боради. Агар пахтанинг намлиги 11 фоиз бўлса, 3 минутлик тозалашдан сўнг пахтанинг тозаланиш даражаси 52,7 фоизни намлиги 14,5 фоизда эса, тозаланиш даражаси 25,9 фоизни ташкил этади. Пахтанинг намлиги 3,4 фоизга кўпайса, унда пахтанинг тозаланиш даражаси икки маротаба камаяди.

**Хулоса ва таклифлар.** Барабаннинг қозикчаларининг эластик материалдан шохчали килиб тайёрланганлиги пахтанинг таркибидан майда ифлосликларни ажратиш олишда титилишига ва турли юза бўйлаб судралиб ҳаракатланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Турли юзанинг кичик диаметрдаги турли барабанлар кўринишида тайёрланиши пахтанинг таркибидан майда ифлосликларни ажратиш олиш самарадорлигини оширади. Пахта тозалаш машиналарида қайта ишланган маҳсулотга қозикчали барабан таъсирининг комплекс кўрсаткичи схемаларини таҳлил қилиш, тавсия қилиш ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш имконини берадиган тозалагичларнинг конструкцияси ишлаб чиқилади.

### Адабиётлар:

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 ноябрдагидаги “ Пахта тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида ”ги ПФ-14-сон фармони.
- [2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони
- [3]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 14-декабрдаги ПФ-5285-сонли фармони, “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги”
- [4]. Жабборов Ф.Ж. ва бошқалар “Чигитли пахтани ишлаш технологияси”. Дарслик. (Тошкент – “Ўқитувчи” 1987).
- [5]. Ф.Б.Омонов “Пахтани дастлабки ишлаш бўйича справичник”. Ворис-2008.
- [6]. Х.Улуғмуратов, Б.Нажмиддинов, Р.Муратов “Пахтани майда ифлосликлардан тозалаш қурилмасининг янги конструкциясини яратиш” Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш ва кадрлар тайёрлашга инноватсион ёндашувлар. Республика онлайн илмий-амалий анжумани. Илмий мақолалари тўплами. Наманган-2020. -Б.75-79.
- [7]. Балтабаев С.Д. Предварительная очистка хлопка-сырца машинного сбора от сорных примесей. Дисс.канд.наук.-Ташкент. 1949 г.
- [8]. Джаббаров Г.Д. Исследование скоростного режима колково-барабанного очистителя хлопка-сырца // Хлопковая промышленность (Ташкент). – 1972. №3, С.12-13.
- [9]. Болдинский Г.И. и др. Выбор формы колка в очистителях мелкого сора // Хлопковая промышленность. - 1974. - №1. - С. 16-18.
- [10]. Корабельников Р.В., Ибрагимов Х.И. Тозалаш жараёнида пахта тозалагичнинг пахта хом ашёсига таъсирининг комплекс кўрсаткичини ишлаб чиқиш. Молодых ученых-2007, № 5. С.19...23.

## ЁНҒОҚ ЧАҚИШ ҚУРИЛМАСИ ИШЧИ ҚИСМИНИНГ ГЕОМЕТРИК ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ

О.А. Мирзаев, А.Б. Эркинжонов, М.К. Кенжабоев

*Андижон машинасозлик институти  
(Қабул қилинди 19.04.2022 й.)*

*Ёнғоқ чақиш қурилмасининг асосий ишчи қисми конуссимон шаклдаги қисқич ҳисобланади. Қисқич геометрик ўлчамлари ёнғоқ ўлчамларига мос ҳолатда аниқланган.*

*Конусли қисқич ичида ёнғоқ ўлчамларига мос ҳолатда қисилиб чақилиши учун юқори қисми ички деворлари ораси 45мм, пастки қисми ички деворлар ораси 23 мм, қисқич баландлиги 63 мм.ни ташкил қилган ҳолатда ясалган.*

Ёнғоқ меъёрида чақилишида қисқич икки томондан 2мм масофага қисилади ва қисқичнинг қисии бурчаги  $1^{\circ}11'$  га тенг бўлиши, ёнғоқни 4 мм.га қисиида пружина 2,8 мм.га чўзилиши аниқланди

**Калит сўзлар:** ёнғоқ, қурилма, барабан, қисқич, геометрик ўлчам, масофа, бурчак, пружина.

Основной рабочей частью устройства для раскалывания грецкого ореха является конический зажим. Геометрические размеры зажима были определены в соответствии с размерами грецкого ореха. Верхняя часть конического хомута находится на расстоянии 45 мм между внутренними стенками, нижняя часть - на 23 мм между внутренними стенками и высота хомута 63 мм. Для раскалывания грецкого ореха хомут затягивают на расстояние 2 мм с обеих сторон и угол зажима хомута составляет  $1^{\circ}11'$ , а пружина растягивается на 2,8 мм при затягивании хомута на 4 мм.

**Ключевые слова:** орех, приспособление, барабан, прижим, геометрический размер, расстояние, угол, пружина.

The main working part of the walnut cracking device is a conical clamp. The geometric dimensions of the clamp were determined to correspond to the dimensions of the walnut.

The upper part of the conical clamp is 45 mm between the inner walls, the lower part is 23 mm between the inner walls and the height of the clamp is 63 mm.

It is found that when tightening the walnut, the clamp is tightened to a distance of 2 mm on both sides, and the clamping angle of the clamp is  $1^{\circ}11'$ , and when tightening the clamp to 4 mm, the spring extends to 2.8 mm.

**Keywords:** walnut, device, drum, clamp, geometric dimension, distance, angle, spring.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1-июндаги «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш» тўғрисидаги ПҚ-3025-сон қарори билан 2017 йилда Республикамизда ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси ташкил этилди. Қарор лалми ерлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини янада ошириш, ички ва ташқи бозорларга рақобатдош бўлган сифатли маҳсулот етказиш учун ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этишга йўналтирилган. Бу аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, демак-ки Республика аҳолиси ва саноатини мўл-кўл, арзон ва сифатли қандолат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради [1].

Ёнғоқни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича халқаро саноат сўнги ўн йилликларда бошқа саноат турларига нисбатан энг юқори ўсиш сурати билан ажралиб туради. Сўнги ўн йил ичида дунё ёнғоқ етиштириш 40% га, сотиш ҳажми эса 116 % га ошди. Асосий физиологик фаол бирикмаларнинг энг муҳим алтернатив манбаи сифатида ёнғоқ учун талаб кескин кўтарилди [2].

Ёнғоқ меваси думалоқ ёки чўзиқроқ, пўчоғи қаттиқ, юмшоқ, ғалвирак тузилишга эга. Бир дона ёнғоғи 5 -23 г атрофида (мағизи 40 - 75%). Ёнғоқ дарахти 150-200 йил ҳосил беради ва 200-250 йил яшайди. Ёнғоқ ёруғ севар ўсимлик. Ер ости сувлари юза бўлмаган, лекин нами етарли, карбонатли, қумоқ, шағалли тупроқларда яхши ўсади. Вегетация даври 165-210 кун. Апрель ёки май ойларида гуллайди, меваси сентябрь, октябрь ойларида пишади. Ёнғоқзорлардан 3-5 т. га ҳосил олиш мумкин.

Ўзбекистонда ёнғоқнинг асосан қуйидаги навлари экилади:

Бўстонлиқ дарахти баландлиги 16 м гача боради. Меваси йирик (13,3 г), тухум шаклида, пўчоғи оч сариқ, юпқа. Мағизи пўчоғидан осон ажралади. Мағизи чиқиши 48,6%. Таркибида 68,8% ёғ ва 2,2% қанд бор [3];

Антиқа дарахти 9 м гача, гули олдинма кейин очилади, эрта кўкламда гуллайди, лекин ёз ойларида ҳам қайта гуллаши мумкин. Дастлаб туккан ҳосили сентябр охирларида, сўнгиси дастлабкисидан 6—7 кун кейин пишади. Меваси ўртача (10—10,5 г), яссиномалоқ, пўчоғи оқишсарик. Мағизи пўчоғидан яхши ажралади, таркибида 67,1 % ёғ ва 3% қанд бор. Ўзбекистонда ёнғоқнинг яна Консой, Пионер, Ватан, Юбилей, Дўрмон 1, Дўрмон 2 ва бошқа навлари ўстирилади.

Ҳозирги кунда Республикамизнинг ёнғоқ етиштирадиган боғдорчилик хўжаликларида ёнғоқлар пишган даврида мағизи қобиғидан ажратиб олиниб чет элга экспорт қилинади. Кўплаб мамлакатларда ёнғоқ мағизини қобиғидан ажратиб олиш қўл меҳнатига асосланган ускуналар билан амалга оширилади. Бундай жараён инсон саломатчилиги учун салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, ёнғоқни бундай ускуналар билан чақиш сарф-харажатларнинг ортишига, ёнғоқни чақиш жараёни муддатларининг чўзилиб кетишига олиб келади.




1-расм. Ёнғоқ чақиш жараёни.

Кейинги йилларда кишлок хўжалиги ривожланган давлатларда (АҚШ, Германия, Франция, Россия, Хитой, Туркия, Эрон) қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ёнғоқ мағизини етказишда мағизни қобиқдан ажратиб оладиган, мағизни фракцияси ва ранги бўйича саралайдиган қурилмалар ва ёнғоқ чақиш машиналари қўлланилмоқда. Бунда ёнғоқлар стационар ёки ротацион усулларда чақилади. Буни амалга ошириш учун чақиш машиналари турли қўринишдаги мосламалар, қисқичлар ва турткичлар билан жиҳозланади. Ёнғоқларни таъкидланган технология ва техника воситалари билан чақиш қандолатчилик

корхоналарини қисқа муддатларда хом ашё билан таъминлаш ҳамда меҳнат сарфи ва бошқа харажатларни қисқартириш имконини беради.

Таклиф қилинаётган ёнғоқ чақиш машинаси ротор принципида ишлаб, ҳаракат давомида ёнғоқни конуссимон қисқичлар орасида маълум куч билан қисиб чақишга асосланган [4]. Ёнғоқ қобиғини қисиб синдириш учун, уни радиуси бўйича икки томонидан 2 мм.га, чақиш учун эса 4 мм.га қисиб керак. Бу жараён ёнғоқ қобиғи қалинлиги, намлиги ва қаттиқлигига боғлиқ. Эксперимент учун танлаб олинган ёнғоқларни 3,5-4 мм.га қисиб ёнғоқ чақилиш жараёнини таъминлади. Таклиф этилган ёнғоқ чақиш мосламаси қисувчи қисқичларининг бир бирига қараб 2 мм.дан ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширдик:



2-расм. Қисқич ўлчамларини аниқлаш схемаси.

иккита қисувчи қисқич ораси сферик сирт ҳосил қиладиган қилиб тайёрланди. Конуссимон қисқич ички сирти сферик сирт қилиб тайёрланишига сабаб, чақилиш жараёнида ёнғоқ юзаси бўйича кучни тенг тақсимлаши ва қобик сирт бўйича бир хил чатнашини юзага келиши, натижада мағизга зиён етмай мағиз қобикдан ажралиши ҳамда ёнғоқни қисқичдан чақилмасдан олдин чиқиб кетмаслигини таъминлашидир. Ёнғоқ ўлчамларига боғлиқ ҳолда ва экспериментлар натижасида машина деталларининг тузилиши ҳамда ўлчамлари аниқланган. Конуссимон сиртнинг ташқи конуслик бурчаги 15 градус, ички бурчаги 10 градусга тенг, унинг конус учи билан қисқичларнинг айланиш марказларининг координаталари горизонтал бўйича 56 мм, вертикал бўйича 36 мм, қисқич юқори қисми ораси 45 мм ва пастки қисми ораси 23 мм, қисқич баландлиги 63 мм масофаларни ташкил қилади (2-расм) [5].

У ҳолда, қисқич ёнғоқни 4 мм.га қисишидаги қисқич бурилиш бурчагини ёнғоқ маркази, қисқич юқори қисми, қисқич қиялик бурчаги кесишиш нуқталари ва аниқланган ўлчамлар асосида белгилашлар киритиб аниқлаймиз. 2-расмда белгиланган нуқта ва масофалар бўйича қуйидаги тенгликларни киритамиз [6].

$$|HS| = 63 \cdot \sin \alpha = 63 \cdot \sin 10^\circ = 63 \cdot 0,174 = 10,9 \text{ мм}$$

$$|JM| = 45 - 2|HS| = 45 - 2 \cdot 10,9 = 23,2 \text{ мм}$$

$$\frac{|OH|}{|OA|} = \operatorname{tg} \alpha, \quad \operatorname{tg} \alpha = \frac{\sin \alpha}{\cos \alpha} = \frac{\sin 10^\circ}{\cos 10^\circ} = \frac{0,174}{0,985} = 0,177, \quad \frac{22,5}{|OA|} = 0,177$$

$$|OA| = \frac{22,5}{0,177} = 127,1 \text{ мм}$$

$$|TG| = |OA| - 63 - 36 = 28,1 \text{ мм}$$

$$\begin{cases} |JH| \cos \alpha = 63 \\ |JA| \cos \alpha = 64,1 \end{cases} \Rightarrow \frac{JH}{JA} = \frac{63}{64,1}$$

$$|JH| = |JA| \frac{63}{64,1} = \frac{|AT|}{\cos \alpha} \cdot \frac{63}{64,1} = \frac{64,1}{\cos 10^\circ} \cdot \frac{63}{64,1} = 63,9 \text{ мм}$$

$$\frac{|SH|}{|JH|} = \frac{x}{|PH|} \quad \text{бунда } x = |JH| \sin \alpha - |PH| \sin \alpha$$

$$|PH| = \frac{|JH|}{|SH|} \cdot x = \frac{|JH|}{|SH|} \cdot (|JH| \sin \alpha - |PH| \sin \alpha) \quad (1)$$

$$|PH| = \frac{|JH|^2}{|SH|} \cdot \sin \alpha - \frac{|JH|}{|SH|} \cdot |PH| \sin \alpha$$

$$|PH| \cdot \left(1 + \frac{|JH|}{|SH|} \cdot \sin \alpha\right) = \frac{|JH|^2}{|SH|} \cdot \sin \alpha$$

$$|PH| = \frac{\frac{|JH|^2}{|SH|} \cdot \sin \alpha}{\left(1 + \frac{|JH|}{|SH|} \cdot \sin \alpha\right)} = \frac{\frac{|JH|^2}{|SH|} \cdot \sin \alpha}{\left(\frac{|SH| + |JH| \sin \alpha}{|SH|}\right)} = \frac{|JH|^2 \cdot \sin \alpha}{(|SH| + |JH| \cdot \sin \alpha)}$$

Бунда  $|SH| = 10,9 \text{ мм}$ ,  $|JH| = 63,9 \text{ мм}$ ,  $\alpha = 10^\circ$ .

У холда,  $|PH|=32$  мм

$$|JP|=|JH|-|PH|=63,9-32=31,9 \text{ мм}$$

$$|AP|=|AJ|+|JP|=65,1+31,9=97 \text{ мм}$$

Демак,

$$|PR|=|AP| \cdot \beta \quad (2)$$

$$\beta = \frac{|PR|}{|AP|} = \frac{2}{97} = 0,0206 \text{ рад}$$

$$\beta^\circ = \frac{\beta \cdot 180^\circ}{\pi} = \frac{0,0206 \cdot 180^\circ}{3,14} = 1^\circ 11'$$

Демак  $|AP|$  қисм 2 мм га қисилиш учун  $\beta^\circ = 1^\circ 11'$  га бурилиши керак.

Ёнғоқ шаклини сфера ва қисқич ички ўйғини сфера сегменти деб фарз қиламиз.

Ёнғоқ қисқич орасига кирганда қисқичнинг ички сегментсимон юзаси ёнғоқни бир томонидан 25 % юзасини қамраб олсин.


У холда,

$$\frac{S_{seg}}{S_{sfer}} = 0,25 \quad \frac{2\pi Rh}{4\pi R^2} = 0,25$$

бунда,

$R$  – ёнғоқ радиуси; мм, радиус ёнғоқ ўлчамларидан келиб чиқиб 16 мм танлаб олинган.

$h$  – ёнғоқни қисқичга кириш чуқурлиги.



$$\frac{h}{2R} = 0,25 \Rightarrow h = 0,5R$$

$$h = 0,5 \cdot 16 = 8 \text{ мм}$$

3-расмдан кўриш мумкинки, барабаннинг айланма ҳаракатида ёнғоқ марказдан қочма куч  $\bar{F}_{mar}$  ҳисобига қисқичдан чиқиб кетмаслиги учун ёнғоққа унинг оғирлиги  $\bar{G}$  ва қисқич сферик сиртининг юзаси даражаси  $\theta$  қаршилик кўрсатади.

$$\theta = \frac{h}{R} = 0,25$$

бунда

$h$  – ёнғоқнинг сферик сиртга ботиш чуқурлиги, мм;  
 $R$  – ёнғоқ радиуси, мм.

Уқоридаги ҳисоблардан  $|JA|=65,1$ ;  $|AP|=97$ ;

$$|JH|=63,9; \quad |NP|=61; \quad |JP|=31,9; \quad |DG|=56; \quad \alpha =$$

$10^\circ$  қийматлар маълум.

Ёнғоқ ботиш чуқурлиги ва қисқич қиялик бурчагига боғлиқ ҳолда қисқич ўлчамларини аниқлаймиз (3-расм):

$$\cos \alpha \cdot |CP| = h \quad (3)$$

$$|CP| = 8,1$$


$$|DF| = |DG| - |CP| - |AP| \sin \alpha \quad (4)$$

$$\operatorname{tg} \gamma = \frac{|CF|}{|DF|} = \frac{|NP| \cdot \cos \alpha}{|DF|} \quad (5)$$

$$|DC| \cdot \cos \gamma = |DF| \quad (6)$$

$$|DC| = \frac{|DF|}{\cos \gamma} = \frac{31}{\cos 62^{\circ} 42'} = 67,6 \text{ мм}$$

$$\gamma = 62^{\circ} 42'; \quad |DC| = 67,6 \text{ мм}$$



4-расм. Қисқич ҳаракатида ўзгарадиган ўлчамларни аниқлаш схемаси.

Қисқич  $D$  нукта атрофида айланиб ёнғоққа 2 мм ботиб киради (4-расм). Шунинг учун  $|CB|$  чизикқа  $C$  нуктадан  $B$  га қараб 2 мм масофани ўлчаб қўямиз ва топилган нуктани  $N$  ҳарфи билан белгилаймиз.  $N$  нуктадан конус томонига параллел чизик ўтказиб, уни  $N$  нукта атрофида  $\beta$  бурчакка соат стрелкаси бўйича бураемиз. Шундай қилиб ўтказилган чизик горизонтални  $K$  нуктада кесди.  $K$  нуктадан туширилган вертикал  $|BC|$  томон билан кесишган нуктаси  $F$ , қисқични ёнғоққа 2 мм ботиб кириши учун бурилиш бурчагини ярмига тенг бўлади.

Демак, қисқич ёнғоққа 2 мм ботиб кириши учун ўз айланиш ўқи атрофида  $1^{\circ} 11'$  бурилиши зарур.

Қисқич ёнғоқни 4 мм га қисшида пружинани чўзилиш масофасини ҳисоблаймиз.

$$S = |DSh| \cdot \alpha \quad (7)$$

$$\alpha = \frac{S}{|DSh|} = \frac{S_1}{|DI|} \quad (8)$$

$$S_1 = \frac{|DSh|}{|DI|} \cdot S \quad (9)$$

бунда,

$\alpha$ -ёнғоқни  $S$  масофага қисшидаги бурчак;

$|DI|$  -  $D$  нуктадан пружина марказигача бўлган масофа;  $|GI| = 46 \text{ мм}$ ,  $|DG| = 56 \text{ мм}$ .

У ҳолда,

$$|DI| = \sqrt{|GI|^2 + |DG|^2} = 72,47 \text{ мм}$$

бўлади.

$S_1$ -қисқич пружинани бир томондан чўзишидаги масофа.

$$|DSh| \cdot \sin \gamma = |GO| \Rightarrow |DSh| = \frac{|GO|}{\sin \gamma} = 102,5 \text{ мм}$$

$$|GO| = |AO| - a = 127,1 - 36 = 91,1 \text{ мм}$$

бунда,

$\gamma$ - $|DSh|$  масофанинг вертикал ўққа нисбатан бурчаги;  $\gamma=62^\circ 42'$ .

9 – тенгликка аниқланган қийматларни қўйиб ҳисоблаймиз:

$$S_1 = \frac{|DSh|}{|DI|} \cdot S = \frac{102,5}{72,47} \cdot 2 = 2,8 \text{ мм}$$

У холда, пружинанинг умумий чўзилиши  $x = 2,8$  мм бўлади.

Демак, ёнғоқни 4 мм га қисқитишда пружина 2,8 мм га чўзилади.

**Хулоса.** Ёнғоқ чақиш машинасининг ишчи қисми, яъни ёнғоқни чақувчи деталлари ташқи кўринишидан конуссимон шаклда бўлиб, ички сирти сферик шаклни ҳосил қилиб тайёрланган. Ёнғоқни чақиш жараёнида қисувчи куч ёнғоқнинг юзаси бўйича таъсир қилади. Бу эса мағиз шикастланишини камайтиради.

Конусли қисқич ичида ёнғоқ ўлчамларига мос ҳолатда қисилиб чақилиши учун юқори қисми ички деворлари ораси 45мм, пастки қисми ички деворлар ораси 23 мм, қисқич баландлиги 63 мм.ни ташкил қилган ҳолатда ясалган.

Ёнғоқ меъёрида чақилишида қисқичнинг конусли қисқич икки томондан 2 мм масофага қисилади ва қисқичнинг қисқитиш бурчаги  $1^\circ 11'$  га тенг бўлиши, ёнғоқни 4 мм га қисқитишда пружина 2,8 мм га чўзилиши аниқланди.

#### Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3025-сон «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш» қарори.
- [2]. Мирзаев О.А. Ёнғоқ чақиш машинаси конструкциясини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш: Диссертация –Андижон, 2020.- 120 б.
- [3]. Ҳасанов Б.А., Сафаров А.А., Бойжигитов Ф.М. Ёнғоқ (*Juglans L.*) туркумига мансуб дарахт турларининг таксономияси ва уларникасалликлардан химоя қилиш муаммолари. // Агро кимё химоя ва ўсимликлар карантини журнали. – Тошкент, 2017. – № 2 (2). – Б. 21-23.
- [4]. Мирзаев О., Мўминов Н., Собиров Х., Беккулов Б. «Yong`oq chaqish qurilmasi» / Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти гувоҳномаси №IAP 06093. 30.12.2019 й. Расмий ахборотнома. 2020. №1.
- [5]. Barakaev N, Mirzaev O, Toirov B and Alimov A. Justification of the parameters of parts of a walnut cracking machine. // ICMSIT-II 2021 Journal of Physics: Conference Series 1889 (2021) 022061 IOP Publishing doi:10.1088/1742-6596/1889/2/022061.
- [6]. Мирзаев О.А., Собиров Х.А., Баракаев Н.Р. Ёнғоқ чақиш машинасига хом- ашёнинг тушиш тезлигини илмий асослаш // Андижон давлат университети, Илмий хабарнома. Физика – математика тадқиқотлари, 2019, № 2, – Б. 58-65.

УДК 677.021.152.8

## ЛИНТЕР АРАЛАШТИРГИЧ ПАРРАГИНИ ЧИГИТНИ ЛИНТЕРЛАШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ

Ў.А. Норбоев, Ф.О. Эгамбердиев

*Жиззах политехника институти, Tel.:(+998 90 516-44-89)*

*E-mail: [fazliddin123456789@mail.ru](mailto:fazliddin123456789@mail.ru)*

*(Қабул қилинди 20.04.2022 й.)*

*Линтерни самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган чигит ва момиқни сифатини яхшилаш мақсадида 5ЛП линтер аралаштиргичидаги металл парракларга қайишқоқ элемент бўлган*

резина ўрнатилиб, аралаштиргич такомиллаштирилди. Такомиллаштирилган парракли аралаштиргич “Пахтасаноат илмий маркази” АЖнинг технологик лабораториясидаги 30 аррали 5ЛП линтерга ўрнатилиб, металл парракларга эга бўлган оддий конструкцияли аралаштиргич билан таққослаш-тадқиқот ишлари ўтказилганлиги асосланган.

**Таянчли сўзлар.** Линтер, чигит тароғи, чигит, момиқ, сифат кўрсаткич.

С целью повышения эффективности работы линтера, улучшения качества получаемых семян и лinters на металлические лопасти линтеросмесителя 5ЛП были установлены резиновые лопасти, а также усовершенствован смеситель. Усовершенствованный лопастной смеситель смонтирован на 30-пильном линтере 5ЛП в технологической лаборатории АО «Пахтасаноат илмий маркази» и основан на сравнительных исследованиях с простым смесителем с металлическими лопастями.

**Ключевые слова.** Линтер, семенная гребенка, семена, пух, показатель качества


In order to increase the efficiency of the linter, improve the quality of the resulting seeds and lint, rubber blades were installed on the metal blades of the 5LP linter mixer, and the mixer was also improved. The improved paddle mixer is mounted on a 30-saw linter 5LP in the technological laboratory of Pakhtasanoat ilmiy markazi JSC and is based on comparative studies with a simple mixer with metal blades.

**Keywords.** Linter, seed comb, seeds, fluff, quality indicator.

**Кириш.** Пахта тозалаш корхоналарида чигитни линтерлаш учун 5ЛП русумли линтерлар ишлатилади. Ушбу линтерларда техник ва уруғлик чигитлар линтерланади [1]. Линтер конструкциясига асосан аррали цилиндрнинг айланиш тезлиги 730 айл/минга, аралаштиргичнинг айланиш тезлиги 500 айл/минга тенг [2]. Икки хил айланиш тезлигига эга бўлган ишчи қисмлар зонасида учинчи айланиш тезлиги билан чигитлар қатлами ҳаракатланади. Чигит тароғи билан колосникли панжаранинг устки қисми оралиғидаги зонада аррали цилиндрга яқин келган қатламдаги чигитлар аррали цилиндр тишлари таъсири остида бўлади.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Линтерлаш жараёнида цилиндрдаги арра тишлари чигитга асосан учта жойда таъсир кўрсатади [3,4]. Биринчиси, арраларнинг чигит тароғи ёнида, ишчи камерага қирадиган жойда чигит арра тишларига тегиб ўз ҳаракат йўналишини ўзгартиради ва тишлар ҳаракати йўналишида ҳаракатланади (1- расм, А- зона). Бунда чигит тароғи зонасида зичлик камлиги туфайли аралаштиргич парраклари чигитли массага керакли босимни кўрсата олмайди. Бу ҳолатда линтерлаш самарадорлиги паст бўлиб, чигит юзасидан момиқ қисман қириб олинади. Иккинчиси, чигитни аралаштиргич билан аррали цилиндр оралиғидан ўтишида (1- расм, В- зона), яъни аралаштиргич маркази билан аррали цилиндр марказини бирлаштирувчи текислик чизигида ҳаракатланишида. Бунда чигит юзасидан момиқни қириб олиш жараёнига аралаштиргич парраклари тезлиги билан арра тишлари учининг тезлиги катта таъсир этади ва самарали линтерлаш жараёни амалга оширилади.


Замонавий 5ЛП русумли линтерлаш машиналарида аррали цилиндрдаги арраларнинг чизикли тезлиги 12,3м/с, аралаштиргич парракларининг чизикли тезлиги эса 4,2м/с ни




1- расм. 5ЛП линтер ишчи камерасини схемаси. 1- ишчи камера, 2- аралаштиргич, 3- чигит тароғи, 4- колосник, 5- аррали цилиндр, 6- зичлик клапани.



ташқил қилади [5]. Шундан келиб чиқиб арра тишлари чигитлар массасига 8,1м/с тезлик билан таъсир кўрсатади. Аралаштиргич парраклари билан арра тишлари металл бўлганлиги ва чигит сиртидан момикни қириб олишда аррани юқори тезликда чигитга таъсири ҳамда



2-расм. Такмиллаштирилган парракли аралаштиргичга эга бўлган ишчи камеранинг схемаси. 1- ишчи камера, 2- паррақлар, 3- крестовина, 4- чигит тароғи, 5- колосник, 6- ўк, 7- резина, 8- аррали цилиндр, 9- зичлик клапани.




3- расм. а) металл пластина, б) резинали лента

аралаштиргични линтерлаш зонасида чигит валигига зарби натижасида чигит сиртидан момикни қириб олиш жараёнида чигитлар шикастланади ва ушбу


зонада шикастланиш даражаси қолган зоналарга қараганда юқори бўлади [4].

Учинчи линтерлаш зонаси аралаштиргич билан аррали цилиндр ҳамда лобовой бруснинг пастки қисми зонасида юзага келади ва ушбу зонада ҳам самарали линтерлаш жараёни амалга оширилади (1- расм, Г- зона).

**Вазифанинг қўйилиши.** Пахтачилик соҳасида ривожланган АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва Туркия давлатларидаги линтер ускуналарининг иш унумдорлиги кам бўлиб, чигитни линтерлашда механик шикастланиши юқори бўлганлиги учун ушбу линтерларда фақат техник чигитлар линтерланади. Уруғлик чигитларни тайёрлашда чигит сиртидан момикни



4- расм. Такмиллаштирилган парракли аралаштиргичга эга бўлган ишчи камеранинг схемаси. 1- ишчи камера, 2- паррақлар, 3- крестовина, 4- чигит тароғи, 5- колосник, 6- ўк, 7- резина, 8- аррали цилиндр, 9- зичлик клапани.



ажрагиб олиш жараёни кимёвий усулда амалга оширилади [6, 7].

Линтерлаш зонасида чигит сиртидан момикни қириб олинишини жадаллаштириш билан чигитни механик шикастланишини камайитириш, уларни ишчи камерадан ташқарига чиқишини тезлаштириш орқали иш унумдорликни ошириш, чигит ва момик сифатини яхшилаш мақсадида танлаб олинган назарий тадқиқотлар асосида 5ЛП линтери учун такомиллаштирилган парракларга эга бўлган аралаштиргични схемаси ишлаб чиқилди (2-расм). Ишлаб чиқилган схема асосида аралаштиргич тажриба нусхасининг чизмалари илмий марказни лойҳалаш бўлимида тайёрланди (3, 4- расмлар). Тайёрланган чизмалар асосида “РИМ устахонаси” МЧЖ корхонасида аралаштиргични тажриба нусхаси ишлаб чиқарилди ва илмий марказ технологик лабораториясининг чигитни линтерлаш тизимидаги 30 аррали 5ЛП линтерга ўрнатилиб, линтер такомиллаштирилди.

**Муаммонинг ечилиш услубияти.** Линтер паспортига асосан аррали цилиндрдаги арра тишлари билан аралаштиргич парраклари оралиқ масофаси 9-12 мм ни ташкил қилади [8]. Буни инobatга олиб, парракларга қайшқоқ элемент- резина ўрнатилганда линтерлаш жараёнига қандай таъсир этишини ўрганиш учун тажриба-тадқиқот ишлари аррали цилиндрдаги арралар тиши билан аралаштиргич парракларидаги қайшқоқ элемент оралиғини 8- 12 мм ўзгариш масофасида ўтказилди. Тажриба-тадқиқот ишлари С-6524 селекцияли I навли пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган I навли чигитда олиб борилди (1- жадвал).

1- жадвал

Линтерга берилган чигитни сифат кўрсаткичлари бўйича лаборатория тахлилининг натижаси

Чигитнинг		Чигитнинг сифат кўрсаткичлари, %			
селекцион нави	саноат нави	туқдорлиги	шикастланиши	ифлослиги	намлиги
С-6524	I	10,34	3,16	1,78	8,35

Тажриба ишлари даврида такомиллаштирилган парракли аралаштиргични линтернинг чигит ва момик бўйича иш унумдорлигига, чигит ва момикнинг сифат кўрсаткичига таъсирини ўрганиш учун линтердан олдин ва кейинги чигитдан, ишлаб чиқарилган момикдан намуналар олиниб, институт лабораториясида тахлил қилинди. Линтернинг чигит ва момик бўйича иш унумдорлиги эса хронометраж усулида аниқланди. Бунда линтерни ҳар 5 мин оралиғида ишлашида ишлаб чиқарилган чигит ва момик тарозида тортилиб, ўртачаси олинди. Тахлил натижалари аниқ бўлиши учун намуналар 9 марта такрорий олиниб, ўртача кўрсаткичлари аниқланди. Аввал тажриба ишлари металл парракли оддий конструкцияли аралаштиргичга эга

2- жадвал

Оддий конструкцияли аралаштиргич металл парраклари билан аррали цилиндр арра тишлари оралиқ масофасини чигит ва момик кўрсаткичларига таъсири.

Кўрсаткичлар	Бирлиги	Аралаштиргич парраклари билан аррали цилиндр оралиқ масофаси, мм				
		8	9	10	11	12
Линтердан кейинги чигит						
- туқдорлиги,	%	6,9	7,2	7,6	8,1	8,6
- шикастланганлиги	%	6,34	5,48	5,41	5,32	5,21
Момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши	%	6,45	5,86	5,6	5,47	5,31
Линтерни чигит бўйича иш унумдорлиги	кг/соат	161	152	140	136	124
Линтерни момик бўйича иш	кг/соат	5,87	5,62	5,45		

## МЕХАНИКА

унумдорлиги					5,29	4,96
Момикни штапель узунлиги ва типи	мм	7/8. А	7/8, А	7/8, А	7/8, А	7/8, А
Момик нави ва синфи		I, Ўрта	I, Ўрта	I, Ўрта	I, Ўрта	I, Ўрта

бўлган 30 аррали 5ЛП линтериди олиб борилди. Олиб борилган тажриба-тадқиқот ишларининг натижаси 2- жадвалда келтирилган.

3- жадвал

Такомиллаштирилган парракли аралаштиргич билан аррали цилиндр арра тишлари оралик масофаси ўзгаришини чигит ва момик кўрсаткичларига таъсири.

Кўрсаткичлар	Бирлиги	Такомиллаштирилган парракли аралаштиргич билан аррали цилиндр оралик масофаси, мм				
		8	9	10	11	12
Линтердан кейинги чигит						
- тукдорлиги,	%	6,84	7,1	7,3	7,9	8,4
- шикастланганлиги	%	5,96	5,41	5,33	5,25	5,19
Момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларни массавий улуши	%	6,21	5,72	5,51	5,36	5,28
Линтерни чигит бўйича иш унумдорлиги	кг/соат	183	172	150	144	136
Линтерни момик бўйича иш унумдорлиги	кг/соат	6,34	6,12	5,76	5,56	5,29
Момикни штапель узунлиги ва типи	мм	7/8. А	7/8, А	7/8, А	7/8, А	7/8, А
Момик нави ва синфи		I, Ўрта	I, Ўрта	I, Ўрта	I, Ўрта	I, Ўрта

**Натижаларнинг таҳлили.** Жадвалдан аралаштиргич металл парраклари билан аррали цилиндрдаги арра тишлари оралик масофасини 8- 12 мм гача ўзгаришида линтердан чиқаётган чигит тукдорлиги 6,9 % дан 8,6 % гача ошган [9].

Чигит шикастланганлиги 6,34 % дан 5,21 % гача, момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши 6,45 % дан 5,31 % гача камайган. Бунда линтернинг чигит бўйича иш унумдорлиги 161 кг/соатдан 124 кг/соатга, момик бўйича 5,87 кг/соатдан 4,96 кг/соатга камайди. Ишлаб чиқарилган момик, штапель узунлиги ва сифати бўйича O'zDst 645:2016 давлат стандартига асосан I нав А тип ва “Ўрта” синфга тўғри келди [10]. Сўнгра аралаштиргич парраклари резина билан такомиллаштирилди ва парраклар билан аррали цилиндрдаги арра тишларини оралик масофаси 8-12 мм гача ўзгартирилиб, тадқиқот ишлари ўтказилди. Натижалари 3- жадвал ва 6- расмда келтирилган. Жадвалдан оралик масофани 8 мм дан 12 мм гача ўзгаришида, линтердан ишлаб чиқарилган чигитнинг тукдорлик даражаси 6,84 (абс)% дан 8,4 (абс)% гача ошганини кўриш мумкин. Чигитни шикастланганлик даражаси 5,96 (абс)% дан 5,19 (абс)% гача камайиб, оддий парракли аралаштиргичли линтердан ишлаб чиқарилган чигит механик аралаштиргичли линтердан ишлаб чиқарилган чигит механик шикастланганлигига қараганда 0,38 (абс)% дан 0,02 (абс)% га кам бўлди. Момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши 6,21 % дан 5,28 % га камайиб, момикнинг сифати 0,24 % дан 0,03 % га яхшиланди. Линтернинг иш унумдорлиги хронометраж усулида аниқланганда аралаштиргич парраклари билан аррали цилиндр оралик масофасини 8 мм дан 12 мм гача ўзгаришида чигит бўйича 183 км/соатдан 136 кг/соатга, момик бўйича 6,34 кг/соатдан 5,29 кг/соатга тенг бўлиб, оддий конструкцияли парракли аралаштиргичга эга бўлган линтерга қараганда чигит бўйича 22 кг/соатдан 12 кг/соатга, момик бўйича 0,47 кг/соатдан 0,33 кг/соатга юқори эканлиги аниқланди (2, 3- жадваллар).

**Хулоса.** Ўтказилган тадқиқот ишларининг натижаси такомиллаштирилган парракли аралаштиргичга эга бўлган линтерда чигитни линтерлашда линтернинг иш унумдорлиги

оддий конструкцияли парракли аралаштиргичга эга бўлган линтерга караганда иш унумдорлигининг юқорилиги, ишлаб чиқарилаётган чигит ва момиқ сифатининг яхшиланганлигини кўрсатди.

### Адабиётлар

- [1]. Пахтани дастлабки ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси (ПДИ 70-2017). “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ. Тошкент. 2017.- 90 б.
- [2]. Салимов А.М., Лугачев А.Е, Ходжиев М.Т. Пахтага дастлабки ишлов бериш технологияси. “Адабиёт учкунлари”. Тошкент. 2018.- 184 б.
- [3]. Сулаймонов Р.Ш., Лугачев А.Е., Мардонов Б., Ахмедов М.Х., Маруфханов Б.Х. Пахта тозалаш корхоналарида пахта чигитини линтерлаш ва момиқни тозалаш жараёнини энергия-ресурстежамкор технологиясининг назарий асосларини ишлаб чиқиш. Илмий ҳисобот. «Paxtasanoat ilmiy markazi» АЖ, Тошкент, 2019.- 62 б.
- [4]. Sulaymonov R.Sh., Norboev U.A. Research on the effectiveness of 5LP linter. Eelectronic journal of actual problems of modern science, education and training. december, 2021-12/1. ISSN 2181-9750. pp. 78-84.
- [5]. Пахтани дастлабки қайта ишлаш (ўқув кўлланма). Э.Зикриёевнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент. «Мехнат», 2002.- 408 б.
- [6]. . Byler R.K. 2006. Historical Review on the effect of moisture content and the addition of moisture to seed cotton before ginning on fiber length. Journal of Cotton Science. 10: C.300-310. Available at <http://www.cotton.org./journal/2006-10/3/145.cfm>.
- [7]. Anthony W.S. and A.C. Griffin. 2001 b. Fiber breakage at gins: moisture and heat. Cotton Gin and Oil Mill Press 102(24): 6-9.
- [8]. Паспорт пильного линтера 5ЛП.-Ташкент: ТГСКБ по хлопкоочистке, 1981.-18 с.
- [9]. О'zDst 601:2016. Пахтанинг техник чигити, Техник шартлари. Тукдорликни аниқлаш усуллари. Тошкент, 2016.- 11 б.
- [10]. О'zDst 660:2011. Пахт момиғи, Техник шартлари. Узунликни аниқлаш усули. Тошкент, 2011.- 9 б.

## ПАХТА ЙИРИК ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАГИЧЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

А.А. Саломов

*Жиззах политехника институти. Tel.:(+998 93 302-22-66)*  
[salomovabubakir07@gmail.com](mailto:salomovabubakir07@gmail.com)

*Мақолада пахта хом ашёсини тозалашнинг мавжуд технологияси ва техникаси ҳолатини таҳлили қилиш натижалари, пахтани йирик ифлосликлардан ЧХ-3М2, ЧХ-5, ОХП-3, ЧХ, УХК тозалагичларни такомиллаштириш бўйича олиб борилган ишлар таҳлили келтирилган.*

**Kalit so'zlar:** *agregat, tozalash, takomillashtirish, texnologiya, mashinada, tozalash, ifloslik, resurslarni tejash.*

*В статье представлены результаты анализа современного состояния технологии и способов очистки хлопка-сырца, очистки хлопка от крупных загрязнений. Анализ выполненных работ по усовершенствованию очистителей ЧХ-3М2, ЧХ-5, ОХП-3, ЧХ, УСК.*

**Ключевые слова:** *агрегат, очистка, совершенствование, технология, машинная, уборка, засоренность, ресурсосберегающих.*

*The article presents the results of the analysis of the current state of technology and methods of cleaning raw cotton, cleaning cotton from the large contaminants. Analysis of the work performed to improve the cleaners ЧХ-3М2, ЧХ-5, ОХП-3, ЧХ, УХК.*

**Keywords:** *unit, cleaning, improvement, technology, machine, cleaning, clogging, resource-saving*

**Кириш.** Жаҳонда етиштирилган пахта таркибидаги бегона ифлос аралашмаларни ажратиш олиш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, пахтани дастлабки қайта ишлашда ифлос органик ва ноорганик аралашмаларидан тозалашда юқори иш сифатини таъминлаш ҳамда энергия ва ресурсларни

тежаш, мақсадида энергия-ресурстежамкор машиналарни ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик жараёни, параметрлари ва иш режимларини илмий асослашга алоҳида эътибор берилмоқда [1].

Пахта хомашёсини тозалагичларни майда ва йирик органик ифлосликлар тозалаш турларига бўлинади. Пахта хомашёсини майда ифлосликлардан тозалашни барабанли ва шнекли тозалагичларда ажратилади. Пахта хомашёсини майда ифлосликлардан тозалаш муҳим жараён ҳисобланиб, уни кейинги босқичда қайта ишлаш, яъни жинлаш ва толани тозалаш жараёнларига катта таъсир этади. Агар майда ифлосликлар етарли даражада тозаланмаса у пассив ифлосликдан актив ифлосликга ўтади ва кейинги жараёнларда, яъни жинлаш ва тола тозалагичда ажратилиши қийинлашади, тикилишлар содир бўлади, тола ва чигит шикастланади, натижада электр энергия сарфини ошишига олиб келади. Пахта хомашёсидан майда ифлосликларни ажратувчи барча тозалагичлар бир хил йўсинда ишлайди, яъни пахта хомашёси қозикли барабанларда титкиланиб тўрли юзли сиртлар орқали ҳаракатлантирилади. Бу жараён бир неча маротаба такрорланади ва пахта хомашёси майда ифлосликлардан тозаланади. Тозаланиш самарадорлиги қозикли барабанлар айланиш сонига, тўрли юзасига ва пахта хомашёсининг сифат кўрсаткичларига боғлиқ.

**Адабиётлар таҳлили.** Пахта хомашёсини йирик органик ифлосликлар – кўсак пўчоғи, ғўза чўплари ва баргларида тозалаш учун пахта хомашёсини қайта ишлаш жараёнида асосий ишчи органи аррачали барабан бўлган тозалагичлардан фойдаланилади [2, 3]. Аррачали тозалагич асосини аррачали барабан, илаштирувчи чўтка, колосникли панжара ва чўткали ечувчи барабан ташкил этади.


Ишлаб чиқаришда кенг қўлланилган аррачали тозалагич ЧХ-3М2 да пахта хомашёси иккита асосий аррачали барабанда тозаланади ва бу барабанлардан йирик ифлосликлар билан тушган пахта хомашёси бўлаклари битта регенерация барабанида тозаланиб ажратиб олинади ва асосий пахта хомашёси оқимида қўшилади. Регенерация барабанида тозаланган пахта хомашёси чўткали ечувчи барабан ёрдамида умумий тозаланган пахта хомашёсига қўшилади. ЧХ-3М2 машинасини эксплуатация қилиш ва унинг бошқа тозалагичлар, яъни майда ифлосликларни тозаловчи тозалагичлар билан биргаликда ишлашини таҳлили шуни кўрсатдики, бу тозалагичда майда ифлосликларни тозалаш учун ўрнатилган тўрли юзанинг самарасини тозалашнинг кейинги босқичларида қоплаш мумкин.

Пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлигини ошириш учун аррачали барабанлар ўрнига аррали цилиндрлар қўлланилиб ОХП-3 тозалагичи яратилди [2, 3] ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди. Бу тозалагичда диаметри 250 мм бўлган аррали цилиндр қўлланилди. Аррали цилиндр тузилиши жуда мураккаб бўлиб, эксплуатация даврида тайёрлашдаги камчиликлар туфайли динамик баланси йўқолиб, тозалагичнинг тебраниш меъёри ошиб кетиш ҳоллари кузатилди.

Ундан ташқари, тозалагичда аррали цилиндрлар сонининг олтига бўлиши, ушбу тозалагични эксплуатация қилинишини жуда мураккаблаштириб юборди.

Шу камчиликлар туфайли, бу тозалагич ишлаб чиқаришдан олиб ташланди.

Кейинчалик ЧХ-3М2 тозалагичлари такомиллаштирилди ва ЧХ-5 тозалагичи яратилди (2-расм) [3]. Бу тозалагичда тўрли юза ўрнига пахта хомашёсининг титкиланишини ошириш учун учбурчак шаклидаги колосниклардан ташкил топган панжара 3 ўрнатилди. Қозикли барабан 2 вертикал ўққа нисбатан аррачали барабанга 5 яқинлаштирилди. ЧХ-3М2



2-расм. ЧХ-5 русумли аррачали тозалагичнинг умумий кўриниш схемаси. 1- таъминловчи валиклар, 2- қозикли барабан, 3- пичокли панжара, 4- илдирувчи чўтка, 5- аррачали барабан, 6- колосникли панжара, 7- чўткали ечувчи барабан, 8- аспирация тарнови, 9- қия тарнов.

ва ЧХ5 тозалагичларида колосниклар сони ва шакли бир хил. Биринчи аррачали барабан ҳаракат йўналишида 10 дона колосник, иккинчи аррачали ва регенерация аррачали барабанлар ҳаракат йўналишида 15 донадан айлана шаклдаги диаметри 20 мм бўлган колосниклар ўрнатилган.

ЧХ-3М2 ва ЧХ-5 тозалагичларининг иш унумдорлиги таъминлаш валикларининг айланишлар сони билан ростланади ва 2 - 3 т/соатни ташкил этади. Тозалагичларнинг асосий кўрсаткичи бўлган тозалаш самарадорлиги пахта хомашёсининг саноат ва селекцион навига, дастлабки ифлослиги ва намлигига боғлиқ. ЧХ тозалагичларининг ўртача умумий тозалаш самарадорлиги 60-65% ни ташкил этади.

Таҳлил қилинган ЧХ русумли тозалагичларда иккита асосий тозалаш бўлинмасида ва улардан ажралган чиқинди таркибидги пахта хомашёсини ажратиб олувчи регенерация бўлинмаларида айланишлар сони 290 мин<sup>-1</sup>, диаметри 480 мм бўлган тишли сегментли аррачали барабанлар ишлатилади. Бу диаметрда барабан периметри 1507 мм ни ташкил этади.

Агар бу периметрни 100 % деб олсак, таҳлил қилинган ЧХ русумли тозалагичларда тозалаш барабанларининг 40-50 % ёй периметрида колосниклар ўрнатилган бўлиб, тозалаш жараёни фақат шу қисмда кечади.

ЧХ-3М2 тозалагичдан фарқли равишда ЧХ-5 тозалагичларида дифференциал тозалаш технология қўлланилади, яъни бу тозалагичда биринчи барабанга тушган пахта хомашёси унда тозаланиб тозалагичдан чиқарилади, биринчи барабанининг колосникли панжараси орасидан ажралган ифлос аралашмали пахта хомашёси иккинчи барабанда тозаланади, яъни тозалаш жараёни кетма-кет амалга оширилади [3]. Шундан дифференциал тозалаш технологияси атамасини аниқроқ кетма-кет тозалаш технологияси атамаси билан алмаштириш мақбул.

Кетма-кет тозалаш технологиясига асосланган ЧХ-5М тозалагичнинг иш жараёнини кўриб чиқамиз. Пахта хомашёси таъминлагич 1 ёрдамида қозикли барабан 2 га узатилади, қозикли барабанда титкиланган пахта хомашёси аррачали барабан 5 га узатилади, аррачалар тишига илашган пахта хомашёси кўзғалмас чўтка 4 билан мустаҳкамланади ва ўз ҳаракат йўналишида иккита колосниклар панжараси 6 га урилиб тозаланади.

Агар ЧХ-3М2 тозалагичида 90-95 % пахта хомашёси узлуксиз иккита аррачали барабандан ўтса, бу тозалагичда 70-75% пахта хомашёси биринчи барабанда тозаланиб тозалагичдан ташқарига чиқарилади. Ифлослик билан бирга ажралган 25-30 % пахта хомашёси иккинчи барабанга келиб тушади ва кўзғалмас чўтка билан аррача тишларига мустаҳкамланиб ҳаракат йўналишида колосникларга урилиб тозаланади. Иккинчи барабанга тушган пахта хомашёсининг 85-90 % и тозаланиб тозалагичдан чиқарилади. Қолган 10-15 % пахта хомашёси ажралган ифлослик билан учинчи аррачали барабанда тозаланади, шундан кейин ажратувчи чўткали барабан ёрдамида тозалагичдан ташқарига чиқарилиб умумий пахта хомашёсига кўшилади. Шунинг ҳисобига, бу тозалагичнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги ЧХ-3М2 тозалагичидан 2-3 баравар юқори бўлиб, 5-6 т/соатни ташкил этади. Бу тозалагичнинг йирик ифлосликларни тозалаш бўйича самарадорлиги ЧХ русумидаги тозалагичларникидек, майда ифлосликларни тозалаш самарадорлиги паст, лекин тозалашдан кейин эркин тола миқдори ва чигит шикастланиши кам.

Тозалаш самарадорлиги колосниклар ўрнатилган ёй периметри узунлигига боғлиқ. Шу туфайли тозалаш самарадорлигини оширишнинг йўлларида бири тозалаш жараёни кечадиган ёй узунлигини кўпайтиришдир.


Таҳлилдан кўриниб турибдики, пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозаловчи тозалагичлар бир хил таъминлаш валиги, қозикли барабан, тўрли юза ёки пичоқли панжарадан, аррачали барабан, илаштирувчи чўтка, колосникли панжара ва ажратувчи чўткали барабандан иборат.

Таъминлаш валиклари, тўрли юза ёки пичоқли панжара ишлаб чиқариш шароитида энг кам ейиладиган ва эксплуатация ҳаражати кам бўлган ишчи қисмлардир.

**Тадқиқот методологияси.** Пахта толаси унинг таркибидаги ифлослик аралашмаларига кўра синфларга (олий, яхши, ўрта, оддий, ифлос) ажратилади [4]. Синфлар ўртасида бир тонна толанинг улгуржи нархи 40-50 минг сўмга фарқ қилади. Эксплуатация харажати юқори бўлган тез ейилувчан асосий ишчи қисмлар - илаштирувчи чўтка, аррачали ва чўткали ечувчи барабанлар пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлигини белгилаб беради ва олинадиган тола синфига катта таъсир қилади.

Тозалаш машиналарининг барчасида кўзгалмас илаштирувчи чўткалардан фойдаланилади. Бу илаштирувчи чўткали мосламанинг вазифаси пахта хомашёсини арра тишларига ишончли илаштириб бериш ва илашгандан кейин ҳаракат йўналишида пахта хомашёси бўлақларининг колосникларга урилганда тушиб кетмаслигини таъминлашдир. илаштирувчи чўтка тўртбурчак шаклдаги ёғоч тешикларига кўплаб капрон иплар тўқилиб ясалади. Беш дона чўтка, ариқчаси бор металл мосламага жойлаштирилиб маҳкамланади ва тўлиқ илаштирувчи чўткали мосламани ташкил этади. Мавжуд аррачали тозалаш машиналарида пахта хомашёсини аррача тишларига илаштириб берувчи чўтка колосникли панжаранинг бошланғич қисмида ўрнатилади. Ҳозирги вақтда йирик ифлосликлардан тозалаш машиналарида илаштириб берувчи мосламада узунлиги 70 мм бўлган чўткалар ишлатилади. Чўтка полимер материалдан тайёрланган. Чўткалар пахта хомашёсини аррачали барабан юзасига ишончли илдириб бериш учун аррача тишлари билан 0-1 мм масофа билан ўрнатилади.

Тозалагичнинг асосий ишчи қисми бўлган аррачали барабан (2-расм) кўйидагича тузилган: валга 1 тўртта диск 2 қотирилган, бу дискларга вал ўқи йўналишида икки қатор резъбаси бўлган пластина 5 ва бир қатор резъбаси бўлган пластина 6 қотирилган. Бу пластиналарга аррачадан 304 донаси уч жойдан қотирилиб, аррачали барабан ҳосил қилинади.




2-расм. Аррачали барабан схемаси. 1-вал, 2-диск, 3-болт, 4-қоплама, 5, 6 пластина, 7-аррача.


Ишлаб чиқаришда бу аррачали барабанларни эксплуатация қилиниши шуни кўрсатдики, аррача тез-тез ишдан чиқади ва пахта хомашёсини қайта ишлаш мавсуми мобайнида 70-75 % и алмаштирилади, шунингдек аррача қотириладиган резъбалар ишдан чиқиб, барабандаги аррачалар сони камайиб кетади. Бунинг натижасида тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги камайиб, чиқиндилар таркибида пахта хомашёси бўлақлари ошишига сабаб бўлади. Ундан ташқари металл қопламадан барабан ичига ифлосликлар тушиб, унинг динамик мувозанати йўқолиши кузатилади. Бу эса ўз навбатида технологик масофалар бузилишига, тозалагичнинг тўхталиш вақтини кўпайишига олиб келади ва унинг самарали ишлашига салбий таъсир этади.

Пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалагичларда ишлатиладиган диаметри 300 мм бўлган чўткали ечувчи барабан (3-расм) кўйидагича тузилган: валга 1 беш дона диск 2 ўрнатилган. Бу дискга қисиб турувчи йигирма дона планка 3 ёрдамида барабан периметрида йигирма қатор чўтка 4 қотирилган. Жами чўткалар сони 80 донани ташкил этади. Ҳар бир чўтка узунлиги 500 мм, кўндаланг кесими 20x25 мм ёғоч асосга баландлиги 25 мм пластмасса иплар боғлами бириктирилиб ясалган. Чўткали барабанни ташкил этувчи қотирувчи планка 3 ва чўткалар 4 герметик қобикни ташкил этади.

Чўткали барабан айланиши 960 мин<sup>-1</sup>, чизиқли тезлиги 15,1 м/с ни ташкил этади ва аррачали барабан чизиқли тезлигидан икки баравар катта.



3-расм. Чўткали ечувчи барабан схемаси. 1-вал, 2-диск, 3- планка, 4- чўтка, 5-болт.



Юқоридаги таҳлиллардан кўрдикки, ЧХ туридаги тозалагичларнинг умумий камчилиги уларнинг паст иш унумдорлигидир. Иш унумдорлигини оширилиши билан илдирувчи чўткалар тез ейилади, аррачали

барабан аррачаси ва ажратувчи чўткали барабан тез ишдан чиқади. Булар натижасида чиқиндилар таркибида пахта хомашёси бўлаклари миқдори ошади.

1978 йилда ишлаб чиқаришга пахтани оқимли қуриштириш ва тозалаш тизими ПЛПХА жорий этилган [5]. Бу оқимли тизим батереяда ўрнатиладиган пахта тозалагичларига нисбатан бир неча авзалликларга эга эди. Жумладан, металл сарфи ва ускуналарни ўрнатиладиган умумий майдон нисбатан камайди, тозалаш цехининг санитария-гигиеник ҳолати яхшиланди.

Пахтани оқимли қуриштириш ва тозалаш тизими ПЛПХА лекин бу тизимнинг бир неча камчиликлари ҳам бор эди. Буларга: биринчидан, юқори энергия сарфли сепараторлар ва вентиляторларни ўрнатилиши талаб этилганди, иккинчидан колосникли-аррачали РХ-1 тозалагичларида хавони сўрилиши ҳисобига пахтанинг бир қисми транзит чиқиб кетиши оқибатида тозалрадорлиги паст эди.

1980 йилда оқимли тозалаш тизимини такомиллаштириш мақсадида ЦНИИХпром ва ТГСКБ томонидан АХК пахта тозалаш агрегатининг икки қисмидан иборат ЛХ-2 русумли янги оқимли тозалагич ишлаб чиқилди. Тизимнинг ҳар бир қисми бир-бирига бириктирилган майда ифлосликдан тозаловчи қозикли-барабанли ва йирик ифлосликдан тозаловчи колосникли-аррачали қисмлардан, ва РХ регенераторидан ташкил топган [6].

Бу тизимни авзаллиги ораликдаги ташиш қурилмаларини олиб ташланганлиги ва йирик ифлосликлардан тозаланиш сонларини ростланишини амалга оширилганидир. бу Технологик тизим 1982 йилдан ишлаб чиқарила бошланди ва унинг иш унумдорлиги 7-7,5 т/соат га тенг бўлди.


Бу тизимнинг камчиликларига пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш секцияларини тўхтатилган ҳолатида пахтани кейинги тозалаш бўлимига ўтказиб беришни мукамал бўлмагани ва ҳар бир пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш бўлимида регенерация бўлимини бўлмаганлиги эди. Шу сабабли ҳар бир бўлимдан кўп миқдорда чиқинди аралаш пахта чиқиши рўй беради ва оқимли тизим учун ўрнатилган РХ регенераторининг иш унумдорлигидан кўп миқдорда чиқинди чиқади.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш йўлида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида УХК русумидаги тозалаш агрегатидан ташкил этилган комплекс 1987 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинди. Ўша вақтдаги пахта тозалаш ТТГСКБ си,



ЦНИИХпром ва ТИТЛП мутахассисларидан ташкил топган махсус комиссия синов натижаларига кўра регламент талабларидаги тозалаш сифати кўрсаткичларига эришиш учун УХК агрегатида 6 та аррачали тозалаш секцияси ишлатилишини тавсия этганлар [6].

Лекин амалдаги хозиргача ишлатилиб келинаётган УХК агрегатларида 3 та ёки 4 та аррачали тозалаш секциясидан фойдаланиб келинмоқда. Демак, УХК агрегати тўртта бўлимдан иборат бўлиб, бу бўлимлар ўз навбатида иккита ЕН.178 қозикли бўлим, чўткали бўлим ва аррачали бўлим ЕН.177 дан иборат. Машина терими ва қийин тозаланадиган пахта хомашёларни тозалаш учун УХК агрегати таркибидаги бўлимлар сони олтига оширилди, агрегатнинг олд ва охирига пахта хомашёсини майда ифлосликлардан тозаланувчи 1ХК русумидаги тозалагич ўрнатилди. УХК агрегати иш унумдорлиги ЧХ русумидаги тозалагич иш унумдорлигидан фарқлироқ бўлиб, 7 т/соатни, тозалаш самарадорлиги эса пахта хомашёсининг намлиги ва бошланғич ифлослигига қараб 75-80 % ни ташкил этади. УХК агрегати (4-расм) қуйидаги тартибда ишлайди: пахта хомашёси таъминлаш валиклари 4 билан қозикли барабанга 1 узатилади, қозикли барабанлар пахта хомашёсини титкилаб тўрли юздан майда ифлосликлардан тозалаб олиб ўтади, пахта хомашёси оқими кейин реверсив ҳаракатланиши мумкин бўлган чўткали барабанга 2 узатилади. Агар пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш зарур бўлмаса, пахта хомашёси чўткали барабанлар ёрдамида кейинги қозикли барабанга узатилади. Йирик ифлосликлардан тозалаш зарур бўлса чўткали барабан 2 пахта хомашёсини ЕН.177 аррачали бўлимга 3 га йўналтиради. Бу бўлимда пахта хомашёси йирик ифлосликлардан тозаланиб, ажратувчи чўткали барабан ёрдамида кейинги қозикли бўлимга ўтади. Шундай жараён УХК бўлимларининг барчасида пахта хомашёси бошланғич ифлослигига қараб бажарилади. Реверсив ҳаракатланувчи чўткали барабан тузилиши ажратувчи чўткали барабан билан бир хил.



4-расм. УХК агрегатини йирик ифлосликдан тозалаш бўлими схемаси. 1-қозикли барабанлар, 2-йўналтирувчи чўткали барабанлар, 3-аррачали тозалаш ва регенерация барабанлари, 4- таъминловчи валиклар.

чўткали барабанлар ёрдамида кейинги қозикли барабанга узатилади. Йирик ифлосликлардан тозалаш зарур бўлса чўткали барабан 2 пахта хомашёсини ЕН.177 аррачали бўлимга 3 га йўналтиради. Бу бўлимда пахта хомашёси йирик ифлосликлардан тозаланиб, ажратувчи чўткали барабан ёрдамида кейинги қозикли бўлимга ўтади. Шундай жараён УХК бўлимларининг барчасида пахта хомашёси бошланғич ифлослигига қараб бажарилади. Реверсив ҳаракатланувчи чўткали барабан тузилиши ажратувчи чўткали барабан билан бир хил.

Реверсив ҳаракатланувчи йўналтирувчи чўткали барабанлар 2 пахтани тозалаш жараёнида иштирок этмайди, улар ёрдамида тозаланаётган пахтани аррачали барабанларга, ёки аррачали барабанлар ишлатилмаган ҳолатида кейинги бўлимдаги қозикли барабанларга йўналтириб беришга хизмат қилади. Агрегатнинг реверсив ҳаракатланувчи чўткали барабан қисмида тез-тез тикилишлар содир бўлиши технологик оқим жараёнини, пахта хомашёсининг сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиб ўзгартириш имконини камайтирди. Шу сабабли ҳар-хил сифат кўрсаткичидаги пахта хомашёси бир хил тарзда тўлиқ оқимдан ўтказилишига сабаб бўлади. Бу эса пахта хомашёсини тозалашда йўқотишларга ва қайта ишлаш ҳаражатларининг ошишига олиб келади [7].

**Хулоса** қилиб айтганда амалдаги пахта хомашёсини тозалагичнинг асосий камчилиги шундаки, уни ишлатиш машинада терилган пахтани тозалашда тозалашнинг потенциал юқори тозалаш самарадорлигини таъминламайди, бу асосан тозалаш аррачали цилиндрларининг сонига боғлиқ. Натижада амалдаги тозалагичдан фойдаланилганда тозалаш эффекти унда ишлатиладиган тозалаш аррачали цилиндрлари сони билан чегараланади. Бундан ташқари, йирик ифлосликни тозалаш бўлимида иккита йўналтирувчи чўткали барабанлари мавжуд, бу конструкцияни мураккаблаштиради ва энергия сарфини

оширади. Бизнинг мақсадимиз пахтани оқимли тозалагич УХК нинг йирик ифлосликдан тозалаш самарасини оширишдан иборат. Вазифа УХК пахта тозалагичининг йирик ифлосликдан тозалаш бўлимига қўшимча аррачали барабан ва таъминловчи чўткали барабанининг бир донасини биргаликда ўрнатиш билан юқори ифлосликка эга машинада терилган пахта хомашёсини икки марта тозалаш билан ҳал қилинади. УХК тозалагичининг пахтани йирик ифлосликдан тозалаш бўлимида таклиф этилаётган конструкция юқоридаги ўзига хос хусусиятлари туфайли, у амалдаги тозалагичга нисбатан тозалаш эффектини ошириши мумкин бўлади, чунки таклиф этилган вариантда, пахтани йирик ифлосликдан тозаловчи УХК нинг ҳар бир бўлимида, икки мартадан йирик ифлосликлардан пахтани тозалаш жараёни амалга оширилади.

**Адабиётлар:**

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
- [2]. Пахтани дастлабки ишлаш бўйича қўлланма, “Ўзпахтасаноат” АЖ, Тошкент, 2019 й., 477 б.
- [3]. Справочник по первичной обработке хлопка. – Ташкент: "Мехнат", 1994. Книга 1
- [4]. ПДИ-57-2017 Пахтани мувофиқлаштирилган технологик регламенти. Ташкент. -2019.
- [5]. Ульдяков А.И., Самандаров С.А. и др. Поточная линия сушки и очистки средневолокнистого хлопка-сырца ПЛПХА. ЦНИИХпром и ТГСКБ по хлопкоочистке. Ташкент. 1976. 112с.
- [6]. Будин Е.Ф., Бородин П.Н. Изыскание и технико-экономическое обоснование технологической схемы очистителя с использованием пыльчатого барабана для очистки и транспортирования хлопка-сырца. НТО ЦНИИХпром, Ташкент. 1988. 107 с.
- [7]. Усманкулов А., Саломов А., Аббазов И. Результаты предварительных исследований и выбор направления исследований по усовершенствованию агрегата УХК для очистки хлопка-сырца машинного сбора // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. 2022. № 1 (94). С-50-55 URL: <https://7universum.com/ru/tech/authors/item/salomov-abubakir>.

УДК: 677.021.152

**ПАХТА ХОМАШЁСИННИНГ ТОЗАЛАШ ЗОНАСИДА КОЛОСНИКЛАР БИЛАН  
ЎЗАРО ТАЪСИРЛАНИШУВИДА ОРАЛИҚ МАСОФАНИНГ ТОЗАЛАШ  
САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ НАЗАРИЙ ЎРГАНИШ**

Р.М. Мурадов, Ф.О. Эгамбердиев, Б.Т. Аббазов, Ш.Р. Эргашева

*Жиззах политехника институти, [abbazovbaho@gmail.com](mailto:abbazovbaho@gmail.com)*

*(Қабул қилинди 27.04.2022 й.)*

*Ўйбу мақолада УХК русумли пахтани тозалаш ускунасининг колосникли панжарасига конструкция ўзгартирилишининг назарий ҳисоблари келтирилган.*

*Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра пахтани тозалашида прижина ёрдамида тебраниб туришини таминлаш оралиқ масофани кенгайтириш яни 1-3 ммга ўзгартирилишининг оптимал қиймати яни 15-18 мм оралигида бўлиши тозалаш самарадорлигига тасири назарий жиҳатдан исботланди.*

**Калит сўзлар.** *Пахта, машина терими, қул терими, йирик ифлослик, нав, чиқинди, аррали барабан, коласникли панжара, пружина, тебранма ҳаракат.*

*This article presents the theoretical calculations of the structural transformation of the UHK cotton ginning equipment into the grate grate.*

*According to the results of the analysis, the effect on the efficiency of cleaning is theoretically proved by the fact that the optimal value of the change of 1-3 mm, ie in the range of 15-18 mm, to ensure the vibration of the spring when cleaning cotton.*

**Keywords.** *Cotton, machine picking, slave picking, large dirt, variety, waste, saw drum, colasnik grill, spring, vibrating movement.*

*В данной статье представлены теоретические расчеты конструктивного преобразования хлопкоочистительного оборудования УНК в колосниковую решетку.*

*По результатам анализа влияние на эффективность очистки теоретически доказывается тем, что оптимальная величина изменения 1-3 мм, т.е. в пределах 15-18 мм, для обеспечения вибрации весной при чистке хлопка.*

**Ключевые слова.** Хлопок, машинный сбор, ведомый сбор, крупная грязь, сорт, отходы, пыльный барабан, колясник, решетка, пружина, вибрационное движение.

**Кириш.** Тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун тўқимачилик ва энгил саноатнинг барча тармоқларида пахта хом-ашёсини янада чуқур қайта ишлашни таъминлаш, бўялган ип-калава, трикотаж матолари каби тайёр маҳсулотларни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш, замонавий технология ва дизайнни фаол ўзлаштириш иқтисодиёт учун жуда самарали хисобланади [1].

Жаҳон тўқимачилик саноатида пахта толаси ишлатилиши бўйича умумий тола миқдорининг 55-60 фоизини ташкил этади. Пахта тозалаш саноатини изчил ва барқарор ривожлантириш, тармоқ корхоналарида замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш, ишлаб чиқариш кувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон пахта бозорига сифатли рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада, жумладан, жаҳон пахта тозалаш саноатида юқори самарадорликка эга бўлган пахта тозалаш машиналарини такомиллаштириш ва ресурстежамкор технологияларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда пахтачилик тармоғини ривожлантириш, пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш рентабеллигини, шу билан бирга, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган.

Бугунги кундаги глобаллашув ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш катта аҳамиятга эга бўлиб, уни ҳал қилиш халқаро бозорлардаги рақобат курашида муваффақиятли равишда қатнашишга кенг имконият яратади. Ҳозирги пайтда Республикамиз пахта тозалаш корхоналари олдида турган асосий вазифалардан бири: ускуналарни замонавийлаштириш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, рақобатбардошликни таъминлаш, чиқиндиларни камайтириш ва маҳсулотнинг сифат даражасини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат. Бу муаммони бартараф этиш учун пахта хом ашёсини йирик ифлосликлардан тозалашнинг янги технологик оқимини яратиш, технологик жараёнларга инновацион ишланмаларни қўллашга бағишланган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Шунга қарамадан мамлакат пахта саноатида фойдаланилаётган технологиялар хомашёнинг бошланғич табиий сифат кўрсаткичларининг тўлиқ сақланишини таъминлаб бера олмаяпти. Пахта таркибида йирик ифлосликларнинг кўплиги ҳамда пахтани ифлосликлардан тозалаш ва қўритиш технологияси самарадорлигининг пастлиги олинаётган пахта маҳсулотларининг сифати паст, таннархининг юқори бўлишига олиб келмоқда. Бундан қўриниб турибдики пахтани йирик ифлосликлардан самарали тозалаш технологиясини яратиш орқали маҳсулот тозалаш самарадорлигини ошириш мумкин.

### **1. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш бўйича олиб борилган илмий ишлар**

#### **1.1. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш ускуналарининг келиб чиқиш тарихи ва уни ривожланиши**

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган биринчи аррачали тозалагич БЧ-2М 1950 йилда яратилган. Қурилманинг тозалаш самарадорлиги яни фойдали иш коэффициенти кам, кўп

энергия сарф қиладиган бўлган. Шундан кейин пахтани ифлосликлардан тозалаш ускунаси такомиллаштирилиб ҳозирги ҳолатига келтирилган. Ҳозирги кунда соҳа олимлари томонидан кўплаб илмий ишлар олиб борилиб янги такомиллаштирилган пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш ускуналари ишлаб чиқаришга жорий этилиб келинмоқда. [2]

Профессор Р.Г.Махкамов томонидан ўтказилган илмий изланишларида пахта тозалаш машиналарининг ишчи ўрганларини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда толали матриалнинг сифати оширилган, шу билан биргаликда пахта тозалаш машиналарининг ишчи ўрганларида полимер матриаллардан фойдаланилган, бу пахта билан ўзаро таъсирда ишқаланиш кучини камайтиради.

Ш.Ҳакимов [4] томонидан утказилган тадқиқотлар асосида тез егилувчи кўзгалмас чутка ўрнига янги илдирувчи мослама таклиф этилади. Бу янги илдирувчи мослама пахта хомашёсининг аррали барабан юзасига илдириш жараёнини ўрганиш учун пахта хомашёсининг аррачали барабан илдирувчи мосламалар орасидаги ҳаракатнинг назарий модели ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари Хорижий мамлакатларнинг, жумладан, АҚШда қўлланиладиган технологик жараёнлар таҳлилига кўра, толали матриалларни аррачали барабан ёрдамида тўрт қарра тозалаш тавсия этилган, бунда қозикли барабанларнинг сони 20-30 тадан ошмаслиги талаб этилганлигин тахлиллардан кўришимиз мумкин. Бу тахлил натижаларидан кўришиб турибдики пахтани ифлосликлардан тозалаш ускуналарини такомиллаштириш пахта сифатини яхшилашга олиб келади.

### **1.2. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалашда тебраниш ҳамда коласниклар ва аррали цилиндрнинг орасидаги масофага боғлиқлиги бўйича олиб борилган тадқиқотлар**

Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машиналарининг колосникли панжараларига бир неча бор соҳа олимлари томонидан ўзгартиришлар киритилиб келинган. Бугунги кунда тозалаш ускуналаридаги ишлатиладиган колосникли панжаралар СТ-40 маркали пулатдан ясалади. Ҳар бир колосникли панжарада 5 дона колосниклар жойлашган бўлиб. Тозалаш ускунасининг биринчи, иккинчи тозалаш зоналари ҳамда ригинирация жараёнида бир хил колосникли панжаралар жойлашган бўлади. Колосникли панжаралар пахтани тозалашда асосий ўринни эгаллайди. Колосникли панжаралар ва уларнинг тозалаш самарадорлигига таъсири бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Кошакова М.Ж томонидан ўтказилган илмий изланишларда пахтани ифлосликлардан тозалашда тебраниш ҳисобига тозалаш самарадорлигини оширишга эришилган. Машинанинг тозалаш самарадорлигининг паслиги сабабли мазкур таклиф этилган конструкция ишлаб чиқаришда қўлланилмаган.

Набиев.Ш [3] тамонидан УХК агрегатида пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш бўлимларида колосниклар орасидаги масофа ўзгаришининг тозалаш самарадорлигига ва ажратилаётган чиқиндидаги пахта бўлакчалари миқдорига таъсирини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилган. Изланишда намлиги 8,2 %, ифлослиги 4,9 %, Ан-Боёвут 2-саноат нав, 1-синф пахта тозаланган. Биринчи босқичда асосий тозалаш бўлинмасида колосниклар орасидаги масофанинг рационал курсаткичларини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилган. Тахлил натижаларидан кўришиб турибдики колосниклар орасидаги масофани ва уларни тебранма ҳаракатга келтириш натижасида тозалаш самарадорлигини яхшиланишига эришишимиз мумкин эканлигини тахлил натижаларидан кўришимиз мумкин.

### **2. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш бўйича олиб борилган назарий тадқиқотлар**

#### **2.1 Пахтани йирик ифлосликлардан тозалашда аррали цилиндр ва колосниклар орасидаги масофани танлаш**

Технологик жараён муаммоларини ечиш учун унинг кўрсаткичларини математик модел воситасида чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб қилади. Аммо мураккаб технологик жараёнларни, масалан пахта хомашёсини чиқиндиларидан тозалаш, стандарт талабларига сифатини етказиш назарий жиҳатдан катор математик масалаларни ечишни талаб қилади.

Паст навли машинада терилган пахтани тозалаш самарадорлигини ошириш, шу билан бир қаторда чигит шикастланишини олдини олиш, келаётган оқимда пахта миқдори ошган тақдирда тикилиш ҳисобига аррачали цилиндрни тухтаб қолишини олдини олиш ҳамда бир чигитли пахта бўлакчаларини қолисниклар оралиғидан ифлосликка чиқиб кетишини камайтириш орқали маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ҳисобига сифатли маҳсулот олишимиз мумкин.

Бунинг учун пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш ускунаси тозалаш самарадорлигини ошириш орқали имкониятини янада яхшилаш зарур. Ускунанинг тозалаш имкониятини яхшилаш учун қолосникли панжараларни пружина ёрдамида ҳаракатга келтириш яни тебраниб туриши орқали эришишимиз мумкин. Ускунада қолосникли панжара аррали цилиндр тагида жойлашган ёйсимон планкаларга ўрнатилган ва бу планкалар пастки қисмидан пружиналарга қотирилган. Пружиналар ўз навбатида тозалаш ускунасига мустаҳкам урнатилган.

Бу ишланмага мувофиқ аррали барабан орқали келаётган чигитли пахта биринчи қолосникли панжарага ўрилганда қолосникли панжара маълум қийматга тебранади. Худди шу ҳолатда чигитли пахта ҳар бир қолосникдан ўрилиб ўтиш жараёнида тебраниш ҳисобига кўпроқ силкинади ва толали масса мейёрда кўп келган ҳолатда тебраниш ҳисобига қолосникли панжарага тикилиб қолиш ҳолатлари бўлмайди.

Аррали цилиндр ва қолосник орасидаги белгиланган ўртача оралиқ масофани сақлаб қолиш учун қолосникли панжара шундай ўрнатилганки, тебранма ҳаракат бериш учун танланган пружина қолосникли панжарани 1-3 мм оралиғида терранма ҳаракат беради. Аррали цилиндр ва қолосник орасидаги масофа паст навли пахталар учун 15 дан то 18 мм оралиғида жойлаштирилади.

Паст навли пахта таркибидан бир чигитли пахта бўлакчаларини тебранма ҳаракатдаги қолосникли панжара сиқилиши натижасида пахтани арра тишларига илашиши ошади натижада бир чигитли пахта бўлакчалари қолосниклар орасидан тушиб ифлосликка аралашиб кетиши олди олинади.

Келаётган пахта оқими таркибидаги ифлосликлар қолосникли панжара 1-3 мм оралиғида тебраниши ҳисобига оқимда келаётган пахта силкиниши қупайиши ҳисобига ифлос аралашмалар тушиб кетиши юқори бўлади. Бунинг ҳисобига УХК русумли пахта тозалаш ускунасининг тозалаш самарадорлиги ошади.

Пахта хомашёси ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда, тозалаш самарадорлигини ошириш учун аррали цилиндр ва пружина ёрдамида тебраниб турувчи қолосникли панжара орасидаги масофа 15 дан то 18 мм гача оралиқда бажарилган. Аррали цилиндр ва қолосник орасидаги тирқишни сақлаб қолиш учун, қолосниклар шундай ўрнатилганки, бунда аррали цилиндрга қаратилган ҳар бир қолосник ёйсимон чизикда жойлашган. Бунинг натижасида пахта толаси ва чигитининг минимал даражада шикастланиши таъминланади.

2.2. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалашда ускунанинг қолосник билан аррали цилиндр орасидаги масофанинг тозалаш самарадорлигига таъсирининг назарий таҳлили.

Пружина ёрдамида тебраниб турувчи қолосникли панжара технологик конструкцияси чизмада изоҳлаб берилган (1-расм), бу ерда қолосникли панжаранинг умумий схемаси тақдим этилган.

Қолосникли панжара иш жараёнида тебраниб туриши натижасида тозалаш жараёнидан утадиган паст навли чигитли пахта пастдан берилган қисқа зарбалар ҳисобига қайтиб бориб арра тишларига илашиши яхшиланади ва бир чигитли пахта бўлакчалари қолосниклар орасидан утиб ифлосликка қўшилиб кетиши камаяди.

Иш жараёнида қолосникли панжара тебрани буриши натижасида тикилишлар олди

олиниши, тозаланиш бир мунча ошиши ва бир чигит пахталар ифлосликка кўшилиб кетиши натижасида УХК русумли йирик ифлосликлардан тозалаш ускунасининг тозалаш самарадорлиги ошишини кўзатамиз.

Пахта хом ашёси оқими ўзининг ҳаракати давомида колосниклар тизими билан ўзаро таъсирланишуви натижасида, босим, зичлик ва тезликлар ҳар бир колосникдан ўтгандан сўнг ўзгаришларини назарий тадқиқ қиламиз. Бу жараёни моделлаштириш учун қуйидаги фаразларни қабул қилинди.


1. Пахта масси туташ муҳит ва оқимнинг ҳаракатини стационар деб, қабул қиламиз, у ҳолда оқимдаги унумдорлик колосниклар жойлашган зонада ўзгармас бўлиб,  $Q_0$  га тенг бўлиб, оқимдан ажралиб чиққан ифлосликлар унумдорликка  $Q_0$  га таъсир қилмайди.

2. Оқимнинг ҳаракати колосниклар орасидаги бир ўлчовли деб қабул қилинади.

3. Ихтиёрий колосник пахта оқими (муҳит) билан ўзаро контактда бўлиб, колосникнинг муҳитга ботишлиги Герц ёки Винклер қонунига асосан, ёки тажриба асосида аниқланади. Оқимнинг ҳар бир колосник орасидаги тезлигини, босимини ва зичлигини (параметрларини) ва кесим юзасини мос равишда  $v_i$ ,  $p_i$  ва  $S_i$  билан белгилаймиз. ( $i = 1..n$ )  $n$ -колосниклар сони.

4  $ABCD$  қурилманинг асоси эластик элементда ўрнатилган бўлиб ҳаракат давомида униг ҳамма нуқталари билан барабан орасидаги масофа бир хил бўлади, бу ҳолда бошланғич момент  $t = 0$  колосниклар марказлари  $O_i$  нуқталарда бўлиб, улар барабан радиуси йўналишида  $B_i$  нуқтага бир хил масофа  $u_0(t)$  га кўчади.


Босимнинг параметрларини биринчи ва иккинчи колосниклар орасида аниқлаймиз.



2-расм. Пахта хомашёсининг тозалаш зонасида колосниклар билан ўзаро таъсирланишунинг умумий (а) ва ҳисоблаш (б) схемалари.

ўзаро таъсир  $A_1K_1D_1C_1E_1$ , зонасида оқим параметрларини аниқлаймиз (2а расм).  $Ox$  ўқини  $A_1D_1$  кесим бўйлаб йўналтирамиз (2б-расм). Ихтиёрий  $mn$  юза (текисликка перпендикуляр) қуйидаги формула билан аниқланади [1]:

$$S = (h_0 - u_0 + \frac{x^2}{2R_0})L \quad -a < x < a \quad (1)$$



1-расм. Пахтани тозалаш учун мўлжалланган колосникли панжара: 1–колосникли панжарани тебраниб туришини таъминловчи пружина, 2–аррачали барабан, 3 – тебраниб турувчи колосникли панжара.

Фараз қилайлик оқимнинг дастлабки (колосниклар зонасидан ташқари) параметрлари  $\rho_0, v_0, h_0$  ва  $S_0$  бўлсин. Биринчи колосник билан таъсирланишуви олдиан оқим қалинлиги  $h_0$  бўлсин, у ҳолда оқимнинг иш унумдорлиги  $Q_0 = \rho_0 v_0 h_0 L$  га тенг бўлади, бу ерда  $L$  барабаннинг узунлиги.

Хомашёнинг биринчи колосник билан

бу ерда  $h_0$  хомашёнинг дастлабки қалинлиги,  $a = \sqrt{2u_0R_0}$   $u_0$  - колосникнинг 4 фарзга кўра барабан йўналишидаги кўчиши (ботиши) бўлиб, унинг оқимга нисбатан ботиклиги хисобланиб, унинг қиймати Герц ёки Винклер қонунига асосан [1], ёки тажрибавий аниқланади,  $R_0$  – колосник радиуси,  $L$  барабан валининг узунлиги. Ажратилган  $mn$  элемент учун стационар ҳаракат шартда Эйлер тенгламасини тузамиз [2]:

$$-[Sp + d(Sp)] + Sp - qfLdx = \rho v Sdv \quad (2)$$

бу ерда  $q = kp$  – ён босим,  $k$  - босим коэффициентлари,  $f = f_1 + f_2$ ,  $f_1, f_2$  –мос равишда пахта билан барабан ва колосник орасидаги ишқаланиш коэффициентлари  $S = h(x)L$  тенгликни ва  $q$  ифодани эътиборга олиб (2) ифодани  $dx$  бўлиб, қўйидаги тенгламани оламиз

$$\rho v h \frac{dv}{dx} = -\frac{d(ph)}{dx} - kfp \quad (3)$$

бу ерда  $h = (h_0 - u_0 + \frac{x^2}{2R_0})$

(3) тенгламада  $\rho, v, p$  номаълумлар қатнашади, уни тўлдириш учун икки шартдан фойдаланамиз.

Биринчидан оқим стационарлик шарти

$$\rho v h = \rho_0 v_0 h_0 = Q_0 / L \quad (4)$$

Иккинчи шарти мухитнинг ҳолат тенгламаси ўринли бўлиши керак.

Бунинг учун босим билан зичлик орасидаги боғланишни оламиз.[2,3] Бунда ишларга кўра босим билан  $p$  ҳажм деформацияси  $\varepsilon = \frac{\Delta V}{V_0} = 1 - \frac{\rho_0}{\rho}$  орасидаги чизиқли боғланиш ўринли.

$$p = p_0 + K\varepsilon = p_0 + K(1 - \frac{\rho_0}{\rho}) \quad (5)$$

$p_0$  хомашёдаги дастлабки босим,  $K$  -ҳажм ўзгариш модули (тажрибавий катталиқ).(4) ва (5) боғланишлардан фойдаланиб тезликни босим орқали ифодасини аниқлаймиз

$$\frac{v}{v_0} = 1 + \frac{p_0}{K} (1 - \frac{p}{p_0}) \quad (6)$$

(3) тенглама чап томонига бу ифодани қўйиб, ундан босим  $p$  га нисбатан тенглама ҳосил қиламиз

$$\frac{dp}{dx} = -p \frac{h' + kf}{h - M^2 h_0} = -p \frac{x + R_0 kf}{[b_0 + x^2]} \quad -a < x < a \quad \text{бўлганда} \quad (7)$$

бу ерда  $b = 2R_0[h_0(1 - M^2) - u_0]$ ,  $M = v_0 / c_0$   $a = \sqrt{2R_0u_0}$

$c_0 = \sqrt{K / \rho_0}$  - хомашё мухитидаги товуш тезлиги.

(7) тенгламанинг ечими  $b$  ўзгармаснинг ишорасига боғлиқ. Тозалаш жараёри амалга ошиши учун (7) формулага кўра  $p / p_0 < 1$  шарти билан бу функция камаювчи бўлишини талаб қиламиз. Бу шартда  $b > 0$  тенгсизликни бажарилиши етарли бўлади.  $b_0 = b^2$  тенгликдан фойдаланиб (7) тенгламанинг  $x = -a$  да  $p = p_0$  тенглиги шартдаги ечими қўйидаги кўринишда оламиз

$$p / p_0 = \exp \left[ -\frac{fkR_0}{b} \arctg \left( \frac{u_0 x}{b} + \frac{u_0 a}{b} \right) \right] \sqrt{\frac{b^2 + a^2}{b^2 + x^2}} \quad (8)$$

$A_1 K_1 D_1$  ёй бўйлаб оқим тезлиги ва унинг зичлигининг тақсимланиш қонуниятлари қўйидаги


формулар билан ифодалнади

$$\frac{v}{v_0} = 1 + \frac{P_0}{K} \left(1 - \frac{P}{P_0}\right), \quad \frac{\rho}{\rho_0} = \frac{v_0 h_0}{v h} \quad (9)$$


2 ва 3 расмларда стационар ҳаракатдаги хомашё оқими тезлиги (2 расм) ва зичлигининг ( 2 расм) биринчи зонада тақсимланиш графиклари келтирилган.

### 3. Назарий изланишларни аналитик ҳисоби

Ҳисобларда қўйидаги қийматларни қабул қиламиз.  $R_0 = 0.24\text{м}$ ,  $u_0 = 0.0002\text{м}$ ,  $h_0 = 0.03\text{м}$ ,  $k = 0.6$ ,  $\rho_0 = 50\text{кг}/\text{м}^3$ ,  $Q_0 = 5000\text{кг}/\text{соат}$ ,  $p_0 = 1000\text{Па}$  Графиклар таҳлилидан зона бўйлаб оқим тезлигининг ошиб бориши, зичлиги эса камайиши кузатилади.  $M$  сони ва ишқаланиш коэффициентлари тезлик ва зичликнинг тақсимланиш қонуниятларига керакли даражада таъсир этиши мумкин. Бундай таъсир  $M$  сонинг бирга яқин қийматларида яққол изоҳланади



2-Расм Хомашё оқими тезлиги  $v$ ( $\text{м}/\text{с}$ ) 1 тозалаш секциясида ишқаланиш коэффициенти  $f$  нинг иккита ва  $M = c_0 / v_0$  сонининг ҳар хил қийматларида тақсимланиш графиклари. 1 –  $M = 0.1$ ,. 2 –  $M = 0.2$ ,. 3 –  $M = 0.3$ ,. 4 –  $M = 0.4$



3-расм Хомашё оқими зичлиги  $\rho$ ( $\text{кг}/\text{м}^3$ ) нинг тозалаш секциясида ишқаланиш коэффициенти  $f$  нинг иккита ва  $M = c_0 / v_0$  сонининг ҳар хил қийматларида тақсимланиш графиклари. 1 –  $M = 0.1$ ,. 2 –  $M = 0.2$ ,. 3 –  $M = 0.3$ ,. 4 –  $M = 0.4$ .



Хомашё заррачаларининг колосник биноан ўзаро таъсирлашуви жараёнида хомашё такибидаги ифлосликларга ижобий ҳаракат ҳосил бўлиши ва ифлосликлар билан хомашёдаги толалар орасидаги боғланиш кучларининг камайиши натижасида унинг таркибидан қисман ифлосликлар ажралиши мумкин. Бу жараёни тадқиқ этиш учун адабиётда келтирилган Севостьянов моделини қўлаймиз [4]. Бу моделга кўра хомашё таркибидан ажралган ифлосликлар массаси камайиши ушбу дифференциал кўринишда келтирилган

$$\frac{dm}{m} = -\frac{1}{1+a_0} \frac{d\rho}{\rho} \quad (10)$$

Бу ерда  $m$  хомашё массаси,  $a_0$  ўзгармас мусбат параметр (10) тенгламани биринчи зонага кўллаб,  $m = m_0$ ,  $\rho = \rho_0$   $x = -a$  бўлганда шартда интеграллаймиз  $\lambda = 1/(1+a_0)$

$$\frac{m}{m_0} = \left( \frac{\rho}{\rho_0} \right)^{-\lambda}$$

Бу ерда  $m_0$  хомашёнинг дастлабки массаси .

Хомашёдан ажралган ифлослик массаси ушбу тенгликдан аниқланади

$$\Delta m = m_0 - m = m_0 \left[ 1 - \left( \frac{\rho}{\rho_0} \right)^{-\lambda} \right]$$

Жадвалда параметр  $\lambda$  ва  $M$  нинг ҳар хил қийматларида ҳар соатда биринчи зонада ажралган ифлосликлар массаси келтирилган. Жадвалдаги қийматлар таҳлидидан  $\lambda$  ва  $M$  параметрларининг ошиши ажралган массаларнинг миқдорини кескин ошишига олиб келади.

Жадвал. 1 секцияда хомашё такибидан бир ҳик вақт оралигида параметрлар  $\lambda$  ва  $M$  ларнинг ҳар хил қиймаларида ажралган ифлосликлар массаси  $\lambda = 0.2$

1-жадвал

$M = v_0 / c_9$	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8
$\Delta m$ (кг/ссоат)	0.32	1.78	4.06	7.00	10.52	14.65	19.56	25.78

$\lambda = 0.3$

$M = v_0 / c_9$	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8
$\Delta m$ (кг/ссоат)	0.28	2.21	5.29	9.40	14.46	20.51	28.78	36.95

$\lambda = 0.4$

$M = v_0 / c_9$	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8
$\Delta m$ (кг/ссоат)	0.98	4.74	10.18	16.62	23.69	31.24	39.42	48.72

1-жадвалдан олинган таҳлил натижаларидан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки олиб борилган назарий тадқиқотлар қийин тозаланувчи машинада терилган пахтанинг тозалаш самарадорлигининг ошишига олиб келаётганлигини кўришимиз мумкин.

**Хулоса.** Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики машинада терилган ва паст навли пахтани тозалашда тозалаш ускуналарининг тозалаш самарадорлиги асосий ўринни эгаллайди. Ускунанинг тозалаш самарадорлигини ошириш учун колосникли панжараларни пружина ёрдамида ҳаракатга келтириш яни тебраниб туришини таминлаш орқали эришишимиз мумкинлиги назарий жиҳатдан асосланди.

Олиб борилган илмий ишлари тахлиллари натижаларига асосланиб ҳозирда ишлатилаётган пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш ускунасининг тозалаш зонасида колосниклар билан ўзаро таъсирданишув жараёнида оралиқ масофанинг тозалаш самарадорлигига тасирининг назарий тенгламалари ишлаб чиқилди. Ҳамда колосникли панжара иш жараёнида тебраниб туришини тامينлаш учун прижиналардан фойдоланилиб пахта кўп ва кам келганда оралиқ масофани кенгайиб торайиши меёрга келтирилган. Бунинг натижасида тозалаш жараёнидан утадиган паст навли чигитли пахта арра тишларига илашиши яхшиланади ва бир чигитли пахта бўлакчалари колосниклар орасидан ўтиб ифлосликка қўшилиб кетиши камаяди. Таҳлил натижаларига кўра пахтани тозалашда прижина ёрдамида тебраниб туришини тامينлаш оралиқ масофани кенгайиб торайиши яни 1-3 ммга ўзгаришининг оптимал қиймати яни 15-18 мм оралиғида бўлиши тозалаш самарадорлигининг ошишига тасири назарий жихатдан исботланди. Бу назарий таҳлил натижалари тахлилларидан шундай хулосага келдикки тозалаш ускуналарини назарий жихатдан ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга замонавий такомиллаштирилган ускуналарни кенг жорий этиш пахта сифатини яхшилашда асосий ўринни эгаллайди.

### Адабиётлар

- [1]. International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September 1, 2018
- [2]. Мирошниченко Г.И Основы проектирования машин первичной обработки хлопка. М. «Машиностроение»1972, 480 с
- [3]. Kadam, D., Ilkhom, A. and Dilafruz, K., 2020. CHANGE OF PHYSICAL AND MECHANICAL INDICATORS OF YARN DEPENDING ON THE DESIGN OF THE SAMPLING DRUM. Journal of Critical Reviews, 7(3), pp.411-415.
- [4]. Muksin, K., Ilkhom, A., Iqbol, M., Javlon, K. and Marguba, R., 2020. TECHNOLOGICAL BREAKTHROUGH OF COTTON CLEANING ENTERPRISES FIBER WASTE. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(2), pp.508-515.
- [5]. V. Kuznetsov, S. Denisov. Pneumotransport of woodworking enterprises. Bratsk State Technical University. Bratsk., 2007.
- [6]. K. Hoganson, D. Gross. PatentUSA. Variable speed drive for pneumatic transport system. US 7,950,879 B2. 05/31/2011.
- [7]. Baydyuk P.V., Khozhiev M.Kh. Methodology for determining hydraulic pressure losses in a horizontal working pipeline of a pneumatic conveying system for raw cotton. // R.Zh. Cotton industry. 1992. No. 2.C. 8-9.
- [8]. Abbazov, I. Z. "IMPACT DEVICE FOR COLLECTING FIBER WASTE ON DUST TRAPPING." Textile Journal of Uzbekistan 7.1 (2019): 28-35.
- [9]. Аббазов ИЗ, Ходжиев МТ, Усманов ХС. ВОПРОСЫ ОЧИСТКИ ЗАПЫЛЕННОГО ВОЗДУХА НА ХЛОПКООЧИСТИТЕЛЬНЫХ ЗАВОДАХ. Фундаментальные и прикладные исследования в современном мире. 2018;21:45-7.
- [10]. Egamberdiev, F. O., K. J. Jumaniyazov, and I. Z. Abbazov. "Study of the influence of the guiding device on increasing the efficiency of fiber cleaning." IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. Vol. 614. No. 1. IOP Publishing, 2020.

## MODIFIKATSIYALANGAN HALQALI YIGIRISH USULINING KOMPAKT TIZIMI AFZALLIGI VA KAMCHILIKLARI TAHLILI

M.R. Raximberdiyev<sup>1</sup>, Sh.R. Fayzullayev<sup>1</sup>, X.T. Bobojanov<sup>2</sup>, J.Z. Solohiddinov<sup>2</sup>, A.A. Yusupov<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Toshkent to 'qimachilik va yengil sanoat instituti

<sup>2</sup>Namanagan muhandislik-texnologiya instituti

*(Qabul qilindi 26.04.2022 y.)*

*Yangi assortimentdagi sifatli iplarni ishlab chiqarish o'z o'zidan mavjud yigirish usullarini modifikatsiya qilishga ehtiyoj sezadi. Halqali yigirish usulini modifikatsiya qilish orqali sifatli ip olishda muhim sohalaridan biri ip shakllanishi hisoblanadi. Ip shakllanishi bo'yicha bir qancha olimlar tomonidan ilmiy izlanishlar olib borilgan. Jumladan, pishitish uchburchagida tolaning yaxshi zichlanishi tufayli iplarga*

berilayotgan buramni 20% gacha qisqartirish mumkin, shu bilan birga ipning pishiqligini an'anaviy halqali yigirish mashinasida olingan ip pishiqligi kabi saqlab qolish mumkin. Ipga berilayotgan buram kamayishi natijasida ip ishlab chiqarish tezligi oshadi va ulardan to'qilgan trikotaj matolarining yumshoqligi yanada oshadi. Hozirda keng foydalanilayotgan modifikatsiyalangan yigirish usuliga kompakt yigirish tizimlari misol bo'la oladi. Kompakt yigirish cho'zish zonasidan chiqayotgan tola oqimini zich qilish uchun havo so'rilishini qo'llash va pishitish uchburchagini sezilarli darajada qisqartirish (deyarli yo'q qilish) orqali ip asosidagi tolalarni ipdan tuk bo'lib chiqib qolishini kamaytiradi. Bunga havoni assimilyatsiya qilish tizimi va tolalar oqimi yo'nalishiga o'rnatilgan teshik sirt yordamida erishiladi. Ushbu maqolada kompakt yigirish mashinalarining afzallik va kamchiliklari tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** Modifikatsiyalangan halqali yigirish usuli, kompakt tizimi, pishitish uchburchagi.

*Производство нового ассортимента высококачественной пряжи требует модификации существующих способов прядения. Одним из важных направлений в получении качественной пряжи путем модификации метода кольцевого прядения является исследование формирования пряжи. Ряд ученых проводили исследования по изучению процесса формирования пряжи. В частности, за счет хорошей плотности волокон в треугольнике кручения число кручений, сообщаемое пряжи может быть уменьшено до 20 % при сохранении прочности, как у пряжи, получаемой на традиционной кольцепрядильной машине. В результате уменьшения крутки пряжи увеличивается скорость производства пряжи и повышается мягкость трикотажных полотен. Примером широко используемого на сегодняшний день модифицированного способа прядения являются системы компактного прядения. Основной целью «компактного прядения» является уменьшение ворсистости пряжи и снижение ее обрывности путем уплотнения мычки, выходящей из зоны вытягивания с помощью уплотняющего устройства и уменьшения (почти полного устранения) треугольника кручения. Это достигается за счет использования системы ассимиляции воздуха и перфорированной поверхности в направлении потока волокна. В данной статье анализируются преимущества и недостатки компактных прядильных машин.*

**Ключевые слова:** Модифицированный метод кольцевого прядения, компактная система, треугольник кручения.

*The production of a new range of high quality yarns requires modifications to existing spinning processes. One of the important directions in obtaining high-quality yarn by modifying the ring spinning method is the study of yarn formation. A number of scientists have conducted research to study the process of yarn formation. In particular, due to the good density of the fibers in the twist triangle, the number of twists imparted to the yarn can be reduced by up to 20% while maintaining the strength of a yarn produced on a traditional ring spinning machine. As a result of reducing the twist of the yarn, the speed of production of yarn increases and the softness of knitted fabrics increases. An example of a modified spinning process widely used today are compact spinning systems. The main purpose of "compact spinning" is to reduce the hairiness of the yarn and reduce its breakage by compacting the sliver coming out of the draw zone with a compacting device and reducing (almost completely eliminating) the torsion triangle. This is achieved by using an air assimilation system and a perforated surface in the direction of fiber flow. This article analyzes the advantages and disadvantages of compact spinning machines.*


**Keywords:** Modified ring spinning method, compact system, torsion triangle.

**Kirish.** Yaqin vaqtgacha halqali yigirish usuli afzal yigirish texnologiyasi hisoblangan. Jadal texnologik rivojlanishga qaramay, mashina halqasi, yugurdagi va urchuq mexanizmi deyarli bir xil bo'lib qolgan edi. Bugungi kunda zamonaviy yigirish mashinalari ishlab chiqaruvchilar tomonidan turli xil ishchi elementlarning konstruksiyasi yaxshilangan va halqa diametri 36 mm, naycha uzunligi 180 mm va urchuqning aylanish tezligi 25 000 min<sup>-1</sup> gacha optimal yigirish parametrlariga ega bo'lgan mashinalarni ishlab chiqishmoqda [1, 2].

Shulardan biri modifikatsiyalangan halqali yigirish usulining kompakt tizimi hisoblanadi. Kompaktlash tizimi – ip shakllanishida tolalarga buram berishdan oldin ularni parallel va bir-biriga juda yaqin holatda tekislashdan iboratdir. Bu barcha xususiyatlariga ega kompakt ipni beradi. Pishitish uchburchakning qisqarishi (deyarli yo'q bo'lishi) tolalarning tartibga solishning natijasidir [3].

An'anaviy halqali yigirish tizimi pishitish uchburchagining chetidagi tolalarini ip asosiga to'liq qo'shilishiga yo'l qo'ymaydi. Biroq, kompakt tizimida, cho'zish asbobining oldingi juftligidan chiqayotgan tolalar tutamchasi bir chiziqda zichlanadi [4].

Kompakt tizimi dastlab ipning tukdorligini yaxshilash uchun ishlab chiqilgan edi [5]. Bu halqali yigirish usulining katta yutug'i bo'ldi. Kompakt iplari bugun va kelajak iplari deb qat'iy aytish mumkin [6]. Biroq har qanday holatda ham kompakt yigirish tizimi pishitish uchburchagini qisqartirish, pishitish uchburchagidan chiqib ketgan va parallel bo'lmagan tolalar uchlarini birlashtirish, tashqi tolalarni haddan tashqari cho'zilmasdan birlashtirish, suzuvchi tolalarni nazorat ostiga olish [7], pishitish uchburchagini tugatishga qaratilgan (1-rasm) [8].



1-rasm. Halqali yigirish mashinasida olingan ipning(a) pishitish uchburchagi kompakt ip (b) ga nisbati.

1-rasm cho'zish zonasida cho'zilayotgan tolalar tutamchasi hisoblanib, bu an'anaviy va kompakt yigiruv tizimlarida bir xil ko'rinishga ega, lekin an'anaviy halqali yigirish tizimi pishitish uchburchagi o'lchami kompakt yigiruv tizimi pishitish uchburchagi o'lchamidan katta bo'lishi ko'rsatilgan.

Asosan "Rieter firmasining (K48)", "Suessen" kompaniyasining "EliTe", "Zinser" kompaniyasining "Impact FX (Air-Com-Tex)" kompakt yigirish mashinalari o'rta va ingichka tolali shtapel

tolalarini yigirishga mo'ljallab ishlab chiqilmoqda.

**Nazariy tadqiqotlar.** Hozirgi kunda kompakt yigirish tizimida uchta asosiy turi mavjud bo'lib bular pnevmatik, mexanikva magnet kompakt yigirish tizimlari hisoblanadi. Mavjud kompakt yigiruv tizimlarining eng avfzali pnevmatik kompakt yigirish tizimi bo'lib ularning zichlovchi elementlari sifatida perfobaraban, perfosirtli etaklovchi yoki yo'l yo'l o'yiqli panjarali zichlagichlar qullanilmoqda [9].


Hozirgi kunda eng ko'p qo'llaniladigan yigirish usuli pnevmatik kompakt yigiruv bo'lib, unda salbiy bosimli havo oqimi tolalar to'plamini zichlash va pishitish uchburchagini kamaytirish uchun ishlatiladi [10]. Ko'p hollarda pnevmatik tizimda so'ruvchi patrubka tirqishi ustiga joylashgan perfobaraban yoki yo'l-yo'l o'yiqli panjarali fartuklardan tashkil topgan bo'ladi.

Havo oqimi bilan tolalar tolali tutamchani markaziga siljiydi va natijada ular zichlashadi. Biroq, bu usulni an'anaviy halqali yigiruv mashinasiga moslashtirish juda murakkab va qimmat. Shuningdek, bu usul yigirish jarayonida yuqori qo'shimcha energiya sarflanishiga olib keladi.

"Rieter" firmasining "K 48" kompakt yigiruv mashinasi tolalarni kondensatsiyalash zonasi bevosita ikki yetaklovchi 3 silindrli cho'zish asbobidan keyin keladi. Cho'zish asbobining pastki silindr o'rniga majburiy uzatmali perfosirtli baraban (panjarali baraban) sirtida chiziqli teshiklari bor qurilmalar shu maqsadda qo'llaniladi (2-rasm).



2-rasm. K 48 Rieter firmasining kompakt yigiruv mashinasining kompakt qurilmasi tuzilishi.



3-rasm. "Rieter" firmasining kompakt qurilmasi pishitish uchburchagi.

Ushbu perfobaraban ichida vakuum hosil qilish mashinaning markaziy chiqarish blokiga ulangan o'zgaras so'ruvchi tizimda o'rnatilgan. Buning natijasida barabanning tashqi qismidan ichkariga havo oqimi harakatlanadi. Cho'zish asbobining chiqaruvchi juftligidan chiqayotgan tolalar tutamchasi shunday qilib perfobaraban yuzasida mahkam ushlab turiladi va barabanning aylanish tezligi bilan harakatlanadi. Keyingi ikkinchi yuqori valik ham barabanni bosadi. Oldingi valik va chiqaruvchi valik orasidagi maydon kondensatsiya (tolalarni to'g'rilash, zichlash) zonasi hisoblanadi. Qo'shimcha yuklash valigi buramaning kondensatsiya zonasiga tarqalishini oldini oladi. Perfobarabanda hosil bo'lgan vakuum natijasida havo oqimi aerodinamik kuchlar yordamida asosiy tortishdan keyin tolalar tutamchasining yon atrofidagi tolalar kondensatsiya (tortilib zichlanadi) qiladi. Tolalar cho'zish asbobining chiqaruvchi juftligidan chiqib pishitish uchburchagining buram olish nuqtasigacha bo'lgan oraliqda to'liq nazorat qilinadi (3-rasm).

Pishitish uchburchagi shunchalik kichik bo'ladiki, deyarli yo'q bo'lib ketadi. Pishitish uchburchagidagi bo'lgan barcha tolalar yig'iladi va ipga to'liq birlashtiriladi. Yangi havo yo'naltiruvchi "Detect" elementi alohida yigirish joylariga havo oqimini nazorat qiladi (4-rasm).



4-rasm. Havo yo'naltiruvchi "Detect" elementi.

"Suessen" kompaniyasining "EliTe" kompakt tizimi. Ushbu tizimda tolalarni zichlash aerodinamik kuch orqali amalga oshiriladi. Cho'zish asbobining uzatib beruvchi pastki silindri perfobaraban bilan almashtiriladi. Perfobaraban ostida turg'un assimilyatsiya tizimi vakuum hosil qiladi, bu esa barabanda havo oqimi hosil qiladi. Havoni yo'naltiruvchi element kondensatsiya jarayonida muhim rol o'ynaydi, chunki havoni yo'naltiruvchi element tomonidan boshqariladi va bu havo oqimi yigirilayotgan tolalarni zichlashtirishga yordam beradi. Yigirilayotgan tolaning bunday zichlanishi pishitish uchburchagining o'lchamlarini sezilarli darajada kamaytiradi va shuning uchun pishitish uchburchagi bilan bog'liq muammolarni kamaytiradi. Ushbu tizimda ishlab chiqarilgan ip "Rieter" tomonidan "COM4" ip deb nomlanadi. Bu yerda COM qulaylikni anglatadi va 4 quyida keltirilgan ipning to'rtta asosiy afzalliklari tukdorlikni kamayishi, uzish kuchining uzayishi, chiqindining kam chiqishi va matodagi nafisligini bildiradi.

"EliTe" kompakt tizimi taklif etayotgan turli shakldagi tirqishlar (uchburchak, tekis) yo'g'on va ingichka iplarni hisoblash orqali erishish mumkin bo'lgan ip sifatini optimallashtiradi. V shaklidagi tirqish "EliTwist" uchun ishlatiladi.

Maxsus sirt qoplamasi "EliTube" va panjarali qoplama orasidagi ishqalanishni kamaytiradi va panjarali qoplamaning xizmat qilish muddatini uzaytirishga yordam beradi.

Yangi "EliTube", "5star@Tube", "EliTe@CompactSet-L" qurilmalarini "EliTe" qurilmasi o'rniga onson qayta jihozlanishi mumkin. Ideal holda, uni faqat "5star@Aprons" bilan birgalikda ishlatish kerak.

Tizim salbiy bosimga ega trubkasimon profilli quvurdan iborat va panjarali fartuk qoplama bilan zich qoplangan.

Kauchuk qoplamalar bilan jihozlangan yetkazib beruvchi ustki valik ichi bo'sh panjarali qoplama profilga bosadi va qoplama harakatga keltiradi, shu bilan birga yetkazib berish bosim hosil qiladi. Quvursimon profilda tolalar oqimi yo'nalishi bo'yicha kichik tirqish mavjud bo'lib, u oldingi

valikni siqish chizig'iga bevosita yaqin joyda boshlanadi va yetkazib berish chizig'i hududida tugaydi. Bu profil trubasining ichki qismidagi panjarali qoplama orqali havo oqimi hosil qiladi. Shakllanayotgan ipdagi tolalarning siqilishi ushbu tirqishning chetidan boshlanadi. Bu so'rish uyasining tashqi chetidan tolalar harakatlanib boradi va bir vaqtning o'zida tolalar tutamchasining yon tomondagi tolalari buram olishni boshlaydi. Tezlikning vektor qo'shilishi qonuniga ko'ra, tolalar tutamchasining yon tomondagi tolalarning tezligi ortadi.

Pastki oqim qirg'oqi bo'ylab harakatlanadigan tolalar tutami tezligining bunday oshishi tolalarni kamgina cho'zilishiga olib keladi. Tolalar tirqish qirg'og'ini kesib o'ta olmaydi va tolalarni yaqinlashtiradi. Shunday qilib, tolalar tutamchasi mukammal parallel va bir-biriga yaqin bo'lgan tutamchaga aylanadi. Yetkazib beruvchi ustki valikning diametri oldingi ustki valikning diametriga nisbatan kattaroq bo'lishi tolalarni zichlash jarayonida uzunasiga taranglik hosil qiladi. Bu taranglik oqibatida egri tolalarni to'g'irlanishiga olib keladi. Zichlash tirqishi, ayniqsa, qisqa tolalarni qayta ishlashda tolalar oqimi yo'nalishiga burchak ostida joylashtirilishi mumkin. Bu zichlash zonasida tolalar uchlarini ishlab chiqariladigan ipga yaxshi mahkamlanishini ta'minlaydi. Shuningdek, u tolalar tutamchasida ko'ndalang kuch hosil qiladi, tola uchlarini tolalar birikmasiga to'liq kirgan bo'ladi.

Yaqinda "SUESSEN" tomonidan kompakt ip ishlab chiqarish uchun "EliTwist" ikki tirqishli kompakt tizimini taqdim etdi.

**Xulosalar.** Yuqorida keltirilgan halqa yigirish usulida yigirish jarayonini modifikatsiya qilish orqali olingan iplarning sifat ko'ratkichlarini yaxshilanganini ko'rishimiz mumkin. Halqali yigirish mashinasida amalga oshirilgan kichkina konstruktiv o'zgarishlar yigirilgan ipning sifatini oshirib, kompakt ip raqobatbardosh bozor va iste'molchilar talablarini qondirdi. "Rieter firmasini (K48)", "Suessen" kompaniyasining "EliTe" va "EliTwist", "Zinser" kompaniyasining "Impact FX (Air-Com-Tex)" kompakt yigirish mashinalarida ishlab chiqilgan ipning pishiqligi va tukdorligi bo'yicha sifat ko'rsatkichlari an'anaviy halqali yigirish usulida ishlab chiqarilgan iplarning sifat ko'rsatkichlariga qaraganda 16% ga yaxshilangan. Bunga sabab pishitish uchburchagining o'lchamlari va undagi tolalarning tarqalishi ipning tukdorligiga katta ta'sir ko'rsatishi aniqlangan va kompaktlash jarayoni tukdorlik miqdorini kamayishiga olib kelishi aniqlangan.

Halqali usulda yigirilgan ipning pishitish uchburchagi chetidagi nazoratsiz tolalar shakllanayotgan ip asosiga to'liq qo'shilmasligi aniqlanib "Rieter (K48)" kompakt yigirish mashinalarida o'rnatilgan kompaktlash qurilmalarida tutamcha chetidagi tolalar dastlab zichlanadi va kiyin buram olib ip shakllanadi. Bu kompaktlash qurilmasida ipni kompaktlash uchun ko'p energiya sarflanishi aytib o'tilgan.

"Zinser" kompaniyasining "Impact FX (Air-Com-Tex)" kompaktlash qurilmalari bilan jihozlangan kompakt yigirish mashinalarida ipni kompaktlash uchun kam energiya sarflanishiga kompaktlash qurilmasining teshikli tasma harakati yo'nalishi bo'yicha tekis teshiklaridagini havoni yo'naltirish orqali erishilgan va oddiy halqali yigirish mashinasini qayta rekonstruksiya qilish uchun harajatlar kam sarfligi bilan ajralib turadi.

"Suessen" kompaniyasining "EliTe" va "EliTwist" kompaktlash qurilmalari o'rnatilgan kompakt yigirish mashinalarida pishitish uchburchagining uzunligi va kengligini minimal darajaga qisqaradi, kalta va uzun shtapel tolalardan yigirilgan iplarning tukdorlik miqdorini kamaytirishga qaratilgan. "EliTwist" kompaktlash qurilmasida tayyorlangan iplar ko'p jihatlari bo'yicha hattoki pishitilgan iplardan ham ustun turishi ko'rsatib o'tilgan. Bu kelajakda to'quv va trikotaj mahsulotlarini ishlab chiqarish uchun yangi assortimentdagi iplar tayyorlash imkonini beradi.

Hozirda yuqorida keltirilgan kompaniyalarning kompaktlash qurilmalari ipning tukdorligini kamaytirish, pishiqligini oshirish, variatsiya koeffitsientini yaxshilanishiga qaratilgan.

#### Adabiyotlar

- [1]. M. A. M. El-Sayed and S. H. Sanad, Agricultural Research Centre, Cotton Research Institute, Egypt. Compact spinning technology. Woodhead Publishing Limited, 2010.
- [2]. McCreight, D.J., Feil, K.W., Booterbaugh, J.H. and Backe, E.E., 1997. Short Staple Yarn Manufacturing. Carolina Academic Press, Durham, NC.

- [3]. Smekal, J., 2001. Air-Com-Tex 700 for compact spinning yarns. Melliland International, 7 (March): 18–19.
- [4]. The theory of compacting. Spinners world. Sunday, August 2, 2015. <https://textilesworldwide.blogspot.com/2015/08/the-theory-of-compacting.html?m=0>
- [5]. Spinnovation\_No.\_29, May 2014. The Magazine for Spinning Mill. [https://www.graf-companies.com/fileadmin/spinnovation/Spinnovation\\_No.\\_29\\_-\\_Web.pdf](https://www.graf-companies.com/fileadmin/spinnovation/Spinnovation_No._29_-_Web.pdf)
- [6]. Ahmad, M.M. (2009) Future Belongs to Compact Spinning. <http://www.Indiantextilejournal.com/articles/FAdetails.asp?id=2249>
- [7]. Oerlikon Textile Components (2008) Product Presentation Texparts® RoCoS. [http://www.flatexsp.com.br/product\\_presentation\\_rocos\\_v9\\_2008-11-081.pdf](http://www.flatexsp.com.br/product_presentation_rocos_v9_2008-11-081.pdf)
- [8]. Spinnovation\_No.\_24, July 2008. The Magazine for Spinning Mill.
- [9]. Wang, K.Y., Xue, W.L. and Cheng, L.D. (2018) Nozzle Based Compact Spinning. Journal of Textile Engineering & Fashion Technology, 4, 137-139. <https://doi.org/10.15406/jteft.2018.04.00136>
- [10]. Liu, X.J., Zhang, H. and Su, X.Z. (2016) Comparative Analysis on Pneumatic Compact Spinning Systems. International Journal of Clothing Science and Technology, 28, 400-419.

UDK 677.024.889

## POLIKOMPONENT IPLARNI TO‘QIMA TO‘QISHGA TAYYORLASH JARAYONI TEKNOLOGIK KO‘RSATKICHLARINI ISHLAB CHIQISH

M.M. Abdullayev

*Farg‘ona politexnika instituti  
(Qabul qilindi 27.04.2022 y.)*

*Yangi yaratilgan, chiziqli zichligi 29 teks bo‘lgan, polikomponent (50 % jun+20 % tabiiy ipak tolali chiqindisi+30 % poliefir) kalava ipidan, yuza zichligi  $270\pm 2$  g/m<sup>2</sup> bo‘lgan kostyumbop gazlama to‘qish uchun, texnologik tizim va tizimning o‘timlari bo‘yicha, ipni to‘qish jarayoniga tayyorlash ko‘rsatkichlari ishlab chiqildi. Pishirilgan arqoq va tanda iplarining eshishdan keying pishiqlik darajasi aniqlandi.*

**Kalit so‘zlar:** polikomponent, tanda, arqoq, jun, ipak, poliefir, texnologik tizim, kalava ipi, to‘qimachilik, iplarni juftlash, iplarni eshish, nisbiy pishiqlik, uzilishdagi cho‘zilish.

*Разработаны технологические параметры подготовки пряжи к процессу ткачества для выработки ткани с поверхностной плотностью  $270\pm 2$  г/м<sup>2</sup>, из вновь созданной поликомпонентной пряжи (50% шерсти+20% отходов натурального шелкового волокна+30% полиэфира), линейной плотностью 29 текс, по технологическим переходам. Определялась степень прочности нитей основы утка после крутки.*

**Ключевые слова:** поликомпонент, основа, уток, шерсть, шелк, полиэстер, технологическая система, пряжа, текстиль, трошение, кручение, относительная прочность, растяжение при разрыве.

*Technological parameters of yarn preparation for the weaving process have been developed for the production of fabric with a surface density of  $270 \pm 2$  g/m<sup>2</sup>, from newly created multicomponent yarn (50% wool+ 20% waste of natural silk fiber + 30% polyester), with a linear density of 29 tex, according to technological transitions. The degree of strength of the warp and weft threads after twisting was determined.*

**Keywords:** polycomponent, warp, weft, wool, silk, polyester, technological system, yarn, textile, threading, torsion, relative strength, tensile strength at break.

O‘zbekiston iqtisodiyoti va uning etakchi tarmoqlarini rivojlantirishning ko‘rsatkichlari avvalo yuqori va izchil o‘sish sur‘atlarini saqlash, makroiqtisodiy barqarorlikni yanada mustahkamlashga qaratilganini ta’kidlashimiz lozim. Bu vazifaning o‘rtaga qo‘yilishi, shuningdek, inqiroz jarayonlarining chuqurlashuvi, dunyo miqyosida harid talabining pasayishi va shunga muvofiq tarzda jahon bozorida xomashyo, materiallar, ayniqsa, tayyor mahsulotlar bo‘yicha raqobatning yildan-yilga kuchayib borayotgani bilan ham bog‘liq [1].

Bugungi kunda to‘qimachilik sanoati korxonalarida oldida turgan asosiy vazifalardan biri ishlab chiqarish resurslaridan oqilona foydalanish hisobiga mahsulot ishlab chiqarish tannarxini kamaytirish, korxonaning moliyaviy va iqtisodiy barqarorligini oshirish hamda raqobatbardoshlikni ta’minlashdir.

To'qimachilik sanoatini rivojlantirishda va mahsulot tannarxini kamaytirishda resurstejamkor texnologiyalardan, ayniqsa xom ashyoni chuqur qayta ishlash, tola ishlab chiqarishdagi ikkilamchi chiqindilardan unumli foydalanish va qimmatbaho tabiiy tolalarni arzon kimyoviy tolalar bilan qisman (gazlamaning gigienik va ekologik xususiyatlarni hisobga olgan xolda) almashtirish maqsadga muvofiq bo'ladi.


Dunyo bo'yicha va bizning mamlakatimizda ham hozirgi kunda poliefir tolalarini tabiiy tolalar bilan aralashmalaridan keng foydalanib kelinmoqda. Misol uchun paxta va jun tolalariga poliefir tolalarini turli ulushiy miqdorlarda aralashtirgan xolda kalava iplari olish va bu iplardan gazlamalar ishlab chiqarish texnologiyalari ishlab chiqarishga joriy etilgan. Lekin jun, poliefir va tabiiy ipak tolali chiqindilari aralashmali polikomponent kalava ipi ishlab chiqarish va undan to'qima to'qish texnologiyasi bizning to'qimachilik sanoatida mavjud emas.

TTESI va O'zTTITI ilmiy xodimlari hamkorlikda jun, tabiiy ipakning tolali chiqindisi va poliefir tolalaridan yangi strukturadagi polikomponent kalava ip ishlab chiqarish, tolalar ulushiy miqdorini o'zgartirish hisobiga turli variantlar ustida tajriba ishlar olib bordilar va yangi turdagi polikomponent kalava ipini yaratdilar. Yaratilgan polikomponent kalava ipi ishlab chiqarish texnologiyasi ishlab chiqildi va sanoat korxonasida joriy etildi [2].

Polikomponent aralash tolali kalava iplaridan gazlama to'qishda komponentlar kalava ipini yigirishda aralashtirilgan xolda yoki turli turdagi iplar o'zaro eshilgan xolda bo'lishi mumkin. Aralash tolali matolarni to'qishda turli tuzilishdagi iplar ishlatilishi mumkin: bir qavatli yakka iplar, melenj kalava iplari, krep darajasida pishitilgan iplar, ma'lum fasondagi va teksturlangan iplar, ikki yoki undan ortiq qavatli eshilgan iplar, oddiy kalava iplar va hokazo[3]. Ularning ishlatilishi aralash tolali matolarning tannarxining va fizik-mexanik xususiyatlarining o'zgarishiga sabab bo'ladi. Barcha holatlarda kalava iplaridan foydalanishning o'ziga xos yondashuvi mavjud.

To'quv korxonasida kalava ipiga quyidagi ishlovlar beriladi: iplarni juftlash, eshish, qayta o'rash, tanda tayyorlash, emulsiyalash, oxorlash, to'quv dastgohi jixozlaridan o'tkazish, tandalarni ulash, bug'da parlash, to'qish, matoni tozalash, saralash va o'ramlar shaklida taxtlash.

Polikomponent kalava iplari, ayniqsa yangi turdagi (50 % jun+20 % tabiiy ipak tolali chiqindisi+30 % poliefir) kalava iplaridan gazlama to'qish uchun to'qishga tayyorlash bo'yicha texnologik



1-rasm. Polikomponent gazlama ishlab chiqarish texnologik tizimi.



parametrlar ishlab chiqilmagan. Shu maqsadda, ushbu maqolada, yangi turdagi polikomponent kalava ipi xususiyatlarini hisobga olgan holda, polikomponent kalava ipini to‘qishga tayyorlash texnologik ko‘rsatkichlarini ishlab chiqish nazarda tutilgan.

Har qanday gazlamani ishlab chiqarishga joriy etishda, gazlamaga qo‘yiladigan yoki loyihada nazarda tutilgan talablardan kelib chiqqan xolda, birinchi navbatda gazlamaning texnik hisobi amalga oshiriladi.

Yangi polikomponent kalava ipi asosan kostyum va paltolar uchun mo‘ljallab yaratilganligini hisobga olib, yuza zichligi  $270 \pm 2 \text{ g/m}^2$  bo‘lgan kostyumbop gazlama to‘qish tanlab olindi va shu gazlama uchun chiziqli zichligi  $29 \times 2$  teks bo‘lgan pishitilgan ipdan foydalanishga qaror qilindi. Shunga asoslanib, “kostyumbop” gazlamaning texnik hisobi ishlab chiqildi.

Ishlab chiqilgan texnik hisobga asoslanib gazlama to‘qishning texnologik tizimi tuzib chiqildi (1-rasm) va tizimning har bir o‘timi bo‘yicha texnologik ko‘rsatkichlar ishlab chiqildi.

Bobina o‘ramlarida to‘quv korxonasiga keltirilgan chiziqli zichligi 29 teks bo‘lgan iplarni eshishdan avval ularni 2 qavat qilib juftlab olinadi. Kalava iplarni juftlash shu vazifani bajaruvchi ip juftlovchi mashinalarda amalga oshiriladi va bunda ip kerakli yo‘g‘onlikda va uzunlikda o‘rab olinadi, ipdagi ba’zi nuqsonlar bartaraf etiladi va tozalanadi. Ip eshish mashinalarida juftlangan kalava ipi kerakli pishiqlikda eshib olinadi, bunda ip yuzasi ancha tekislashadi, ingichka-yo‘g‘on bo‘laklari tenglashadi va ipning pishiqligi oshadi. Quyidagi 1-jadvalda polikomponent kalava ipini juftlash va eshish mashinalaridagi texnologik ko‘rsatkichlari berilgan. Bu jadvalda tanda va arqoq iplarining juftlash o‘timidagi texnologik ko‘rsatkichlar bir xil va eshish o‘timi uchun, texnologik ko‘rsatkichlar farq qilganligi uchun, alohida berilgan. Ya’ni tanda ipi, unga keyingi o‘timlarda (ayniqsa to‘quv dastgohida) qo‘yiladigan kuchlarni hisobga olgan xolda, arqoq ipiga nisbatan ikki baravar pishiq qilib eshilgan.

1-jadval.

Polikomponent ipni juftlash va eshish texnologik ko‘rsatkichlari

№	Ko‘rsatkichlarnomi	O‘lchov birligi	Ko‘rsatkichlar		
			juftlash	eshish	
				arqoq	tanda
1	Chiziqli tezlik	m/min	40	25	20
2	Urchuq aylanish tezligi	$\text{min}^{-1}$	4000	8000	9000
3	Iplar soni	dona	2	2	2
4	Tugun tugish moslamasi raqami	-	1	1	1
5	Ulashdagi tugun turi	-	oddiy	oddiy	oddiy
6	Yakkainingtarangligi	cN	10-15	10-15	15-20
7	Ip o‘rami zichligi	$\text{g/sm}^3$	0,5	0,5	0,55
8	Kirishdagi o‘ramturi	-	bobina	bobina	bobina
9	Kirishdagi o‘ram vazni	g	1500	1500	1500
10	Chiqishdagi o‘ram turi	-	bobina	bobina	bobina
11	Chiqishdagi o‘ram vazni	g	1500	1500	1950
12	Iplardagi buramlar soni	buram/m	100	$350 \pm 50$	$600 \pm 50$
13	Eshish yo‘nalishi	-	ZZS	ZZS	ZZS

Polikomponent iplarni to‘qishga tayyotlash maqsadida juftlab eshib olingandan so‘ng, ip namunalari pishiqlik darajasini aniqlash maqsadida laboratoriya tekshiruvlari o‘tkazildi. Test natijalari 2-jadvalda keltirilgan.

2-jadval.

Eshilgan polikomponent iplar pishiqlik darajasi.

№	Ko‘rsatkichlar nomi	Bir qavat ip	Ikki qavatli arqoq ipi	Ikki qavatli tanda ipi
1	Chiziqli zichligi, teks	29	59,8	62,3

## МЕХАНИКА

2	Chiziqli zichlik variatsiya koeffitsienti	3,6	3,2	3,1
3	Nisbiy pishiqlik, cN/teks	27,1	50,4	53,2
4	Uzilishgacha cho'zilish, %	34,7	36,1	33,6
5	Buramlar soni, buram/m	200	350	630
6	Buramlar bo'yicha variatsiya koeffitsienti	1,2	1,1	1,3

Tandalash jarayonida kerakli sondagi iplarni kerakli uzunlikda to'quv g'altagiga o'rab olish vazifasi bajariladi. Tandalashning asosan ikki xil usuli mavjud: tasmali usulda tanda tayyorlash va guruxli (partiya). Tasma usulida tanda tayyorlashda tanda iplari tandalash barabaniga kerakli sondagi va uzunlikdagi tasmalar shaklida o'rab olinadi, so'ngra barabandan to'quv g'altagiga o'rab olinadi [4].

To'quv dastgohi g'altagiga olishda, tanda ipning fizik-mexanik xususiyatlarini yaxshilash maqsadida, emulsiyalanadi. Bu ishni bevosita tandalash mashinalarida o'tkaziladi. Polikomponent ipdan tanda tayyorlash texnologik ko'rsatkichlari 3-jadvalda berildi.

Tayyorlangan tandadan to'quv dastgohida gazlana ishlab chiqarish uchun tandani to'quv dastgohiga taxtlash zarur bo'ladi. Tandani to'quv dastgohiga taxtlash deb, tanda iplarini belgilangan tartibda to'quv dastgohi jihozlaridan o'tkazishga va dastgohga joylashga aytiladi.

3-jadval.

Polikomponent ipdan tanda tayyorlash texnologik ko'rsatkichlari.

№	Ko'rsatkichlar nomi	O'lchov birligi	Ko'rsatkichlar
1	Tandalash mashinasi (usuli)	-	Tasmali usul
2	Taxmondagi bobinalar soni	dona	558
3	Tasmalar soni	dona	8
4	Tandadagi iplarning umumiy soni	dona	4464
5	Tanda uzunligi	m	2000
6	Tanda kengligi	sm	165,3
7	Barabanga o'rash tezligi	m/min	500
8	To'quv g'altagiga o'rash tezligi	m/min	100
9	Tandalash mashinasi tig'i (berdo)	tish/dm	90
10	Suportning siljishi	mm	1,7
11	Lenta kengligi	mm	207
12	Tanda o'ramining zichligi	g/sm <sup>3</sup>	0,55

Tandani to'quv dastgohiga taxtlash ikki usulda amalga oshiriladi. Agar tayyorlangan tanda birinchi bor to'qishga qo'yilayotgan bo'lsa, tandani to'quv dastgohi jihozlaridan qo'lda o'tkazish dastgohidan foydalaniladi. Agar shuturdagi gazlama tandasi to'quv dastgohida ilgaritdan ishlab kelinayotgan bo'lsa, tugagan tanda iplari uchlariga yangi tayyorlangan tanda iplari belgilangan tartibda tanda ulash mashinasida amalga oshiriladi.

To'quv dastgohi jihozlari dastgoh turi, tuzilishi, tanda iplari turi va tanda iplari chiziqli zichligidan kelib chiqib tanlanadi. Tanda iplari to'quv jihozlaridagi teshiklardan maxsus ilgak yordamida qo'lda o'tkaziladi. Ip o'tkazish jarayonining ko'rsatkichlari 3-jadvalda berilgan.

3-jadval.

Ip o'tkazish jarayonining ko'rsatkichlari

№	Ko'rsatkichlar nomi	O'lchov birligi	Ko'rsatkichlar
1	Ip o'tkazish tezligi	ip/min	28
2	Tandadagi iplar soni	dona	4464
3	Tanda uzunligi	m	2000
4	Remizlar soni	dona	4
5	Lamel reyklar isoni	dona	4

## МЕХАНИКА

6	Tig' raqami	tish/dm	90
7	Tig'ning bitta tishidan o'tkaziladigan iplar soni	dona	3
8	To'quv g'altagidagi tanda kengligi	sm	170

Tanda iplarini ulash uchun ignali ip ajratish usulida bog'lovchi mashina tanlandi. Quyidagi 4-jadvalda ip ulovchi mashinaning texnik ko'rsatkichlari keltirildi.

4-jadval.

Mashinada ip ulash jarayoni ko'rsatkichlari.

No	Ko'rsatkichlar nomi	O'lchov birligi	Ko'rsatkichlar
1	Ip ulash tezligi	ip/min	400
2	Tandadagi iplar soni	dona	4464
3	Tanda uzunligi	m	2000
4	To'quv g'altagidagi tanda kengligi	sm	170
5	Mashinaning ip ajratish ignasi raqami	-	10
6	Ip ulash mashinasi karetkasining uzunligi	sm	180

### Xulosa:

- o'tkazilgan izlanishlar natijasida yangi yaratilgan polikomponent kalava ipini to'qishga tayyorlash va to'qish texnologik tizimi ishlab chiqildi;
- polikomponent kalava ipini to'qishga tayyorlash o'timlari bo'yicha texnologik ko'rsatkichlar ishlab chiqildi;
- polikomponent kalava ipini to'qishga tayyorlashdagi, eshish jarayonidan keyingi, pishirilgan ipning pishirlik va uzilishdagi cho'zilish darajasi aniqlandi.

### Adabiyotlar

- [1]. Арипджанова, Д.У. Создание комплексной технологии производства женской одежды из шерстяных и смесовых тканей. [Текст]: /монография/ Д.У.Арипджанова, Х.А.Алимова // Ташкент. ИПТД "Узбекистан" 2016. –С 15.
- [2]. Арипджанова, Д.У. Йигирилган поликомпонент иплар ишлаб чиқариш технологияси [Текст] / Д.У. Арипджанова, Д.А. Хабибуллаев, М.М. Абдуллаев // Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви шароитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари илмий амалий анжумани.- Тошкент: ТТЕСИ нашриёти, 2015 -101 б.
- [3]. Г.Н.Валиев,М.М.Мирзахонов Новые структуры плательной креповой ткани из натурального шелка и технология их производства. Илм-фан инновацион ривожланиш илмий журнали 2020 йил 2-том. 112-116 –бетлар
- [4]. Г.Н.Валиев Исследование качественных характеристик шёлка–сырца механического и втоматического кокономотания. «Физика волокнистых материалов:структура, свойства, наукоёмкие технологии и материалы» «SMARTEX-2020», сб. материалов XXIII Международного научно-практического форума, 20-23 октября 2020 года. –Иванове ИВГПУ, 2020. –Часть 2. - С.12-16. (Россия). (БД РИНЦ);
- [5]. Севостьянов, А.Г. Механическая технология текстильных материалов. [Текст]:учебник/ А.Г.Севостьянов, Н.А.Осьмин, В.П.Щербаков и др. – М.: Легпромиздат 1989. -512 с.

UDK 620.197.3

## YUQORI XARORATLARDA MINERAL TUZLAR TO'PLANISHINI OLDINI OLUVCHI SAMARALI INGIBITORLARI TARKIBI

G.T. Daniyarov<sup>1</sup>, Z.M. Davlyatova<sup>2</sup>, X.I. Kadirov<sup>3</sup>

<sup>1</sup>Toshkent kimyo-texnologiya instituti Yangier filiali, tel: 99-868-90-37 e-mail: [giyos.doniyarov@mail.ru](mailto:giyos.doniyarov@mail.ru),

<sup>2</sup>Фаргона политехника институту,

tel: 93-97-510-47 e-mail: [zdavlyatova@mail.ru](mailto:zdavlyatova@mail.ru)

<sup>3</sup>Toshkent kimyo-texnologiya instituti, tel: 99-780-81-89 [xqodirov25@gmail.com](mailto:xqodirov25@gmail.com)

(Qabul qilindi 28.04.2022 y.)

*In order to synthesize an inhibitor of the accumulation of mineral salts, which can be used in the water supply of the Syrdarya thermal power plant, a specific method of synthesis of oxyethylidendyphosphonic acid zinc and aluminum complexes, optimal reaction conditions were proposed. The inhibitory effect of the obtained complexates was determined and experimentally proved to be not less than 90%. Specific composition of thermally resistant inhibitors "TERM-UNI-3": Zn-NTF 1: 1 ratio is recommended.*

**Key words:** accumulation of mineral salts, water hardness, inhibitors, metal complexes, organophosphonates

*С целью синтеза ингибитора отложения минеральных солей, который может быть использован в водоснабжении Сырдарьинской ТЭЦ, предложены способ синтеза комплексов цинка и алюминия оксиэтилидендифосфоновой кислоты, определены оптимальные условия реакции. Установлено и экспериментально подтверждено ингибирующее действие полученных комплексанатов, которое составляет не менее 90%. Рекомендован своеобразный состав термостойких ингибиторов «ТЕРМ-УНИ-3»: Zn-NTF в соотношении 1:1.*

**Ключевые слова:** накопление минеральных солей, жесткость воды, ингибиторы, металлокомплексы, органофосфонаты

*Sirdaryo issiqlik elektr stantsiyasi suv ta'minotida foydalanish imkoniyatlarini beruvchi mineral tuzlar to'planishi ingibitori sintez qilish maqsadida oksietilidendifosfon kislotasi rux va alyuminiy kompleksatlari sintez qilishning o'ziga xos usuli, reaksiyalarning maqbul sharoitlari tavsiya etilgan. Olingan kompleksatlarning ingibirlash samarasi aniqlanib, 90 % dan kam emasligi tajribalarda isbotlangan. Termik bardoshli ingibitorlar olishning o'ziga xos «TERM-UNI-3» : Zn-NTF 1 : 1 nisbatli tarkibi tavsiya etilgan.*

**Калит so'zlar:** mineral tuzlar to'planishi, suvning qattiqligi, ingibitor, metall kompleksatlari, organofosfonatlar.

#### **Kirish:**

Suvdan oqilona foydalanish, issiqlik almashinish qurilmalari, bug' qozonlari, nasos stantsiyalari va boshqa agregatlarni uzluksiz ishlashini ta'minlash uchun ularni mineral tuzlar to'planishidan himoyalash zarur. Mineral tuzlar to'planishi jarayonining tezlashuvi natijasida, korroziya kelib chiqadi - energiya va metall yo'qotishlari salmog'i ortadi, quvur o'tkazmalarida, sanoat uskunalari avariya soni ko'payib, sarf-xarajatlar hajmi ortib boradi. Materiallar korroziyasining har qanday ko'rinishlarini oldini olish, metall uskunalarini himoyalash uchun keng qamrovli ta'sir etuvchi yuqori samarali ingibitorlarni ishlab chiqish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Kimyo va neft-gazni qayta ishlash sanoatini jadal rivojlantirish davrida metallni qayta ishlash uskunalarini va konstruktsiyalarini himoya qiluvchi, korroziya keltirib chiqarmaydigan yangi avlod organik mineral tuzlar to'planishi ingibitorlari ishlab chiqarish yo'nalishida ma'lum natijalarga erishilgan.

Korroziya va mineral tuzlar to'planishini oldini olishning bir necha usullari ishlab chiqilgan: qurimalarni mahsus qoplamalar bilan qoplash, elektrokimyoviy ta'sir, ionitlardan foydalanish, muhitga ingibitor kiritish va boshqalar.

Bu usullar orasida eng arzon va samarali usul bo'lib agressiv muhitga ingibitorlar kiritish muhim ahamiyatga ega.

Hozirga kelib korroziya va mineral tuzlar to'planishiga qarshi 1000 dan ortiq ingibitorlar taklif etilgan bo'lishga qaramay, ularning ayrimlarigina keng miqyoslarda foydalaniladi. Respublikamizning bunday ingibitorlarga bo'lgan ehtiyoji yiliga 5 ming tonnadan ziyodni tashkil etadi. Rivojlangan davlatlarda IOMS-1, OEDF, NTF-3, Orion, HELAMIN kabi mineral tuzlar to'planishiga qarshi ingibitorlar keng qo'llaniladi. Bularning narxi 3 mingdan 18 ming AQSh dollarigacha yetadi.

Ushbu tadqiqotning maqsadi mineral tuzlar to'planishiga qarshi yangi yuqorisamarali ingibitorlar olish, ularning fizik-kimyoviy va ingibirlash xususiyatlarini o'rganish, qo'llanilish sohasini aniqlashdan iborat etib belgilangan.



#### **Tadqiqot ob'ekti:**

sifatida Sirdaryo issiqlik elektr stantsiyasi suv ta'minoti tanlab olingan. Sirdaryo issiqlik elektr stantsiyasi O'rta Osiyodagi yirik energetika inshooti olindi. Stantsiyada o'rnatilgan quvvatlar 3000 MVt bo'lib, stantsiya «O'zbekenergiya» DAK tarkibidagi elektr stantsiyalar hosil qiladigan umumiy elektr energiyasining 33 % ga yaqinini ishlab chiqaradi. Ushbu muassasa bug' qozonlaridan olingan mineral tuzlar namunalari o'ziga xos tarkibga ega bo'lib, optik mikroskoplar yordamida o'rganib chiqildi va element tarkibi aniqlandi (1-rasm).


**Tajribalar qismi:**

Tavsiya etilayotgan ingibitorlar olish usuli quyidagi bosqichlarni qamrab oladi:

Tashqi isitish moslamasi va aralashtirgich bilan jixozlangan reaktorga sig'imlardan suv, limon kislotasi va ekstraksiyon fosfor kislotasi beriladi, 5-8 daqiqa aralashtirish bilan alyuminiy oksidi uzatiladi. Reaktor rubashkasiga issiq suv uzatilib, 70-75 °C bo'lishi ta'minlanadi va 45-60 daqiqa davomida aralashtirish davom etiriladi. Bu vaqtda boshqa reaktorda oksietilidendifosfon kislotaning rux kompleksonati tayyorlanadi, buning uchun reaktorga hisoblangan miqdorlarda suv va natriy ishqori beriladi, bunda reaktorni sovuq suv berib sovitish tavsiya etiladi, aralashtirish ishqor granulari to'liq erigunicha davom ettiriladi va so'ngra rux oksidi qo'shiladi, intensiv aralashtirish davom ettirilib, xarorat 50 °S gacha ko'tariladi. Oq rangdagi emulsiya hosil bo'ladi va unga oksietilidendifosfon kislotaga qo'shiladi, aralashma astalik bilan tiniq shaffof suyuqlikka o'tadi va shundan so'ng, reaktordagi reaksiya massa birinchi reaktordagi aralashmaga qo'shiladi. Aralashirish 10-15 min davom etiriladi, so'ng ingibitor tayyor bo'lgan deb hisoblanib va filtrlardan o'tkazildi.



Element	Ves.%	Sigma Ves.%
C	10.43	0.46
O	49.29	0.73
Mg	0.68	0.12
Ca	39.60	0.69



1-rasm. Mineral tuzlar zarrachalarining optik mikroskop yordamida olingan fototasvirlari.

Olingan mahsulot «TERM-UNI-X» deb shartli nomlanib, 1- va 2-reaktor mahsulotlarining o'zaro nisbatlaridan kelib chiqilib, sof holatida va kompozitsiyalarda mineral tuzlar to'planishi ingibitori sifatida sinovlardan o'tkazildi.

**Natijalar taxlili:**

Optik tadqiqotlar 1,0 mkm - 0,1 mm o'lchov diapozonlarida olib borildi. Olingan fotosuratlarda kaltsiy karbonatning ko'rinuvchi zarrachalari masshtablari orqali miqdori va o'rtacha o'lchamlari aniqlandi.

1-rasmdan ko'rinib turibdiki, soat oynasiga qo'yilgan tomchi fotosuratlarining har birida kaltsiy karbonatning ko'rinadigan zarralari soni hisoblangan va ularning o'lchamlari o'lchanadigan maydon tanlangan. Vaqt o'tishi bilan tortishish soni va ular orasidagi vaqt oralig'i empirik tarzda tanlangan va belgilangan maydon o'zgarmagan. Namunaning har bir olingan fototasvirlarida kaltsiy karbonatning ko'rinuvchi zarrachalari maksimal qiymatlarga ega bo'lib, to'plangan mineral tuzlarning 94 - 96 % ni tashkil etadi.

Ma'lumki, mineral tuzlar hosil bo'lishini oldini olish alohida e'tibor talab qiladi. Rux va alyuminiy kompleksionatlari nisbatlarida olingan «TERM-UNI-X» seriyadagi mahsulotlar turli nisbatlar qo'shib, mineral tuzlar to'planishi ingibitorlari sifatida sinab ko'rildi (1-jadval).


1-jadval

Zn- va Al-OEDF nisbatlarining olingan Sirdaryo IES suvlarida minreal tuzlar to'planishidan ingibirlash samarasi. Xarorat - 80 °C

Ingibitorning shartli belgisi	Zn- : Al-OEDF nisbatlari	Ingibitor kontsentratsiyasi, mg/l	SaSO <sub>3</sub> bo'yicha ingibirlash samarasi, %
«TERM-UNI-1»	0,9 ÷ 0,1	2,0	78,2
		4,0	81,1
«TERM-UNI-2»	0,8 ÷ 0,2	2,0	83,3
		4,0	91,9
«TERM-UNI-3»	0,7 ÷ 0,3	2,0	90,4
		4,0	97,9
«TERM-UNI-4»	0,6 ÷ 0,4	2,0	86,1
		4,0	88,4
«TERM-UNI-5»	0,5 ÷ 0,5	2,0	81,6
		4,0	84,7
«TERM-UNI-6»	0,7 ÷ 0,6	2,0	83,1
		4,0	79,0
«TERM-UNI-7»	0,3 ÷ 0,7	2,0	81,8
		4,0	74,7
«TERM-UNI-8»	0,2 ÷ 0,8	2,0	80,4
		4,0	76,1
«TERM-UNI-9»	0,1 ÷ 0,9	2,0	73,3
		4,0	70,9

2-jadvaldan ko'rinadiki, kompozitsiya tarkibidagi rux miqdorining kamayishi, alyuminiy miqdorining ortishi bilan mineral tuzlar to'planishini ingibirlash samarasiga kamayib boradi: 80 °S xaroratda maqbul nisbatlar Zn:Al = 0,7 ÷ 0,3 ga teng bo'lib, ingibirlash samarasi 97,0 % dan ortadi. Taxlil natijalari bo'yicha, kompozitsiya tarkibidan alyuminiyning miqdori ortishi bilan aks ta'sir kuzatilib, ingibirlash samarasi kamayishi kuzatildi.

Yuqori xarotlarda smarali mineral tuzlar to'planishi ingibitorlar olish maqsadida «TERM-UNI-3» tarkibiga 1 : 1 nisbatlarda Zn-NTF (nitritotrimetilfosfon kislota rux kompleksonati) qo'shib kompozitsiya tayyorlandi va sinovdan o'tkazildi: tajribalar maxsus konteynerlarda olib borildi, olingan natijalar 2-rasmda keltirilgan.



2-рasm. «TERM-UNI-3» : Zn-NTF 1 : 1 nisbatlarda sineral tuzlar to'planishini ingibirlash samarasining xaroratga bog'liqligi.

Rasmdan ko'rinadiki, olingan «TERM-UNI-3» : Zn-NTF kompozitsiyasining ingibirlash samarasi 6 mg/l kontsentratsiyalarda 100 °Cda 94,0 %, 150 °Cda 91,0 % va 200 °Cda 85,0 % ni tashkil etadi.

**Xulosa:**

Tadqiqot ob'ekti sifatida Sirdaryo issiqlik elektr stantsiyasida foydalaniluvchi suv tanlanib, bug' qozonlarida hosil bo'luvchi quyqalarning tarkibi optik va element tahlillar bilan aniqlangan.

Oksietilidendifosfon kislota rux va alyuminiy kompleksnatlari sintez qilishning o'ziga xos usuli, reaksiyalarning maqbul sharoitlari tavsiya etilgan. Olingan kompleksnatlar, mineral tuzlar to'planishiga qarshi Sirdaryo IES istemol suvlarida ingibitor sifatida sinab ko'rib, 100 - 200 °C xaroratlar chegarasida mos ravishda 94 va 85 % ingibirlash samarasini namoyon qiladi.

**Adabiyotlar:**

- [1]. Amjad Z., Zuhl R.W., Thomas-Wohlever J.A. Performance of anionic polymers as precipitation inhibitors for calcium phosphonates: the influence of cationic polyelectrolytes Kluwer Academic/ Plenum Publishers, 1999. P. 71 - 83.
- [2]. Reddy M. M., Hoch A. R. Calcite crystal growth rate inhibition by aquatic humic substances // «Advanced on crystal growth inhibitor technologies» ed. by Z. Amjad. N.-Y.: Kluwer Academic/Plenum Publishers, 1999. P. 107 - 121.
- [3]. P.A. Лидин, В.А. Молочко, Л.Л. Андреева. Химические свойства неорганических соединений. М.: Наука, 2000, 361 с.
- [4]. Corrosion Inhibition of a Green Scale Inhibitor Polyepoxysuccinic Acid / Rong Chun Xiong, Qing Zhou, Gang Wei // Chinese Chemical letters. 2003. Vol. 14, No. 9, pp 955-957.
- [5]. Pat. CN 1781858A KHP. Low-phosphine composite inhibitor for carbon steel material in water / Wang Fengyun, Lei Wu, Xia Mingzhu. Оpubл. 07.06.2006, С.А. 2006. V. 145. 362799.
- [6]. Чиркунов А. А. Ингибирование коррозии стали в нейтральных водных средах водорастворимыми полимерами и композициями на их основе: автореф. дис. ... кан. хим. наук. М., 2007. 27 с.
- [7]. Pat. 5282976 USA МПК5 С 02 F 5/14. Terpolymer useful as scale inhibitor / Dominic W.-K. Yeung; заявитель и патентообладатель Rhone-Poulenc Inc., N.J. № 918714; заявл.21.07.1992; опубл.1.02.1994.
- [8]. Pat. 7572381 B2 USA МПК7 С 02 F 5/14. Scale inhibition in water systems / Robert Eric Talbot, Christopher Raymond Jones, Emma Hills; заявитель и патентообладатель Rhodia U.K. Limited, Hertfordshire; № 10/562710; заявл. 23.07.2004; опубл.11.09.2009.
- [9]. Pat. 5229030 USA МПК5 С 23 F 11/167. Corrosion inhibition / Brian G. Clubley, Jan Rideout; заявитель и патентообладатель FMC Corporation, Philadelphia № 788689; заявл.6.11.1991; опубл.20.07.1993.
- [10]. Pat. 5160630 USA, МПК5 С 02 F 5/10. Scale inhibitor / Brian G. Clubley, Jan Rideout; заявитель и патентообладатель FMC Corporation, Philadelphia. № 764040; заявл.23.09.1991; опубл.3.11.1992.

КЎПФУНКЦИОНАЛЛИ ОЛОВБАРДОШ ҚОПЛАМАЛАР ТАРКИБЛАРИНИ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИК УСУЛЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

К.Р. Бердиев

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги Академияси  
(Қабул қилинди 8.04.2022 й.)

Ушбу мақола матнида ҳар хил дисперсия хусусиятига эга бўлган волластонитлар ва улар асосида ишлаб чиқилган аралашмаларнинг термик ва оловдан ҳимоялаш хусусиятлари уларнинг термограммаларига оид эндотермик эффектлари билан узвий ҳолда боғланиши аниқланган. Волластонит минералининг термик хусусиятларига таъсир қилиш асосида волластонитни ва унинг асосида ишлаб чиқарилган таркибларининг термик ва иссиқлик физикасига оид хусусиятларини бошқариш услубиятини олишга эришилганлиги тўғрисида фикрлар юритилган. Маҳаллийлаштирилган янги таркибда олинган олов ва иссиқликдан самарали ҳимояловчи лок-бўёқ материалларини олиш технологиясининг ишлаб чиқилиши илмий жиҳатдан асосланган. Ушбу технология бўйича олинган олов ва иссиқликдан ҳимояловчи ЛБМ маҳсулоти самарали равишда қурилиш материалларининг ёнгин хавфлилигини пасайтиради, ёнгин пайдо бўлиш имконияти чекланади ва натижада мамлакат иқтисодиётига ёнгинлар асосида келтириладиган зарарнинг умумий ҳажми сезиларли даражада пасайиши асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** Волластанит, минерал, иссиқ, термик, стандарти, коплама, аралашма, металл, конструкция.

В тексте данной статьи установлено, что тепловые и огнезащитные свойства волластонитов с различными дисперсионными свойствами и смесей на их основе неразрывно связаны с эндотермическими эффектами их термограмм. На основании влияния на термические свойства минерала волластонита было предложено получить методологию управления тепловыми и теплофизическими свойствами волластонита и составляющих его составов. Научно обоснована разработка технологии производства лакокрасочных материалов, эффективно защищающих от огня и тепла, полученных из вновь локализованного состава. Полученный по данной технологии огне- и теплозащитный продукт ЛВМ эффективно снижает пожароопасность строительных материалов, ограничивает возможность возгорания и, как следствие, значительно снижает общий размер ущерба, наносимого народному хозяйству страны от пожаров.

**Ключевые слова:** волластанит, минерал, горячий, термический, эталон, покрытие, компаунд, металл, конструкция.

In the text of this article, it is established that the thermal and fire-retardant properties of wollastonites with different dispersion properties and mixtures based on them are inextricably linked with the endothermic effects of their thermograms. Based on the effect on the thermal properties of the wollastonite mineral, it was proposed to obtain a methodology for controlling the thermal and thermophysical properties of wollastonite and its constituent compositions. The development of a technology for the production of paints and varnishes that effectively protect against fire and heat, obtained from a newly localized composition, has been scientifically substantiated. The fire and heat protection product LBM obtained by this technology effectively reduces the fire hazard of building materials, limits the possibility of fire and, as a result, significantly reduces the total amount of damage caused to the national economy from fires.

**Key words:** wollastonite, mineral, hot, thermal, standard, coating, compound, metal, construction.

Жаҳонда бино ва иншоотлар қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлигини ошириш мақсадида, органик ва ноорганик компонентлардан фойдаланиб, оловбардошликни оширувчи композициялар яратиш борасида кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан маҳаллий хом ашё асосидаги олов таъсирида каварикланиш ҳисобига ҳимоя қатламини ҳосил қилувчи композиция-ларининг таркибларини яратиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада маҳаллий хом ашё асосидаги олов таъсирида каварикланувчи ёнгиндан сақлаш қопламалари таркибларини ишлаб чиқиш ва материалларга композициялар



билан ишлов бериш технологияларини такомиллаштириш масалалари долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамизда олов ва иссиқдан ҳимояловчи қурилиш материалларининг, жумладан металл, ёғоч ва темирбетон конструкцияларга ҳарорат таъсирида қавариқланувчи лок-бўёқ материаллар билан ишлов бериш орқали уларнинг оловбардошлигини ошириш, қурилиш конструкцияларининг ёнғин пайтидаги бузилишгача бўлган вақтини узайтириш, авария-қутқарув ишларини ташкиллаштириш ҳамда инсонларни қутқариш каби масалаларнинг самарали амалга оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарурати туғилмоқда. Ушбу йўналишда республикамизда "...одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, ... ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ...ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш"<sup>2</sup>каби вазифалар белгилаб берилган. Бу борада қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлигини ва иссиқликдан ҳимоялаш даражасини ошириш учун олов таъсирида қавариқланувчи қопламаларни таркибларини ишлаб чиқиш ва конструкцияларга қопламалар билан ишлов бериш технологияларини яратиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Материалларнинг ёнувчанлигини пасайтириш турли хил усулларда амалга оширилиши мумкин. Жумладан, махсус қоришмалар билан юзасини бўёқлаш, локлаш, чаплаш ва чуқур босим остида шимдириш йўли билан эришиш, бошланғич таркибига антипиренлар киритиш, шунингдек, турли технологик ёндашувлар ёрдамида махсус тизимлари билан материалларни юзаларга ва чуқур шимдириш йўли билан эришилади. Фанера, ёғоч ва пластмасса материалларига нисбатан куйидаги усулларни қўллаш мумкин: турли хил йўллар билар ёнғинга бардош материалларни бирлаштириш (клейлаш); шимдирилган қатламли қопламаларни бир-бирига бириктириш; фанераларни махсус бўёқлар билан бўяш; ёнмайдиган материаллар, асбест ва металллар билан қоплаш ва бошқалар Жаҳон бозори маълумотлари таҳлиллари ва турли манбалардан олинган олов ва иссиқдан ҳимояловчи бўёқ ва қурилиш материаллари бўйича тўпланган ахборотлардан маълумки, ҳозирги кунда дунёда ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотлар ҳажми миллионлаб тоннани ташкил этади. Оловбардош материалларга оид илмий адабиётлар шарҳидан маълумки, бу sanoat Европа, Осиё ва Шимолий Америка мамлакатларида, айниқса Германия, Буюк Британия, Нидерландия ва Россия Европада, Корея, Япония ва Хитой Осиёда, Шимолий Америкада АҚШ ва Канадада юқори даражада ривожланганлиги ва маҳсулдорликка эгаллиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу соҳадаги йирик ишлаб чиқарувчилар ва етакчи компанияларнинг илмий-тадқиқот марказлари ва ихтисослашган лабораторияларида минглаб юқори малакали мутахассислар ушбу соҳада фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Маҳаллий минерал маҳсулоти бўлмиш юпка дисперсли волластонитдан янги самарадор оловдан ҳимояловчи бўёқни ишлаб чиқиш учун зарур ишлаб чиқариш технологияси кашф қилиниб, тегишли тажриба-sanoat ишлаб чиқариш синовлари ўтказилди. Минерал волластонит ва стандартли натрийли суюқ шиша билан самарали маҳсулотни модификация қилиш билан боғлиқ усуллар ва маҳаллий минерал маҳсулот асосида самарали ёнғиндан ва олов таъсиридан ҳимоя қилувчи ЛБМни ишлаб чиқариш технологияси яратилди.

Ҳозирги даврда оловдан ҳимояловчи материаллар орасида силикат асосли материалларнинг улуши тобора кенгайиб бормоқда, чунки уларни тайёрлаш технологияси нисбатан осон ва улар самарали равишда ёғоч ва металлдан ишланган материалларни оловнинг таъсиридан ҳимоялайди. Бундан ташқари, уларнинг термодеструкциясининг маҳсулоти сифатида карбонат ангидрид гази ва сув буғи ҳосил бўлади, яъни уларни ёниши натижасида захарли моддалар вужудга келмайди. Оловдан ҳимояловчи ҳар хил таркибдаги аралашма ва қопламаларнинг қўлланиш соҳаси ёғочдан ёки металлдан ишланган конструкцияси учун талаб этилган оловбардошлик чегарасини, уларнинг типини, уларга

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони.

қандай ҳаракатдаги вазн ёки юклама таъсир кўрсатаётганлигини, ишлатишнинг ҳарорат-намлик режими қандай бўлишини, атроф муҳитнинг агрессивлик даражасини ва бошқа омилларни ҳисобга олиниши билан таърифланади. Юқорида қайд этилганидек, олов ва иссиқдан ҳимоя қилувчи қурилиш материаллини олиш учун мураккаб қуруқ композицияни ишлаб чиқиш бўйича бир қатор циклли тадқиқотлар ўтказилди ва у келгусида қўлланилиши учун керакли нисбатда, масалан, сув эмульсия таркиби билан аралаштириш керак эди.

Қуруқ аралашманинг ўзи юқори дисперсли волластонит асосида тайёрланади ва унга бир неча қўшимча компонентлар сифатида доломит, қуруқ натрийли (силикатли) шиша боғловчи материал сифатида қўшиб аралаштирилади. Ушбу келтирилган таркибларда асосий оловдан ҳимоялаш функциясини юқори дисперсли волластонит бажаради. Шунингдек таркибда доломит ва термовермикулит ҳам ҳар хил дисперсияли кўринишда ишлаб чиқарилувчи таркибларнинг олов ва иссиқдан ҳимояловчи умумий хоссасининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Қуйида жавалларда келтирилган оловдан ҳимояловчи аралашмалар айнан шундай оловбардош компонентларга эга бўлади.

**Олинган волластонит ва доломитли таркиблар:**

№	Юпқа дисперсливолластонит %,	Доломит%,	Суюқ шишанинг қуруқ концентрати%
1	30	10	60
2	20	10	70
3	10	10	80
4	5	10	85

Таркиблар қуйидаги шароитларда тайёрланди: ҳавонинг ҳарорати 26°C, нисбий намлик 25%, атмосфера босими 722 mmHg

**Олинган сирт фаол модда ва волластонитли таркиблар:**

№	Сирт фаол модда %,	волластонит%,	Суюқ шишанинг қуруқ концентрати%
1	10	50	40
2	15	40	45
3	20	30	50
4	25	20	55

**Олинган термовермикулит ва волластонитли:**

№	Сирт фаол модда %,	волластонит%,	Суюқ шишанинг қуруқ концентрати%
1	5	0,5	94,5
2	15	1	84
3	25	3	72
4	35	5	60
5	45	7	48
6	55	9	38
7	65	15	20

Ҳар хил таркибларни олиш бўйича юқорида келтирилган тажрибаларни ўтказилиши асосида қуруқ, ёнғиндан ва иссиқликдан ҳимоя қилувчи ЛБМларни чиқариш бўйича бутун технологик цикл ишлаб чиқилди ва у қуйидаги асосий босқичлардан ташкил топган:

1. Таркибнинг асосий боғловчи таркиби сифатида натрийли суюқ шишани контейнерга жойлашуви.

2. №1-сонли модификацияланган юпқадисперсливолластонитконцентратини майда порциялар билан тушириш ва уни доимий равишда аралаштириб туриш.

3. Сирт фаол модда ва бошқа кўшимча компонентларни майда порциялар асосида тушириш ва уларни доимий равишда аралаштириб туриш.

4. Доломитни майда порциялар билан тушириш ва доимий равишда аралаштириб туриш.

5. Махсус кўшимчаларни аралашмага тушириш(адгезияни кучайтурвчи, сувга бардошликни оширувчи, барқарорлигини оширувчи, шунингдек қотирувчи моддалардан ҳам фойдаланиш).

Синов натижалари шуни кўрсатдики, барча тайёрланган таркиблар ичида “Ёғоч учун оловдан ҳимояланиш воситалар” деб номланган ГОСТ 16363-98 га биноан массани йўқотилиши кўрсаткичи бўйича оловгабардошлик самарадорлигини Ива Пгурух таркиблари бевосита намоён қилишди. Шундай қилиб, юқорида келтирилган натижалар олинган таркибларнинг ёнғин ва иссиқликдан ҳимоялаш самарадорлигини кўрсатди. Айниқса юпқа дисперсли волластонит ва доломит минералларидан иборат бўлган таркиблардаги композицияларни қайд этиш керак, чунки улар ёғоч материаллари учун ёнғиндан ҳимоялашнинг энг юқори кўрсаткичларини намоён қилишди (ГОСТ 16363-98).

Олов ва иссиқликдан ҳимояловчи таркиб қуйидаги компонентлардан (хоссалардан) иборат: стандартли натрийли сувоқ шиша, юпқа дисперсли волластонит, доломит, ва махсус кўшиб кўядиган устаклар (ПАВ, пигментлар ва бошқалар). Олов ва иссиқликдан ҳимояловчи ЛБМнинг тайёрлаш технологияси қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Сиғимга таркибнинг компонентлари туширилади.
2. Аралаштирилади.
3. Сифат кетидан назорат амалга оширилади.
4. Маҳсулотни упаковкага солиш.

Таркибнинг компонентлари қориштирувчига эга сиғимга қуйидаги тартибда солинади:

1. Қориштирувчига эга сиғимга натрийли сувоқ шиша туширилади чунки у таркибнинг асосий боғловчиси бўлади.

2. Майда порцияларлаб №1-сонли модификацияланган юпқа дисперсли волластонит концентрати солинади ва бу жараён доимий равишда аралаштириб турилиши лозим.


3. ПАВ ва бошқа кўшимча компонентлар майда порциялар асосида солинади ва бунда доимо аралаштириб туриш жараёни давом эттирилиши керак.

4. Майда порциялаб доломит солинади ва бунда аралаштириш жараёни доимо амалга оширилиши зарур.

5. Махсус кўшимча устаклар солинади (адгезияни кучайтирувчи, сувга бардошликни оширувчи, барқарор ва мустаҳкам қилувчи, шунингдек қотирувчи ҳам солинади). Компонентлар сиғимга туширилгандан кейин бир кўрғошин рангли бир ҳилли, гомоген сувоқ массаси юзага келишигача уларни доимий равишда аралаштириб туриш лозим. Ўзининг асосий сифат кўрсаткичлари бўйича олинган оловбардош таркиб тегишли қийматларга эга ва улар қуйидагича қайд этилган:

Асосий ранги	Кул ранг
Зичлиги (20°C), г/см <sup>3</sup>	2,30-2,40
Қурук қолдиғи, %	71-80
Майдалаш даражаси, мкм дан ошмаган	45
3 даражагача қуриш вақти (20°C), соатларда	24
Ишлов беришдаги ҳарорати, °C	+5 дан +40гача
Кафолатли сақлаш муддати, ойлар.	12

Ишлаб чиқилган технология асосида олинган стандарт натрийли суюқ шиша ва юпка дисперсли волластонитлардан иборат таркиб ёнувчан ёғоч материалларини ГОСТ 12.1.044 бўйича кийин ёнувчи материаллар эканлигини ва ёнмайдиган сифатга айланганлигини намаён қилади.



1-расм. Ёнғиндан ва иссиқликдан ҳимоя қилувчи буюқларни ишлаб чиқариш технологияси.

Ушбу технология бўйича олинган олов ва иссиқликдан ҳимояловчи ЛБМ маҳсулоти самарали равишда қурилиш материалларининг ёнғин хавфлилигини пасайтиради, ёнғин пайдо бўлиш имконияти чекланади ва натижада мамлакат иқтисодиётига ёнғинлар асосида келтириладиган зарарнинг умумий ҳажми сезиларли даражада пасаяди. Бундан ташқари, ушбу маҳсулотнинг технологияси саноат ишлаб чиқаришининг локаллаштириш дастуридаги талабларга жавоб беради. Олинган таркибларнинг асосий ёнғин-техник таърифлари барча синовдан ўтказилган намуналар тегишли ҳароратбардош кўрсаткичларга ва массани йўқотиш бўйича кичик қийматларга эга эканлигини кўрсатди. Республикамизда иқтисодиётнинг бошқа барча тармоқлари каби буюқ ва лок-буюқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Аммо қурилиш материалларининг бозорида ЛБМларнинг мавжуд ассортиментиغا қарамадан, мамлакатимиз учун янги самарадор, оловбардош ЛБМларни ишлаб чиқиш кўламини янада кенгайтириш аҳамиятга эгадир.

**Адабиётлар:**

- [1]. Милованов А.Ф., Камбаров Х.У. Расчет железобетонных конструкций на воздействие температуры. – Ташкент: Ўқитувчи. 1994.–359 с.
- [2]. Mikkola E. Charring of Wood Based Materials // Proceeding of 3 International Symposium on Fire Safety Science. – Edinburgh, 1991. P. 547 – 556.
- [3]. Страхов В.Л., Крутов А.М., Давыдкин Н.Ф. Огнезащита строительных конструкций.– М.: ТИМР, 2000. 433 с.
- [4]. Можарова Н.П. О целесообразности применения отечественных огнезащитных материалов // Пожаровзрывобезопасность. – 2004. – №2. – С. 15–17.
- [5]. Мосалков И.Л. Огнестойкость строительных конструкций / Мосалков И.Л., Плюснина Г.Ф., Фролов А.Ю. – М.: ЗАО «Спецтехника», 2001. – 496 с.
- [6]. Милованов, А.Ф. Огнестойкость железобетонных конструкций [Текст] /– М.: Стройиздат, 1986. – 224 с.

УКАЗАНИЯ ПО УКРЕПЛЕНИЮ ГРУНТОВ ОСНОВАНИЯ ЛЕНТОЧНЫХ  
ФУНДАМЕНТОВ ИНЪЕКЦИОННЫМ СПОСОБОМ

А.Т. Мирзаахмедов, Ф.Ж. Неъматов

Ферганский политехнический институт  
(Получена 9.04.2022 г.)

*Предлагаемый способ цементации-усиление конструкции ленточных фундаментов позволяет закрепить грунты, заполнять пустоты и создает в грунте завесы, преграждающей путь фильтрации воды в пустоты под фундаментом. Дано рекомендации использование данного метода.*

**Ключевые слова:** Цементация, грунт, добавки, растворы;

*Ushbu maqolada binoning tasmalimon poydevor asosini mustahkamlash bo'yicha ko'rsatmalar berilgan;*

**Таянч сўз ва иборалар:** Sementlash, tuproq, qo'shimchalar, qorishma;

*The proposed method of grouting - strengthening the structure of strip foundations allows you to fix the soil, fill the voids and creates a curtain in the soil that blocks the path of water filtration into the voids under the foundation. Recommendations for the use of this method are given.*

**Key words:** Cementation, soil, additives, mortars.

В рассматриваемом случае наиболее подходящим способом укрепления грунтов основания ленточных фундаментов здания является цементация. Способ цементации позволяет закрепить грунты, заполнять пустоты. Цель цементации – усиление конструкции фундамента, а также создание в грунте завесы, преграждающей путь фильтрации в пустоты под фундаментами.

При укреплении грунтов по этому способу применяются цементные, цементно-песчаные и цементно-глинистые растворы. Добавка глин до 5% способствует улучшению качества работ; могут быть использованы глинистые грунты местных пород. Это позволяет сократить расход цемента, а также исключает расслоение раствора; приготовленный с добавкой глин раствор получается подвижным. Образуется после твердения камень надежно сцепляется с породой грунта и бетоном. Он не размывается водой и обладает достаточной прочностью.

Инъекционные растворы для выполнения цементации имеют плотность 1,60-1,85 г/см<sup>3</sup>, подвижность их по конусу АзНИИ 10-14 см, водоотделение за 2ч. составляет 0-2%; В/Ц = 1-0,4. прочность образцов затвердевшего цементного камня на одноосное сжатие после выдержки в течении 28 сут. 1-2 МПа. Применение вспененных цементных суспензий считается более эффективным. Для приготовления вспененных цементных суспензий используют воздухововлекающую добавку поверхностно-активного вещества (ПАВ) - алюмосульфонафтен, акрилсульфат. Устойчивый пенный раствор (двукратное вспенивание) получается при добавке 1% этих веществ массы цемента. Плотность образующего раствора составляет 0,3-1,7 г/см<sup>3</sup>, замкнутые поры затвердевшего раствора обеспечивают его высокую прочность: 0,5-4,5 МПа. Вспенивание цементных растворов позволяет экономить цемент.

Если грунтовые воды агрессивные по отношению к цементу, необходимо применять сульфатостойкие цементы. В состав сульфатостойкого раствора входят также песок и гипс. На 1 м<sup>3</sup> такого тампонажного раствора расходуется по массе: портландцемент М 400 - 380 кг; вода - 475 л; карьерный песок - 1135 кг; гипс двуводный - 7,5кг. Параметры раствора: плотность 1,90-1,93 т/м<sup>3</sup>; распыл по конусу АзНИИ - 16-17 см; прочность образцов в возрасте 28 сут. 6-7 МПа; водоотделение 6%.

Рекомендуется и следующий состав раствора: портландцемент М 400- 380 кг, бетонит - 95 кг, гипс двуводный - 7,5 кг, вода - 845 кг. Параметры такого раствора : плотность - 1,31-1,33 т/м<sup>3</sup>, распыл по конусу АзНИИ 18-20 см, прочность в возрасте 28 сут. 1-1,5 МПа, водоотделение за 2ч. выстойки 1%.

Работы по закреплению грунтов инъекцией выполняют в следующей последовательности:

1. погружение специальных инъекционных скважин;
2. приготовление растворов для нагнетания;
3. нагнетание раствора;
4. извлечение инъекторов из грунта;
5. тампонирующее скважин;
6. промывка использованного оборудования.

Погружение инъекторов производят забивкой или задавливаем. В отдельных случаях бурят лидирующие скважины с диаметром бурового инструмента меньше диаметра инъектора. При закреплении грунтов основания под зданием учетного корпуса школы необходимо устройство буровых скважин. Инъекторы погружаются в заранее пробуренные наклонные скважины с применением направляющих кондукторов (шаблонов), что облегчает выдерживание необходимого угла наклона инъектора. Во время погружения инъектора не следует его расшатывать, так как при этом вокруг него образуется зазор, через который в процессе инъектирования раствор часто вытекает наружу. Раствор вкачивают через инъекторы с лопастными заходками по высоте закрепляемой толщи. В случаях выхода раствора на поверхность по затрубному пространству или пустоты, полости в грунте, инъекцию необходимо прервать, а место прорыва раствора подвергнуть тампонажу, используя глину, цементный раствор, паклю и т.п.

При окончании работ по инъекции нельзя резко снижать давление в системе, так как это может привести к забиванию инъекторов грунтом.

При закреплении грунтов используют специализированное оборудование: растворомешалки, элементы разводящей сети (рукава, детали соединения с инъекторами и т.д.); инъекторы; насосы для нагнетания растворов; механизмы погружения и извлечения инъекторов; установки для бурения скважин; емкости для растворов; компрессоры для пневматического нагнетания растворов и для работы пневматических молотков; контрольно-измерительную аппаратуру.

Усиление основания фундаментов здания рекомендуется выполнить в следующем порядке:

Необходимо вокруг ленточных фундаментов пробурить шурфы Ø 100-150 мм, глубиной до 2,5 м через 1,5 м и производить цементацию основания путем нагнетания жидкого цементного раствора. При невозможности бурения шурфов в помещениях первого этажа, инъектирование производится только с наружной стороны по периметру здания. При этом необходимо придерживаться прилагаемой схемы на рис.1.

Нагнетание жидкого цементного раствора (цементное молоко) производится одновременно на всю высоту предварительно пробуренной скважины\*или по зонам - снизу вверх - методом “восходящих” зон (рис.2). В данном случае предлагается произвести поверхностную цементацию - на глубину до 1,5 м от подошвы фундамент?. Расстояние между скважинами составляет 1500 мм. При распространении цементного раствора в грунте до 0,8 м количество и плотность расположения скважин можно считать достаточным; количество зон целесообразно принимать равным двум.

Если известны результаты лабораторных исследований грунтов основания (смесь гравия, песка и глины), вместо бурения скважин можно в грунт основания забивать стальные цельнотянутые трубы Ø 50-60 мм, снабженные съёмными наконечниками. После забивки в трубы под большим давлением нагнетается вода для освобождения их от съёмных наконечников; одновременно со снятием наконечников трубы поднимаются на 10-15 см.




Рис.1. Схема цементации основания под ленточными фундаментами здания.

Схема иньектора для цементации с возвратной циркуляцией показана на рис.3.




Рис.2. Схема нагнетания цементного раствора в грунт по методу восходящих зон.




Рис.3. Схема иньекторов для цементации с возвратной циркуляцией.

При возвратной циркуляции цементный раствор нагнетается по внутренней трубке и проникает в поры грунта. Излишек раствора, пройдя через грунт, проникает в наружную трубку и по средней трубке поднимается обратно в бак. Нагнетание раствора производится под давлением 5-7 атм.

производиться в соответствии с условиями на цементацию грунтов, а также согласно положениям КМК.

Вся работа по цементации грунтов должна техническими

На рисунке 4 приведены схемы нагнетания цементного раствора в грунт с использованием бака и с использованием дозирующих насосов.

Предлагаемый способ позволяет закрепить грунты, заполнять пустоты. Цель цементации-усиление конструкции фундамента, а также создание в грунте завесы, преграждающей путь фильтрации воды в пустоты под фундаментом.

Для инъекции используется водоцементный раствор. Состав раствора: портландцемент М 400- 380 кг, бетонит - 95 кг, гипс двуводный - 7,5 кг, вода - 845 кг. Параметры такого раствора : плотность - 1,31-1,33 т/м3, расплыв по конусу АзНИИ 18-20 см, прочность в возрасте 28 сут. 1-1,5 МПа, водотделение за 2ч. выстойки 1%. Смесь нагнетается




Рис. 4. Схема нагнетания цементного раствора в грунт: а - с использованием бака; б - с использованием дозирующих насосов.

благодаря определенному давлению. Она способна заполнить всё имеющиеся пустоты в грунте образовав дополнительное основание высокой прочности для ленточного фундамента.

При цементации происходит нагнетание в инъекционные отверстия ремонтной смеси. Смесь создается из цемента с различными добавками.

По предлагаемому способу проведено усиления и рекомендации зданий школ и дошкольных учреждений

Ферганской области. Данный метод цементации полностью оправдал себя.

### Список литературы

- [1]. КМК 1.03.03-97. Инструкция о составе, порядке разработки, согласования и утверждения проектно-сметной документации на капитальный ремонт жилых и общественных зданий и сооружений. - Т: 1996,-30 с.
- [2]. КМК 2.01.15-97. Положение по техническому обследованию жилых зданий. -Т: 1997, - 125 с.
- [3]. КМК 2.01.16-97. Правила оценки физического износа жилых зданий. -Т: 1997, - 139 с.
- [4]. КМК 2.01.03-96. Строительство в сейсмических районах. - Т., 1997.-127 с.
- [5]. КМК 2.02.01-98. Основания зданий и сооружений. - Т.1999, -144 с.
- [6]. Кутуков В.Н. Реконструкция зданий. - М.: Высшая школа, 1981, -263 с.
- [7]. Ройтман А.Г. Деформации и повреждения зданий. - М.: Стройиздат, 1987, - 160 с.
- [8]. Основания и фундаменты. Справочник под ред. Г.И.Швецова. - М.: Высшая школа, 1991, - 363 с.

УЎТ 691.5

## ФОСФОР ЎГИТЛАРНИНГ ЧИҚИДИСИ АСОСИДА ИССИҚЛИК ЎТКАЗМАЙДИГАН ДЕВОРБОП МАТЕРИАЛНИНГ ТАРКИБИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

З.М. Сатторов, В.Ш. Маматов

Тошкент архитектура-қурилиш институти,  
mr.s.zafar@mail.uz(+998)-94-4216055mammatov.vaxidjon@mail.ru(+998)-93-7380905  
(Қабул қилинди 6.05.2022 й.)

Мақолада маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали энергия тежамкорлик бўйича халқаро стандартларига жавоб берадиган замонавий кўпикфосфогипс блокларни яратиш, фосфор ўғитларининг чиқиндиси ва унинг асосида иссиқлик ўтказмайдиغان деворбоп материалларнинг кимёвий таркиби аниқланиб, ишлангани ҳолатидаги микросфераси, кимёвий қўшимчани кўпикфосфогипс блокларга таъсири, яъни юмиштиш коэффициенти ва сиқилишдаги мустақамлигини яхшилаш тадқиқот натижалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Бетон, гипс, деворбоп буюмлар, ишлаб чиқариш, кул, кўпикфосфогипс, қурилиш материаллари, қўшимча, минерал боғловчи, ресурс, фосфогипс, фосфорит, хом ашё, хоссалар, цемент, энергия тежамкор, юмиштиш коэффициенти.

В статье освещено результаты исследование по создание современного пенофосфогипс блоков отвечающих международного стандарта по энергосбережение путем переработки местного сырья, определено химический состав теплоизоляционного стенового материала на основе отходов фосфорного удобрение, а также изучено стеклообразное состояние микросферы, улучшено воздействие химической добавки на коэффициента смягчение и прочности на сжатие пенофосфогипс блоков.

**Ключевые слова:** Бетон, гипс, стеновые изделия, производство, зола, пенофосфогипс, строительные материалы, добавка, минеральное вяжущие, ресурс, фосфогипс, фосфорит, сырье, свойства, цемент, энергиясбережение, коэффициент смягчение.

In clause the research till creation modern phosphogypsum foam of blocks adequate of the international standard on energy saving is covered results by processing local raw material, the chemical structure heat-insulated wall of a material on a basis screenings phosphoric fertilizer is determined, and also is investigated glassy a condition of microsphere, the influence of the chemical additive on factor a mitigation and durabilities on compression phosphogypsum of blocks is improved.

**Keywords:** Concrete, plaster, walling of a product, manufacture, ashes, phosphogypsum foam, building materials, additive, mineral knitting, resource, phosphogypsum, phosphorite, raw material, properties, cement, energy saving, factor a mitigation.

**Кириш.** Жаҳонда қурилиш саноатини жадал ривожлантириш ва ёқилғи-энергия ташувчилар учун нархларнинг кўтарилиши қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришда ресурс ва энергия тежамкор технологияларни яратиш зарурлигига талаби ортиб бормоқда. Хусусан, қурилиш материаллари соҳасида янги турдаги экологик тоза



материаллардан фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларни самарали қўллаш, замонавий қурилиш материаллари ва уларнинг мавжуд технологияларини такомиллаштириш ҳамда бу орқали кўпикфосфогипсли блокларнинг таркибини физик, физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларини яхшилаш масалалари долзарб ҳисобланади. Шу жиҳатдан кўпикфосфогипсли блокларни маҳаллий хом ашё асосидаги кимёвий қўшимчали таркиблари ва уларни ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологиясини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда бетон қоришмаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришда уларнинг хоссаларини яхшилашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, юқори сифатли кўпикфосфогипсли блокларни ишлаб чиқариш учун энгил тўлдиргичларни танлаш, кимёвий ва минерал қўшимчалардан фойдаланиб қотаётган цемент тошида структура ҳосил бўлишини бошқариш, кўпикфосфогипсли блокларнинг таркибини оптималлаштириш, тўлдирувчи ва минерал боғловчи орасидаги контакт зонасини яхшилаш, мустаҳкам тузилмасини шакллантиришга йўналтирилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари такомиллаштирилмоқда. Шунга боғлиқ равишда, кўпикфосфогипсли блокларнинг физикавий, физик-механик, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш, уларни ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашё ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиб минерал боғловчи сарфини камайтириш, энергия тежаш имконини берувчи технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда қурилиш индустриясини ривожлантириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологияларини модернизациялаш, маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилиб, муайян ютуқларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, "...миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодийда энергия ва материал сарфини камайтириш, ...ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни кенг тадбиқ қилиш..." вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажаришда маҳаллий хом ашёлар асосидаги полимер-минераллардан ишлаб чиқилган комплекс кимёвий қўшимчаларни энгил бетон ва темир бетон ишлаб чиқаришда фойдаланиб, сифатли конструкция ва буюмларни ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади [1].

Бугунги кунда талаб этилаётган сифатли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош қурилиш материаллари ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарилган буюмлар билан тўлдириш вазифалари белгиланган.

**Адабиётлар таҳлили.** Қурилиш соҳасида бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, шаҳар ва қишлоқларнинг замонавий қиёфасини шаҳарсозлик қоида ва меъёрлари жиҳатидан сифат даражага кўтариш муҳим ҳисобланади. Бино ва иншоотларда замонавий шаҳарсозлик услублари, меъёрлари ва қоидаларини самарали жорий этиш орқали қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга кенг имкониятларни очиб беради.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4335-сонли қарори тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини оширишни белгилаб берди. Хусусан: геология-қидирув ишларини олиб бориш, қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш индустриясининг хом ашё базаси ҳажмларини гипс тоши бўйича – 1,8 млн. тоннага, лойсимон компонентлар, ғишт хом ашёси, кварц қуми бўйича – 1 млн. тоннага, кўчган тоғ жинслари (базальт) бўйича – 0,1 млн. тоннага, тош-шағал материаллар бўйича – 5,6 млн. метр кубга; ишлаб чиқариш ҳажмларини газбетон блоклари бўйича – 7 баробарга ва цемент бўйича – 2 баробарга ошириш [2].

## СТРОИТЕЛЬСТВО

Қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш корхоналари томонидан аҳолини сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш орқали импорт ҳажмини камайтириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш билан янги иш ўринларини яратиш, пировардида ички бозорда қурилиш материаллари нархининг ошиб кетишининг олдини олиш ва уларни арзонлаштириш соҳа ривожида муҳим омил бўлмоқда.

2022-2026 йилларда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш дастури доирасида эришиладиган натижалар қуйидагича (1-расм):

➔ 2026 йилга бориб тармоқ бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 42,3 трлн. сўмга етказилади.

➔ 2026 йилга бориб қурилиш материалларининг экспорти 1,084 млрд. АҚШ долларга ёки 2021 йилга нисбатан 2,5 бараварга оширилади.

➔ 2026 йил тармоқни ривожлантиришга 1,85 млрд. АҚШ долларлик инвестициялар жалб қилинади.



1-расм. 2022-2026 йилларда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш дастури доирасида эришиладиган натижалар.

Саноат ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш орқали экология ва атроф-муҳит ифлосланишини олдини олиш ҳамда жамият билан табиат ўртасидаги экологик мувозанатни сақлаш муҳим ҳисобланади.


Қурилиш материаллари саноатини инновацион ривожлантириш, талаб юқори бўлган сифатли маҳсулот турларини кенгайтириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишга доир илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади. Хорижий ва маҳаллий минерал хом ашё ресурсларни қайта ишлаш орқали қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга бир қанча олимлар (В.В.Русина, Н.А.Черных, Ф.Н.Оконта, А.М.Крутов, В.Л.Страхов, А.Н.Гарашенко, А.В.Сидоров, А.Н.Шербина, А.З.Жуков, Л.М.Ботвина, Э.У.Қосимов, Н.А.Самигов, А.И.Адилхаджаев, С.А.Ходжаев, У.А.Газиёв, А.А.Тулаганов, Н.Х.Талипов, З.М.Сатторов) ўзининг илмий-тадқиқотларини олиб бориб, муҳим илмий натижаларга эришган. Шу ўринда, бугунги кунда аммофос, аммоний сульфат фосфат, супрефос, аммоний сульфат, электролит, аммоний фосфат, уч натрийли фосфат ва ш.к.ларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Аммofos-махам” АЖ (Олмалиқ ш.) фаолият юритмоқда.

Фосфор ўғитларини ишлаб чиқариш жараёнида жуда кўп миқдорда чиқиндилар пайдо бўлмоқда. Ушбу чиқиндиларни ишлатиш орқали иссиқлик ўтказмайдиган деворбоп материалларнинг янги турларини ишлаб чиқариш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Гипс боғловчи қурилишда кенг қўлланилади. Гипсни қайта ишлаш жараёни қўшимча энергияни талаб қилади. Гипс маҳсулотларини ишлаб чиқаришда табиий гипсдан ташқари, кимёвий қўшимча маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилган синтетик гипс ҳам кенг қўлланилади. Гипс чиқиндиларининг 50 дан ортиқ турлари мавжуд. Фосфор ўғитлари ишлаб чиқаришдан қўшимча маҳсулот сифатида бутун дунё бўйича йилига 280 млн. тонна фосфогипс ишлаб чиқарилади. Фақатгина унинг 15% иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланилади. Қисман ёки тўлиқ синтетик гипс цемент қўшимчалари, гипс асосидаги пластерлар, гипсли картон плиталар сифатида табиий гипс ўрнини босиши мумкин [3]. Янги деворбоп материалларни ишлаб чиқаришда муқобил чиқинди боғловчиларни баҳолаш имкониятларини ошириш учун уч томонлама боғловчига асосланган янги енгил кўпikli материал ишлаб чиқилди. Бугунги кунда энергия самарадор бино ва иншоотларни барпо этиш ҳамда энергия тежамкор қурилиш буюмлари, яъни енгил бетонларга эҳтиёж ортиб бормоқда. У конструктив ва иссиқлик ўтказмайдиган материалларнинг ижобий хоссаларини бирлаштиради, ўртача қувват, паст зичлик ва яхшилланган иссиқлик хоссалари билан ажралиб туради [4].


Анъанавий гипснинг зичлиги 600 дан 1500 кг/м<sup>3</sup> гача ташкил этади. Бугунги кунда гипс материални янада барқарор қилиш учун тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кўпikli қўшимчалар билан енгил гипс ишлаб чиқаришга уринишлар натижасида зичлиги 300 дан 600 кг/м<sup>3</sup> гача бўлган уч тизимли боғловчи материал олинади. Бундай материал паст зичлик, юқори товуш ва иссиқлик ўтказмаслигига эга ва барқарор юқори самарали материал деб ҳисобланиши мумкин.

Кальций сульфат гемигидрат (CaH<sub>2</sub>O<sub>5</sub>S) боғловчиси 4 соат давомида 180°C ҳароратда фосфор ўғитларининг чиқиндиси билан ишлов бериш орқали олинади. Олинган боғловчининг характерли технологик хусусиятларини солиштириш учун гипс ишлатилган. Фосфогипсда заррачалар ҳажмининг тақсимланиши 2-расмда келтирилган.



2-расм. Фосфогипс ва шишаланиш ҳолатдаги микросферасининг кўриниши.

Фосфогипс саноатнинг қўшимча маҳсулоти бўлиб, у асосан фосфат рудаси ва сульфат кислотанинг нам жараёнларда реакцияси натижасида ҳосил бўлади. Ушбу жараён учун кимёвий тенгламаси қуйидагича:



Ишлаб чиқарилган ҳар бир тонна фосфор кислотаси учун 5 тонна фосфогипс эмиссияси мавжуд. Бутун дунё бўйлаб 1-3 йиллик эмиссия тахминан 200-280 Мт/га ташкил этади. Ушбу чиқиндилар Хитойда 55 Мт/га дан ошади. Бироқ, фойдаланиш даражаси 30% дан кам. Фосфогипс таркибида эрувчан фосфор, фтор ва оғир металлар ионлари каби турли хил аралашмалар мавжуд. Фосфогипснинг тўпланиши ер, сув манбалари ва ҳавонинг жиддий ифлосланишига олиб келиши мумкин. Фосфор ўғитларининг чиқиндисидан фойдаланиш фосфогипс фосфатли ўғитлар саноатининг барқарор ривожланишида муҳим таъсир этувчи омилга айланди. Бугунги кунга қадар фосфогипсдан фойдаланиш бўйича кўплаб тадқиқотлар

чет эл олимлари (Германия, Россия, Марокко, Иордания, Алжир ва х.к.) томонидан олиб борилган [5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 18, 19]. Хусусан:

- фосфогипсдан нано материални тайёрлаш [11];
- фосфор гипси тупрокни барқарорлаштиришда қўлланилиши [12];
- фосфогипс ва учувчи кулнинг фойдали таъсир кўрсатишини аниқлаш [12];
- инерт атмосферада фосфорли гипсни CO<sub>2</sub> га парчаланиш усули [13];
- фосфогипс ёрдамида кўпикли бетон тайёрлаш усули [14];
- ўз-ўзидан текисланадиган оҳак тайёрлаш учун хом ашё сифатида асл фосфогипсдан

фойдаланиш [15];

- цемент ишлаб чиқариш учун хом ва кальцидланган материал сифатида фойдаланилган фосфогипснинг қотиб қолиш ҳолати [18].

Фосфогипсдан фойдаланиш асосан қурилиш материаллари соҳасида жамланган. Фосфор ўғитларининг чиқиндисига ишлов бериш орқали арзон ва сифатли қурилиш материаллини олиш мумкин. Фосфогипс цемент-тупрокли донадор юқори уч тизимли кўпикли бетонда қўлланилиши мумкин бўлган карбонатланишга чидамлилигига эга. Ўз-ўзидан текисланадиган оҳак тайёрлаш учун хом ашё сифатида асл фосфогипсдан фойдаланиш фосфогипсни тўғридан-тўғри ишлатиш усулини ва қурилиш саноатида қўлланиладиган юқори самарали оҳакни тақдим этди.

Энергияни тежаш талабларини қондириш учун девор материаллар кўпикли бетоннинг турли хилларидан (газбетон, тош, жун ва бошқа материаллар) танланади. Қурилиш технологияларининг ривожланиши билан бинонинг қулайлигига кўпроқ эътибор берилмоқда. Юқорида таъкидланган иссиқлик ўтказмаслик кўрсаткичларига қўшимча равишда биноларни ёнғиндан ҳимоя қилиш, ёруғлик сифати ва ш.к. талабларга жавоб бериши керак. Қурилиш материалли сифатида гипс ишлаб чиқариш энергия истеъмоли цементдан анча паст бўлади. Гипс ҳам яхши меъморий вазифаларга эга бўлиб, қайта ишланиши осон ҳисобланади.

Цемент билан солиштирганда гипс қисқа муддатли ва микро кенгайиш хусусиятига эга. Бундан ташқари, гипсли материаллар юк кўтармайдиган деворларнинг механик хоссаларига қўйиладиган талабларга жавоб беради. Юк кўтармайдиган деворларни қуриш учун гипсли материаллардан фойдаланиш қурилиш самарадорлигини ошириши ва девор ёрилишининг олдини олади. Ушбу мақолада, хом ашё сифатида фосфор ўғитларининг чиқиндиси асосида кўпикфосфогипсли блокларни билан енгил материаллар ва аралашмаларнинг нисбатларини оптималлаштириш орқали кўпикфосфогипсли иссиқлик ўтказмайдиган деворбоп буюм тайёрланган. Шунингдек, мос келадиган иссиқлик ўтказмаслик тузилмаси таклифи тайёрланди ва бино деворларида кўпикфосфогипс қўллаш орқали эришилган иссиқлик ўтказмаслик кўрсаткичлари аниқланди

**Тажриба.** Фосфогипснинг кимёвий


таркиби рентген флуоресанси ёрдамида олинган бўлиб, кўпикфосфогипснинг ўрнатиш вақти 5,5 минут, 1 кунлик босим кучи 14,0 МПа ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Қизилқум фосфорит ва фосфогипс ўғитлари чиқиндисининг кимёвий таркиби, фосфогипс, (%)

Масса улуши жами P <sub>2</sub> O	1,5-3,5
P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	1,0-2,5
CaO	36-42
MgO	-
Бир ярим оксид (Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> + Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> )	-
Эрийдиган қолдиқ	2-3
CaSO <sub>4</sub> · nH <sub>2</sub> O	90-95
F (Сувда эрийди/жами)	0,4/0,2
Cl	0,0002-0,0006
SO <sub>3</sub>	53-55
Зичлиги, г/см <sup>3</sup>	2,4
Масса зичлиги, г/см <sup>3</sup>	1,7-2,3
pH 10% сувли эритма	2-3
Элакнинг хусусиятлари:	
«+ 160 мк»	15 % гача
«- 160 + 80 мк»	40 % гача
«- 80 + 56 мк»	35 % гача
«- 56 мк»	20%

Фосфогипс кристаллари тўртбурчаклар ёки ромбик тасвирга эга, масалан: 240×80 микрон, 120 (40×60) микрон, 40×40 микрон ва бошқалар.



3-расм. Химоя қилувчи иссиқлик қутиси усули ва қурилманинг тасвирлари.

Эркин сульфат кислотанинг сезиларли даражада кўплиги ёки етишмаслиги билан игна тасвирдаги кристаллар қуйидагича: 240×20 микрон, 120 (10×20) микрон, 40×4 микрон ва бошқалар.

**Экспериментал усуллар.** Иссиқлик узатиш коэффиценти синовларда иссиқлик қутисини химоя қилиш усули қўлланилади. Ускуналар ва экспериментал ўрнатиш 3-расмда кўрсатилган. Иссиқлик қутисининг ўлчами 1,9×1,9 м; намунанинг ўлчами 1,45×1,45 м.

**Таҳлил ва натижалар.** Тўртта тадқиқот ўрганилди [17, 18]: қизилқум фосфорит ва фосфогипс хусусиятлари (M1–M4); қотишини секинлаштирувчи(ретардер)ларнинг намуналарга таъсири (T1–T4); суперпластификаторларнинг намуналарга таъсири (S1–S4); шишаланиш ҳолати (витрификацияланган, витрификация сўзи – “шишаланиш”, лотинчадан vitrum “шиша” ва facio “ўзгариш қиламан”) – суюқликни паст ҳароратда ўтишида шишаланиш) микросфера билан аралаштирилган намуналарнинг хоссалари (F1–F4). Такқослаш учун T ва S серияларида тадқиқот учун турли реагентлар ишлатилган. Мавжуд тадқиқотларга асосланган материаллар аралашмаси материалларига қараб турли ўлчамларда қўлланилган (2-жадвал).

2-жадвал


Тадқиқотда қўлланилган аралаш комбинациялар

Серия	Кальцидланган фосфогипс, %	Кул, %	Оҳак, %	Секинлаштирувчи (ретардер), %	Суперпластификатор моддалар, %	Шишаланиш ҳолатидаги микросфера, %
B	100	0	0	0	0	0
M1	90	7,5	2,5	0	0	0
M2	80	15	5	0	0	0
M3	70	22,5	7,5	0	0	0
M4	60	30	10	0	0	0
T1	70	22,5	7,5	0,1	0	0
T2	70	22,5	7,5	0,2	0	0
T3	70	22,5	7,5	0,3	0	0
T4	70	22,5	7,5	0,4	0	0
S1	70	22,5	7,5	0,2	0,3	0
S2	70	22,5	7,5	0,2	0,5	0
S3	70	22,5	7,5	0,2	0,7	0
S4	70	22,5	7,5	0,2	1,0	0

## СТРОИТЕЛЬСТВО

F1	70	22,5	7,5	0,2	0,7	10
F2	70	22,5	7,5	0,2	0,7	20
F3	70	22,5	7,5	0,2	0,7	30
F4	70	22,5	7,5	0,2	0,7	40

Қизилқум фосфорит ва фосфогипс таркибли (15-21 г) намуналарнинг юмшатиш коэффициентлари ва сиқилишдаги мустаҳкамлиги натижалари 4-расмда кўрсатилган.



4-расм. Қизилқум фосфорит ва фосфогипснинг юмшатиш коэффициенти ва босим кучи.

Юмшатиш коэффициенти материалнинг сувга чидамлиги, сиқилиш нисбати сув билан тўйинган ҳолатда сиқилишгача куч қуруқ ҳолатдаги кучга таъсири бўлади. Гипс газга чидамли материалдир ва сувга чидамлиги пастлиги, кул гипснинг сувга чидамлигини ошириши мумкин. 4-расмда кўрсатилган натижалардан юмшатиш коэффициентлари учувчи кул миқдори ортиши билан намуналар кўпайди. Учувчи кулнинг 7,5% юмшатиш коэффициенти 0,64 ташкил этади, бу эса ички материаллар учун талабларга жавоб бериши мумкин, кальцидланган фосфогипсга нисбатан 10,3% ошади. Намуналарнинг юмшатиш коэффициентлари яхшиланди, учувчи кул миқдори 30% етганда энг самарали ҳисобланади.

Материал янги бўлса, кулнинг таъсири нисбатан чекланади. Материалнинг ишлаш даври ўтиши билан кул цемент гидратациясида ҳосил бўладиган кальций гидроксид ( $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ) иштирокида пуццолан реакциясини намоён қилади. Кул миқдори ортади. 5-расмда келтирилган рентген нурларининг дифракцияси тасвири шуни кўрсатадики, қизилқум фосфорит ва фосфогипснинг гидратация маҳсулотлари кальций сульфат ва ангидритни ўз ичига олади. Бу учувчи кулнинг босим кучининг ривожланишига ҳисса қўшишини тасдиқлайди.


Юмшатиш коэффициенти ва босим кучи натижаларини ҳисобга олган ҳолда кул ва оҳак таркиби 20-30% оралиғида бўлиши керак.

**Хулоса.** Қурилиш материаллари sanoatining ривожланиши ва унинг истиқболлари куйидагиларга бевосита боғлиқликда узвий равишда амалга оширилмоқда:

- энергия тежамкорлик бўйича халқаро стандартларига жавоб берадиган замонавий қурилиш материалларининг янги турлари, хусусан кўпикфосфогипсли блоклар, газбетон блоклар, гипсли картон плиталар ва ш.к. материаллар;

- маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган иссиқлик ўтказмайдиган деворбоп буюмларни ишлаб чиқариш ҳажми кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтириш, янги турдаги юқори сифатли қурилиш материалларига бўлган ички талабни қондириш;

- илғор хорижий тажриба ва республиканинг хом ашё захирасини иноватга олган ҳолда янги деворбоп қурилиш материаллари ва улардан фойдаланиш технологиялари ишланмаларини ташкиллаштириш.



5-расм. Қизилқум фосфорит ва фосфогипс материалнинг рентген нурлари дифракцияси тасвирлари.

Фосфор ўғитларининг чиқиндиси билан ишлов бериш орқали кальций сульфат гемигидрат боғловчиси асосида кўпикфосфогипсли иссиқлик ўтказмайдиган деворбоп буюмнинг кимёвий таркиби аниқланиб, шишаланиш ҳолатидаги микросфераси ўрганилди.

Қизилқум фосфорит ва фосфогипс хусусиятлари, қотишини секинлаштирувчи ва суперпластификаторнинг намуналарга таъсири, шишаланиш ҳолати микросфера билан аралаштирилган намуналарнинг хоссалари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди ва дастлабки натижалар олинди.

Шунингдек, қизилқум фосфорит ва фосфогипс таркибли намуналарнинг юмшатиш коэффиценти ва сиқилишдаги мустаҳкамлиги яхшиланди.

#### Адабиётлар

- [1]. Singh M. Treating waste phosphogypsum for cement and plaster manufacture. *Cem Concr Res* 2002; 32:1033–1038. [https://www.researchgate.net/publication/222591473\\_Treating\\_Waste\\_Phosphogypsum\\_for\\_Cement\\_and\\_Plaster\\_Manufacture](https://www.researchgate.net/publication/222591473_Treating_Waste_Phosphogypsum_for_Cement_and_Plaster_Manufacture)
- [2]. Rashad AM. Potential use of phosphogypsum in alkali-activated fly ash under the effects of elevated temperatures and thermal shock cycles. *J Cleaner Prod* 2015; 87: 717–725. [https://www.researchgate.net/publication/272382695\\_Potential\\_use\\_of\\_phosphogypsum\\_in\\_alkaliactivated\\_fly\\_ash\\_under\\_the\\_effects\\_of\\_elevated\\_temperatures\\_and\\_thermal\\_shock\\_cycles](https://www.researchgate.net/publication/272382695_Potential_use_of_phosphogypsum_in_alkaliactivated_fly_ash_under_the_effects_of_elevated_temperatures_and_thermal_shock_cycles)

- [3]. López RP, Macías F, Cánovas CR, et al. Pollutant flows from a phosphogypsum disposal area to an estuarine environment: an insight from geochemical signatures. *Sci Total Environ* 2016; 553: 42–51. <https://daneshyari.com/article/preview/6322234.pdf>
- [4]. Saadaoui E, Ghazel N, Romdhane CB, et al. Phosphogypsum: potential uses and problems – a review. *Int J Environ Stud* 2017; 74: 558–567. <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/00207233.2017.1330582>
- [5]. Mousa SM, Ammar NS and Ibrahim HA. Removal of lead ions using hydroxyapatite nano-material prepared from phosphogypsum waste. *J Saudi Chem Soc* 2016; 20: 357–365. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1319610314001859>
Муаллифлар [4] тешиқлардан иборат абсорберли коллектор учун уларнинг элементларига тегишли иссиқлик узатиш параметрларидан фойдаланган ҳолда, иссиқлик хусусиятларини акс этирувчи ўзгарувчиларнинг эмпирик мунособаларини аниқлаш, шунингдек, турли хил иссиқлик узатиш коэффициентларини баҳолаш учун математик моделнинг тафсилотларини тақдим этганлар. Бундай амалдаги тенгламалар коллектор конструкциялари ва иш шароитларининг кенг доирасидаги иссиқлик хусусиятларини кенг башорат қилади. Коллектор тизимларининг асосий ишлаш параметрларининг таъминоти ҳаво ҳарорати  $(45-55)^{\circ}\text{C}$  оралигида таъсирини тахмин қилиш мақсадида математик модельнинг натижалари таҳлил қилинган.

Параметрик тадқиқотлар ҳаво оқимини, қуёш нурланиши, иссиқлик ютилишини ўзгартириш ва коллекторнинг термик самарадорлиги, иссиқлик узатиш самарадорлиги, ҳаво ҳароратининг ортиши ва фойдали иссиқлик чиқишига таъсирини аниқлаш орқали амалга оширилган. Натижалар кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бундай ҳарорат оралигида қуритиш учун шаффоф сиртли ясси қуёш коллекторларини тақлиф этишган.

Муаллифлар [5] тадқиқоти ҳар хил массали ҳаво оқимларида ясси плитали қуёш коллекторининг (FPSAC) ҳарорат режими, иссиқлик узатиш хусусиятлари ва термик самарадорлигини таҳлил қилишга қаратилган. Шунингдек, тадқиқотнинг кўп ўлчовли таҳлили ёрдамида бир қанча бошқа ўзгарувчилар ўртасидаги мунособатлар ўрнатилган.

Тажрибалар табиий ва мажбурий конвекция шароитида юксиз режимда ва очик ҳавода ўтказилган. Массани йўқотиш оқими  $m'=(0.01, 0.015, 0.02)\text{кг}/\text{с}$  бўлган ҳаво конвектив иссиқлик узатиш коэффициентининг  $(h_{c,p-a})$  30.73%, 57.88%, 96,40% ортишини кўрсатган, бу  $0.006\text{кг}/\text{с}$  дан ортиқ.

Шу билан бирга  $m'$  нинг  $0.006\text{кг}/\text{с}$  дан  $0.02\text{кг}/\text{с}$  гача ортиши термик самарадорлигини (ФИК) 22.53% дан 32.3% гача оширган. Ҳаво массаси оқими тезлигини  $0.006\text{кг}/\text{с}$  дан  $0.02\text{кг}/\text{с}$  гача ошириш металл пластинка абсорбердан шиша устига 8.6% дан 4.3% гача конвекция  $(h_{c,p-g})$  ва қуёш нурланиши  $(h_{r,p-g})$  туфайли иссиқлик узатиш коэффициентининг пасайишига олиб келган. Пирсоннинг корреляция таҳлили қуёш энергиясининг сезиларли ижобий таъсирини кўрсатди.

Асосий параметрик компонентларнинг таҳлили қуёш интенсивлиги, турли хил резервуар (коллекторлар) элементларидаги ҳарорат, иссиқлик узатиш коэффициентлари,

иссиқлик самарадорлиги ва кун вақти ўртасидаги боғлиқликни тасаввур қилиш имконини берган. Натижалар шуни кўрсатдики, фойдали иссиқликнинг ўсиши, ҳавонинг иссиқлик узатиш коэффициенти ва коллекторнинг иссиқлик самарадорлиги қуёш нурланишининг интенсивли-гига кучли боғлиқ эмас экан.

Муаллифлар [6] ёпишқоқлик ва иссиқлик тарқалишининг ҳароратга боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, қия ярим чексиз пластинка устидаги ёпишқоқ ва сиқилмайдиган суюқликнинг конвектив оқимини ўрганишнинг рақамли таҳлилини ўтказганлар. Тегишли чегаравий шартларга эга бўлган тенгламалар танланган, улар мос келадиган ўлчовсиз миқдорлар ёрдамида ўлчовсиз шаклга айланттирилган. Таклиф этилган тенгламаларнинг аналитик ечимини олишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли, уларнинг математик моделда ўзгартиришнинг мураккаблиги туфайли муаллифлар ечим олиш учун энг самарали ва шартсиз турғун ошқормас чекли айирмалли усул сифатида Кранк-Николсон схемасидан фойдаланганлар.

Ёпишқоқлик, иссиқлик ўтказувчанлик, абсорбернинг уфқга нисбатан мойиллик бурчаги, Грасгоф ва Прандтл мезонларининг турли қийматлари учун рақамли натижалар олишган. Тезлик, ҳарорат, силжиш кучланиши ва Нуссельт сонининг ўзгаришини ўрганиш натижалари график шаклида келтирилган. Натижаларнинг ишончилиги учун адабиёт маълумотларида мавжуд натижалар билан таққослаш амалга оширилган.

Муаллифларнинг [7] мақоласида иссиқлик манбаи бўлган вертикал жойлашган новда яқинида динамик ва ҳароратли чегаравий қатламларининг пайдо бўлиш жараёни моделлаштирилган.

Стационар хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар тизими чегаравий қатлам ёндашуви асосида ҳамда муҳитнинг сиқилувчанлигини ҳисобга олган ҳолда шакланттирилган.

Чегаравий шартлар билан боғлиқ масала ҳайдаш (прогонка) ва итера-ция усули ёрдамида ошқормас схема асосида сонли ечилган. Тезлик ва ҳарорат профиллари Прандтл сони ва чегара шартларининг турли қийматлари учун топилган. Тадқиқот натижалари иссиқлик манбалари яқинидаги конвекция жараёнини ўрганиш учун ишлатиш мумкинлиги қайд этилган.

Юқоридаги адабиётлар натижаларини таҳлиладан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, табиий ҳаво конвекцияси бўлган ясси пластинкали коллекторларда топилган жараёнлар кўшимча тадқиқотларни, экспериментал тадқиқотлар натижалари билан яқин алоқадаги математик моделлаштиришни талаб қилади.

#### **Асосий қисм.**

Ясси қуёш коллектори қуриштиш шкафи остида ўрнатилади ва унга герметик уланган бўлади. Коллектор тубининг ташқи юзаси қуёш иссиқ-лигини максимал миқдорда тўплаш ва қуриштиш шкафига узатиш учун горизонтга нисбатан  $38^\circ$  дан  $45^\circ$  бурчак остида (Ўзбекистон ҳудудида) ўрнатилган бўлиши мумкин. Лотоклар қуриштиш шкафида жойлаштирилади, унда қуриштиладиган маҳсулотлар элакли товақларда (поднисларда) ўрнатилади (1- расм.).

Ушбу тадқиқотнинг мақсади – ясси қуёш коллекторида табиий конвек-ция билан иссиқ ҳаво ҳосил қилиш жараёнини экспериментал тажрибалар натижалари билан боғлиқ ҳолда математик моделлаштиришдир. Бундан келиб чиқиб, ясси қуёш коллекторини қишлохўжалиги маҳсулотларини таби-ий конвекция асосида қурилмаларида қуриштишни амалга ошириш мумкинли-гига ишончимизни янада мустаҳкамлашдир.

Ясси қуёш ҳаво коллектори шиша қопқоқ 1, атроф –муҳитдан иссиқ-ликдан изоляция қилинган ясси шаклдаги коллектор камерасининг корпуси 2, иссиқлик аккумулятори (шағал тошлар) 3, коллекторга ҳаво кириши учун тирқиш 4 ва иссиқ ҳаво чиқиши учун тирқиш 5 дан иборат (1- расм).


Коллекторнинг ишлаш принципи (физикавий модели): шиша қопқоқли сиртдан 1 қуёш радиацияси коллектор камераси 2 да тўлдирилган ҳаво ҳажмига ва камера 2 тубига ўрнатилган иссиқлик аккумулятор 3 сиртига тушади, уларнинг ҳар бирини иситади.

Акумулятор 3 қуёш нурланиши пайтида иссиқликни ўзида тўплайди ва айни пайтда ҳавони иситиш учун ҳам сарфлайди.

Камера ичидаги ҳаво бир вақтнинг ўзида қуёш нурланишидан ва иссиқлик аккумуляторидан узатиладиган иссиқлик ҳисобида иситилади. Бундай ҳолатда коллектор камераси ичидаги тўпланадиган ҳаво ҳарорати ортиб, унинг зичлиги атроф-муҳитдан кирадиган ҳавога нисбатан камаяди.

Зичлик камайиш йўналиши томонига қараб ҳавонинг ҳаракати юзага келади ёки ҳаво ҳароратининг ортиши йўналиши бўйича ҳаво оқими ҳосил бўлади деб башорт қиламиз.

Демак, агар ҳаво коллекторнинг пастки қисмида жойлашган кириш тешигидан коллектор камерасига кирса, у ҳолда иситилган ҳаво оқими юқори тешик томон ҳаракат қилади. Ҳаво конвекцияси жараёнини математик моделлаштириш учун, ушбу коллектордан вертикал текисликни 1-расм, а) кўринишида хаёлан вертикал қирқимда кесамиз ва юзага келадиган икки ўлчовли соҳани батафсил кўриб чиқамиз.



1-расм. Табиий ҳаво конвекцияси асосида ишлайдиган билвосита турдаги қуёш қуритгичи: а) коллекторнинг координаталар тизимидаги схемаси; б) қурилманинг схематик кўриниши.

Бундай масалани икки параллел стержен орасидаги ҳаво конвекция-сини тадқиқ қилиш масаласига олиб келамиз [4]. Ушбу [4] мақолалар муаллифлари томонидан таклиф қилинган тенгламаларни ечишда  $\mu$  – динамик ёпишқоқлик,  $\alpha$  – иссиқлик ўтказиш коэффиценти ўзгариши ва  $\rho$  – ҳаво зичликларининг ўзгаришларини ҳисобга олганда муаммолар пайдо бўлади. Кўпгина иссиқлик тарқалиш жараёнларини ҳарорат фарқлари катта бўлганда ўрганиш ушбу катталикларни ҳисобга олиш зарур бўлади. Ва ҳарорат фарқи катта бўлмаган ҳолларда эса, бу параметрларни доимий деб олиш ҳам мумкин бўлади. Аммо конвекция пайтида ҳаракатни ҳисобга олиш учун ҳар доим иссиқлик агенти (ҳаво) зичлигининг ўзгариши ҳисобга олиниши керак бўлади [8]. Бирок, уларнинг ҳароратларида катта фарқлар бўлмаган конвекция жараёнларида агент зичлиги фарқлари кўпинча тенгламаларда тахминлаширилади (соддалаштирилади).

Ушбу тахминларга асосланиб, ҳаракат ва иссиқлик тенгламаларини шакллантириш учун коллектордаги Ньютон суюқлиги (ҳаво) ҳаракати икки ўлчовли ва ламинар деб, ушбу

жараён учун Буссинеск яқинлашуви ўринли деб қараймиз [8]. Буссинеск яқинлашувига кўра, ҳаво зичлигидан ташқари суюқликнинг (ҳаво) барча хоссаларини доимий деб қараймиз ва ҳаво зичлигини ҳароратга чизикли равишда боғлиқ деб оламиз:

$$\rho = \rho_o \cdot [1 - \beta \cdot (T - T_o)], \quad (1)$$

бу ерда  $\rho_o$  – бошланғич ҳароратдаги суюқликнинг (ҳаво) зичлиги,  $\frac{кг}{м^3}$ ;  $\beta$  – ҳавонинг термал кенгайиш коэффициенти,  $\beta = 0.003 \frac{1}{K}$ ;  $T_o$  – коллекторга кирувчи ҳавонинг (бошланғич) ҳарорати,  $^{\circ}C$ .

Математик моделни куриш учун биринчи навбатда бошланғич ва чегаравий шартлар шакллантирилди.

Бошланғич шартларни шакллантиришда коллектор ичида ҳаво оқими-нинг ҳаракати ҳали бошланмаган деб башорат қиламиз ва унинг ҳарорати тажриба маълумотларидан олинади.

Буссинеск яқинлашувида **масса, импульс, энергиянинг** сақланиш қонунларидан фойдаланган ҳолда табиий ҳаво конвекциясининг стационар бўлмаган оқими учун асосий тенгламаларни қуйидагича ёзиш мумкин бўлади [93]:

$$\begin{cases} \frac{\partial(\rho u)}{\partial x} + \frac{\partial(\rho v)}{\partial y} = 0 \\ \frac{\partial u}{\partial t} + u \frac{\partial u}{\partial x} + v \frac{\partial u}{\partial y} = -\frac{1}{\rho} \frac{\partial P}{\partial x} + \mu \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} - \beta g (T - T_o) \cdot \sin \varphi \\ \frac{\partial T}{\partial t} + u \frac{\partial T}{\partial x} + v \frac{\partial T}{\partial y} = \alpha \frac{\partial^2 T}{\partial y^2} \end{cases} \quad (2)$$

Тенглама (2) да  $u$ -,  $v$ – ҳавонинг бўйлама ва кўндаланг тезлик ком-понентлари;  $T$  – ҳавонинг (суюқликнинг) ҳарорати,  $\rho$  – ҳавонинг зичлиги,  $P$  – ҳавонинг босимини, ўрганиш давомида доимий ва атмосфера босимига тенг деб қабул қилинади;  $\mu$  – динамик ёпишқоқлик;  $x, y$  – координаталар,  $g$  – тортишиш кучининг тезланиши;  $\beta$  – иссиқлик кенгайишининг ҳажмий коэффициенти ( $30^{\circ}$  ҳароратда ҳаво учун  $3.3 \cdot 10^{-3} (\frac{1}{K})$ );  $\alpha$  – ҳавонинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти.

**Чегаравий шартлар баёни.** Чегара шартларини белгилаш учун 1-жадвалда экспериментал маълумоларга мурожаат қиламиз. Координаталар тизимининг  $x$  ўқида иссиқлик манбаи-сержен ўрнатилган деб қараймиз (1-расм,  $a$ ). Стержен доимий ҳароратга эга. Стержен ҳарорати атроф-муҳит ҳавоси ҳароратидан юқори бўлса, ҳаво конвекцияси туфайли атроф-муҳит ҳавоси стержен яқинида динамик ва термал чегара қатламлари пайдо қилади, шунинг учун ҳаво юқорига қараб кенгайди.

Чегаравий шартлар учун асосий параметр коллектор элементларининг чегараларидаги ҳароратлардир. Иссиқ кунлари экспериментлар ўтказиш учун 6 кун танланган (09.07.2021 дан 14.07.2021 гача [10]), маълумотлар атроф-муҳит ҳароратидан, коллектор ҳавосининг кириш ва чиқиш жойидан, тўғридан-тўғри шиша остидан, иссиқлик аккумуляторининг юзасидан олинган. Шундан сўнг, бу маълумотларнинг ўртачаси ҳисобланиб, чегаравий шартлар сифатида танлаб олинган (2-жадвал).

*1-жадвал.*

*Ҳароратларнинг экспериментал маълумолари:*

Тажриба вақти	Ҳароратлар тўғрисида экспериментал маълумотлар ва регрессион тенгламалар.					
	4 - расм. Шиша – ойна остида:		5 - расм. Акумулятор сиртида:		6-расм. Коллекторга кирувчи ҳавода:	
10-11	39,6	+ 18,786t – 89,36	50,18	+ 24,76t – 114,137	31,3	t <sup>2</sup> + 6,349t + 7,281
11-12	45,7		58,40		32,7	
12-13	47,4		64,38		35,1	

**ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И  
ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**

13-14	54,0		69,92		37,4	
14-15	56,7		71,12		36,6	
15-16	59,2		70,83		37,4	
16-17	59,0		69,65		37,4	
17-18	58,2		68,78		36,2	
18-19	53,9		62,30		36,9	
19-20	52,3		59,87		35,9	

2-жадвалдаги чегара шартлари (1-расм, *a*): шиша остидаги (*BC* кесмадаги) ҳарорат, иссиқлик аккумулятори (*AD* кесмадаги) юзасида, шунингдек, кун давомида ўзгариб турадиган коллекторга кирувчи (*AB* кесмадаги) дастлабки ҳаво ҳарорати. Чегара шартларидан келиб чиқиб коллектордан чиқувчи ҳаво ҳарорати (*CD* кесмада) бу ерда ишлатилмайди. Коллекторнинг бир неча нукталаридан тажриба маълумотлари 10:00 дан 19:00 соатгача, ҳар соатда олинган.

Дифференциал тенгламани (2) ечиш учун ҳар бир тугун нуктасидаги (чекли айирмаларда) маълумотлар керак бўлади. Бунинг учун энг кичик квадратлар усули ёрдамида регрессия тенгласидан фойдаланиш мумкин бўлади.

*2-жадвал.*

*Бошланғич ва чегаравий шартлар.*

Чегаравий шартлар	<i>u</i>	<i>g</i>	<i>T</i>
AB кесма учун (2.4-расм)	$\frac{\partial u}{\partial y} = 0$	$g = 0$	$T = T_o(\tau)$
BC кесма учун (2.4-расм)	$u = 0$	$g = 0$	$T = T_1(\tau)$
CD кесма учун (2.4-расм)	$\frac{\partial u}{\partial y} = 0$	$\frac{\partial u}{\partial y} = 0$	$\frac{\partial T}{\partial y} = 0$
DA кесма учун (2.4-расм)	$u = 0$	$g = 0$	$T = T_2(\tau)$

Экспериментал маълумотлардан фойдаланиб, кўпхад шаклида регрессия тенгламалари тузилди. Шиша остида  $T_1$  – ҳарорат ва иссиқлик аккумулятор-ининг сиртида эса  $T_2$  – ҳароратларнинг ўртача экспериментал маълумотлари, шунингдек, коллекторга кирадиган тешигидаги  $T_o$  – ҳароратлар 3-жадвалда келтирилган.

*3-жадвал.*

*Экспериментал маълумотлар: шиша остида, иссиқлик аккумулятори сиртида ва коллекторга киришида ҳавонинг ўртача ҳароратлари тўғрисида маълумотлар.*

Ўлчаш вақти	10-00	11-00	12-00	13-00	14-00	15-00	16-00	17-00	18-00	19-00
$T_1$	37,2	43,2	45,5	47,1	50,2	50,7	48,9	45,6	41,3	38,7
$T_2$	46,2	54,2	60,3	63,5	65,6	63,8	60,5	58,4	45,9	40,2
$T_o$	31,3	32,7	35,1	37,4	36,6	37,4	37,4	36,2	36,9	35,9

Ушбу жадвал маълумотлари асосида тузилган регрессия тенгламалари ва ҳароратларнинг ўлчаш вақтига қараб ўзгариш маълумотлари 1-жадвалда келтирилган.

**Дифференциал тенгламаларни ўлчамсиз шаклга келтириш.**

(2) дифференциал тенгламалар тизимининг ечимини топиш учун ушбу тенгламаларга тегишли бошланғич ва чегаравий шартларни ўлчовсиз шаклда келтирамиз: бунинг учун биз масштабни микдорларни киритамиз [95]:

$$\begin{cases} u_m = \sqrt{g \cdot \beta \cdot \Delta T \cdot L}, & \vartheta_m = \vartheta_o, x_m = L, y_m = L, \\ \theta = \frac{T - T_o}{\Delta T}, & \Delta T = T_h - T_o, \quad \tau = t \cdot \frac{u_m}{L}, \quad Pr = \frac{\nu}{\alpha} \end{cases} \quad (3)$$

бу ерда  $L$  – коллекторнинг узунлиги назарда тутилган, нол (о) индекси қийматлари шиша остидаги энг кичик қийматлар сифатида қабул қилинган. Индекс ( $m$ ) масштаб катталигини англатади, индекс ( $h$ ) иссиқлик аккумуляторидан олинган қийматни билдиради. Ўлчовсиз кўринишдаги тенгламалар (2) тизимини қуйидаги шаклда ёзиш мумкин бўлади:

$$\begin{cases} \frac{\partial(u)}{\partial x} + \frac{\partial(\vartheta)}{\partial x} = 0 \\ \frac{\partial u}{\partial t} + u \frac{\partial u}{\partial x} + \vartheta \frac{\partial u}{\partial y} = \frac{1}{\sqrt{Gr}} \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} + \theta \cdot \sin \varphi \\ \frac{\partial \theta}{\partial t} + u \frac{\partial \theta}{\partial x} + \vartheta \frac{\partial \theta}{\partial y} = \frac{1}{Pr \cdot \sqrt{Gr}} \frac{\partial^2 \theta}{\partial y^2} \end{cases}, \quad (4)$$

бу ерда  $Gr = \frac{g \cdot \beta \cdot \Delta T \cdot L^3}{\nu^2_m}$  – Грасгоф сони;  $\Delta T = T_h - T_o$  ҳароратлар фарқи,  $\theta = \frac{T - T_o}{T_h - T_o}$ ;

$T_h$  – коллектордаги аккумуляторнинг максимал ҳарорати;  $T_o$  – коллектордаги минимал ҳарорат.

Грасгоф сони зичликлар фарқи туфайли ҳаво конвекцияси пайтида иссиқлик узатиш жараёнини ўрнатади ва ҳарорат майдонида ҳаво зичлиги нотекис тақсимланиши натижасида юзага келадиган кўтарилиш кучининг қовушқоқлик кучига нисбати ифодалайди. Қўйилган масаламиз учун уни ҳисоблаймиз. Ҳисоблаш учун қуйидаги дастлабки маълумотлардан фойдаланамиз:

$g$  – Ер сиртида эркин тушиш тезланиши  $g = 9.8 \frac{M}{c^2}$ ;

$L$  – иссиқлик алмашинуви юзасининг характерли чизиқли ўлчам, 1м;

$T_h$  – иссиқлик алмашинуви сирт (аккумулятор сирти) ҳарорати, 55°С;

$T_o$  – иссиқлик ташувчи ҳавонинг ҳарорати, 40°С;

$\nu_m$  – ҳавонинг кинематик ёпишқоқлик коэффициенти,  $\nu = 16.97 \cdot 10^{-6} \frac{M^2}{c}$ ;

$\beta$  – ҳаво учун унча катта бўлмаган доимий босимда ва 40—60 °С ҳароратда ҳажмий кенгайишнинг ҳароратли коэффициенти.

Грасгоф сони сони қуйидаги ифода асосида аниқланади:

$$Gr = \frac{g \cdot \beta \cdot \Delta T \cdot L^3}{\nu^2_m} = \frac{g \cdot \beta \cdot (T_h - T_o) \cdot L^3}{\nu^2_m} = 7,003 \cdot 10^8. \quad (5)$$

Атмосферамининг таркибига асосан азот ( $\approx 78\%$ ) ва кислород ( $\approx 21\%$ ) газлари киради. Бошқа газларнинг улуши (карбонат ангидрид, аргон, неон, радон, гелий, криптон, водород, метан, азот оксиди, ва озон) тахминан 1% ни ташкил қилади. Шунинг учун ҳавони кўп атомли газ сифатида олиб, кўп атомли газлар учун Прандтля сони  $0.75 \leq Pr \leq 1$  га тенглигини ҳисобга оламиз.

Шлихтинг фикрича, газ оқимида Грасгоф сони  $Gr \cdot Pr > 10^{10}$  га тенг бўлганда унда газ оқимида турбулент ҳаракатлар содир бўлади. Бунга асосланиб, бизнинг шароитимизда ҳавонинг Грасгоф сони тахминан  $Gr = 7,003 \cdot 10^8$  бўлганлиги сабабли ҳаво оқими ламинар оқим бўлиши келиб чиқади.

Бошланғич ва чегаравий шартларга эга бўлган тенгламалар тизими (4) чекли айирмалар усули ва ошкор схема ёрдамида ўлчовсиз шаклда ечилди.

Тенгламалар (4) системасининг иккинчи ва учинчи тенгламаларини умумий шаклда қуйидагича ёзиш мумкин бўлади:

$$\frac{\partial z}{\partial t} + u \frac{\partial z}{\partial x} + \vartheta \frac{\partial z}{\partial y} = \frac{1}{K} \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} + Q \quad (6)$$

бу ерда  $Z = u$ ,  $K = \sqrt{Gr}$ ,  $Q = \theta \cdot \sin \varphi$  ҳаракат тенгламаси учун;  $Z = \theta$ ,  $K = Pr \sqrt{Gr}$  иссиқлик ўтказувчанлик учун.

Кўриб чиқилаётган ҳудудни тўр билан қоплаш қуйидагича бўлади:

$$D_h = \{x_i, y_j, t^n\},$$

бу ерда  $x_i = i\Delta x$ ,  $0 < i < N$ ;  $y_j = j\Delta y$ ,  $0 < j < M$ ;  $t^n = n\tau$ ,  $0 \leq n \leq T$ ;  $\Delta x, \Delta y, \tau$  – горизонтал, вертикал йўналишлар бўйича нукталар ўртасидаги масофа.  $N, M, T$  – горизонтал ва вертикал йўналишлар бўйича тугун нукталари сони. Тўр уч ўлчамли схематик кўринишда бўлади.

(6) тенгламани чекли-айирмали муносабатларга ўтказамиз. Ўрганила-ётган объектнинг ички нукталари учун биз қуйидаги яқинлаштириш тўрлари-дан фойдаланамиз:

$$\begin{aligned} \frac{\partial z}{\partial t} &= \frac{(z_{i,j}^{t+1} - z_{i,j}^t)}{\Delta t}, \\ g \frac{\partial z}{\partial x} &= g_{i,j}^n \frac{(z_{i,j}^n - z_{i-1,j}^n)}{\Delta x} + O(\Delta x), \\ g \frac{\partial z}{\partial y} &= g_{i,j}^n \frac{(z_{i,j}^n - z_{i,j-1}^n)}{\Delta y} + O(\Delta y), \\ \frac{1}{K} \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} &= \frac{1}{K} \frac{z_{i,j+1}^n - 2z_{i,j}^n + z_{i,j-1}^n}{\Delta y^2} + O(\Delta y)^2, \end{aligned} \quad (7)$$

Ушбу чекли-айирмали кўринишларни (6) тенгламага алмаштиргандан сўнг, қуйидагиларга эга бўламиз:

$$\begin{aligned} \frac{z_{i,j}^{n+1} - z_{i,j}^n}{\Delta t} + (u)_{i,j}^n \frac{z_{i,j}^n - z_{i-1,j}^n}{\Delta x} + (\vartheta)_{i,j}^n \frac{z_{i,j+1}^n - z_{i,j-1}^n}{2 \cdot \Delta y} = \\ \frac{1}{K} \left[ \frac{z_{i,j+1}^n - 2z_{i,j}^n + z_{i,j-1}^n}{\Delta y^2} \right]_{i,j} + Q_{i,j} \end{aligned} \quad (8)$$

$$z_{i,j}^{n+1} - z_{i,j}^n + \frac{\Delta t}{\Delta x} z_{i,j}^n (z_{i+1,j}^n - z_{i,j}^n) + \frac{\Delta t}{\Delta y} z_{i,j}^n (z_{i,j+1}^n - z_{i,j}^n) = \frac{1}{K} \frac{\Delta t}{\Delta y^2} [z_{i,j+1}^n - 2z_{i,j}^n + z_{i,j-1}^n] \quad (9)$$

(8) дан  $z_{i,j}^{n+1}$  ни топамиз:


$$z_{i,j}^{n+1} = z_{i,j}^n - \frac{\Delta t}{\Delta x} z_{i,j}^n (z_{i+1,j}^n - z_{i,j}^n) - \frac{\Delta t}{\Delta y} z_{i,j}^n (z_{i,j+1}^n - z_{i,j}^n) + \frac{1}{K} \frac{\Delta t}{\Delta y^2} [z_{i,j+1}^n - 2z_{i,j}^n + z_{i,j-1}^n] \quad (10)$$

Бошланғич вақтда майдонни бошланғич ва чегаравий шартларга мувофиқ тўлдиргандан сўнг, кейинги майдон (10) формула ёрдамида сонли ҳисобланади. Кейин бу жараён кейинги ва олдинги майдонлар орасидаги фарқ етарлича яқин бўлгунча қайтарилади.

(4) тенгламалар системасининг биринчи тенгламасидан бўйлама тезликни  $u$  топгандан кейин қўндаланг тезлик  $\vartheta$  компонентларини топамиз:

$$v_{i,j}^{n+1} = v_{i,j-1}^{n+1} + \frac{\Delta y}{\Delta x} \cdot (u_{i-1,j}^{N+1} - u_{i,j}^{N+1}). \quad (11)$$





2-расм. Коллекторнинг кириш ва чиқиш тешикларида ҳаво ҳароратларининг вақт бўйича ўзгариш маълумотлари: а) кун давомида коллекторнинг чиқиш тешигидаги ҳавонинг экспериментал ва ҳисобланган ҳарорати; б) коллекторнинг бош ва охири қисмларида ҳароратнинг вақт бўйича ўзгариши.

Тадқиқотимизда [96] муаллифлари томонидан коллекторнинг турли нуқталарида олинган экспериментал маълумотлардан фойдаландик. Назарий маълумотлар учун коллектор камерасидан чиқаётганда охири қатламдаги ўртача ҳарорат қийматидан фойдаланамиз.

Ушбу маълумотларни коллекторнинг чиқиш жойидаги (тешиги) ҳаво ҳароратини куннинг вақтига боғлиқлик графигига киритиш орқали экспериментал натижалар ҳисобланган маълумотлар билан таққосланганлиги келтирилган (2-расм, а)).

Графикдаги эгри чизиқлар орасидаги баъзи бир номувофиқлар экспериментал маълумотларнинг коллектор тешигидан чиқишидан кейин ўлчанганлиги ва ҳисобланган назарий маълумотларнинг коллектор тешигидан чиқишидан олдин олинганлигидан келиб чиқади.




Экспериментал ва назарий маълумотлардан фойдаланиб куйидаги формула ёрдамида танланган моделнинг самарадорлигини баҳолаш учун ўртача аппроксимация хатолигини аниқлаймиз:

$$A = \frac{1}{n} \sum \frac{|y_i - \hat{y}_i|}{y_i} \cdot 100\% = 7.7\% \quad (12)$$

бу ерда  $\hat{y}_i$  - ҳисобланган назарий қийматлар,  $y_i$  - тажриба қийматлари.

Ўртача тахминий хатолик 10% дан кам бўлганлиги сабабли, биз моделнинг ишончилиги ҳақида гапиришимиз мумкин бўлади.

Ушбу таъсирлар кун охирида янада бошқача сезилади, масалан, 2-расм, *b*) да соат 18:00 га қараб олинган ҳароратнинг вақтга нибатан тақсимоти кўрсатилган. Расмда кўриниб турибдики, чегара шартларига кўра, ҳарорат аллақачон паст, лекин коллектор ичидаги аккумуляторда иссиқлик тўпланиши туфайли унинг таъсири ҳали ҳам сезиларли бўлади.



**Вертикал йўналиш бўйича коллекторда ҳаво ҳароратининг тақсимланиши:**  
— кириш қисмида; — чиқиш қисмида.

3-расм. Коллекторнинг бош ва охири қисмларида ҳаво ҳароратлари ва тезликларининг координата ўқи бўйича радиал тақсимланишлари: а) соат 11:00 да боши ва охирида ҳароратнинг радиал тақсимланиши; б) куннинг бошида коллектор боши ва охирида ҳаво тезлигининг радиал тақсимланиши; в) соат 15:00 да коллекторнинг боши ва охирида ҳаво тезлигининг радиал тақсимланиши.

маълумотлар куннинг охирида олинган, бу ерда чегара шартларининг таъсири аллақачон камроқ. Бунда коллектор боши ва охирида ҳароратлар нисбатларининг тақсимланиш чизиқлари тасвирида кўриш мумкин. Коллектордаги ҳавонинг бўйлама тезлик тақсимотининг уч ўлчовли тасвири 4-расм, *b*)да кўрсатилган. Ушбу кўрсаткичлар бўйича маълумотлар куннинг ўртасида олинган бўлиб, унда коллектор узунлиги бўйлаб тезликнинг бир хил ўсишини кўриш мумкин. Коллекторнинг бошида ҳаво тезлигининг тақсимланиш чизиқлари, коллектор юқорисида эса ҳаво ўтаётганда тезлик қийматларининг ошишини кўриш мумкин.


Коллекторнинг бош ва охири қисмларида эрталаб 11:00 соатда, вақтнинг бошланғич қийматларида ҳисобланган ҳарорат бўйича олинган маълумотлар 3-расм, *a*)да келтирилган. Коллекторнинг вертикал йўналиши бўйича иссиқлик аккумуляторининг юзасига яқин ҳароратнинг таъсирини кўриш мумкин.

Коллектор камерасидаги ҳаво конвекциясининг вертикал тезлигига таъсирини 3-расм, *b*) ва *c*) ларда кузатиш мумкин. Жумладан, куннинг боши-да коллекторнинг бошида ва охирида тезлик тақсимоти 3-расм, *b*) да кўрсатилган. Ҳарорат омилининг таъсири туфайли коллекторнинг охиридаги тезлик коллекторнинг бошидаги тезликдан икки баравар юқори бўлади.

Максимал тезлик ҳарорат юқори бўлган томонга йўналган. Аммо кўтариш кучининг таъсири ҳам кузатилади, чунки максимал тезлик ҳарорат максимал бўлган жойдан чапга силжийди.

Коллекторда ҳарорат янада юқори бўлганда, ҳавони кўтариш эффекти янада кучли бўлади. Мисол, 3-расм, *c*) да тушдан кейинги, соат 15:00 га қадар коллекторнинг бошида ва охирида вертикал тезлик маълумотлари кўрсатилган.

Коллектордаги ҳаво ҳарорати ўлчовсиз шаклда тақсимланишининг уч ўлчовли тасвири 4-расм, *a*) да кўрсатилган. Ушбу кўрсаткич бўйича



4-расм. Уч ўлчамли фазода ҳаво ҳарорати ва тезлигининг радиал тақсимланиши: а) кун охирида ўлчовсиз ҳарорат тақсимоти.; б) куннинг ўртасида коллекторда хавонинг бўйлама тезлиги тақсимоти.

ҳисоблаймиз. (1) формуладан фойдаланиб, ҳаво зичлигини топамиз. Формула (1) зичлик  $\rho_0$  ва ҳароратнинг  $T_0$  бошланғич қиймат-ларини ўз ичига олади. Ушбу экспериментал маълумотлар 4-жадвалда келтирилган [9].

4-жадвал.

Экспериментал тадқиқотлар натижалари.

Ўлчаш вақти	Ҳарорат, °С.	Зичлик, $\frac{кг}{м^3}$ .	Тезлик, $\frac{м}{с}$ .	Массали тезлик, $\frac{кг}{с}$ .
10-11	38,076	1,10356	0,000655	0,000723
11-12	46,702	1,097316	0,00238	0,002612
12-13	50,16	1,091557	0,00517	0,005643
13-14	53,352	1,090134	0,01375	0,014989
14-15	56,354	1,086054	0,02532	0,027499
15-16	56,316	1,082726	0,0384	0,041577
16-17	52,972	1,082489	0,04136	0,044772
17-18	51,11	1,088867	0,0375	0,040833
18-19	49,818	1,094397	0,0284	0,031081
19-20	48,83	1,097921	0,0184	0,020202

**Хулоса.** Ушбу илмий ишлар таҳлили асосида табиий ҳаво конвекцияли ясси қуёш коллекторидаги жараёнларни математик моделлаштириш учун экспериментал тадқиқотларнинг натижалари билан яқин алоқада ўрганиш зарурлиги аниқланди. Шу

мунособат билан коллектор элементларидаги ҳароратнинг экспериментал қийматлари чегаравий шартлари учун параметрлар сифатида танланди.

Куёш радиацияси таъсирида иситиш жараёнида ясси коллекторда ҳавонинг ламинар ҳаракати мавжудлиги аниқланди.

Табиий ҳаво конвекциясининг ностационар (беқарор) оқими учун дифференциал тенгламалар тизими Буссинеск яқинлашувида масса, импульс ва энергиянинг сақланиш қонунидан фойдаланган ҳолда танланди. Ечим чекли айирмалар усули ва ошкор схема ёрдамида ўлчовсиз ҳолда бажарилди.

Коллекторнинг ҳаво кириш ва чиқиш тешикларида (жойларида), шунингдек, иссиқлик аккумулятори сиртида ҳаво ҳароратининг ўлчаш вақтига боғлиқлиги ўрнатилди, экспериментал ва ҳисобланган маълумотлар, яъни, кўп ўлчовли таҳлил усуллари асосида ўзгарувчилар ўртасидаги мунособатларнинг аниқ тасвири ўрнатилди ва таққосланди. Олинган моделнинг самарадорлигини баҳолаш натижасида ўртача яқинлашиш хатоси (аппроксимация) 7,7% эканлиги аниқланди. Моделнинг баҳоси куёш ясси коллекторларда табиий айланиш билан иссиқ (илик) ҳаво ишлаб чиқаришга ишонч даражасини янада оширади.

#### Адабиётлар

- [1]. Николас Мусемби Маунду. Исследование распределения воздушного потока и анализ производительности солнечной сушилки с естественной конвекцией. Американский журнал энергетических исследований, 2017, Vol. 5, № 1, 12-22.
- [2]. Динеш Ачарья. Усовершенствование солнечной сушилки непрямого действия // Academic View TUTA, Tri-Candra Campus Unit, апрель 2016 г., Vol-7:50-55
- [3]. Абхай Лингайт, Чандрамохан В.П., В.Р.К.Раджу. Дизайн, разработка и производительность солнечной сушилки косвенного типа для сушки бананов / Международная конференция по последним достижениям в области кондиционирования воздуха и охлаждения, RAAR 2016, 10–12 ноября 2016 г., Бхубанешвар, Индия.
- [4]. Augustus Leon A., Kumar S. Mathematical modeling and thermal performance analysis of ungrazed solar collectors// Solar Energy 81 (2007) 62–75. [www.elsevier.com/locate/solener](http://www.elsevier.com/locate/solener).
- [5]. Poonam Rani, P.P. Tripathy. Thermal characteristics of a flat plate solar collector: Influence of air mass flow rate and correlation analysis among process parameters// Solar Energy 211 (2020) 464–477. [www.elsevier.com/locate/solener](http://www.elsevier.com/locate/solener).
- [6]. Палани Г., Кирубавати Дж. Д., Кван Ёнг Ким. Свободная конвекция на наклонной пластине при изменениях вязкости и температуропроводности// Теплофизика и аэромеханика, 2014, том 21, № 1.
- [7]. Jumayev J., Shirinov Z., Kuldashv N. Computer simulation of the convection process near a vertically located source.// International conference on information Science and Communications Technologies (ICISCT) 4-6 november. 2019.
- [8]. Гебхарт Б., Джалурия Й., Махаджан Р.Л., Саммакия Б. Свободно-конвективные течения, тепло и массообмен. Кн. 2. - М.: Мир, 1991. - 678с.
- [9]. Мирзаев Ш.М., Кодиров Ж.Р. Исследование и разработка воздушного коллектора для солнечной сушилки косвенного действия с естественной конвекцией.// «Альтернативная энергетика и экология». № 01. (395) 2022 й.
- [10]. Мирзаев Ш.М., Кодиров Ж.Р. Экспериментальное установление технологии процесса сушки абрикосов в солнечных сушилках. // Международный научный журнал «Альтернативная энергетика и экология». № 01-03 (359-361), 2021й.

## **RENEWABLE ENERGY IS EXPORTED AND IMPORTED VIA A HYBRID MICRO GRID USING THE INTERNET OF THINGS**

O. Toshtemirov, A. Toshtemirov

*Training center Adam&John's  
(Received on May 7, 2022)*

*A hybrid smart grid gives up new possibilities for solar-powered micro grids to be controlled and accessible through Internet of Things technologies. It also opens up new business models for the export and import of solar PV generated and stored. Micro grid systems that integrate with the Internet of Things can*

*log data in the cloud and regulate the grid remotely. This paper explains how to improve residential hybrid power grid systems and connect them to a larger grid that connects many additional homes. The generated and stored power can be purchased or sold using a web interface by node owners at their houses.*

**Keywords**—Hybrid Smart-grid, IoT (internet of thing), Monitoring, ACS758 sensor, Differential Op-Amp, Hybrid Capacitor, Cypress PSoc4, ESP8266;

*Гибридная интеллектуальная сеть предоставляет новые возможности для управления микросетями на солнечной энергии и доступа к ним с помощью технологий Интернета вещей. Это также открывает новые бизнес-модели для экспорта и импорта генерируемых и хранимых солнечных энергии. Микросетевые системы, которые интегрируются с Интернетом вещей, могут регистрировать данные в облаке и дистанционно управлять сетью. В этой статье объясняется, как улучшить жилые гибридные электросетевые системы и подключить их к более крупной сети, которая соединяет множество дополнительных домов. Сгенерированная и сохраненная мощность может быть куплена или продана через веб-интерфейс владельцами узлов в их домах.*

**Ключевые слова** — гибридная интеллектуальная сеть, IoT (Интернет вещей), мониторинг, датчик ACS758, дифференциальный операционный усилитель, гибридный конденсатор, Cypress PSoc4, ESP8266;

*Gibrid aqlli tarmoq quyosh energiyasi bilan ishlaydigan mikro tarmoqlarni boshqarish va internet narsalari texnologiyalari orqali kirish uchun yangi imkoniyatlar beradi. Shuningdek, u quyosh panellarinida ishlab chiqarilgan va saqlanadigan energiyani eksport qilish va import qilish uchun yangi biznes modellarini ochadi. Narsalar Interneti bilan integratsiyalashgan mikro tarmoq tizimlari bulutdagi ma'lumotlarni yozib olishi va tarmoqni masofadan boshqarishi mumkin. Ushbu maqola turar-joy gibrid elektr tarmog'i tizimini qanday yaxshilash va ularni ko'plab qo'shimcha uylarni bog'laydigan kattaroq tarmoqqa ulashni tushuntiradi. Ishlab chiqarilgan va saqlangan quvvatni veb-interfeys yordamida tarmoq egalari o'z uylarida sotib olishlari yoki sotishlari mumkin.*

**Kalit so'zlar** — Gibrid Smart-grid, IoT (internet narsalari), boshqarish, ACS758 sensorli datchik, Differensial operatsion kuchaytirgich, gibrid kondensator, Cypress PSoc4, ESP8266;

## **Introduction**

Solar energy producers, hybrid ultra-capacitors, home battery banks, and a centralized server that adjusts the load according to power consumption make up a hybrid smart grid system for enhanced micro grid. The current central stations that control power grids have update cycles of roughly 15 minutes. The central station evaluates the load every 15 minutes and adjusts its generators to match it. Renewable energy sources, such as solar panels or wind turbines, do not have a predictable output over the same time period as traditional energy sources, making solar panels subject to surges. Surges caused by rapid loads, such as household appliances, cannot be handled by solar panels and are difficult to foresee. If the grid falls below the required power level, the entire system may fail. As a result, the variable nature of renewable energy sources makes them incompatible with traditional power grid systems. We have options, such as battery storage, to prevent system failures in uncertain output conditions, as detailed above. However, this causes deep discharge during surges, resulting in a battery's life cycle being decreased. If the battery is combined with a HUC (Hybrid Ultra-capacitor), the HUC will take over the supply when the surge occurs, protecting the battery. Because of its self-sustaining configuration, the cost of installing a micro-grid can be covered in a matter of months. The configuration also allows a user to trade power with his neighbors who are linked to the main grid at the end of the day. The data and transactions will be exchanged via the Internet of Things technique [1]. The users and micro grid system can communicate by using a lightweight publish-subscribe protocol over secure TLS. Data is synced from smaller hybrid micro grids' local cache to the main grid's database on a regular basis. The analytics engines deliver real-time statistics to all connected endpoints based on the data collected over time. Grid operators have extra power plants on standby for emergencies to guarantee that there is enough power.

## **I. ACCESSIBILITY**

### **A. Hybrid Micro-Grid**

Solar panels, a battery bank, and a HUC make up a hybrid micro grid system (Hybrid Ultra Capacitor). The energy from the sun is stored in a battery and a HUC bank. The charge condition of the batteries is maintained at 100% in a hybrid micro grid system. HUC Bank is in charge of any load fluctuations.

### B. Power Transmission

Individual hybrid micro grid systems, each with solar power generating and battery storage units, make up the main grid. Each home's hybrid micro grid system, referred to as a node, is connected to other homes with




Fig.1. A Hybrid Micro Grid System.

identical setups through a parallel bus. This forms a grid, which will be referred to as Main-grid [4]. Because the nodes are capable of generating and storing energy, they can also share it with other nodes in the grid [2]. For example, if home A receives more sunlight, it will generate more energy than it consumes on a regular basis, whereas house B has guests arriving and will require more energy today than usual production. House A has the ability to export electricity while House B has the ability to import it. A centralized server will control the transaction, which can be launched by user interface portals on a mobile app or a website.

## II. DATA PROCESSING AND REAL TIME ANALYTICS

Each residence linked to the micro grid system functions as a node in the network. Between each node and the server, there is a publish/subscribe communication paradigm. A lightweight protocol like MQTT [3] is used to sync data every three seconds. Every node sends the centralized MQTT server current data about the amount of power it generates and consumes. The master client, which is connected to the centralized server, is in charge of updating the acquired data in the backend database for data persistence. Using his assigned account, an end user can examine real-time status and performance information via MQTT on a webpage. [5]




Fig.2. Power Transaction between Hybrid micro grid system nodes of Main Grid.

The data in the database shows output power as a function of time. The graph (Fig.3) depicts the situation in which load surges and is absorbed by HUC. This process can be filtered and displayed graphically in a variety of ways. Predictive analysis based on demographics and meteorological conditions is also possible with an algorithmic approach. As previously said, the flexibility and customizability are limitless and can be used for additional research.






Fig.3. Time vs Power, battery and Current graph from data collected on a sunny day.



Buying and Selling Power between nodes in Hybrid Microgrid system

Fig.4. Communication between Nodes via MQTT and Real-time Analysis.



**Buying and Selling Power between nodes in Hybrid Microgrid system**

Fig.5. Buying and selling power between nodes

### III. Security and Scalability

#### A. Hardware and Access network security

A traditional transmission system is vulnerable to a variety of thefts and deceptions. The government loses roughly 23% of its revenue due to distribution and transmission losses, with some outlying states losing as much as 50%. According to Wikipedia, the country with the biggest losses from power was India (\$16.2 billion). Solar energy output is automatically monitored using real-time analytics in a hybrid micro grid system, and theft is nearly as impossible as stealing sunshine. When an intrusive behavior is discovered within the grid, a system of trackers and notifications is in place to alert each node user and operator as soon as possible. Additionally, if a node is determined to be operating in an unruly manner, it can be disconnected from the grid remotely. In this case, the user can also consume his own solar power output, but he won't be able to trade power with others on the grid. In the event that any problems arise, there is the possibility to undertake remote diagnosis and perform root cause investigation with immediate traffic rerouting [6].

#### B. Communication and Data Security

TLS/SSL is used to encrypt communication between nodes. Security is provided at the network, transport, and application levels by providing authentication and authorization. To download data and/or update configuration parameters, end points such as smart phones and web pages utilize trusted CA certificates. Except for the MQTT master, all clients will have read-only access to the database.

#### C. Scalability and High Availability

To build a smart grid network, you'll need at least two nodes. The system can be scaled up or down by adding or removing nodes. If necessary, the main grid can scale from a few dwellings in a neighborhood to huge metropolitan towns. The number of nodes and their performance statistics are kept in a centralized database system. Because the nodes sync information with the main server on a regular basis, any node failure has no effect on the backed-up data. Data duplication and load sharing are also provided by clustering the database servers. In the case that a main server or



database system fails, the clustered design ensures that other servers take up its role and service is not disrupted.

#### **IV. HARDWARE COMPONENT**

A hybrid micro grid system to collect data from the system is made up of the following hardware components:

Circuit required major component are ACS758LCB-100B high current bi-directional current sensor, LM358-Single Supply Dual Operational Amplifiers, ESP8266 -12e Wi-Fi module and CY8CKIT-044 PSoC® 4 M-Series Pioneer Kit.

#### **V. OPERATIONAL AND MONETARY BENEFITS**

In the long run, the hybrid micro grid system is both self-sustaining and profitable. Long-distance transmission losses will be avoided by this technology. Solar photovoltaic systems have a 25-year lifespan. With solar inverters, however, this is not the case. The majority of inverters have a ten-year service life.

#### **VI. CONCLUSION**

This paper presents a comprehensive, self-sustaining, and open-source system for utilizing renewable energy via power grids. Solar-powered hybrid micro grids should be developed to generate electricity locally and share it with other grid members. It will communicate with one another via the Internet of Things' backbone. Solar power, according to all study conducted for the proposed project, is a cost-effective and reliable source of energy that is currently underutilized. It can give power to not only residences but also localities on a sharing basis if it is coupled with intelligent grid systems. Real-time analytic engines will give notifications and reports to depict data for predictive and statistical analysis, while data loggers will sync information with distributed database systems on the cloud. This strong concept also gives home owners with economic opportunities to capture and monetize solar energy generated. It will also assist governments in regulating electricity generation and consumption in order to create a healthier and more environmentally friendly environment.

#### **References**

- [1]. Qinghai Ou, "Application of Internet of Things in Smart Grid Power Transmission", Third FTRA International Conference on Sep 2012
- [2]. Nima Nikmehr & Sajad Najafi Ravadanegh "Optimal Power Dispatch of Multi-Microgrids at Future Smart Distribution Grids" IEEE Transactions on Smart Grid (Volume: 6, Issue: 4, July 2015 )
- [3]. Jorge E.Luzuriaga, Juan Carlos Cano "Handling mobility in IoT applications using the MQTT protocol" Internet Technologies and Applications (ITA), 2015
- [4]. "Technology Challenges in Designing the Future Grid to Enable Sustainable Energy Systems" by Vijay Vittal, Director, PSERC (June 2012)
- [5]. Ravi Kishore Kodali & SreeRamya Soratkal "MQTT based home automation system using ESP8266" Humanitarian Technology Conference (R10-HTC), 2016 IEEE Region 10
- [6]. Olivier Monnier "A smarter grid with the Internet of Things" Texas Instruments October 2013 <http://www.ti.com/lit/ml/slyb214/slyb214.pdf>

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

О.О. Ибрагимов, И.Х. Домуладжанов

Фарғона политехника институти  
(Қабул қилинди 30.06.2022 й.)

Мақолада тупроқларни унумдорлини ошириш буйича олиб борилган илмий - тадқиқот ишлари ва натижалари келтирилган. Танланган далада олиб борилган тажрибалари, уни усуллари ва натижалари ўрганилган ва охирида хулосалар келтирилган.

**Калит сузлари.** Тупроқ, унумдорлик, бонитет, тажриба, натижа, экология, хорижий давлат, қишлоқ хужалик, майдон, пестицидлар.

В статье приведены результаты научной работы по повышению плодородия почв, избранные полевые опыты, эксперименты, методы и результаты работы. В заключении выводы по итогам полученных результатов.

**Ключевые слова.** Почва, плодородие, кредитоспособность, опыт, результат, экология, зарубежье, сельское хозяйство, площадь, пестициды.

Abstract. In the article, scientific work on soil fertility was carried out and the results were presented. Selected field experiments, methods and results obtained and conclusions are presented at the end.

**Keywords.** Soil, fertility, creditworthiness, experience, result, ecology, foreign country, agriculture, area, pesticides.

Қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри алмашлаб экиш деҳқончиликни юксак маданият билан юритишнинг асосий шартларидан бири бўлиб, унинг энг асосий вазифаси биринчи навбатда аҳолини озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш бўлса, иккинчидан тупроқ унумдорлигини сақлаш, бегона ўтлар, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва касалликларига қарши самарали курашиш орқали экинлар ҳосилини оширишдан иборат.

Минерал ўғитлар самарадорлиги қанчалик тушиб кетаётганлигини ифодаловчи ушбу мисолларга эътибор беринг. Ҳозир деҳқончиликда азотнинг фойдали коэффиценти 50 – 70 ўрнига атига 30 – 40 процентни ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда пахта даласига солинаётган азотли ўғитларнинг 60 – 70 процентини ғўза истеъмол қилмайди. Ана шу ортиқча азот атроф муҳитига ниҳоятда жиддий хавф туғдирмоқда. Айниқса ер ости сувлари юза жойлашган экин майдонларида унинг анчагина қисми сизот, дренаж ва коллектор сувлари билан бирга экологик ҳолатни бузмоқда. Айниқса ғўза ва буғдой экилган майдонлардан катта миқдордаги нитрат азоти коллектор сувларига қўшилиб бутун мавжудотга зарар келтирмоқда.

Турли тупроқ ва агротехника шароитларида ўтказилган дала тажрибаларининг натижаларини умумлаштириш асосида республика учун азотнинг ўртача мақбул меъёрини белгилаш мумкин. Гектаридан 30-35 центнер ҳосил олиш режалаштирилган майдонларининг ҳар гектарига 140-150 килограмм азот ўртача меъёр ҳисобланиши мумкин. Азотли ўғитни табақалашган усулда қўллаш тупроқнинг 1 метр қатламида гектарига 300 килограммдан кўп азотнинг қолдиғи бор жойларда умуман азотли ўғит солмасдан, пахта, буғдой ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олиш имкониятлари мавжудлигини унутмаслик керак.

Тупроқ захирасидаги азот миқдори 300 килограммгача бўлган ерларга азотни йиллик меъёрини ярмини солиб ҳосилдорликни кўтариш мумкин. Тупроқ таркибидаги нитратли

азотнинг захираси 150 килограммгача етган ерларда белгиланган меъёрга риюя қилиш керак. Ана шундай асосда тупроқдаги қолдиқ азотнинг миқдорига кўра агрохимёвий картограммага эга бўлиб ва пахтачиликда тупроқларнинг азотга эҳтиёжини аниқлаб, юқорида айтилган 140 килограммли нормани ҳам анчагина камайтириш мумкин. Фосфорли ўғитларни қўлланишда ҳам жиддий камчиликлар ва ташвишли ҳол рўй бераяпти. Кейинги 50 йилда ғўзани ва бошқа экинларни вегетация даври давомида фосфор ўсимликнинг биологик эҳтиёжига нисбатан 5 хатто 6 барабар кўп қўлланилганлиги ниҳоятда ачинарлидир. Оқибатда тупроқнинг 1 метр қатламидаги қатламда – гектарига 2.000 килограммдан зиёд захирадаги фосфор тўпланиб қолди. Тупроқдаги ортиқча тўпланиб қолган азот, фосфор, калийни миқдорини инобатга олиб қишлоқ хўжалик экин майдонларига солинадиган ўғит самарадорлигини янгидан ўрганиш асосида фосфорли ўғитларни табақалашган усулда қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Хорижий мамлакатларда экологик жиҳатдан тупроқнинг аҳволи танглигига, тупроқнинг унумдорлиги йўқолиб бораётганлигини 40 – 50 йил олдинроқ англаб етишди. Синтетик кимёвий моддаларни тупроқ экологиясига салбий таъсирини ўйламасдан қўлланиши ўта ёмон оқибатларга олиб келишини тушуниб, аҳволни тубдан яхшилаш чораларини кўришди. Кўплаб мамлакатларда синтетик минерал ўғитлар ва пестицидларнинг меъёрини кескин камайтиришга эришдилар.

Ҳаттоки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда синтетик ўғитлардан, айниқса пестицидлардан тўласича воз кечиб, “биологик деҳқончилик”ни жорий этишга ўтилмоқда. Шунини унутмаслик керак, кейинги 70 йилда ер юзида минерал ўғит ва пестицидларнинг энг кўп меъёрлари бизнинг республикамизда қўлланилган. Дала тажрибалари Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги «Олтиариқ деҳқон замини» фермер хўжалигида, дала шароитида амалга оширилди.

Тупроқни унумдорлигини ҳолатини аниқлаш учун тажрибалар утқазилган.

Дала тажрибаси 8 вариантдан иборат бўлиб, 4 қайтариқда келтирилган тизимда олиб борилди.

Олиб борилган дала тажрибалари Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институти (ЎзПИТИ) олимлари томонидан ишлаб чиқилган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) асосида, «Олтиариқ деҳқон замини» фермер хўжалигининг ички агротехнологиялари қўлланилди.

Тажриба даласида ғўзани С-8290, бедани Тошкент-1, буғдойни Замин (Жайхун) навлари парвариш қилинди.

Ҳар бир тажриба майдончалари (делянкалар) 240 м<sup>2</sup> ни (4,8×50 м) ташкил этгани холда 3 поғонали қилиб жойлаштирилди.

Тажриба Фарғона вилояти оч тусли бўз тупроқлар шароитида олиб борилди (1-жадвал).

Тажрибада тупроқнинг агрофизикавий таҳлилларини ўтказишда «Методы агрофизических исследований» (Ташкент, 1973) қўлланмасидан фойдаланилди.

Тупроқнинг ҳажм массасини аниқлаш мақсадида тажрибанинг уч қайтариқдан ҳар бир вариантдан экинларни экишдан олдин ва амал даври охирида тупроқнинг 0-10, 10-20, 20-30, 30-40, 40-50 см қатламларидан тупроқ намуналари цилиндр (ҳажми 500 см<sup>3</sup>) ёрдамида олиниб, Н.А.Качинский усулида тарозида тортиш йўли билан, ҳамда ҳажм масса ва солиштирма оғирлик бирликлари асосида ғоваклиги аниқлаб борилди.

Тупроқни агрохимёвий таҳлил қилишда «Методы агрохимических анализов почв и растений» (Ташкент, 1977) қўлланмасидан фойдаланилди.

Тажрибада ўрганилган барча қишлоқ хўжалик экинларини амал даври боши ва охирида тупроқ намуналари тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларидан олиниб, унда чиринди миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.П.Гриценко, И.М.Мальцева, нитратли азот миқдори Гранвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калийни алангали фотометрда П.В.Протасов усулларида аниқланди.

Тажриба тизими  
(Фарғона вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида, 2018-2021 й.й.)

№ т/р	Экиш мuddатлари	Бугдой ва беда экиш усуллари	Беда ни экиш меъёри	Шудгор-лаш мuddати	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1	Назорат 30.09 гача	Пахта ни 2-теримидан кейин ғўза қатор орасига амалиётдаги каби фақат бугдой экиш	Бугдойдан кейин шудгорлан- ган ҳолда қолдирилади	Езда 20 ноябгача	Шуд- гор	Ғўза	Ғўза	Ғўза
2	10.10 гача	Ғўза қатор орасига бугдой билан беда экиш.	Бугдой 200 кг Беда 22 кг/га	Кузда 30 ноябгача	Буг- дой+ беда	Буг- дой+ беда	Бугдой+ беда	Ғўза
3	20.08 гача	Кузги бугдой ҳосили ўрми- йингидан кейин очик майдонга 30 см чуқурликда ёли хайдовдан сўнг бугдой+беда экиш	Бугдой 200 кг Беда 20 кг/га	Кузда 30 ноябгача	Буг- дой+ беда	Буг- дой+ беда	Бугдой+ беда	Ғўза
4	30.08 гача	Кузги бугдой ҳосили ўрми- йингидан кейин анғизга табiiий бугдой дони тўқилган қатламни юмшатиб беда экиш	Беда экиш 18 кг/га	Оқирги беда ўрими сидерат шудгорга 30 октябргача	-	Беда	Беда	Ғўза
5	10.09 гача	Кузги бугдой ҳосили ўрми- йингидан кейин анғизга табiiий бугдой дони тўқилган қатламни юмшатиб беда экиш	Беда экиш 16 кг/га	Оқирги беда ўрими сидерат шудгорга 30 октябргача	-	Беда	Беда	Ғўза
6	20.09 гача	Кузги бугдой ҳосили ўрми- йингидан кейин анғизга табiiий бугдой дони тўқилган қатламни юмшатиб беда экиш	Беда экиш 14 кг/га	Оқирги беда ўрими сидерат шудгорга 30 октябргача	-	Беда	Беда	Ғўза
7	30.09 гача	Кузги бугдой ҳосили ўрми- йингидан кейин анғизга табiiий бугдой дони тўқилган қатламни юмшатиб беда экиш	Беда экиш 12 кг/га	Оқирги беда ўрими сидерат шудгор-га 30 октябргача	-	Беда	Беда	Ғўза
8	10.10 гача	Кузги бугдой ҳосили ўрми- йингидан кейин анғизга табiiий бугдой дони тўқилган қатламни юмшатиб беда экиш	Беда экиш 10 кг/га	Кузда 30 ноябргача	-	Беда	Беда	Ғўза

Gazlamaning tuzilishi turi ularning igna bilan zararlanishiga ta'sir ko'rsatadi. Gazlama tuzilishida zichligi va bikrligi qanchalik katta bo'lsa, gazlamaning zararlanish ehtimoli shunchalik katta bo'ladi. Polotno o'rilishli gazlamalarda iplar osongina zararlanadi, sababi ignaning ipga to'g'ri kelish ehtimoli juda ham yuqori bo'ladi. Sarja o'rilishga ega bo'lgan gazlamalarda ignaning ipga to'g'ri kelish ipning sirpanish qobiliyati tufayli imkoni kamroq bo'lib, shuning uchun bunday gazlamalarning zararlanishi kamroq bo'ladi. [5]. Gazlamani pardozlash gazlamadagi iplarni zichlashtiradi, natijada gazlamaning bikrligi ortadi va zararlanishlar soni ham ortadi.

Tolalarning teshilishini oldini olish uchun igna raqami va tikuvchilik iplarining o'zaro mosligiga e'tibor berish zarur [6].

Tikish jarayonida gazlama shuningdek, tikuvchilik iplarining noto'g'ri tanlanishi natijasida ham zararlanishi mumkin. Ingichka igna uchun, masalan, qalin ipni qo'llab bo'lmaydi, sababi u ingichka ignaning tor va unchlik chuqur bo'lmagan ariqchasiga sig'maydi va igna hamda gazlama o'rtasidagi vujudga keladigan ishqalanish kuchi ularni o'zaro tegib turadigan joylarida zararlanishiga olib keladi. [7]. Bundan tashqari, bunday ip ingichka ignaning tor qulog'idan katta tezlik bilan o'tganida, titilib ketadi, mustahkamligini yo'qotadi va uzilishni boshlaydi, bu ham tikuv buyumining sifatida salbiy aks etadi [8].

Har xil nomerli ignalar bilan baxyaqatorni bajarishda gazlamaning zararlanishi 50x200 mm o'lchamli namunalarda tepkining o'rtacha bosimida aniqlandi. Zararlanish sonini kattalashtiruvchi oyna (lupa) yordamida ignaning gazlamaga kirish tomonidan aniqlandi. Natijalar 4-jadvalda keltirildi.

4- jadval

Matoning ignadan zararlanishlari soni

Gazlama nomi	Tola tarkibi, %		igna raqami	10 sm.dagi ziyonlar soni
	tanda	arqoq		
Maxsus kiyimbop gazlama	Paxta 100	Paxta+modal 50/50	90	8
			100	6
			110	4
			120	15

**Xulosa.** Tadqiqot natijalaridan ko'rinib turibdiki, 100 va 110 raqamli ignalar matoni 90 va 120 raqamli ignalarga nisbatan kamroq zararlagan. 100 raqamli igna bilan tikilganda asosiy gazlamada 6 ta, 110 raqamli igna bilan tikilganda asosiy gazlamada 4 ta, 90 va 120 raqamli ignalar esa gazlamada ko'proq teshik hosil qilib, zararlagan. Natijalarga ko'ra 90 raqamli igna 8 va 120 raqamli ignada bu ko'rsatkichlar 15 ni tashkil etgan.

Tadqiqot natijalaridan xulosa qilish mumkinki, 100 va 110 raqamli ignalar yordamida paxta+modal tolali gazlamaning zararlanishi boshqa ignalarga nisbatan kam bo'lgan. Shu sababli

пахта+modal tolali gazlamadan maxsus kiyimni tikishda ushbu ignalardan foydalanish tavsiya etiladi. [9].

Olib borilgan tadqiqot natijalarini umumlashtirib, paxta+modal tolali gazlama uchun mos keluvchi tikuvchilik ipi va igna tavsifi 5-jadvalda keltirildi.

5-jadval

Пахта+modal tolali gazlama uchun tavsiya etilgan mashina ignalari va tikuvchilik iplari

№	Gazlama	Igna raqami	Iplarning savdo raqami	
			Poliester	Пахта-lavsan
1	Пахта+modal tolali gazlama	100 – 110	33 l	44 lx

**Adabiyotlar:**

- [1]. 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017-йил 1-июньдаги ПҚ-3028-сонли Қарори.
- [2]. 2.М. К. Rasulova<sup>1</sup>, Sh. L. Mamasolieva Development of Fabrics for Special Clothing for Workers of the Automotive Industry taking into Account the Climatic Conditions of Uzbekistan 2021.
- [3]. 3.М.К.Расулова, С.Ш. Ташпулатов. Исследования по обеспечению эксплуатационной надежности спецодежды по программе импортозамещения. Всероссийская научно-практическая конференция (с участием граждан иностранных государств). Сборник научных трудов. Новочеркасск – 2019.
- [4]. 4.Патент №UZ SAP 02129 Автомобил заводларининг йиғув цехи ишчилариучун махсус кийим тўплами. Расулова Мастура Кабиловна,Мамасолиева Шохиста Лутфуллаевна, Норбоева Гуласал Нарзуллаевна.ТТЕСИ- № UZ SAP 02129 заявл. SAP 2020 0092
- [5]. 5.Rasulova M. et al. Selection of sewing thread for connecting details of workwear from fabrics of new structures //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – Т. 2430. – №. 1. – С. 030007.
- [6]. 6.Шумкарова Ш. П., Норбоева Г. Н. ТИКУВ БУЮМЛАРИДА ЕЛИМЛИ БИРИКТИРИШ МУСТАҲКАМЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 15. – С. 80-85.
- [7]. 7.Мастура Р. К., Гуласал Н. Н. Автомобиль Корхоналари Ишчилари Махсус Кийимини Статика Ва Динамикада Тадқиқ Қилиш //Барқарорлик ва Етакчи Тадқиқотлар онлайн илмий журнали. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 403-407.
- [8]. 8.М.К. Rasulova,А.Abdujalilova,G.N.Norboeva. Avtomobil sanoati ishchilari maxsus kiyimini loyihalash uchun tavsiyalar. “Moda industriyasida innovatsiya va zamonaviy texnologiyalar. Toshkent moda haftaligi doirasida o‘tkaziladigan xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi. Ilmiy maqolalar to‘plami. 23-noyabr.Toshkent-2019.
- [9]. 9.G.Norboeva, SH.L.Mamasolieva, M.K.Rasulova. Avtomobil sanoati ishchilari uchun yangi maxsus kiyim ishlab chiqish. Paxta tozalash, to‘qimachilik, engil sanoat, matbaa ishlab chiqarish texnika-texnologiyalarni modernizatsiyalash sharoitida iqtidorli yoshlarning innovatsion g‘oyalari va ishlanmalari.Respublika ilmiy – amaliy onlayn tezislari to‘plami II – qism II, IV, V - sho‘‘balar 18 noyabr.Toshkent-2020.

УДК 677.072.33.001.5

**ЎРТА ТОЛАЛИ ПАХТАДАН ҚАЙТА ТАРАЛГАН ИП ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

А.А. Саломов, Ф.О. Эгамбердиев, С.О. Новрузов

*Жиззах политехника институти. Tel.:(+998 93 302-22-66)*

[salomovabubakir07@gmail.com](mailto:salomovabubakir07@gmail.com)

*(Қабул қилинди 20.04.2022 й.)*

*Ушбу мақолада қайта тараши машинасининг иккита параметри, яъни қисқич билан ажратувчи цилиндр ва устки тароқ билан тароқли барабанча орасидаги разводкани 13% ва 16% қилиб таранди ажраллишига мослаб ўрнатилган. Тайёрланган хомаки маҳсулотлар ҳамда улардан йиғирилган чизиқий зичлиги 19,6 тексли ( $N_e=30$ ) қайта тараши ипининг физик-механик хосса кўрсаткичлари қиёсий таҳлил этилган.*

**Калит сўзлар:** тола, қайта тараши, сифат, пилта, оралиқ масофа, таранди., ўрта толали

пахта, ип.

В данной статье изучены два параметра гребнечесальной машины, т.е. разводка между тисками и отделительным цилиндром, а также верхним гребнем и гребенным барабанчиком, которые были установлены для выделения гребенного очеса в количестве 13% и 16%. Был проведен сравнительный анализ физико-механических свойств полеченных полуфабрикатов и гребенной пряжи линейной плотности 19,6 текс (№ 30).

**Ключевые слова:** волокно, гребнечесание, качество, лента, разводка, очес, средневолокнистый хлопок, пряжа.

This article examined two parameters of the combing machine, i.e. the wiring between the vise and the separation cylinders, as well as the upper comb and the comb drum, which were set to highlight the comb comb in the amount of 13% and 16%. A comparative analysis of the physicomachanical properties of the treated semi-finished products and combed yarn with a linear density of 19,6 tex (№ 30).


**Key words:** fiber, combing, quality, sliver, wiring, bat, medium-fiber cotton, yarn.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу мақола тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади [1.2.3].

**Адабиётлар таҳлили.** Ўрта толали пахтадан қайта тараш ипини йигиришда ипнинг ишлатилиши ва унга қўйилган талабларга қараб, таранди миқдори чиқишини белгилаш, хомаки маҳсулотлар ва йигирилган ип тозалиги ҳамда сифатини таъминлашда муҳим ўрин тутиши маълум [4.5.6].

Қўйилган мақсадга эришиш учун қайта тараш машинаси ишчи параметрларининг қайта таралган пилта ва ундан олинган ипнинг сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш керак.

Қайта тараш машинасининг қисқичи билан ажратувчи цилиндри ҳамда устки тароғи билан тароқли барабанча орасидаги разводкани ўзгартириб, таранди миқдорини оптималлаштириш йигирилаётган ипнинг сифат кўрсаткичларини меъёردа ёки ундан юқори даражада бўлишини таъминлаб,



1-расм. Қайта таралган пилталарнинг нотекислик кўрсаткичлари.

чиқаётган ипнинг миқдорини оширади. Шунинг билан бирга олиб, “JIZZAKH TEXTILE” хусусий корхонаси ишлаб чиқариш шароитида синов тажриба ишлари амалга оширилди. Тажриба вариантлари бўйича хомаки маҳсулотлар ва йигирилган ип намуналарини олиш учун корхонанинг технологик ускуналар занжирида йигириш режасини ўзгартирмай ишлатилаётган ЛОТдан фойдаланилди. SM 600N русумли қайта тараш машинасида тажриба бўйича юқорида таъкидланган икки вариантда икки хил разводкани ўзгартириб,

хомаки маҳсулотлар ва йигирилган ип тайёрланди ва уларнинг сифат кўрсаткичлари аниқланди.


**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот ишида қайта тараш машинасида қисқичлар билан ажратувчи цилиндр ва устки тароқ билан тароқли барабанча орасидаги разводка тажриба вариантыда 13%, корхона вариантыда 16% таранди ажратилишига мослаб ўрнатилди [7.8].

Тадқиқот ишининг режасига асосан аралашмадан хомаки маҳсулотлар ва қайта тараш ипи ишлаб чиқаришда иккила тажриба вариантлари бўйича толали чиқиндилар, қайтимлар ва маҳсулот чиқиши ўрганилди. Тажриба вариантыда аралашмадан ип чиқиши 74,0 %, корхона вариантыда эса 72,0 %, ни ташкил этади.

Ўрта толали “ЛОТ-Р” пахта аралашмасидан иккала вариант бўйича чизиқий зичлиги 5,0 ктексли қайта таралган пилта тайёрланди ва уларнинг нотекислик кўрсаткичлари Uster Tester 5-S800 синов ускунасида аниқланди.

Расмдан кўришиб турибдики, корхона вариантыда тайёрланган пилтанинг чизиқий нотекислиги 2,88 %, тажриба вариантыни эса 2,55 % ни ташкил этади. Квадратик нотекислик корхона вариантыда 3,61 %, тажриба вариантыда эса 3,18 % га тенг. Шунингдек ўрганилган 1 метрли ва 3 метрли қайта таралган пилталарнинг нотекислик бўйича вариация коэффицентлари қиёсланганда тажриба вариантыда корхона вариантга нисбатан камайиш тенденциясини кузатиш мумкин. Қайта таралган пилта намуналарининг нотекислик диаграммалари Uster Tester 5-S800 жихозида аниқланган

диаграммаларни солиштирилганда корхона вариантыда қайта таралган пилтанинг кесими бўйича ўзгаришида нотекислик бўйича кескин оғиш қийматлари тажриба вариантыдагига нисбатан катталигини кўриш мумкин. Иккинчи томондан шуни таъкидлаш керакки, иккала вариантда ҳам нотекислик кўрсаткичлари меъёр даражасидадир.



2-расм. Пилталанган пилталарининг чизиқли ва квадратик нотекисликлари.

Синов жараёнининг кейинги босқичида иккала вариант бўйича қайта таралган пилталардан TD 03-600 I-ўтим пилталаш машинасида пилталанган пилта олиниб, уларнинг нотекислик кўрсаткичлари Uster Tester 5-S800 жихозида ўрганилди (2-расм).

Корхона вариантыда тайёрланган пилталанган пилтанинг чизиқий нотекислиги 1,88 %, тажриба вариантыни эса 1,78 % ни ташкил этиб, фарқ 6% га тенг. Квадратик нотекислик корхона вариантыда 2,38 %, тажриба вариантыда эса 2,27 %. Шунингдек ўрганилган пилталанган пилталарнинг 1 метрли ва 3 метрли кесмалар бўйича вариация коэффицентлари қиёсланганда ҳам тажриба вариантыда корхона вариантга нисбатан камайиши кузатилди.

Пилталанган пилтанинг нотекислик диаграммалари қиёсий таҳлили иккала вариантда ҳам кўрсаткичларнинг меъёр даражасида эканлигини ва тажриба варианты диаграммасида ўртача қийматдан оғиш камлигини кўрсатди.


Пилталанган пилталардан Zinser 670 машинасида пилик тайёрланиб, уларнинг сифат кўрсаткичлари ўрганилди (3-расм).

Корхона вариантида тайёрланган пиликнинг чизиқли нотекислиги 3,19 %, тажриба вариантыни эса 3,05 %. Квадратик нотекислиги корхона вариантида 3,99 %, тажриба вариантида эса 3,87 %. Шунингдек ўрганилган пиликларнинг 1 метрли ва 3 метрли кесмалари бўйича вариация коэффициентлари қиёсланганда ҳам тажриба вариантида корхона вариантига нисбатан камайиш тенденцияси кузатилди.

Пиликларнинг нотекислик бўйича диаграммалардан кўришиб турибдики, кўрсаткичлар меъёр даражасида бўлиб, тажриба варианты диаграммасида қийматларнинг оғиши кам. Демак, қайта тараш тарандисини 16 % дан 13 % га камайтириш ярим маҳсулотларнинг чизиқий ва квадратик нотекисликларида камайиш тенденциясига олиб келади.

Ўтказилган тажрибалардан кўришиб турибдики, тажриба вариантида хوماки маҳсулотларнинг нотекислик кўрсаткичларини яхшиланишига эришилди.

Синов жараёнининг кейинги босқичида йигириш режасига мувофиқ ҳар икки вариант бўйича тайёрланган пиликлардан чизиқий зичлиги 19,6 текс бўлган қайта тараш ип намуналари ишлаб олинди, ҳамда уларнинг чизиқий ва квадратик нотекисликлари ҳамда непе кўрсаткичлари Uster Tester 5-S800 жиҳозида ўрганилди.



3-расм. Пиликларнинг чизиқли ва квадратик нотекисликлари.

Йигирилган ҳар икки вариант бўйича чизиқий зичлиги 19,6 текс ( $N_e=30$ ) қайта тараш ипининг сифат кўрсаткичларига асосан келтирилган ўртача қийматлар солиштирилганда чизиқий ва квадратик нотекисликлар кўрсаткичлари деярли фарқ (8,63;8,66 ва 10,89;10,93) [9.10] қилмайди.

Майда ва йирик неслар солиштирилганда корхона вариантида непе миқдори 40,1 та, тажриба вариантида эса 44,1 та, яъни 9 % га қўплиги аниқланди. Шунингдек йирик (+280 %) неслар миқдори эса 28,4 % га камлиги (12,3; 8,8) аниқланди. Бу ҳолат корхона варианти билан тажриба вариантынинг орасидаги фарқ бир-бирига яқинлигидан далолот бериб, уларни қўллашда параметрларни талабга қараб ростлаш керак.

Олинган натижалардан шуни таъкидлаш керакки, қайта тараш тарандиси миқдорини 16 % ўрнига 13 % қилиб ўрнатилиши ўрта толали пахта толасининг бир хиллик индекси юқорилиги билан боғлиқ бўлиб, технологик жараёнларни барқарор ўтишини, шунингдек хوماки маҳсулотлар ва йигирилган ипнинг сифат кўрсаткичларини амалдаги меъёрлар даражасида бўлишини таъминлаган.

Шундай қилиб, қайта тараш тарандисини 13 % миқдорда бўлиши, чиқаётган ип миқдорини ва корхона иқтисодий самарадорлигини оширади.

#### Адабиётлар:

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони
- [2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори
- [3]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

- [4]. Пирматов А. П., Матисмаилов С. Л., Саломов А. А. [Сравнительный Анализ Влияния Параметров Заправки Гребнечесальной Машины На Качество Гребенной Ленты](#) Книга представляет собой первую часть сборника статей XIX Международной научно-практической конференции «Advances in Science and Technology» (Москва, 15 марта 2019 г.) С-52-54.
- [5]. Salomov A., Ruzmatov B., Mukhametshina E., Analysis Of Quality Indicators Of Recombing Threads (April 30, 2021). International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) ISSN: 2643-640X Vol. 5 Issue 4, April - 2021, Pages: 114-118, Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3837581>
- [6]. Усманкулов А., Саломов А., Аббазов И. Результаты предварительных исследований и выбор направления исследований по усовершенствованию агрегата УХК для очистки хлопка-сырца машинного сбора // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. 2022. № 1 (94). С-50-55 URL: <https://7universum.com/ru/tech/authors/item/salomov-abubakir>
- [7]. Khodjiev, M., Abbazov, I., Alimov, O. and Karimov, J., Fraction Structure of Cotton Cleaning Equipment in Cotton Enterprises and their Cleaning Effectiveness. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology ISSN, pp.2350-0328.
- [8]. K.Djumaniyazov, F.Egamberdiev, I.Abbazov, G.Temirova. The Effect of Crop Type on Cotton Quality Indicators // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Volume-7, Issue-5, May 2020. – pp. 13510-13518
- [9]. Эгамбердиев, Ф.О., Жуманиязович, Ж.К., Дониёров, Б.Б. and Мухаметшина, Э.Т., 2020. Такомилаштирилган икки барабанли тўғри оқимли тола тозалагич ускунасининг тозалаш самарадорлигини ошириш. Техник тадқиқотлар журналы, 5(3).
- [10]. Pkhom, A., Muksin, X., Orof, A. and Ruxsora, K., 2019. The composition of releasing passion of dusty in the process of pat. International Journal of Engineering and Advanced Technology, 8(3 Special Issue), pp.279-283.

УДК 629.114.2-7

### ЁНИЛГИ УЗАТИШ АППАРАТИНИНГ ПРЕЦИЗИОН ДЕТАЛЛАРИ ИШЧИ ЮЗАЛАРИ ОРАСИДАГИ АБРАЗИВ ДОНАЧАНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИР МЕХАНИЗМИ

Ж.Ф. Исмаатов, А.И. Абдуллаев

*Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети  
(Қабул қилинди 22.04.2022 й.)*

*This article describes the mechanism of interaction of abrasive grains, which affects the wear of the working surfaces of the precision parts of the fuel transmission apparatus.*

**Key words:** diesel engine, high pressure fuel pump, plunger, bushing, abrasive grain, wear.

*Данная статья посвящена исследованию анализа существующих механизмов взаимодействия абразивных зерен, влияющий на износ рабочих поверхностей прецизионных деталей топлиподающих аппаратов.*

**Ключевые слова:** дизель, топливный насос высокого давления, плунжер, втулка, абразивное зерно, износ.

*Ушбу мақолада ёнилги узатиш аппаратининг прецизион деталларини ишчи юзалари ейлишига таъсир этадиган абразив доначаларнинг ўзаро таъсир механизми келтирилган.*

**Калит сўзлар:** дизел двигатели, юқори босимли ёқилги насоси, плунжер, втулка, абразив донача, ейлиши.

Дизель двигателларининг юқори босимли ёқилги насосининг плунжер жуфтлари двигателнинг барча иш режимларида унга ёнилгинининг бир маромда узатилишини таъминловчи ёнилги насосининг асосий деталлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Плунжер жуфтлар ишлаши мабойнида ейилади. Плунжер жуфтларнинг ишлаш шароити уларнинг ейилиш хусусиятини аниқлаб беради. Иссиқ об-ҳаво, юқори даражада чанглиниши бўлган Ўрта Осиё шароитида плунжер жуфтларнинг ишлаш муддати сезиларли даражада камаяди [1]. Ёнилгида абразив заррачаларнинг мавжудлиги ишчи юзада тирқишлар ҳосил бўлишига сабаб бўлиб, бу ўлчамларнинг кескин ўзгаришига ва деталларининг қисилиб қолишига олиб келади. Плунжер жуфтлар ва форсунка чанглатгичлари ейилишининг асосий тури гидроабразив ейилиш ҳисобланади [2]. Гидроабразив ейилиш суюқликдаги абразив заррачалар таъсири ҳисобланади.



Дизелларни ишлатиш жараёнида ёнилғи узатиш аппаратларининг едирилган прецизион деталларини таҳлил қилиш уларнинг ишловчи юзалари асосан дизель ёнилғисини филтрлаш элементлари орқали ўтадиган абразив заррачалар билан абразив едирилишини кўрсатади. Бу турдаги едирилишнинг механизми шундан иборатки, бунда абразив заррачалар, деталь тайёрланган материал иш юзасидан (едирилаётган) ёки жуда юпқа қиринди, пластик деформациялаб, ёки тирналишлар шаклида эзиб (босиб) едирилган материалнинг заррачалари, ёки бир қарра ва кўп қарра таъсир этиш натижасида кўп ҳамда кам дисперс заррачалар шаклида ажратиб чиқаради. Абразив заррачалар турли шаклларга ва едирилаётган юзага нисбатан турлича йўналишдаги қирралар ёки қобирғаларга эга бўлади. Ҳамма заррачалар ҳам иш юзасидан жуда майда қириндини кесиб ва қириб ололмайди; уларнинг бир қисми материалнинг қаттиклигига боғлиқ ҳолда уни пластик деформациялайди. ЁУАнинг плунжер - втулка жуфтлиги тирқишига тушган абразив доначасининг ўзаро таъсир этиш механизми, деталларнинг хусусиятлари бўйича бир хил, яъни ҳаракатланувчи юза (плунжер) ва кўзғалмас юза (втулка)нинг физик-кимёвий хоссалари ва микрогеометрия (ғадир-будурлиги) тавсифлари бўйича ҳам бир хил бўлганида уларни ҳаракатланувчи юза (плунжер) – абразив доначаси - кўзғалмас юза (втулка) тизими сифатида тасаввур этишимиз мумкин (1-расм).

Табиий чанглар таркибида учрайдиган абразив доначаси плунжер-втулка жуфтлиги орасига дизель ёнилғиси билаи бирга кириб қолган доначалари 3 (уч) радиусдан иборат бўлган кўринишдаги (тухумсимон) моделини қабул қиламиз. Ушбу моделда уч радиусдан биттаси икки ( $\rho$  ва  $R$ ) радиусга уринма бўлади, яъни туташув радиус  $\rho$  ҳам радиуси  $R$  билаи уринма чизик орқали бирлашади, ҳамда тўғри чизик бўйлаб  $V$  тезлигида ҳаракатланувчи 1-юзани ҳамда кўзғалмас 2-юзани ва  $\alpha_1$  ва  $\alpha_2$  бурчакли ғадур-будурликлардан иборат бўлган юзалар орасида ҳаракатланишини моделлаштириш мумкин.[4]


1-расмдаги  $\alpha_1$  ва  $\alpha_2$  лар 1- ва 2-юзалардаги нотекисликнинг бурчакларини ифодалайди, яъни сферик чўққилар асоси билан ён томон бўйича уринма орасидаги бурчак. Абразив доначанинг бўйлама ўқи билан  $V$  тезлик йўналишида ҳосил қилинадиган бурчакни  $\varphi$  билан белгилаймиз.

Плунжер - втулка жуфтлигининг тирқиши (ораси)га тушган абразив доначанинг ушбу деталларнинг ишловчи юзаларига ўзаро таъсир механизмини кўриб чиқиб, доначага таъсир этадиган момент ва куч нисбатини ҳисобга олган ҳолда абразив доначасининг плунжер ёки юзасига ботиб (қадалиб) қолишини берадиган учта шартни аниқлашимиз мумкин:

- абразив донача ҳаракатланувчи деталь плунжернинг ишловчи юзасига қадалиб (ботиб) қолганда ва втулканинг ишловчи юзаси бўйлаб сирпанганида;
- абразив донача кўзғалмас деталь втулканинг ишловчи юзасига қадалиб (ботиб) қолганида ва плунжернинг ишловчи юзаси бўйлаб сирпанганида;
- абразив донача на плунжер, на втулканинг ишловчи юзасига қадалиб (ботиб) қолмасдан плунжер ва втулканинг орасида сирпанганида:

Абразив донача айланмай, балки плунжер ёки втулканинг ишловчи юзаларидан бирига қадалиб (ботиб) қолганида куйидаги шартлардан бирини бажаришимиз мумкин:

1) абразив доначасининг ҳаракатланувчи деталь, плунжернинг ишловчи юзасига қадалиб (ботиб) қолиш шартли;



1-расм. Ҳаракатланувчи юза - 1 (плунжер) абразив доначаси -кўзғалмас юза - 2 (втулка) тизими: ( $V$ - плунжернинг чизикли сирпанишини нисбий тезлиги).

$$\left(f_1 - \frac{K_1}{R}\right)\cos\alpha_1 + \left(f_2 - \frac{K_2}{R+\rho}\right)\left(\frac{\rho}{R}\cos\alpha_1 + \sin\varphi\right) + \operatorname{tg}\alpha_2 * \sin\varphi - \cos\varphi \leq 0$$

$$(f_1 - f_2) + (\operatorname{tg}\alpha_1 - \operatorname{tg}\alpha_2) > 0 \quad (1)$$

Бу ерда:

$f_1$  ва  $f_2$ - абразив доначасининг плунжер ва втулканинг ишқаланиш юзаларига нисбатан сирпанишининг тегишлича ишқаланиш коэффициентлари;

$K_1$ - ва  $K_2$  - плунжер ва втулканинг ишқаланиш юзаларига нисбатан абразив доначаси чайкалишининг ишқаланиш коэффициентлари;

$R$  - абразив доначасининг ҳажмий радиуси;

$\rho$  - абразив доначасининг контакт радиуси (абразив доначаси учта радиусли модель сифатида қаралмоқда);

$\alpha_1$  ва  $\alpha_2$  - ишқаланиш юзалари ва уларнинг ён юзаларига тегиб турувчи тегишлича плунжер ва втулканинг ишқаланиш юзаларини моделлаштирувчи сферик баландлик (чикиклар) асосларининг текисликлари ўртасидаги бурчаклар;

$\varphi$  - кўзгалмас юзадан сирпанишининг нисбий чизик бўлиб тезлиги йўналишида абразив доначасининг бўйлама ўқи ҳосил қиладиган бурчак;

2) абразив доначасининг кўзгалмас деталь втулканинг ишловчи юзасига қадалиб (ботиб) қолиш шарти:

$$\left(f_1 - \frac{K_1}{R}\right)\cos\alpha_1 + \left(f_2 - \frac{K_2}{R+\rho}\right)\left(\frac{\rho}{R}\cos\alpha_1 + \sin\varphi\right) + \operatorname{tg}\alpha_2 * \sin\varphi - \cos\varphi \leq 0$$

$$(f_1 - f_2) + (\operatorname{tg}\alpha_1 - \operatorname{tg}\alpha_2) < 0 \quad (2)$$

3) абразив доначасининг ишловчи юзаларидан ҳеч бирига қадалмасдан плунжер ва втулка ўртасида сирпаниш шарти:

$$\left(f - \frac{K_1}{R}\right)\cos\alpha_1 + \left(f_2 - \frac{K_2}{R+\rho}\right)\left(\frac{\rho}{R}\cos\alpha_2 + \sin\varphi\right) - \sin\alpha_1 - \frac{\rho}{R} * \sin\alpha_2 - \cos\varphi > 0 \quad (3)$$

Плунжер ёки втулканинг ишловчи юзаларида абразив доначасининг қадалиб (ботиб) қолиш имконияти, (1), (2) ва (3) - тенгсизликларнинг иккиламчи ҳадларидаги шартларга риоя қилинишига боғлиқ бўлади.

Бизнинг ҳолда плунжер ва втулканинг иш юзалари ғадир-будурлиги ( $\alpha$ ) ва қаттиқлиги (HRC) бир хил, яъни тегишлича  $\alpha_1 = \alpha_2$  ва  $HRC_1 = HRC_2$ , шунинг учун абразив доначасининг плунжер ёки втулканинг ишловчи юзасида қадалиб (ботиб) қолиш имконияти сирпаниш пайтидаги ишқаланиш коэффициентларининг катталиги билан аниқланади:

$$\operatorname{агар} f_1 - f_2 > 0 \quad (4)$$

бундай ҳолатда абразив доначаси плунжернинг ишловчи юзасига қадалиб (ботиб) қолади,

$$\operatorname{агар} f_1 - f_2 < 0 \quad (5)$$

бундай ҳолатда эса абразив доначаси втулканинг ишловчи юзасига қадалиб қолади. Кўриб чиқилган ҳолат бўйича абразив доначаси иккита ишқаланиш юзаси орасида сирпаниш пайтида содир бўладиган ишқаланиш коэффициентлари қайси даталнинг иш юзасида катта бўлса ўша юзага қадалиб қолади деб ҳулоса қилишимиз мумкин.

#### Адабиётлар

1. А.Д. Верхотуров и др «Восстановление и упрочнение матриц для прессования алюминиевых профилей методом электро-искрового легирования» Физика и химия обработки материалов: 2002 №4 С82-89.
2. Optimization of the Electrodeposition Process of Ni-W/ZrO<sub>2</sub> Nanocomposites /E.Beltowska-Lehman [et al]// Journal of Electroanalytical Chemistry.-2018-Vol.813.-P.39-51.
3. Shishurin , S.A. Effect of Alumina Nanoparticles on the Structure and Physicochemical Properties of Chromium Coatings /V.V.Safonov, S.A. Shoshurin, V.S. Semochkin, S.M. Zakhrevich // Surface Engineering and Applied Electrochemistry.-2015.-Vol.51.- No.6.-P.517-522.
4. Тошпўлатов М.М. Химмотология. Тошкент 2011 й.
5. В.В. Антипов. Износ прецизионных деталей и нарушение характеристик топливной аппаратуры дизелей. – М.: Машиностроение, 1972. – 184с
6. Н.И.Бахтияров Повышение надежности работы прецизионных пар топливной аппаратуры дизелей / Н.И. Бахтияров, В.Е. Логинов, Н.И. Лихачев. – М.: Машиностроение, 1972.-286с

7. Das Common-Rail-System (CR, CRE, CRI, CRS) [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.kfztech.de/kfztechnik/motor/dicscl/commonrail.htm>.
8. Чечет, В. А. Об актуальности диагностики дизельной топливной аппаратуры / В. А. Чечет, Е. А. Пучин, Д. И. Драчев // Диагностика, надежность и ремонт машин: сб. науч. тр. / Моск. гос. агроинж. ун-т. – М., 2001 – С. 3-7.
9. И.И. Габитов. Топливная аппаратура автотракторных двигателей / И.И. Габитов, А.В. Неговора. –Уфа: Баш ГАУ, 2004.-172с.
10. Р.М.Баширов - Надёжность топливной аппаратуры тракторных и комбайновых дизелей / Р.М. Баширов, В.Г. Кислов. – М.: Машиностроение, 1978.-180с

УЎТ 631.312.8

### MAVJUD YARUSLI PLUGLAR TAHLILI VA IKKI YARUSLI DISKLI PLUG ISH JARAYONI SXEMASINI ISHLAB CHIQUISH

Sh.U. Ishmuradov, R.K. Hamroyev

*Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti  
(Qabul qilindi 15.01.2022 y.)*

*The article presents the results of studies conducted on the analysis of existing two-tier plows and the development of a scheme for the process of long-tier plowing of soil layers with a two-tier disk plow.*

**Keywords:** *two-tier dump and disk plows, upper disk housing, lower disk housing, soil layer, technological process of formation wrapping, plowing depth, width of capture, frame.*

*В статье приведены результаты исследований проведенных по анализу существующих двухъярусных плугов и разработка схемы процесса ярусной вспашки почвенных пластов двухъярусным дисковым плугом.*

**Ключевые слова:** *двухъярусные отвальные и дисковые плуги, верхний дисковый корпус, нижний дисковый корпус, почвенный пласт, технологический процесс оборачивания пласта, глубина вспашки, ширина захвата, рама.*

*Maqolada mavjud ikki va uch yarusli ag'dargichli puluglar hamda dastlabki ishlab chiqilgan ikki yarusli diskli plug bilan tuproq palahsalarini yaruslab shudgorlash sxemasini ishlab chiqish bo'yicha olib borilgan tadqiqotlarning natijalari keltirilgan.*

**Kalit so'zlar:** *ikki yarusli ag'dargichli va diskli plug; yuqori diskli korpus; pastgi diskli korpus; tuproq palahsasi; tuproqning ag'darilish jarayoni; ishlov berish chuqurligi; qamrash kengligi; rama; plug.*

Keyingi yillarda qishloq xo'jaligida energiya-resurstejamkor texnologiyalar va texnika vositalari keng joriy etilishi munosabati bilan yerlarga asosiy ishlov berish(shudgorlash)da diskli, ya'ni ish organi sferik disk ko'rinishida bo'lgan pluglarni qo'llash muhim ahamiyat kasb etmoqda. Chunki ular ag'dargichli pluglarga nisbatan tortishga kam qarshilik ko'rsatadi, ish unumi yuqori, o'simlik qoldiqlari va begona o'tlarga tiqilmasdan ishlaydi. Ushbu ta'kidlanganlar asosida Qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish ilmiy-tadqiqot instituti(QXMITI)da don, takroriy va boshqa qishloq xo'jaligi ekinlarini yetishtirish uchun yerlarga asosiy ishlov berish(shudgorlash)da qo'llaniladigan diskli plug ishlab chiqilgan[1] va uning mintaqamiz tuproq-iqlim sharoitiga mos parametrlarini asoslash bo'yicha tadqiqotlar o'tkazilgan.


Qatlamlarga bo'lib shudgorlash uchun ikki va uch yarusli pluglar qo'llaniladi. Bu pluglarning korpuslari tuproqni ikki yoki uch qatlamga bo'ladi va har bir qatlamni alohida surib, ularni o'zaro joylashishini o'zgartiradi.

**Uch yarusli pluglar** sho'rxok va kulrang tuproqli erlarning holatini yaxshilash uchun ishlatiladi. Ilgaridan sho'rlangan erlarda quyidagi genetik gorizontlar yaxshi ajralib turadi (1-rasm): gumusli *A*, sho'rqqoq *V* va karbonatli *S*. Uch yarusli plug bilan ishlov berilganda yuqori gorizont *A* yuzaga qoldiriladi, *V* va *S* gorizontlarning o'rni esa almashtiriladi. Uch yarusli plug uch korpusga ega: ikkita korpus (*1* va *3*) madaniy ishchi yuzali va bittasi *2* (asosiy) konussimon. Madaniy korpuslar bitta bo'ylama tekislikda joylashgan, asosiy esa ularga nisbatan yon tomonga qamrash kengligi  $b^2$  ga teng masofaga yonboshga surilgan. Bo'ylama tekislikda ular  $l_1=1200$  mm va  $l_2 = 900$


mm masofalarda joylashgan.

Uch yarusli plug bajaradigan texnologik jarayon quyidagicha amalga oshiriladi. Birinchi korpus yuqori qatlamdan  $a_1$  chuqurlikda (gorizont A) palaxsani kesib oladi va asosiy korpus yuradigan egatga tashlaydi. Asosiy korpus  $a_3$  qalinlikdagi pastki qatlam palaxsasini (gorizont S) kesadi va bu palaxsani yuqori qatlam (gorizont A) bilan birga yonboshga suradi. Korpus 3 yuqori va pastki qatlamlar orasida joylashgan palaxsani (gorizont V)  $a_2$  qalinlikda kesib oladi va asosiy korpus hosil qilgan egatga tashlaydi. Uch yarusli pluglarning qolgan qismlari umumiy ishlarga mo'ljallangan pluglarniki kabi joylashgan.

Oddiy shudgorlashda palaxsa to'liq ag'darilmaydi va yuqori qatlamining bir qismi ko'milmay qoladi. CHimqirqarlarni qo'llash shudgorlash sifatini yaxshilaydi, ammo bunda tuproqning chimli yuqori qatlami etarli darajada chuqur ko'milmaydi. Chimqirqar bilan kesilgan palaxsa ko'pincha egat tubiga emas, balki ag'darilgan palaxsaga yotqiziladi va sayoz ko'miladi. Palaxsani to'liq ag'darish va o'simliklarni yaxshi ko'mish ikki yarusli shudgorlashda erishiladi. Shuning uchun u dalalarni begona o'tlar bilan ifloslanishini kamaytiradi. Ikki yarusli shudgorlashdan keyin oddiy shudgorlashga nisbatan bir yillik begona o'tlarni o'sib chiqishi 2,5...3 martaga kam bo'ladi, ko'p yillik begona o'tlarni o'sib chiqishi esa 40...60 kunga kechikadi. Bunday shudgorlashda mineral o'g'itlar yaxshi ko'miladi, tuproqning pastki qatlamida organik massalarni parchalanishi va ozuqa moddalarni tekis taqsimlanishi uchun qulay sharoitlar yaratiladi.



1-rasm. Uch yarusli plugning ish sxemasi.  
a – korpuslar bilan tuproq gorizontlarini siljitish sxemasi; b - plugda korpuslarni joylashish sxemasi.



2-rasm. Ikki yarusli plugning ish jarayoni sxemasi.  
1 – yuqori korpus; 2 – pastki korpus.


Ikki yarusli pluglarning yuqori va pastki korpuslarini qamrash kengligi teng bo'lib, ularning yuqori yarusining har bir korpusi undan keyingi joylashgan pastki yarusning korpusiga nisbatan chapga surilgan. Bunda egat devori pog'onasimon bo'ladi (2-rasm). Pog'onaning kengligi  $e$  yuqori korpusning pastkiga nisbatan ko'ndalang siljishiga teng bo'lib korpuslarning qamrash

kengligiga bog'liq ravishda 130 mm, 150 mm yoki undan katta bo'lishi mumkin. Oldinda harakat qilayotgan yuqori korpus palaxsa  $A$  ni kesadi va uni  $A_1$  holatda egat tubiga ag'daradi (2-rasm).


So'ngra pastki korpus palaxsa  $B$  ni kesadi va uni yuqoriga egat tubiga yotgan  $A_1$  palaxsa ustiga  $B_1$  holatda ag'daradi. Yuqori korpus ag'dargichining turi yarim vintsimon (2-rasm). Pastki korpuslar palaxsani egatdan ko'tarish va uni ag'darish uchun maxsus shaklli ag'dargich bilan jihozlangan. Ularning ishchi yuzasi madaniy korpuslarning yuzasiga yaqinroq.

Bedapoyalar shudgorlanganda ikki yarusli plugning yuqori korpuslarida chap kesar lemexlar o'rnatiladi (3-rasm). Bunday moslamali plug bedaning ildizi tunganaklarini deyarli to'liq kesadi va ularni chuqur ko'milishi ta'minlanadi. Natijada bahorda bedani o'sib chiqishi bartaraf qilinadi[2].

**Ikki yaruslab shudgorlaydigan diskli plug** bu usulda shudgorlash uchun ramaga qamrov kengliklari bir xil bo'lgan ( $b=30$  sm) ustki 1 va pastki 2 diskli korpuslar bir-biriga nisbatan 450-500 mm masofada ketma-ket o'rnatiladi.



3-rasm. Chapkesar lemexli plugning ish jarayoni sxemasi. 1-yuqori korpus; 2-chapkesar lemex; 3 - pastki korpus.



4-rasm. Ikki yarusli diskli plugning shudgorlash sxemasi. 1 - ustki diskli korpus; 2 - pastki diskli korpus; A, B - ustki, pastki yarus palaxsalari.

Horizontalk tekislikda ustki diskli korpus pastkiga nisbatan haydalmagan dala tomonga 150 mm ga surilib o'rnatilgan (4-rasm). Ish jarayonida ustki diskli korpus chuqurligi  $a_{yu}=15$  sm, kengligi  $b=30$  sm bo'lgan  $A$  qatlamni  $A_1$  holatgacha to'ntarib maydalab ag'daradi. Uning orqasida kelayotgan pastki diskli korpus chuqurligi  $a_p=20$  sm, kengligi  $b=30$  sm bo'lgan  $B$  qatlamni ag'darib,  $A_1$  ning ustiga maydalab ag'darib tashlaydi. Dalalarni ikki yarusli diskli pluglar bilan ag'darib ishlov berilgandan so'ng qoladigan shudgor devori yarim novsimon ko'rinishda bo'ladi. Ikki yaruslab shudgorlashdagi  $A$  qatlam yuzasidagi begona o'tlarning qoldiqlari to'liq va chuqur ko'miladi, keyinchalik ularning ko'karib chiqishi qiyinlashadi. Bu usulning yana bir afzalligi shundaki, o'rib olinmagan g'o'zapoya va boshqalarning chuqur ko'milishini ta'minlaydi.

### Xulosa

Diskli korpus ta'sirida tuproq palaxsasi to'liqroq ag'darilishi uchun diskli korpus qamrov kenligi  $b$  shudgorlash chuqurligiga  $a$  ga nisbatan kamida 1,3 barobar katta bo'lishi ( $b/a > 1,3$ )

kerakligini hisobga olsak. Ikki yarusli diskli puluglar bilan shudgorlashda esa  $b/a_{yu}=2,0$  ustki korpusga; pastki korpus uchun  $b/a_p=1,5$ , ya'ni 1,3 dan ko'p bo'lishi palaxsalarning o'ta sifatli ag'darilishiga asos bo'ladi.

**Adabiyotlar**

- [1]. To'xtaqo'ziev A., Ishmuradov Sh.U., Abzalova M. Diskli plug//O'zbekiston qishloq xo'jaligi. -Toshkent, 2010. -№12.- b. 29.  
 [2]. Mamatov F.M. Qishloqxo'jaligi mashinalari. – Fan, 2007. – 305 b.

**СУВ ТАЪМИНОТИ ТИНДИРГИЧЛАРИНИНГ ГИДРАВЛИК ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Ш.Ш. Жураев<sup>1</sup>, А.А. Акрамов<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Наманган муҳандислик қурилиш институти, <sup>2</sup>Фарғона политехника институти  
 (Қабул қилинди 26.04.2022 й.)

The article contains the calculation of sedimentation tanks. The principle of operation of horizontal, vertical and radial sedimentation tanks is considered

**Keywords:** sump, horizontal, vertical, radial, dept.


В статье приведён расчёт отстойников. Рассмотрен принцип работы горизонтальных, вертикальных и радиальных отстойников.

**Ключевые слова:** отстойник, горизонталь, вертикаль, радиаль, глубина

Мақолада тиндиргичларнинг ҳисоби келтирилган. Горизонталь, вертикаль ва радиаль тиндиргичларнинг тузилиши ҳамда ишлаш принциплари тахлил қилинган.

**Калит сўз:** тиндиргич, горизонтал, вертикал радиал, чуқурлик.

Оқава сувларни ҳамда ичимлик сувини тозалаш технологияси ва чўкиндиларни қайта ишлаш, иншоотларини унумдорлиги геологик шароит ер ости сувларининг сатхи ва хоказоларга қараб тиндиргичларнинг турлари қабул қилиниди. Вертикаль тиндиргичлар



1-расм.

оқава сувларнинг сарфи  $2000 \text{ м}^3/\text{кун}$ , горизонталь  $-1500 \text{ м}^3/\text{кун}$ , радиаль  $-20000 \text{ м}^3/\text{кун}$  дан ортик бўлганда қўлланилади. Шу билан биргаликда горизонталь тиндиргичлар бўш ва чўкадиган тупроқларда қўлланилмайди, вертикаль тиндиргичлар эса ер ости сувлари баландда жойлашган холатларда қўлланилмайди.

Горизонтал тиндиргичлар алоҳида

турдаги объект сифатида ёки параллел ишлайдиган бир нечта секциялардан иборат қурилма сифатида лойиҳаланиши мумкин.

Тиндиргичнинг секциялари кенглиги  $b = \frac{9}{36n h_1 v}$

бу ерда

$n$  – ишчи секциялар сони, камида иккита;

$h_1$  – ишчи секциянинг баландлиги, 1,5 ... 4 м.

$v$  – сувнинг ишчи секциядаги харакат тезлиги, 5 ... 10 м/с.

Тиндиргичнинг умумий кенглиги  $B = Nb$ ,

бу ерда  $N$  – тиндиргичдаги секцияларнинг умумий сони.

Тиндиргичнинг ишчи қисмининг умумий узунлиги, м,  $L_p = \frac{x h_1}{k U_0}$

бу ерда:  $K$  – тиндиргичнинг ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти, 0,5 га тенг

$U_0$  – муаллақ жисмларнинг гидравлик катталиги,

Тиндиргичнинг умумий узунлиги, м,

$$L = L_p + l_1 + l_2$$

бу ерда:  $l_1$  - тиндиргичга кираётган жойдан сув тақсимлаш жойигача бўлган масофа, 0,5 ... 0,7 м.

$l_2$  - тиндиргичдан чиқаётган лотокдан ярим чўккан шитгача масофа, 0,3 ... 0,5

м.

Ярим чўккан тиндиргичларнинг чўкиш чуқурлиги, м:

$$h_{ш1} = K_{ш1} * h_1,$$

$$h_{ш2} = K_{ш2} * h_1,$$

Бу ерда;  $K_{ш1} \dots 0,4$ ;  $K_{ш2} = 0,1 \dots 0,2$ .

Тиндиргичнинг чўккан қисмининг чуқурлиги, м.

$$h_2 = \frac{V_{oc1}}{\eta_{oc} LB}$$

Бу ерда:  $V_{oc1}$  - бир секциядаги чўкинди ҳажми м<sup>3</sup>/кун;

$\eta_{oc}$  – бир суткада олинган чўкинди сони, (ҳажмда 2)

Тиндиргичнинг тўлиқ чуқурлиги, м,

$$H = h_1 + h_2 + h_3$$

Бу ерда:  $h_3$  - тиндиргич бортларининг баландлиги, 0,3 ... 0,5 м.

Режадаги горизонтал тиндиргичларнинг умумий юзаси  $F_{go} = \frac{\alpha_{об} * Q_{soat}}{3,6 U_0}$ , м<sup>2</sup>

Бу ерда  $Q_{soat}$  - барча секцияларга келаётган ҳисобий сув сарфи, м<sup>3</sup>/соат

$U_0$  - чўкиндени тушиш тезлиги мм/с

$\alpha_{об}$  – тиндиргичлардан ҳажмий фойдаланиш коэффициенти, 1,3 га тенг.

Битта тиндиргичнинг кенглиги

$$B = \frac{Q_{soat}}{3,6 * v_{орт} * H N}, \text{ м}$$

Бу ерда:  $N$  – чўкинди соҳасининг баландлиги 2,5-3,5 м;

$v_{орт}$  - сувнинг тиндиргичдаги ўртача горизонтал тезлиги мм/с, унинг қиймати қуйдагича;

сувнинг лойқалик даражаси 50 мг/л

6–8 мм/с; гача

7 –10 мм/с; 50-250 мг/л

9 –12 – 250 мг/л

$N$  – тиндиргичларнинг ҳисобланган сони,

Тиндиргичлар бўйлама тўсиқлар билан тўсилиб, қоплама 6 м гача бўлган секцияларга ажратилади.

Тиндиргич узунлиги

$$L = \frac{F_{2,0}}{BN}, \text{ м},$$

Бу ҳолатда  $L/N=10:25$  бўлиши лозим.

Горизонтал тиндиргич ишини тўхтатмасдан туриб чўкиндиларни олиб кетиш қурилмаси бўлиши лозим.

Чўкиндини гидравлик тозалаш учун тешикли кувурлардан фойдаланилади. Бу кувурлар тўплами чўкиндиларни 20-30 мин ичида тозалаш имконини беради. Дренаж кувурлари ўқлари орасидаги масофа 3 м гача, улардан тиндиргич деворлари орасидаги масофа 1,5 м дан катта бўлмаслиги лозим. Чўкиндининг кувур охиридаги тезлиги 1 м/с деб қабул қилинади, тирқишлардаги тезлик 1,5-2 м/с, тирқиш диаметри камида 25 мм, тирқишлар орасидаги масофа 300-500 мм. Тирқишларнинг шахматсимон ҳолатда жойлаш лозим.

Тирқишларнинг умумий юзасини кувур кесим юзасига нисбати 0,5-0,7 га тенг бўлиши лозим.

### Вертикал тиндиргичлар ҳисоби.

Таклиф этилаётган схемага асосан тиндиргичнинг диаметри, м,

$$D = 2 \sqrt{\frac{q}{3,6 \pi n K U_0} + d_{mkg}}$$

Бу ерда  $q$  – оқава сувларнинг максималь сарфи, м<sup>3</sup>/кун


$n$  – ишчи тиндиргичлар сони, камида иккита;

$K$  – тиндиргич ҳажмидан фойдаланиш коэффиценти, 0,35 га тенг.

$U_0$  - муаллақ жисмларнинг жисмларнинг гидравлик катталиги, мм/с;

$d_{mkg}$  – марказий кувур диаметри, м.

Гидравлик катталик, мм/с



2-расм.

$$U_0 = \frac{1000 K h_1}{\alpha t \left(\frac{K h_1}{h}\right)^{n_2}} - \omega$$

Бу ерда;  $h_1$  – тиндиргичнинг ички қисмини чуқурлиги, м, 2,7 ... 3,8 м;

$\alpha$  – сув температурасини унинг қовушқоқлигига таъсирини ҳисобга олувчи коэффицент;



$n_2$  – даража кўрсаткичи;

$\omega$  – оқава сувларнинг тиндиргичдаги тезлигини вертикаль ташкил этувчиси, 0,2 ... 0,5 мм/с га тенг.

Марказий киритиш қузури диаметри, м,

$$d_{mkg} = \sqrt{\frac{4q}{3,6\pi n v_{mk}}}$$

Бу ерда:  $V_{mk}$  – киритиш қузуридаги оқава сувларнинг тезлиги мм/с, кўпи билан 30 мм/с га тенг.

Марказий киритиш қузурининг диаметри 4 м баландлиги м,

$$d_p = h_{p_1} = 1,35 d_{mk}$$

Киритиш қузурининг чўкиш чуқурлиги, м,

$$h_{mk} = 0,9 h_1$$

### Радиаль тиндиргичлар ҳисоби.

Радиаль тиндиргичлар чеккадан ёки марказдан оқава сувлар келадиган усулда бўлиши мумкин.

Тиндиргичнинг ишчи қисмининг диаметри, м.

$$D = \sqrt{\frac{4q}{11,3KnU_0} + d_k^2}$$


$K$  – тиндиргич хажмидан фойдаланиш коэффиценти,

$$K = 0,45$$

$n$  – ишчи тиндиргичлар сони;

$U_0$  – муаллақ жисмларнинг гидравлик катталиги.

$d_k$  – ярим чўккан ғилофнинг диаметри, м.



3-расм. Марказдан оқава сувлар узатиладиган усул кенг қўлланилади.

$$d_k = \sqrt{\frac{4q}{3,6 \pi v_c * n} + d_p^2}$$

$V_c$  – қабул қилиш камерасидаги сувнинг тезлиги, 30 мм/с,

$D_p$  – марказий қувурнинг диаметри, м.

$$d_p = h_p = 1,35 d_{mk}$$

$d_{mk}$  – марказий қувурнинг диаметри, м.

$$d_{mk} = \sqrt{\frac{4q}{3600 \pi n v_{mk}}}$$

Бу ерда  $v_{m.q}$  – марказий қувурдаги оқова сувнинг тезлиги, 0,8 ... 1,0 м/с

#### Адабиётлар

- [1]. Абиатаев М.Т., Евсеева Л.А., Евсеева О.Я. Очистка природных и сточных вод в больших городах с применением тонкослойных отстойников: Обзорная информация / МГЦНТИ.-1993.-Вып. 7.-17с
- [2]. Ахрамеева В.К. Исследование истечения водяной струи из прямоугольного отверстия // Труды ГИСИ.- Горький.-2001.-Вып. 51.-С.3-12.
- [3]. Бабаев И.С. Технология и оборудование для очистки высокомутных природных вод: Автореф. дисс. ... докт. техн. наук. - М.: ВНИИ ВОДГЕО, 2000.
- [4]. Бабанина А.И., Капский А.Б., Куденко Г.А. Опыт применения тонкослойного отстаивания при очистке сточных вод травильных отделений / Пром. энерг.-2010.- № 6.-С .48-50.
- [5]. Береза А.И. Гидравлика горизонтальных отстойников: Автореф. дисс.... докт. техн. наук.-Новочеркасск. 2002.-2004.
- [6]. Suyuqlik Va Gaz Mexanikasi Fanidan Masalalar To'plami: MM Madraximov,
- [7]. ZE Abdulxayev, EM Yunusaliev, AA Akramov Oliy o 'quv yurtlari talabalari uchun o 'quv qo'llanma.- Farg'ona, 285-291

## DISTRIBUTION OF HEAT IN COTTON FIBER AT A COTTON PRIMARY PROCESSING PLANT

U.A. Ziyamukhamedova, E.T. Turgunaliyev, A.B. Djumabayev

<sup>1</sup>Tashkent State Transport University, <sup>2</sup>Andijan machine building institute

<sup>3</sup>Belarus-Uzbekistan Joint Intersectoral Institute of Applied Technical Qualifications in Tashkent

(Received on April 23 rd, 2022)

*This article describes the heat distribution during the drying process of cotton in the primary processing plants on the basis of specific formulas, in addition to the damage to the cotton fiber and seeds during the drying process.*

**Keywords:** *pneumatic transport, cotton, seeds, damage, cotton moisture, air conditioning moisture, process moisture, heat distribution.*

*В данной статье описано распределение тепла в процессе сушки хлопка на заводах первичной обработки на основе конкретных формул, помимо повреждения хлопкового волокна и семян в процессе сушки.*

**Ключевые слова:** *пневмотранспорт, хлопок, семена, повреждение, влажность хлопка, влага кондиционера, технологическая влага, теплораспределение.*

*Ushbu maqolada birlamchi qayta ishlash korxonalarida paxtani quritish jarayonida issiqlik taqsimoti, quritish jarayonida paxta tolasi va chigitining zararlanishidan tashqari, aniq formulalar asosida tavsiflanadi.*

**Tayanch so'zlar:** *pnevmatik transport, paxta, chigit, zarar, paxta namligi, konditsioner namligi, texnologik namlik, issiqlik taqsimoti.*

### Introduction

The cotton and ginning industries play an important role in the economy of our country.

Because of the ever-increasing demand for cotton and its products, it is important for the ginning industry to maintain the natural properties of cotton and cottonseed while using modern techniques and technologies.[1]

Therefore, the quality of fiber depends not only on the breeders and growers, but also on the correct organization of work of processing enterprises and compliance with standard requirements. That is, in the production of quality fiber, along with its natural quality indicators (length, color, thickness, maturity, etc.), the establishment of the correct technological process in the processing of cotton, the technical condition of the equipment used in it is of particular importance has.

### **Method**

We know that the average moisture content of cotton harvested on cotton harvesters is 10-18%, in which case it can not be stored or transferred for processing. If the moisture content of seed cotton is higher than 13-14%, then biological processes take place in the seed, and heat is released from microorganisms in cotton. That's the decent thing to do, and it should end there. This, in turn, affects the physical and mechanical properties of the fiber. In addition, high humidity reduces the efficiency of the machine and cleaning efficiency when cleaning and ginning cotton.[2]

From the above, it can be seen that the moisture content of cotton makes it necessary to dry the cotton during the initial processing of cotton, which is one of the most important technological processes in the drying of cotton in primary processing plants. In this process, it is necessary to preserve the natural properties of cotton fiber and seeds. To do this, the drying process must be set up correctly.

The conditioning and technological moisture standards of cotton differ. The conditional moisture content of cotton is determined by the fact that it must be stored for a long time.

The technological moisture content of cotton is set so that the process of cleaning and fiber separation of cotton is highly efficient, with high fiber quality and purity.

Technological moisture is estimated at 6-7% for the first varieties of cotton and up to 6% for fiber, 8-9% for cotton and 7-8% for fiber for low varieties.

The fiber, which is the most valuable component of cotton, is composed mainly of cellulose, with some pectin and wax covering the fiber.

The seeds contain husks and kernels. The bark contains cellulose, lignin, proteins and minerals.

The seeds of the kernel are composed mainly of proteins and fats, and also contain apricots. Murtak is composed of protein, carbohydrates, organic and mineral acids.

The fact that the components of the considered cotton have different geometric, physical and chemical, as well as thermodynamic properties, makes the process of drying cotton technologically complex [3].

### **Results**

According to the results of scientific research, if the moisture content of cotton of the first grade varies from 8% to 9%, the defects in the fiber content increase by 0.3-0.4%, the moisture content of the third and fourth grades from 9% to 14%. If it changes by 16%, the fiber defects will increase by 40-50%.

Technological humidity is 6-7% for the first varieties of cotton and up to 6% for fiber, for low varieties: 8-9% for cotton and 7-8% for fiber.[4]

### **Discussion**

Therefore, it is necessary to bring the moisture content of cotton to the norm. This task is performed by drum-type dryers in ginneries.

Functions of cotton dryers. Cotton dryers perform the function of drying cotton to the conditioned moisture in the reception of cotton in ginneries and ginneries, and to the technological humidity in the process of ginning cotton at the enterprise.

Technological requirements for cotton dryers. During the drying process, the fibers and seeds should not be overheated or mechanically damaged. To do this, the temperature of the fiber should not exceed 373-378 OK, and the temperature of the seed should not exceed 338-343 OK. The

drying process should be continuous, the moisture separation should be adjustable, and the drying plane should be at a high level.

In the heat treatment process, raw cotton, which is the object of drying, is considered as a three-component material and consists of fiber, air filling the interfiber space and seeds.

It is important to consider the process of heating the fiber at the beginning of drying, without moisture evaporation.

If we accept convective heat transfer between the fibrous mass and air, then the heat conduction equation for each medium can be written as

$$\begin{aligned} C_B \rho_B \frac{\partial T_B}{\partial \tau} &= \lambda_B \Delta T_B - \alpha (T_B - T_1) \\ C_1 \rho_1 \frac{\partial T_1}{\partial \tau} &= \lambda_1 \Delta T_1 + \alpha (T_B - T_1) \end{aligned} \quad (1)$$

$$\Delta = \frac{\partial^2}{\partial r^2} + \frac{2}{r} \frac{\partial}{\partial r}$$

where  $C_B, \rho_B, C_1, \rho_1$  - heat capacity and density of air and fibrous mass, respectively;

$\lambda_c, \lambda_1$  - corresponding thermal conductivity coefficients;

$\alpha$  is the coefficient of heat transfer between the fibrous mass and air;

$T_B, T_1$  - temperature of air and fibrous mass;

$r$  - is the conditional radius of the seeds.

If we denote by  $\rho_B^0$  и  $\rho_1^0$  the true values of the density of air and fibrous material, then the values of  $\rho_B$  and  $\rho_1$  can be calculated by the formulas:

$$\rho_B = n \rho_B^0 \quad \text{and} \quad \rho_1 = (1 - n) \rho_1^0 \quad (2)$$

where  $n$  - is the porosity of the material.

By introducing dimensionless quantities

$$\xi = \frac{r}{r_0}, \quad \tau' = \frac{\lambda_1 \tau}{C_1 \rho_1 r_0^2}, \quad \beta = \frac{C_B \rho_B \lambda_1}{C_1 \rho_1 \lambda_B}, \quad \alpha_1 = \frac{\alpha r_0^2}{\lambda_1}$$

equation (1) is rewritten as

*Yuqoridagi ma'lumotlar O'zbekiston Respublikasi xalq xo'jaligi tarmoqlari uchun suv ta'minotining turli stsenariylari bo'yicha suv xo'jaligi balansini tuzish imkonini berdi, bu holatda muammolar mavjudligi ushbu ishda tadqiqot mavzusi hisoblanadi.*

**Kalit so'zlar:** *kichik aholi punktlarining suv ta'minoti, quduq, markaziy suv ta'minoti tizimi, ichimlik suvi tayyorlash, suv iste'molchilari, suv olish, er osti suv ta'minoti manbai, yer usti suv ta'minoti manbai.*

**Исследование проблемы.** Для сельского хозяйства установлен годовой лимит водозабора из источников в объеме 55 км<sup>3</sup>/год. С переходом на лимитированное водопользование за последний десять лет по республике общий водозабор на один комплексный гектар уменьшился с 13 тыс. м<sup>3</sup>/га до 10,4-12,2 тыс. м<sup>3</sup>/га, в том числе в вегетационный период от 10,7-11 тыс. м<sup>3</sup>/га до 8,8-9,6 тыс. м<sup>3</sup>/га, а в невегетационный период в среднем колебался в пределах 2,4-2,7 тыс. м<sup>3</sup>/га.

Годовой лимит коммунально-бытовой отрасли экономики равен 2,65 млрд.м<sup>3</sup>, что составляет 4,35 % от общего объема водопотребления по республике. Централизованное водоснабжение населения городов в среднем по республике составляет 85,9%, а сельского населения- 61,9%, фактическое среднесуточное водопотребление на душу населения соответственно равно 137 и 75 литров.[2]

Вместе с этим, из-за низкого уровня технического состояния и использования мощностей водопроводной сети потери в данной системе в среднем по республике составляют около 24,9%.

Общий годовой лимит водозабора рыбных хозяйств с искусственными прудами составляет 0,6 млрд. м<sup>3</sup>, из которого 30-32 % пресные воды. Основной объем водопотребления рыбного хозяйства приходится на естественные водоемы, такие как Арнасайское понижение, зона Приаралье и др. Для устойчивого развития рыбного хозяйства и охраны окружающей среды в Арнасайское понижение необходимо ежегодно подавать около 1,5 млрд. м<sup>3</sup>, а для зоны Приаралье - 3 млрд. м<sup>3</sup> пресной воды.

Для технического водоснабжения тепловых электрических станций предусмотрен лимит воды 4,1 млрд. м<sup>3</sup>, из которых объем безвозвратных потерь воды составляет 0,153 млрд. м<sup>3</sup> или 4% к объему водопотребления энергетики.

В республике имеются около 400 промышленных и других предприятий и организаций, у которых общий годовой лимит составляет 0,9 млрд. м<sup>3</sup>. При этом объем

водоотведения из промышленных объектов составляет более 0,45 млрд. м<sup>3</sup>. Из-за несовершенства системы очистки воды в промышленных предприятиях, в открытые источники сбрасываются около 0,172 млрд. м<sup>3</sup> загрязненных сточных вод.

Ежегодный рост населения в среднем по республике составляет 350 тыс. человек. При сохранении сегодняшнего уровня водопотребления на душу населения, ежегодная дополнительная потребность коммунального хозяйства на водные ресурсы увеличивается на 16-20 млн м<sup>3</sup>. В связи с развитием промышленности ожидается также рост потребности данной отрасли. Рост водопотребления данных отраслей, прежде всего, должен покрываться за счет снижения эксплуатационных потерь в данных отраслях, а также снижения лимита водозабора сельского хозяйства [1].

Выше перечисленные данные позволили составить водохозяйственный баланс (рис.1 и 2) по отраслям народного хозяйства Республики Узбекистан при различных сценариях обеспеченности водой.

Водохозяйственный баланс даёт основание считать, что при сохранении существующих техники, технологий и организации управления использованием водных ресурсов отраслями экономики страны даже при обеспеченности лимита водных ресурсов на 100% (рис.1) дефицит водных ресурсов будет ощущаться в пределах до 10 км<sup>3</sup>/год.

А если обеспеченность будет 80% (рис.2) то для экономики страны дефицит водных ресурсов достигнет значения до 14 км<sup>3</sup>/год воды.

По расчетам Минсельводхоза в условиях сохранения КПД водохозяйственных систем и оросительной сети, для покрытия биологической потребности сельхозкультур, а также спроса остальных отраслей экономики, потребность на водные ресурсы по республике составляет около 69,4 млрд.м<sup>3</sup>, в том числе сельского хозяйства 59,9 млрд. м<sup>3</sup>. На основании изложенного можно считать, что в случае водности года в объеме 80 % от лимита водных ресурсов (59,3 млрд. м<sup>3</sup>) дефицит может составить до 14,3 млрд. м<sup>3</sup>, а при водности 100% - дефицит воды ожидается в объеме 10,1 млрд. м<sup>3</sup>, при этом поливы сельхозкультур на орошаемых землях могут сократиться [3].

**Сельское хозяйство.** Для сельского хозяйства установлен годовой лимит водозабора из источников в объеме 55 км<sup>3</sup>/год. С переходом на лимитированное водопользование за последний десять лет по республике общий водозабор на один комплексный гектар уменьшился с 13 тыс. м<sup>3</sup>/га до 10,4-12,2 тыс. м<sup>3</sup>/га, в том числе в вегетационный период от 10,7-11 тыс. м<sup>3</sup>/га до 8,8-9,6 тыс. м<sup>3</sup>/га, а в невегетационный период в среднем колебался в пределах 2,4-2,7 тыс. м<sup>3</sup>/га.

Годовой лимит коммунально-бытовой отрасли экономики равен 2,65 млрд.м<sup>3</sup>, что составляет 4,35 % от общего объема водопотребления по республике. Централизованное водоснабжение населения городов в среднем по республике составляет 85,9%, а сельского населения- 61,9%, фактическое среднесуточное водопотребление на душу населения соответственно равно 137 и 75 литров.




Рис. 1 Водохозяйственный баланс по отраслям народного хозяйства Республики Узбекистан, млн.м<sup>3</sup> при обеспеченности лимита водных ресурсов на 100%.

Вместе с этим, из-за низкого уровня технического состояния и использования мощностей водопроводной сети потери в данной системе в среднем по республике составляют около 24,9%.

Общий годовой лимит водозабора рыбных хозяйств с искусственными прудами составляет 0,6 млрд. м<sup>3</sup>, из которого 30-32 % пресные воды. Основной объем водопотребления рыбного хозяйства приходится на естественные водоемы, такие как Арнасайское понижение, зона Приаралье и др. Для устойчивого развития рыбного хозяйства и




Рис. 2 Водохозяйственный баланс по отраслям народного хозяйства Республики Узбекистан, млн.м<sup>3</sup> при обеспеченности лимита водных ресурсов на 80%.

охраны окружающей среды в Арнасайское понижение необходимо ежегодно подавать около 1,5 млрд. м<sup>3</sup>, а для зоны Приаралье - 3 млрд. м<sup>3</sup> пресной воды.

Для технического водоснабжения тепловых электрических станций предусмотрен лимит воды 4,1 млрд. м<sup>3</sup>, из которых объем безвозвратных потерь воды составляет 0,153 млрд. м<sup>3</sup> или 4% к объему водопотребления энергетики [2].

В связи с развитием промышленности ожидается также рост потребности данной отрасли. В данный момент в республике имеются около 400 промышленных и других предприятий и организаций, у которых общий годовой лимит составляет 0,9 млрд. м<sup>3</sup>. При этом объем водоотведения из этих промышленных объектов составляет более 0,45 млрд. м<sup>3</sup>. Из-за несовершенства системы очистки воды в промышленных предприятиях, в открытые источники сбрасываются около 0,172 млрд. м<sup>3</sup> загрязненных сточных вод.

При сохранении сегодняшнего уровня водопотребления на душу населения, ежегодная за чет роста его численности дополнительная потребность коммунального хозяйства на водные ресурсы увеличивается на 16-20 млн м<sup>3</sup>.

В условиях сохранения КПД водохозяйственных систем и оросительной сети, для покрытия биологической потребности сельхозкультур, а также спроса остальных отраслей экономики, потребность на водные ресурсы по республике составляет около 69,4 млрд.м<sup>3</sup>, в том числе сельского хозяйства 59,9 млрд. м<sup>3</sup> [3].

## ВЫВОДЫ

Анализ водохозяйственного баланса показывает, что при сохранение существующих техники, технологий и организации управления использованием водных ресурсов отраслями экономики страны даже при обеспеченности лимита водных ресурсов на 100% дефицит водных ресурсов будет ощущаться в пределах до 10 км<sup>3</sup> /год, а если обеспеченность будет 80% то для экономики страны дефицит водных ресурсов достигнет значения до 14 км<sup>3</sup> /год воды.

Решением проблемы дефицита водных ресурсов является водосбереже-ние не только на орошаемом земледелии, но и всеми отраслями экономики страны.

В качестве экономического механизма предлагается постепенный переход, на первый этап оплата услуг за доставку воды с усилением штрафных санкций для нарушителей допускающие правила водопользования и водопотребления.

## Список литературы

- [1]. Махмудов Э.Ж. "Засоление почвы и снижение продуктивности орошаемых земель". Журнал Water, Land and Environmental Engineering, Япония, 2012, 81-82 с.

- [2]. Махмудов Э.Ж., Махмудов И.Э. и др. Transboundary Water Resources: A Foundation for Regional Stability in Central Asia. /P.O. Box 17,3300AA Dordrecht, The Netherlands, Springer 2007, 312 p;
- [3]. Э.Ж. Махмудов, Чен Ши, Джалили Абдувайли, Ш.Х. Рахимов "Водные ресурсы и водопользование в Узбекистане" Монография, Ташкент 2013. С 460.

### ОРГАНИЗАЦИЯ «УМНЫХ ГОРОДОВ» И МАЛЫХ ГОРОДОВ-СПУТНИКОВ В НАШЕЙ СТРАНЕ

У.К. Турсунов

Ферганский политехнический институт, [tursunovutkirjon4@gmail.com](mailto:tursunovutkirjon4@gmail.com) +998979447999  
(Получена 22.04.2022 г.)

*This article focuses on the social and economic challenges of the Smart City in the world. Given that more than half of the world's population lives in cities, given the increasing population, we need to create "satellite towns" of empty spaces near the city, which will focus on the use of energy efficient materials in buildings in the "satellite" city.*

**Keywords:** Smart city, infrastructure, environment, efficient, policy, development.

*Эта статья посвящена социальным и экономическим проблемам умного города во всем мире. С учетом того, что более половины населения земного шара проживает в городах, с учетом роста населения необходимо создавать «города-спутники» на освободившихся территориях вблизи города, которые будут ориентированы на использование энергоэффективных материалов в зданиях в «спутниковом городе».*

**Ключевые слова:** Умный город, инфраструктура, Экологический, эффективно, Политика, развития.

*Ushbu maqola butun dunyodagi "Aqli shahar" ijtimoiy va iqtisodiy muammolariga qaratilgan. Dunyo aholisining yarmidan ko'p shaharda istiqomat qilayotganini hisobga olsak, bu aholi sonini ko'payishini hisobga olib shahar yaqinidagi bo'sh maydonlarga "yo'ldosh shaharchalar" tashkil qilishimiz zarurligi, bu "yo'ldosh shaharchadagi" binolarda energiya tejamkor materiallardan foydalanishga qaratilgan.*

**Kalit so'zlar:** Aqli shahar, infratuzilma, ekologik, samarali, siyosat, rivojlanish.

Проекты «Умный город», реализуемые по всему миру, в основном используются как эффективный способ решения социально-экономических проблем разного уровня во всех странах. Учитывая, что более половины населения земного шара проживает в городах, все большее значение приобретает внедрение и развитие системы «умный город». Необходимость строительства и развития «умных городов» связана также с необходимостью повышения уровня научно-технического разви

тия производительных сил, культурной и социально-духовной жизни общества.

Умный город — это система информационно-коммуникационных технологий для управления городским имуществом, которая соединяет школы, транспорт, общественное питание, библиотеки, больницы, электростанции, водоснабжение, удаление отходов и многое другое.

Целью создания «умного города» является повышение качества жизни за счет использования городских информационных технологий для повышения эффективности услуг и удовлетворения потребностей населения.

Термин «умный город» часто используется для обозначения городов, которые работают более эффективно и активно используют технологии для удовлетворения потребностей населения. Идея таких городов очень проста: собирая и обрабатывая данные в режиме реального времени, можно эффективно использовать имеющиеся ресурсы, экономя тем самым деньги, действуя более рационально и улучшая качество обслуживания населения [1].

Этот процесс включает в себя интеграцию и координацию муниципальных служб, режим работы которых должен строиться с учетом достаточности и наличия спроса на эти

услуги, и контроль за их работой. Помимо идеи повышения эффективности производства, умные города также воплощают в себе концепцию эффективного управления, обеспечивающего быстрое реагирование на пожелания и потребности горожан. Основными задачами создания умных городов являются:

- 1) эффективное использование физической инфраструктуры;
- 2) повысить эффективность взаимодействия государства и населения;
- 3) более быстрое и эффективное реагирование на изменения городской жизни за счет адаптации автоматизированных систем.

Ниже мы попытались рассмотреть и проанализировать проекты «Умный город», реализованные в некоторых ведущих странах мира.

Реализация проекта «Умный город» в Республике Корея началась в 2003 году. Именно тогда были построены новые города, такие как Сонгдо, Хонгдоек, Пэнгё и другие. В 2006 году Министерство информационно-коммуникационного развития Республики Корея разработало и приняло Генеральный план UCity, в котором описывается разработка типовой модели услуг U-City и легализация таких проектов. В результате этих усилий в 2008 году был принят Закон Республики Корея о городском развитии. В настоящее время занимается Министерством землепользования, инфраструктуры и транспорта. Однако административной работой занимается Министерство безопасности и государственного управления, а четкая разработка энергетической политики лежит на Министерстве торговли, промышленности и энергетики [2].

Изначально концепция «Умного города» была предложена Министерством информации и связи, но позже исследования в этой области были проведены Министерством землепользования, инфраструктуры и транспорта. По сути, оба министерства предложили аналогичные концепции для продвижения инициатив городского развития, направленных на повышение качества жизни, а также конкурентоспособности национальных предприятий, в том числе U-export. Городская модель в настоящее время в 73 из 250 городов Кореи проекты умных городов находятся на стадии планирования или реализации. Примерно 65 процентов этих городов поддерживают проекты городского развития, 55 процентов проектов реализуются в городах и 23 процента в сельской местности.

До 2010 года об «умном городе» в стране восходящего солнца практически не было и речи. Но когда в 2011 году в Японии из-за сильного землетрясения на востоке страны разразился энергетический кризис, серьезной необходимостью стало развитие энергетической инфраструктуры с использованием системы Smart Grid.

Японское правительство ожидало, что проект «Умный город» не только позволит с большой эффективностью восстановить разрушенные землетрясениями города, но и будет полезен для решения энергетических кризисов и решения социальных проблем, таких как низкий уровень рождаемости.

Как и в других частях мира, проекты умного города в Японии поддерживаются крупными государственными учреждениями. Крупные проекты, поддерживаемые государственными органами, включают план «Экологически чистый город будущего», «Умное общество» и ИКТ-план «Умный город». Рассмотрены проекты «Умный город будущего». План города для экологически чистого будущего был принят в 2008 году. Для этого были выбраны 13 различных городов, которые должны сократить выбросы парниковых газов к концу первой половины 2050 года. Недавно в проект были включены еще 11 пилотных городов.

Китакюсю — самый экологически образцовый город Японии будущего. Город стремится быть экологически чистой зоной, ориентированной на интересы уязвимых слоев населения. В 2012 году Kitakyushu Smart Grid начала пробную динамическую ценовую политику и добилась экономии энергии на 45,9% за счет использования систем управления зданиями на солнечной энергии.



Рис.1. Китаkjоcю cтанет в будущем самым экологически образцовым городом Японии.

«Умное сообщество» знает, что необходимо эффективно управлять потреблением энергии. С этой целью в 2009 году был инициирован «Испытательный проект новой энергетической системы», в котором возобновляемые источники энергии сочетаются со старой традиционной энергетической системой.

С тех пор Йокогама, Тойота и Китаkjоcю, выбранные в качестве испытательных полигонов в 2010 году, а также восемь городов, разрушенных мощным землетрясением, были включены в список пилотных городов программы «Умное общество» 2011 года. В Йокогаме, например, создана успешная модель «Умного города», включающая взаимодействие между горожанами, бизнесом и городскими властями. В то же время город продолжал строить социальную систему, которая использовала небольшое количество углеводородов в энергетике, строительстве и транспорте. Конечная цель города — сократить выбросы парниковых газов более чем на 60 процентов к 2050 году.[3]

«Умный город» Сильнейшее землетрясение 2011 года побудило японское правительство разработать и принять «Информационно-коммуникационную стратегию реконструкции Восточной Японии». Инициатива продлилась до 2012 года, после чего правительство предложило план умного города для решения городских проблем, стимулирования восстановления экономики, создания рабочих мест и повышения национальной конкурентоспособности.



Рис.2. ИВМ — УМНЫЕ ГОРОДА.

Политика реализации проекта Smart City в США сосредоточена на Smart Grid и электронном здравоохранении. В отличие от азиатских стран, где всеми проектами умных городов в основном руководит центральное правительство, федеральное правительство США занимается только Smart Grid и электронным здравоохранением, оставляя остальную часть власти правительствам штатов и частному бизнесу. Причинами большого интереса федерального

правительства только к двум областям проектирования умных городов являются старая энергосистема и высокие медицинские расходы.

В 2003 году сильное наводнение охватило северо-восток США и часть Канады. Уровень потерь электроэнергии оценивался в 7,4%, а сумма экономических потерь из-за ухудшения качества электроэнергии составила около 150 миллиардов долларов. ДОЛЛАР США. Кроме того, Соединенные Штаты известны как страна с самым высоким соотношением расходов на здравоохранение к потребительским расходам в мире. Кроме



того, к 2030 году доля населения старше 65 лет составит 20%, что приведет к увеличению расходов на здравоохранение.

Проект «Умные города» 2008 года — это IBM — SMART CITIES. В 2008 году IBM запустила инициативу «Умные города». Это был первый пилотный проект, в котором использовалась концепция «Умный город». Департамент полиции Нью-Йорка обратился к IBM с просьбой создать интегрированную систему анализа данных о преступлениях и инвестировал 11 миллионов долларов в создание «криминального центра в реальном времени». Сегодня около 37 000 сотрудников полиции используют различные базы данных, а модели преступлений в реальном времени можно представить с помощью аналитических инструментов, представленных в системе. В результате системы зарубежного опыта нашей страны и реализуемых в мире проектов «Умный город», необходимо исследовать его применение как эффективного способа решения социально-экономических проблем разного уровня во всех странах. Учитывая, что более половины населения земного шара проживает в городах, все большее значение приобретает внедрение и развитие системы «умный город». Необходимость строительства и развития «умных городов» связана также с необходимостью повышения уровня научно-технического развития производительных сил, культурной и социально-духовной жизни общества.

### Заключение

В заключении, целью создания «умного города» является повышение эффективности услуг и улучшение качества жизни за счет использования городских информационных технологий для удовлетворения потребностей населения.

### Список литературы:

- [1]. <https://www.renovablesverdes.com/uz/kelajakdagi-aqlli-shaharlarning-shaharlari/>
- [2]. <https://undergroundexpert.info/issledovaniya-i-tehnologii/nauchnye-stati/upravleniya-razvitiem-infrastruktury/>
- [3]. Экологически чистый город будущего - Масдар в ОАЭ.

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА СОДИР БЎЛГАН ТЕХНОГЕН БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛИ

Р.Р. Нурмаматова, Ш.А. Ганиева

Қарши давлат университети  
(Қабул қилинди 11.05.2022 й.)

*Ушбу мақолада республикада санат корхоналарида содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг таҳлили, техноген хавфларнинг инсонлар ҳаётига таъсири, хавфли ишлаб чиқариш объектларида портлаш оқибатлари ва уларни ҳисоблаш усуллари баён қилинган, жумладан халқаро **TOXI + Risk va PV-Safety** дастур орқали ҳисоблаш усули келтирилган. Ўзбекистонда 2020-2021 йилларда содир бўлган техноген бахтсиз ҳодисалар таҳлил қилинган ва бахтсиз ҳодисалар сабабли санат корхоналаридаги фойда улушининг камайиши келтириб ўтилган.*

**Калит сўзлар:** бахтсиз ҳодиса, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, хавфли ишлаб чиқариш объектлари, портлаш, иқтисодий тармоқлари, шикастланиш ҳудуди, ҳисоблаш усули.

*В данной статье описаны анализ аварий на промышленных предприятиях страны, влияние техногенных опасностей на жизнь человека, последствия взрывов на опасных производственных объектах и методы их расчета, в том числе метод расчета с использованием международной программы **TOXI + Risk и PV-безопасность**. Проанализированы техногенные аварии в Узбекистане в 2020-2021 годах и доля прибыли на промышленных предприятиях снизилась из-за несчастных случаев.*

**Ключевые слова:** авария, охрана труда, техническая безопасность, опасные производственные объекты, взрыв, отрасли народного хозяйства, площадь поражения, методика расчета.

*This article describes the analysis of accidents at industrial enterprises of the country, the impact of man-made hazards on human life, the consequences of explosions at hazardous production facilities and methods for their calculation, including the calculation method using the international program TOXI + Risk and PV-safety. Man-made accidents in Uzbekistan in 2020-2021 were analyzed and the share of profits at industrial enterprises decreased due to accidents.*

**Key words:** *accident, labor protection, technical safety, hazardous production facilities, explosion, sectors of the national economy, affected area, calculation method.*

**Техноген тусдаги фавқулодда вазият** - одамларнинг ўлими, иқтисодиёт объектлари ва атроф табиий муҳит таркибий қисмларининг вайрон бўлиши ва шикастланишига олиб келувчи, технологик объектларнинг табиий атроф-муҳитнинг таркибий қисмлари билан меъёрдаги ўзаро муносабатининг бузилиши натижасида ривожланадиган ҳалокатли жараён.

Техноген тусдаги фавқулодда вазият уларнинг юзага келиш жойи ва фавқулодда вазият манбаининг шикастловчи омиллари хусусиятига кўра ажратилади.

**Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга қуйдагилар кирди:**

1. Транспорт авариялари ва ҳалокатлари;
2. Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар;
3. Ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар;
4. Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар;
5. Бинолар конструкцияларини тўсатдан бузилиши;
6. Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан зарарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар;
7. Гидротехник ҳалокатлар ва авариялар.

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунга амал қилмаслик натижасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилишига йўл қўйилганида, ёки бошқарув назорати узвийлиги эътиборсиз қолдирилганида, ишлаб чиқариш корхоналарида содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар сони ошиши кузатилади. Ўзбекистонда 2020 йилда 11 минг 621 меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилиги бузилиши аниқланган. Ҳолатлар юзасидан 1970 нафар айбдор шахсга жами 3 миллиард 340 миллион сўм жарима қўлланган. 2020 йилда ишлаб чиқаришда 607 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Оқибатда 693 нафар ходим жабрланган, шундан 201 нафари ҳалок бўлган.

2021 йилда 19 минг 967 та меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилиги бузилиши кузатилган. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ 810 та бахтсиз ҳолат қайд этилган. Шундан, 54 таси гуруҳий, 558 таси оқибати оғир, 198 таси ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар ҳисобланади. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида 907 киши жароҳатланган, улардан 238 нафари ҳалок бўлган, 632 нафари оғир тан жароҳатини олган ва 37 нафари енгил турдаги жароҳатлар олган.

Текшириш натижалари бўйича 596 нафар айбдор мансабдор шахслар жами 1 миллиард 380,9 миллион сўм жарима қўллаш тартиби бўйича маъмурий жавобгарликка тортилган, 199 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Тадқиқот таҳлилларидан маълум бўлишича, дунё бўйича корхоналарда содир бўлган портлашлар нафақат портлашга мойил чанглар туфайли, балки ёниш жараёни қийин кечадиган моддаларнинг чанглари сабаб бўлганини тажрибаларда кузатдик. Портловчи бўлмаган моддалардан саноат маҳсулотлари тайёрлайдиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналаридаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида, нафақат инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилиши, балки иқтисодий зарарнинг ошишига олиб келади. Саноат корхоналари мамалакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Чунки, иқтисодиётнинг асосий даромади саноат корхоналари улушига тўғри келади.

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2021-йилнинг январь-май ойларида республика корхоналари томонидан 160,0 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқариш таркибида энг катта улуш ишлаб чиқариш корхоналарига тўғри келади (81,6%), ишлаб чиқариш ҳажми 130,5 трлн. сўм

Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажмининг ўсишининг асосий омиллари, унинг тоғ-кон саноати корхоналарида – 2,7 фоизга, ишлаб чиқариш саноатида – 9,6 фоизга, электр энергияси, газ, буғ ва ҳавони тозалашда – 13,1 фоизга, сув таъминоти, канализация, йиғиш тармоқларида ўсиши бўлди ва чиқиндиларни утилизация қилиш - 3,8% га етди. 2021 йилнинг январь-май ойларида ишлаб чиқариш корхоналари томонидан 130,5 трлн. сўмни ёки саноатнинг 81,6 фоизини ташкил этди.

Ишлаб чиқариш саноати таркибида юқори технологияли тармоқлар улуши 2,5 фоизни (2020 йил январь-май ойларида 1,6 фоиз), ўрта юқори технологияли – 20,4 фоизни (24,6 фоиз), ўрта паст технологияли – 40,6 фоизни ташкил этди. (38,6%) ва паст технологияли - 36,5% (35,2%).

Ишлаб чиқариш саноати ҳажмида машина ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш, йиғиш, енгил автомобиллар, тиркамалар, ярим тиркамалар ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарининг улуши 17,5 фоизни ташкил этди (жисмоний ҳажм индекси 105,3 фоизни ташкил этди). 2020-йилнинг январь-май ойларига нисбатан (%), металлургия саноати – 27,6% (111,7%), тўқимачилик, тикувчилик ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари – 18,2% (122,0%), озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 15,9%. % (106, 5%), кимё маҳсулотлари, каучук ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари 9,4% (109,7%) га ошди.

2021-йилнинг январь-май ойларида кимё маҳсулотларининг улуши 7,8 фоизни ташкил этди, ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажми индекси 9,3 фоизга ўсди, ишлаб чиқариш ҳажми 10158,9 миллиард сўмни ташкил этди.

Республика мисолида таҳлиллардан кўришиб турибдики, асосий даромад манбаи бўлган иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида портлаш сабабли бахтсиз ҳодиса юз берса, даромад олиш тўхташи билан бирга, катта миқдорда моддий зарар кўрилиши ва корхонага бевосита боғлиқ бўлган ишчи-ҳодимларнинг ҳаёти издан чиқиши, атроф-муҳит экологиясининг ифлосланиши исботланган. Иқтисодиёт тармоқларида хавфли ишлаб чиқариш объектларини ишлатишда, портловчи моддалар билан ишланадиган бўлса, хавф мавжуд зарарли моддаларнинг эмиссияси, сизиб чиқиши билан боғлиқ ва ёнилғи-ҳаво аралашмасининг портлаш хавфи мавжуд бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ўрганилади.

Бундай бахтсиз ҳодисалар қуйидаги жиддий оқибатларга олиб келади:

-саноатнинг йўқ қилиниши, объектлар ва турар-жой бинолари, хавфли ишлаб чиқариш ташкилотлари, ходимлари ва аҳолига зарар етказилади;

-сезиларли қийматда моддий йўқотишлар кузатилади.

Бундан ташқари, портлашдаги зарба тўлқини натижасида биноларга портлаш кучидан зарар етказилади. Бундай зарба тўлқинлари кучли, ўрта ва заиф, тўлиқ ҳалокат характерига эга бўлади. Шу билан бирга, ёнилғи агрегатларида содир бўладиган портлаш оқибатларини олдини олиш учун ҳудудларнинг радиусларини ҳисоблаш зарур. Иншоотларда, биноларда, ускуналарни хавфсиз ҳудудда жойлаштириш, шунингдек, объектларнинг портлашдан ҳимоя қилиш чораларини танлаш ва ёниш-портлаш ҳавфидан, портлашнинг зарба тўлқини таъсиридан ходимларни, иншоотларни, ускуналарни муҳофаза қилиш режаларини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бинолар ва иншоотларнинг шикастланиш ҳудудларини ҳисоблаш қуйидаги иккита усулдан бирига мувофиқ амалга оширилиши керак:

1) шикастланиш ҳудудларининг радиусларини баҳолаш усули;

2) портловчи трансформация турини ҳисобга оладиган техника (портлаш, дефлаграция) ёнилғи тўпламининг ёниши пайтида, шу жумладан зарба параметрлари тўлқинлари ва ҳалокатли ҳудудларини олдиндан аниқлаш [3]. Бироқ, бино ва иншоотларни вайрон қилувчи ҳудудларни аниқлашда портлаш натижасида усулни танлаш билан боғлиқ қийинчиликлар мавжуд, булар ҳисоблаш усулида олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилигидир. Ҳар қандай қўлланган усулнинг асосий тасдиғи тасодифий бахтсиз ҳодисалар ва тажриба маълумотлари билан башорат қилинган натижалардир. Тасодифий портлаш оқибатларини тавсифловчи ҳақиқий қийматларни ҳисобланган маълумотлар билан қиёсий

таҳлил қилиш учун куйидаги компьютер дастуридаги формула билан аниқлаш ҳисоблашда қулайлик яратади [4]:

### TOXI + Risk ва PV-Safety

Бунда, TOXI – дастурлар ёрдамида ёқилғи агрегатларининг портлашини баҳолаш учун олинган ҳисоб-китоблар натижалари билан экспериментал портлаш маълумотлари; Risk ва PV – риск ва хавфсизлик дастурлари; Safety – хавфсизлик чора-тадбирлари.

Ҳисоблашда дастлабки маълумотлар ҳақиқий бахтсиз ҳодисалар маълумотларига ўхшаш тарзда ўрнатилади. Хавфли ишлаб чиқариш объектларида содир бўлган авариялар натижасида ёқилғи-ҳаво аралашмасининг портлаши оқибатларининг ҳақиқий қийматларининг қиёсий таҳлили, шунингдек, TOXI ёрдамида + Risk ва PV- хавфсизлик дастурлари амалга оширилади. Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, ушбу дастурий маҳсулотлар томонидан олинган бино ва иншоотларнинг шикастланиш ҳудудлари радиусларини баҳолаш натижалари сезиларли даражада юқори баҳоланган, деган хулосага келиш мумкин. Шу билан бирга, ҳақиқий ва экспериментал қийматлардан энг катта оғиш PV-хавфсизлик дастури ёрдамида аниқланади. Таъкидланишича, PV хавфсизлигида қўлланиладиган техника "тротил эквиваленти" моделига асосланади ва портловчи трансформация режимини, хавфли модданинг агрегат ҳолатини, атрофдаги ҳудуднинг хусусиятларини ва портловчи модданинг ҳолатини ҳисобга олмайди. TOXI+Riskда қўлланиладиган тасодифий портлашлар оқибатларини баҳолаш методологиясида бу камчиликлар мавжуд эмас. Бироқ, TOXI+Risk ёрдамида олинган бинолар ва иншоотларнинг шикастланиш ҳудудлари радиуси портлаш пайтидаги ҳақиқий радиусларнинг қийматларидан ўртача 18% га ошиши кузатилади, бу эса, хавфсизлик талабларининг кўпайишини билдиради.

Бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш ва хавфли ишлаб чиқариш объектларида портлаш оқибатларини ҳисоблаш ишлари тўлиқ ёритилмагани, бу соҳада илмий изланишлар камлиги келтирилган усулларда ҳам кўрсатиб ўтилган. Шундай қилиб, бахтсиз ҳодисаларни ҳисоблаш, таҳлил қилиш ва хавфли ишлаб чиқариш объектларида портлаш оқибатларини ҳисоблаш усуллари қўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

### Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 28 сентябрдаги ЎРҚ-57-сонли «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни.
- [2]. Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 291-сонли қарори.
- [3]. <https://daryo.uz/2022/01/24/ozbekistonda-2021-yilda-ishdagi-baxtsiz-hodisalar-oqibatida-238-nafar-xodim-halok-bolgan/>.
- [4]. Нуретдинова Д.Ф./ Анализ методов расчета последствий взрыва на опасных производственных объектах /Гостенова Е.А., Абдрахманова К.Н., Шутов Н.В./ Уфимский государственный нефтяной технический университет, г. Уфа, РФ. Сетевое издание «Нефтегазовое дело». 2018. №2 . 159-189 с. <http://ogbus.ru>.
- [5]. Нурмаматова Р.Р. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг хавфлилиқ омилларини камайтириш //Дис. т.ф.ф.д.(PhD). – Т.: – 2021. – Б.120.
- [6]. [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚУРИТИШДА БАРАБАНЛИ ҚУРИТГИЧЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Н.Ш. Абдуқодиров<sup>1</sup>, М.Т. Мансуров<sup>1</sup>, Р.Ж. Тожиев<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Наманган муҳандислик қурилиш институти,

<sup>2</sup>Фарғона политехника институти, [nurzodqodirov1991@gmail.com](mailto:nurzodqodirov1991@gmail.com)  
(Qabul qilindi 17.02.2022 y.)

*The article analyzes the construction of a drum dryer, a device for drying agricultural products, and proposes a new design.*

**Keywords:** *drum, heating agent, nozzle, granular material, drying speed.*

В статье анализируется конструкция барабанной сушилки, устройства для сушки сельскохозяйственной продукции и предлагается новая конструкция.

**Ключевые слова:** барабан, теплоноситель, насадка, сыпучий материал, скорость сушки.

Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритувчи қурилма барабанли қуриткич конструкцияси таҳлил қилиниб, янги конструкция таклиф этилди.

**Калит сўзлар:** барабан, иссиқлик агенти, насадка, донадор материал, қуритиш тезлиги.

Материал таркибидаги намликни турли усуллар билан йўқотилишига қуритиш дейилади. Қуритишнинг бир неча сублимацион, акустик, кондуктив (контактли), радиацион электр токи ёрдамида, адсорбцион-контактли қуритиш усуллари бор.

Бугунги кунда қуриткичларнинг кўплаб турлари мавжуд. Қишлоқ хўжалигида дон ва дон маҳсулотларини қуритишда асосан барабанли қуриткичдан кенг фойдаланилади. Барабанли қуриткичлар донадор ва дисперс материалларни қуритишга мўлжалланган бўлиб, намлик даражаси 0,5 % гача қуритиш имкониятига эга.

Барабанли қуриткичлар атмосфера босими билан узулуксиз равишда турли сочилувчи материалларни қуритиш учун ишлатилади. Барабанли қуриткич цилиндрсимон барабандан ташкил топган бўлиб, горизонтга нисбатан кичик оғиш бурчагида (1 : 15 - 1 : 50) жойлаштирилган бўлади. Барабан бандажлар ва роликлар ёрдамида ушлаб турилиб, электромотор ва редуктор ёрдамида айлантирилади. Барабаннинг айланишлар сони одатда 5...8 мин<sup>-1</sup> дан ортмайди. Нам материал таъминлагич орқали винтли қабул қилувчи насадкага берилади, бу ерда материал аралаштириш таъсирида бир оз қурийд. Сўнгра материал барабаннинг ички қисмига ўтади. Барабаннинг бутун узунлиги бўйича насадкалар жойлаштирилади. Насадкалар барабаннинг кесими бўйича материални бир меъёрда тарқатиш ва аралаштиришни таъминлайди. Бундай шароитда материал билан қуритувчи агентнинг ўзаро таъсири самарали бўлади.

Барабандаги буғланган намликнинг истеъмоли Вт, кг/соат

$$W = \frac{G_1(\omega_1 - \omega_2)}{(100 - \omega_2)} \quad (1)$$

$G_1$  – нам материал учун қуриткичнинг қуввати, кг/соат;


$\omega_1$  – материалнинг дастлабки намлиги, % оғирлик;

$\omega_2$  – материалнинг охириги намлиги, % оғирлик.

Барабан ичида материалнинг ўта қизиб кетиш даражасини камайтириш учун материал ва қуритувчи агент (тутунли газлар) бир-бирига нисбатан тўғри йўналишда бўлади, чунки бундай шароитда юқори температурали иссиқ газлар катта намликка эга бўлган материал билан контактлашади. Майда заррачаларнинг газлар билан кетиб қолишини камайтириш учун барабандан сўриб олинаётган газларнинг тезлигини вентилятор ёрдамида 2-3 м/с атрофида ушлаб турилади. Ишлатилган газлар атмосферага чиқарилишдан олдин майда чанглардан циклонда тозаланади. Қуритилган материал барабандан ташқарига, туширувчи қурилма орқали чиқарилади.

Қуритилаётган материал доналарининг ўлчамлари ва хоссаларига кўра аппаратларда ҳар хил насадкалардан фойдаланилади.

Барабаннинг ички қисмига насадкалар ўрнатилган бўлиб, улар нам материални бир текисда тарқатади ва уни иссиқлик агенти билан учрашишни таъминлайди. Насадка тури материал хоссаларига қараб танланади.




1-расм. Барабанли қуриткич конструктив схемаси. 1-барабан танаси, 2-таянч ролик, 4- қуритма электродвигател, 5- бандаж.


Йирик бўлакли ва ёпишиб қолишга мойил материалларни куриштириш учун кўтарувчи куракчали насадқаларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Майда, сочилувчан материалларни куриштириш жараёнида тақсимловчи насадқалар қўлланилади. Майин дисперс, кукунсимон, чангланувчи материаллар ағдарувчи насадқали курилмада куриштирилади.

Барабанли аппаратларни янада такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва иш унумдорлигига эришиш мақсадида қуйидаги конструкция таклиф қилинади.

Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, хом ашё ва иссиқлик агентини учрашиш (контакт) юзасини ошириш учун насадқаларнинг геометрик жойлашуви ва қандай бурчак остида ўрнатилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда барабанли куриштиригич ичидаги насадқалар бир тўғри чизикда ва айлана бўйлаб 18 қатор, насадқанинг кўтариш бурчаги  $\alpha=90^{\circ}$  қилиб жойлаштирилган. Бу кўрсаткичлар хом ашё ва иссиқлик агенти билан эркин ҳаракатланишига тўсқинлик қилади. Насадқанинг кўтариш бурчаги  $\alpha=90^{\circ}$  қилиб тайёрланганлиги, хом ашёни барабаннинг энг юқори нутасигача кўтариб боради ва барабан нагрузка билан айланади. Натижада энергия сарфи ошиб, иш унумдорлиги пасаяди.



2-расм. а) Насадқанинг янгича жойлашуви, б) Насадқанинг ҳозирги кундаги жойлашуви.



3-расм Сеткаларнинг кўриниши.

Энергия сарфини камайтириб иш унумдорлигини ошириш мақсадида насадқаларнинг геометрик жойлашувини змеевик қилиб 12 қатор ва кўтариш бурчагини  $\alpha=120^{\circ}$  қилиб жойлаштириш, барабан узунлиги бўйлаб сетка ўрнатиш керак. Барабан узунлиги бўйлаб диаметри  $d=1$  м ва қалинлиги 2 мм бўлган Ст40 дан тайёрланган сеткали барабан ўрнатилган бўлиб, барабан ва сеткали барабан диаметрлари марказлаштирилиб, барабан танасига бир

хил ораликда тўрт тарафдан маҳкамланади. Қуритиладиган хом ашё тўғридан-тўғри таъминлагич орқали сеткага туширилади. Қурилмага ўрнатилаётган сеткали барабан икки хил кўринишда тайёрланади. Ёз мавсуми (дон намлиги 10-15 % май-октябр ойлари) учун сетка тешиклари 5 мм, қиш мавсуми (дон намлиги 15-25 % ноябр-апрел ойлари) учун бошланғич тўрт метр қисми 10 мм, қолган қисми 5 мм қилиб тайёрланади. Сеткали барабан даврий таъмирлаш муддатида алмаштирилади. Ўрнатилган сетканинг афзаллиги шундаки, бир вақтнинг ўзида хом ашёни саралайди, қурилади ва куракчаларини (насадка) синишини, емирилишини олдини олади. Хом ашё ва иссиқлик агенти билан контакт юзаси ортади.

Таҳлиллар натижасига кўра ушбу таклиф асосида қуришиш барабанининг унумдорлик ва маҳсулотнинг самарадорлик даражасини орттиришга, бир вақтни ўзида бегона жинслардан ажратиш саралаш имконини беришга, маҳсулотни қуришиш вақтини камайтиришга ва энергия самарадорлигига эришилади.

### Адабиётлар

- [1]. Романков П.Г., Фролов В.Ф. Массообменные процессы химической технологии. Л.: Химия, 1990, 388 с.
- [2]. Фролов В.Ф. Моделирование сушки дисперсных материалов. Л.: Химия, 1987. 208 с.
- [3]. Сажин Б.С. Основы техники сушки. М.: Химия, 1984. 320 с.
- [4]. Иванов В.Е. Сушка дисперсных материалов в сушилке кипящего слоя непрерывного действия. Дисс ... канд. техн. наук. – Иваново, 2010, – 181 с.
- [5]. Тожиев Р.Ж., Садуллаев Х.М., Ахунбаев А.А. Миршарипов Р.Х. Аммоний нитратни гранулалаш жараёнининг асосий параметрларини тадқиқ қилиш // International scientific conference «Global science and innovations 2019: central asia» – Astana, Kazakhstan, 2019.
- [6]. Ахунбаев А.А. Миршарипов Р.Х. Абдуллаева М.А. Исследование гидродинамики роторной сушилки с быстровращающимся ротором // Научно-технический журнал ТАДИ, – Ташкент, 2018. – № 2. – с. 79-82.
- [7]. Тожиев Р.Ж., Ахунбаев А.А. Миршарипов Р.Х. Оптимизация конструкции сушильного барабана на основе системного анализа процесса //Universum: технические науки. – 2020. – №. 11-1 (80).

## SUT GIGIENASI

D.D. Abdusamatova

*Farg‘ona politexnika instituti  
(Qabul qilindi 18.04.2022 y.)*

*Maqolada, kichik fermalarda sigirlardan sog‘ib olinadigan sutni sog‘ishdagi barcha jarayonlarda gigiena talablariga rioya qilish yoritilgan bo‘lib, bunda sigirlarni oziqlantirishdan tortib, sog‘ilgan sutning tarkibiga ham alohida e‘tibor berilgan.*

**Kalit so‘zlar:** *sut, sutning sifati, sutning yog‘liligi, laktoza, sutni filtrlash, biosut.*

*В статье описаны гигиенические требования ко всем процессам доения в малых хозяйствах, от кормления коров до состава молока.*

**Ключевые слова:** *молоко, качество молока, жирное молоко, лактоза, фильтрация молока, биомолоко.*

*The article describes the hygienic requirements for all milking processes in small farms, from cow feeding to milk composition.*

**Keywords:** *milk, milk quality, fat milk, lactose, milk filtration, biomilk.*

Ekologik toza sut olish fermer xo‘jaliklari va shaxsiy xo‘jaliklar xomashyo va mahsulotlar ishlab chiqarishning ekologik toza texnologiyalariga o‘tish uchun eng istiqbolli hisoblanadi. Bunday boshqaruv usullari G‘arbiy Yevropa, Amerika, Avstraliya va Yangi Zelandiyada keng tarqalgan. Kichik fermer xo‘jaliklarida olingan biologik toza sut (biomilk) to‘g‘ridan-to‘g‘ri fermer xo‘jaliklarida qayta ishlanadi yoki ixtisoslashtirilgan transportda yirik sut zavodlariga yetkazib beriladi va u yerda sut alohida qayta ishlanadi. Biosutdan tayyorlangan maxsulotlar maxsus usulda qadoqlanib yorliq yopishtiriladi va qimmatroq narxlarda sotiladi.

Ekologik toza sut olish va undan sut maxsulotlari ishlab chiqarish muammosi mamlakatimizda ham dolzarbdir. Bu muammoni fermer xo'jaliklari va mini-sut zavodlari (sut zavodlari) hamkorlikda hal qilishi maqsadga muvofiqdir. Kichik fermer xo'jaligi (10-15 sog'in sigir) ekologik toza dehqonchilikni osonlik bilan ta'minlashi, biosut olish va uni ekologik toza sut mahsulotlariga aylantirishi mumkin. Biroq buning uchun samarali iqtisodiy rag'batlantirish va fermerlarga davlat tomonidan katta moliyaviy yordam ko'rsatish, shuningdek, fermerlarni tegishli texnika, inventar, jihozlar, kadrlar bilan ta'minlash (maxsus o'qitish) zarur.

Bugungi kunda mamlakatimizda olib borilayotgan odilona siyosat tufayli kooperatsiya usulida go'sht va sut mahsulotlarini yetishtiruvchilarga kompensatsiya beriladi. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Chorvachilikni yanada rivojlantirish va chorva ozuqa bazasini mustahkamlash chora-tadbirlari to'g'risida"<sup>3</sup> 2022 yil 8 fevraldagi PQ-121-sonli qaroriga muvofiq, kooperatsiya usulida go'sht va sut yetishtirish va qayta ishlashni yo'lga qo'ygan xo'jalik yurituvchi subyektlarga kredit imtiyozli davr bilan ajratiladi. Bundan tashqari, 2022-yil 1-yanvardan 2023-yil 31-dekabrgacha, QQS to'lovchisi bo'lgan chorvachilik xo'jaliklariga – o'z xo'jaliklarida va aholi xonadonlari bilan birgalikda kooperatsiya usulida yetishtirilib, sut uchun realizatsiya qilingan subsidiya miqdori sutning har bir litri uchun 200 so'mdan 400 so'mga oshiriladi.

Davlatimiz tomonidan berilayotgan imtiyozlar, o'z xo'jaliklari va aholi xonadonlarida chorvachilik shug'ullanayotganlarni rag'batlantiradi va rivojlantiradi. Albatta imtiyozlardan to'g'ri va maqsadli foydalanish, aholiga sifatli sut va sut maxsulotlarini etkazib berish orqali ular salomatligini ta'minlashga xizmat qiladi. Sifatli sut va sut maxsulotlarini tayyorlash esa, sutni sog'ib olishdan uni maxsulot xolida bozor rastalariga etib borguncha bo'lgan jarayonlarni o'z ichiga oladi. Bu jarayonlarning barcha qat'iy sanitar-gigiena qoidalari asosida amalga oshiriladi.

Sifati buzilgan sutni maxsus ishlov berish yoki qayta ishlash bilan sut sifatini qayta tiklab bo'lmaydi. Binobarin, har bir dehqon-fermerning maqsadi ishlab chiqarish rentabelligini hisobga olgan holda hayvonlardan maksimal miqdorda sog'lom, toza, yog'li sut olishdir.

Sog'ish shunday bo'lishi kerakki, sigirlarni to'liq sog'ish, maksimal miqdorda toza sut olish hayvonning sog'lig'iga hech qanday ta'sir qilmasin. Bunda sutning sifatini qayta ishlashgacha saqlab qolish juda muhimdir.

Sigirlarni kuniga kamida 2 marta, "katta sut" davrida esa dam olishlarsiz 3-4 marta sog'ish kerak. Sigir "sutni qo'yib yuborayotganda" yelinni bo'shatishga vaqt topish uchun sigirlarni tez sog'ish kerak. Bir sutkada bir sigirning sog'ish sonining ko'payishi bilan sutning umumiy sut mahsuldorligi va sutning yog'liligi yelinning tez-tez qo'zg'alishi tufayli ortadi. Biroq, sog'ish sonining ko'pligi bilan mehnat xarajatlari ham oshadi. Shuning uchun ular ikki yoki uchta sog'ish bilan cheklanadi. Yosh sigirlarni sog'ishda to'rt marta sog'ishdan foydalanish kerak. Sog'ishlar orasidagi davr qancha qisqa bo'lsa, sut shunchalik yog'li bo'ladi. Yog'ning eng ko'p miqdori sutni oxirgi porsiyasida bo'ladi.

Yelinning to'liq bo'shatilmasligi sigirning sutini ushlab turishiga va kelajakda uning mahsuldorligini pasayishiga olib keladi. Bundan tashqari, sut vaqti-vaqti bilan tobora ko'proq suvli va sho'r bo'lib, yog', oqsil va laktoza miqdori kamayadi. Shunday qilib, sutni kam sog'ishning salbiy oqibatlari juda yuqori. Shuning uchun eng jiddiy e'tiborni yelindan barcha sutni to'liqlik sog'ishga qaratish kerak.

Tugallanmagan sog'ish mastitga - yelinning yallig'lanishiga olib kelishi mumkin. Sog'ish sigir uchun og'riqsiz va yoqimli bo'lishi kerak, keyin u sutni saqlamaydi. Bitta odam sog'ishi, hayvonga mehr bilan munosabatda bo'lishi kerak. Fermada sog'ishdan oldin va sog'ish jarayonida hayvonlar uchun tinch, do'stona, tanish muhit bo'lishi kerak.

Yuqumli kasalliklarni sut orqali yuqtirmaslik uchun sog'uvchi mutlaqo sog'lom bo'lishi kerak. Kiyim toza va pokiza bo'lishi kerak. Qo'llar toza yuviladi va dezinfektsiya qilinadi. Sog'ishdan oldin sigirni yon va qorinni tozalash, yelini antiseptik qo'shilgan iliq (40-45 °C) suv bilan yuvish va toza sochiq yoki toza quruq mato bilan artib quritish kerak.

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/-5851475>



Havoning ifloslanishiga yo‘l qo‘ymaslik uchun sigirlarning to‘shamasini almashtirish yoki quruq ovqatni tarqatish tavsiya etilmaydi. Buni sog‘ishdan kamida bir soat oldin yoki keyin qilish yaxshidir. Sut bilan aloqa qiladigan sog‘ish mashinasi, chelak, krujkalar va boshqa jihozlar yaxshilab yuvilishi va dezinfektsiya qilinishi yoki termik ishlov berish orqali zararsizlantirilishi kerak. Yetarli darajada toza bo‘lmagan inventar sutning ifloslanishi va tez buzilishining eng keng tarqalgan sabablaridan biridir.

Sog‘ishdan oldin yelinni massaj qilish kerak, agar kerak bo‘lsa, yelin uchlarini vazelin yoki moy bilan yog‘lang. Ko‘p miqdordagi bakteriyalarni o‘z ichiga olgan sutning birinchi oqimlarini alohida krujkaga, yaxshisi yupqa ipak suzgich orqali sog‘ish kerak, bu sog‘uvchiga yelinning har choragida mastit borligini tekshirishga imkon beradi. Bu sut alohida idishga quyiladi va hayvonlarning ozuqasi uchun ishlatiladi (ba‘zan qaynatilgandan keyin).

Mushtlab sog‘ish eng yaxshisi hisoblanadi, chunki yelin uchlarini barmoqlaringiz bilan chimchilab sog‘ishga qaraganda kamroq shikastlanadi. Yelin uchlarini “krest” (diagonal) yoki ikkita old, ikkita orqa sog‘ish yaxshidir, lekin bu tarzda sog‘ish qiyinroq. Sog‘ishning davomiyligi 7-8 daqiqa bo‘lib, undan so‘ng yelinni massaj qilish va sutning oxirgi qismlarini yelinning barcha qismlari to‘liq quritilguncha ehtiyotkorlik bilan sog‘ish kerak. Sog‘ishdan keyin yelinni quruq artib, kerak bo‘lganda vazelin yoki malham bilan yog‘lang.

Kamida 12 bosh sog‘in sigiri bo‘lgan xo‘jaliklarda sog‘ish apparatlaridan foydalanish tejamkor hisoblanadi. Sigirlar maxsus tanlab olinishi va mashina sog‘ish uchun tayyorlanishi kerak.

Sutning gigienik sifatining asosiy ko‘rsatkichlaridan biri uning bakterial tozaligidir. Mikroorganizmlar sutga yelindan (so‘rg‘ich kanallarida joylashgan), sigir terisidan, yelin po‘stlog‘idan, ozuqa, to‘shama, go‘ng, idish-tovoq va jihozlardan, sog‘uvchining qo‘lidan, suv va atrof-muhit havosidan kiradi. Hayvonlarni ehtiyotsiz parvarish qilish bilan mikroorganizmlar soni 1 ml sutda mingdan bir necha million hujayragacha ko‘payishi mumkin (1-jadval).

Sigirlar, ayniqsa qo‘lda sog‘ilganda sutga yem zarralari, jun, tuproq bo‘laklari, go‘ng, chang va boshqalar tushadi. Bu mexanik zarralar filtrlash va sentrifugalash orqali sutdan imkon qadar tez va to‘liq olib tashlanishi kerak.

1-jadval.

Sutdagi mikroorganizmlarning tarkibi

Hayvonlarning holati va parvarishi	1 ml sutdagi mikroob hujayralari soni, ming dona.
1. Hayvonlarga ehtiyotsizlik bilan qarash (go‘ng bilan ifloslangan sigir terisi)	300 — 900
2. Molxonada go‘ngni yomon tozalaganda	300 — 500
3. Molxonani muntazam tozalaganda	50 — 70
4. Yelinni yuvmasdan sog‘ganda	50 — 200
5. Yelinni toza suv bilan yuvib sog‘ganda	2 — 3
6. Hayvonlarni yaxshi parvarish qilish va muntazam ravishda joyini tozalaganda	1—2
7. Oyog‘iga quyruq (dum) bog‘lab sog‘ganda	1—1,5

Sutni mato orqali filtrlash (suzish), sutni qattiq mexanik zarralardan tozalaydi. Sut maxsus filtrlar orqali filtrlanadi. Filtrlovchi material paxta filtrlari, zich mato, mato yoki lavsan filtrlri mato, uch yoki to‘rt qatlamga o‘ralgan doka bo‘lishi mumkin. Filtrlarni iloji boricha tez-tez almashtirish kerak, ayniqsa filtr ko‘rinadigan darajada ifloslangan bo‘lsa. Sutni iflos filtr bilan filtrlash mumkin emas, chunki tuproq zarralari va boshqa ifloslantiruvchi moddalar sut bilan yuviladi va filtr teshiklaridan o‘tib ketadi.

Paxta filtrlari yo‘q qilinadi. Doka, mato issiq gidroksidli eritmada yuviladi, qaynatiladi va quritiladi. Uni to‘g‘ridan-to‘g‘ri quyosh nuri ostida quritgan ma‘qul.

Sog'ishdan keyin sutni filtrlash ko'pincha mikroblarni butunlay yo'q qilmasligi sababli, filtrdan loy zarralari bilan sut mikroblari o'tad. Shu bilan mikroblar urug'lanadi, bu ularning hujayralarining ko'payishiga olib keladi. Shunday qilib, ifloslangan filtr infektsiya manbasiga aylanishi mumkin, ayniqsa filtr kamdan-kam o'zgartirilsa yoki yomon dezinfektsiya qilinsa. Sutni filtr matosini tez-tez o'zgartirish orqali filtrlash kerak.

Xulosalar:

1. Sigir sog'uvchi sog'lom bo'lish bilan birgalikda pokizalikka katta e'tibor berishi shart.
2. Sog'iladigan sigir sog'lom bo'lishi, sifatli ozuqa ya'ni, yem-hashak bilan boqilishi lozim.
